

65.5  
7-78

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА ЛОГИСТИК МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ



ТОШКЕНТ

65.5  
Э-78

совто

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ  
ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ  
ИНСТИТУТИ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР  
ВА ЛОГИСТИК МАРКАЗЛАР  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2019

TERMIZ DAVLAT MUHANDISLIK VA AGROTEKNOLOGIYALAR UNIVERSITETI AXBOROT-RESURS MARKAZI
INV. № <u>328</u>
" <u>14</u> " <u>01</u> 20 <u>18</u> yil

совто

УДК: 550.0.01

ББК 65.5

Э 78

Э 78      **Эркин иқтисодий зоналар ва логистик марказлар фаолиятини ташкил этишнинг илғор тажрибалари.** –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 260 бет.

ISBN 978–9943–5960–0–9

Монографияда эркин иқтисодий зоналар ва логистик марказларнинг хорижий тажрибаларини таҳлили асосида, ушбу зоналар ва логистик марказларни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари баён этилган. Монография логистика бўйича мутахассислар, педагоглар ва талабаларга мўлжалланган.

Ушбу тадқиқот №ОТ-Атех-2018-352-сонли “Худудтранспорт тармоғини оптимал ривожлантириш ва истиқболдаги юк оқимларини самарали ўзлаштиришда логистик тамойилларни кенг қўллаш” мавзусида амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

УДК: 550.0.01

ББК 65.5

*Муаллифлар:*

**Ғ. Саматов, М.Атажанов, А.Кўзиев, И.Рахимбердиев**

*Тақризчилар:*

**Н.Н.Ибрагимов** – Тошкент темир йўл муҳандислари институти “Транспорт логистикаси ва сервис” кафедраси профессори, техника фанлари доктори;

**Д.Х.Хамраев** – ФИАТА Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюшмаси бош директори.

*Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий Кенгашининг 2019 йил 25 сентябрдаги 2-сон қарорига асосан чоп этилди.*

ISBN 978–9943–5960–0–9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2019.

## КИРИШ

Дунёда эркин иқтисодий зоналарга (ЭИЗ) давлат сиёсатининг депрессив ҳудудни тенг даражада реанимациялаш ва минтақавий ўсиш нуқталарига қўшимча импульс беришга қодир бўлган фаол воқита сифатида қаралади. Бугунги кунда дунёда 400 та атрофида савдо, 400 дан ортиқ технопарклар ва тахминан 300 саноат ишлаб чиқариш ҳамда 100 дан ортиқ сервис зоналари мавжуд.

Мамлакатимизда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг омили сифатида эркин иқтисодий зоналарлар (ЭИЗ) фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли Фармони мазкур йўналишдаги энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди [1]. Фармоннинг аҳамиятли томони шундаки, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари билан ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳамда Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳудудларида ташкил этилган «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг номлари бирхиллаштирилиб, эндиликда, улар «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари деб аталадиган бўлди. Шу билан бирга, хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида, эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режим белгиланиб солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялари бирхиллаштирилди. Унга мувофиқ, «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналарининг иштирокчилари:

➤ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим

мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларини тўлашдан;

➤ ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом-ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Янги жорий этилган солиқ ва божхона имтиёзларини ушбу ҳудудлар учун илгари берилган имтиёзлар билан таққослаб кўрилганда, «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари қатнашчиларига кўшимча равишда ер солиғини ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловни тўлашдан озод этилганлигини кўришимиз мумкин.

Фармонга мувофиқ белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиш шартларини илгариги имтиёзларни қўллаш шартлари билан таққослаб кўрилганда, эндиликда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига солиқ имтиёзларидан фойдаланишда бир қатор қулайликлар яратилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси қатнашчиларига киритиладиган инвестициянинг миқдори 3 миллион евродан бошланиб, 10 миллион еврогача бўлганда, имтиёздан фойдаланиш муддати 7 йил қилиб белгиланган эди. Бу эса жуда катта миқдор бўлиб, инвесторларни «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун бирмунча қийинчилик туғдириб келаётган эди.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ, хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш, Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари (резидентлари) томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун

ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Фармонга мувофиқ «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг Маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши ташкил этилди ва қуйидагилар Маъмурий кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш;

- корхона ва ташкилотларга – эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган хўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустақкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;

- эркин иқтисодий зоналарда лойиҳаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ҳамда шартнома ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларга оид ишларини мувофиқлаштириш;

- эркин иқтисодий зоналарда объектлар қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга доир тасдиқланган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини тизимли асосда назорат қилиш;

- эркин иқтисодий зоналарда транспорт, муҳандислик-коммуникатсия ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

- эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони билан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида – «Ургут», Бухоро вилоятининг

Ғиждувон туманида – «Ғиждувон», Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида – «Кўқон», Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида – «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди [2].

Мазкур Фармон билан:

- ташқи бозорларда талаб бти бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, поябзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- маҳаллий хом-ашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш ушбу эркин иқтисодий зоналарининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди.

Фармонга мувофиқ, «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарининг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик уни узайтириш имконияти билан 30 йилга белгиланиб, ушбу давр мобайнида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режими амал қилади. Асосийси, ушбу эркин иқтисодий зоналарининг фаолият кўрсатиш муддатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар

фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» ПФ-4853-сонли Фармонида қайд этилган солиқ ва божхона имтиёзлари амал қилади[1].

Шуни айтиш мумкинки, республикамизда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзларни қўллашдаги қулайликлар ҳамда марказлашган бошқарув тизимининг ташкил этилиши хорижий инвесторларни мамлакатимизга инвестиция киритиш имкониятларини янада оширади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизга юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларимизда ракобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстириш, замонавий муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратади.

Тадқиқотнинг объекти сифатида – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти эркин иқтисодий зоналар ва логистик марказлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади – Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ларни ташкил қилиш, логистик марказлар билан алоқаларини мустахкамлаш ва давлат томонидан тартибга солиш жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида ЭИЗларнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мазкур мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

ЭИЗларнинг моҳиятини, уларни ташкил этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш;

ЭИЗларни ривожлантиришда инвестицион муҳитнинг роли ва хусусиятларини аниқлаш;

ЭИЗларда яратилган инвестицион муҳит жозибадорлигидан фойдаланиб транспорт-логистикасини ривожлантириш;

Ўзбекистонда ЭИЗларда инвестиция фаолиятини ташкил қилиш имкониятларини таҳлил қилиш.

## I БОБ. ЭИЗ ЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқаро конвенциянинг ҳужжатларига мувофиқ эркин зона (ёки “франко зона”) деганда мамлакат ҳудудининг унда товарларга миллий божхона ҳудудининг чегараларидан ташқарида жойлашган объектлар (“божхона эксхудудийлиги”) сифатида қараладиган қисми тушунилади, шу сабабли бу объектлар божхона назорати ва солиққа тортилмайди. Бошқача қилиб айтганда, эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) – бу мамлакат ҳудудининг махсус режим амал қиладиган қисмидир[3]. Бу режимни қуйидаги масалаларни қамраб оладиган махсус қонунчилик тартибга солади: божхона тартибга солиши; солиққа тортиш; лицензиялаш; визаларни расмийлаштириш; банк фаолияти; мулк ва гаров муносабатлари (жумладан, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига алоқадор бўлган); концессияларни тақдим қилиш; эркин зонани бошқариш. ЭИЗ да меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий қонунчилик ҳужжатлари ҳам маълум бир спецификага эга бўлиши мумкин.

Дунёда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг турли-туманлигига қарамасдан, ҳамма учун умумий бўлган баъзи бир мэъзонларни ажратиш мумкин. Биринчидан, бу ЭИЗ яратиладиган ҳудуднинг маҳаллийлигидир. Иккинчидан, мазкур ҳудудда бутун мамлакатда амал қиладиган хўжалик юритиш ва қонунчилик шароитларига қараганда кўпроқ имтиёзли ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий режимнинг амал қилишидир. Бир қатор ҳолларда ЭИЗ маъмуриятига иқтисодий масалаларнинг кенг спектри бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи тақдим қилинади. Шу билан бир қаторда ЭИЗ субъектларининг фаолияти ҳукуматнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва давлат кафолатларига таянади. Учинчидан, ЭИЗ да тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятининг маълум бир ихтисослашувининг бўлиши.

Саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗ ларнинг яратилиш тажрибаси тубдан фарқ қилади. Ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗ лар бажаришига қаратилган бош функциялар саноатлаштиришнинг янада юқорироқ даражасига эришиш, мамлакатни халқаро савдога киритиш ёки халқаро савдода унинг родини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда жалб қилинадиган маблағларнинг асосий ёки ҳатто бирдан-бир манбаси хорижий инвестициялар ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда ЭИЗ ларни яратишдан асосан минтақавий сиёсатнинг инструменти сифатида

фойдаланилади, яъни ЭИЗ лар айнан иқтисодий, шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш зарур бўладиган минтақаларда яратилади. Бунда ЭИЗ ни яратиш учун ҳудудни танлашда мэъзон сифатида ишсизлик даражаси ва аҳолининг пул даромадлари даражасидан фойдаланилади. Уларга махсус иқтисодий ривожланиш шароитлари тақдим қилинадиган минтақалар сони ҳар доим чекланган бўлади. Шу боис саноати ривожланган мамлакатларда ЭИЗ ларнинг ривожланишининг характерли чизгиси алоҳида ҳудудларга иқтисодий ривожланишга туртки беришдан иборат бўлиб, уларни асосий ҳаракатлантирувчи куч хорижий инвестициялар эмас, балки миллий хусусий капитал, давлат дотациялари ва кредитлари ҳисобланади.

ЭИЗ ларнинг ташкилий-функционал тузилиши етарлича хилма-хил. Баъзан у ёки бу ЭИЗ нинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш етарлича қийин бўлади, чунки уларнинг ҳар бири кўпгина зоналарнинг чизгиларига эга бўлади. Назарий адабиётларда эркин иқтисодий зоналарнинг 30 тагача турли-туман тоифалари (категориялари) ажратилади, бироқ уларни 5 та асосий турларга келтириш мумкин (1-жадвал).

ЭИЗ ни ташкил қилишда иккита турли концептуал ёндашувдан фойдаланилади: ҳудудий ва функционал (нуқтали). Биринчи ҳолатда зонага бу ерда барча корхона-резидентлар хўжалик юриштининг имтиёзли режимдан фойдаланадиган махсус ажратилган ҳудуд сифатида қаралади. Иккинчи ёндашувга кўра, зона – бу тегишли фирманинг мамлакатда жойлашган жойидан қатъий назар, тадбир-корлик фаолиятининг маълум бир турига нисбатан қўлланиладиган имтиёзли режимдир.

Биринчи ёндашувни амалга оширишга Хитойдаги ЭИЗ лар, “Манаус” зонаси (Бразилия), ривожланаётган мамлакатлардаги кўпгина экспортга ишлаб чиқариш зоналари мисол бўла олади. Иккинчи ёндашувнинг натижаси алоҳида корхоналар билан тақдим қилинадиган нуқтали зоналар (офшор фирмалар, “дьюти-фри” дўконлари) ҳисобланади.

Мамлакатимизда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг омили сифатида

эркин иқтисодий зоналарлар (ЭИЗ) фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу китоб 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши 3.2-бандида айнан “Эркин иқтисодий зоналар” фаолиятини ривожлантириш бўйича аниқ баён этилган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда транспорт тизими ва логистик марказлар фаолияти самарадорлигини тубдан оширишни таъминлаш мақсадларини ўз ичига олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони билан ҳудудларда эркин иқтисодий зоналари ташкил этилганлиги ушбу махсус ҳудудларнинг транспорт таъминоти ва логистика масалаларини ташкил этиш заруратини вужудга келтирди.

1.1-жадвал.

**ЭИЗ ларнинг ҳўжалик ихтисослашувига мувофиқ таснифи**

Савдо	Саноат-ишлаб чиқариш	Техник-жорий қилиш	Сервис	Мажмуавий
1.Эркин божхона 2.Бонд омборлари 3.Эркин портлар 4.Савдо-ишлаб чиқариш	1.Импортнинг ўрнини босувчи 2.Экспортга ишлаб чиқариш 3.Саноат парклари 4.Илмий-саноат парклари 5.Экспортга ишлаб чиқариш-импортнинг ўрнини босиш	1.Технополислар 2.Технопарклар 3.Инновация марказлари	1.Офшор 2.Банк хизматлари ва суғурта хизматлари 3.Сайёҳлик хизматлари	1.Эркин тадбиркорлик зоналари 2.Махсус иқтисодий зоналар 3.Махсус режимли ҳудудлар

## 1.1. Савдо зоналари

ЭИЗ нинг энг оддий шаклларида бири эркин (божсиз) божхона зоналаридир (ЭБЗ). Бу зоналар биринчи авлод зоналарига киради. Улар XVII–XVIII асрлардан буён амал қилади. Бу зоналар ўзида экспорт қилишга мўлжалланган товарларни сақлаш, ўраш ва унчалик катта бўлмаган ишлов бериш учун мўлжалланган транзит ёки консигнацион омборларни тақдим қилади. Бундай зоналар кўпинча эркин божхона ҳудудлари деб аталади. Уларда одатда ушбу мамлакат учун норезидент бўлган корхона-импортерлар ўзларининг филиалларини очади. ЭБЗ лар товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга божхона божлари тўлашдан озод қилинади. Улар кўпгина мамлакатларда мавжуд, бироқ саноати ривожланган мамлакатларда кўпроқ кенг тарқалган.

Эркин савдо зоналари (ЭСЗ) ҳам дунёда кенг тарқалган. “Эркин савдо зонаси” атамасидан 1800-йиллардан буён фойдаланилади. Баъзан уларни яна “эркин зоналар” ва “эркин портлар зоналари” деб ҳам атаганлар. Аввал-бошда улар фақатгина савдо билан боғланган, бугунги кунда эса уларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш фаолияти – асосан уларни реэкспорт қилиш мақсадида импорт товарларга ишлов бериш амалга оширилмоқда. ЭСЗ лар “маълум бир географик чегараларда мавжуд бўлиб ва мамлакатнинг божхона ҳудудидан ташқарида ҳисобланади”. Уларнинг доирасидаги имтиёзлар ва рағбатлар тизими экспортга ишлаб чиқариш зоналаридаги (ЭИЧЗ) билан ўхшаш. Уларнинг асосий фарқи шундан иборатки, ЭСЗ ларга одатда даромадларга солиқлар борасида солиқ каникуллари тақдим қилинмайди, улар солиқларнинг пасайтирилган ставкалари билан алмаштирилган. ЭСЗ лар Лотин Америкасида оммавийлашган. Бу зоналарнинг иккита институционал таърифлари мавжуд, уларнинг ҳар иккаласи ҳам Жаҳон Банки томонидан ишлаб чиқилган:

«Эркин зона, ёки эркин савдо зонаси – бу портда ёки аэропортда ёки уларнинг атрофида ажратилган ёки бошқа ҳар қандай тарзда изоляцияланган жой бўлиб, бу ерда божхона йиғимлари ундирилмайди. Бундай зонага ушбу мамлакатда тарифларни тартибга солишдан ташқарида бўлган зона сифатида қаралади». Шунини қайд қилиш лозимки, бундай таъриф ЭСЗ га “ажратилган” ЭИЧЗ сифатида (анклав ёки саноат парки сифатида мавжуд бўладиган) қараш имконини беради.

«ЭИЧЗ эркин савдо режими ва бошқа тенг экспорт параметрларига эга бўлган зонадир, у қуйидагиларни ўз ичига олади: реал валюта курси; хомашё, ярим фабрикатлар ва асосий фондларга жаҳон нархлари бўйича эркин эришиш; савдо операцияларини бозор кредит ставкалари бўйича қисқа муддатли молиялаштиришга соддалаштирилган эришиш; экспорт ишлаб чиқариши соҳасида қувватларни яратиш учун инвестицияларни лицензиялаш ва молиялаштиришга соддалаштирилган эришиш».

Энг оддий ЭСЗ қаторига йирик халқаро аэропортлардаги «дьюти фри» махсус дўконларини киритиш мумкин. Режим нуқтаи-назаридан уларга давлат чегараларидан ташқарида жойлашган объект сифатида қаралади. ЭСЗ ларга шунингдек, имтиёзли савдо режимига эга бўлган анъанавий эркин гаваньлар (портлар) ҳам киради.

## 1.2. Саноат-ишлаб чиқариш зоналари

Саноат-ишлаб чиқариш зоналари иккинчи авлод зоналарига киради. Улар савдо зоналарининг эволюцияси натижасида - уларга фақатгина товар эмас, капитални олиб кириш, фақатгина савдо-сотик билан эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғуллана бошлаш натижасида вужудга келган.

Саноат-ишлаб чиқариш зоналари махсус божхона режимига эга бўлган, бу ерда экспорт қилинадиган ёки импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариладиган ҳудудларда яратилади. Бу зоналар каттагина солиқ имтиёзлари ва молиявий имтиёзлардан фойдаланади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда экспортга ишлаб чиқариш зоналари (ЭИЧЗ) энг кенг тарқалишга эга. Бундай зоналарнинг замонавий модели ўзининг ибтидосини 1959 йилда Ирландиядаги «Шеннон» аэропортида яратилган зонал тузилмадан олади. Бундай зоналардан энг катта самара янги саноатлашган мамлакатларда (асосан Осиё мамлакатларида) олинган.

ЭИЧЗ нинг ҳосил бўлиш мантиғи ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий стратегияси билан олдиндан белгиланган, бунда 1960-йилларнинг ўрталаридан бошлаб саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капиталнинг кириб келиши ҳисобига бандликни ошириш зарурати вужудга келган.

Экспортга ишлаб чиқариш зоналари ўзида маъмурий жиҳатдан ривожланган инфратузилма ва қулай инвестицион, ишлаб чиқариш ва савдо-сотик шароитларига эга бўлган ноёб жойларни тақдим

қилади. Уларнинг пайдо бўлиши саноатнинг экспортга йўналтирилган (берилган мамлакат ёки худудни иқтисодий ривожлантириш стратегияси билан) ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга эга бўлган (берилган мамлакатга инвестиция киритиш стратегияси билан) тармоқларининг яратилиши билан боғланади. Шунини қайд қилиш лозимки, мамлакатлар бундай зоналарни импортнинг ўрнини босувчи саноатлаштириш жараёнида яратиши мумкин. Бундай зоналар шунингдек, ривожланаётган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда саноат ривожланишининг эртачи ёки яқунловчи босқичида ҳам вужудга келиши мумкин. Кўпроқ узун тарихга эга бўлган янги саноатлашган мамлакатлар (масалан, Доминикан Республикаси каби) ЭИЧЗ ларни ривожланиши олдинроқ бошланган, қисқароқ ривожланиш тарихига эга бўлган мамлакатлар эса (масалан, Гондурас) бундай зоналарни кейинроқ яратган. Биринчи гуруҳнинг бир қанча мамлакатларида “меҳнатгалаб йиғишдан” “юқори технологияли маблағталаб маҳсулотга” ўтиш кузатилган.

Бундай зоналарнинг функциялари хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва миллий саноатнинг ишлов бериш потенциалини ривожлантиришдан иборат бўлади деб тахмин қилинган.

ЭИЧЗ лар маконда сегрегацияланиш (масалан, ажратилган саноат анклавлари), берилган мамлакатнинг ички бозорига кириш имконияти ва мулкчилик/бошқариш шакли (давлат ёки хусусий) нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. ЭИЧЗ лардан Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фаол тарзда фойдаланилади. Халқаро амалиётда қуйидаги таърифлардан фойдаланилади.

«ЭИЧЗ ларга ҳукумат томонидан ажратилган барча жойлар – эркин портлар, эркин савдо зоналари, эркин божхона зоналари, эркин саноат зоналари, хорижий савдо-сотик зоналари ёки зоналарнинг бошқа турлари қиради».

«ЭИЧЗ ўзида мамлакатнинг ичида географик ўлчамлари бўйича унчалик катта бўлмаган ажратилган жойни тақдим қилади, унинг фаолият мақсади уларга инвестициялар ва савдо соҳасида мамлакатнинг қолган худудига нисбатан махсус қулай шароитларни тақлиф қилиш йўли билан экспортга йўналтирилган тармоқларни жалб қилишдан иборат. Хусусан, ЭИЧЗ экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган товарларни божсиз омбор режими асосида олиб киришни таъминлайди»[4].

«ЭИЧЗ ўзида саноат ҳудудининг миллий божхона ҳудудида анклавлар ҳосил қиладиган участкаларини тақдим қилади. Улар одатда халқаро порт ёки аэропортга яқин жойда жойлашади. Одатда ЭИЧЗ да ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси экспорт қилинади, экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган хомашё, ярим фабрикатлар, асбоб-ускуналар ва машиналарни олиб кириш эса божхона божларини ундиришга тортилмайди».

«ЭИЧЗ ўзида саноат ҳудудининг мамлакатнинг божхона ва савдо режимлари доирасида эркин савдо анклавини шакллантирадиган аниқ белгиланган чегараларга эга бўлган участкасини тақдим қилади. Уларда экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган хорижий ишлаб чиқариш компаниялари солиқ ва молиявий имтиёзларнинг борлигидан фойда кўради».

«Экспортга ишлаб чиқариш зонаси ўзида саноат зонасининг экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган участкасини (одатда 10 дан 300 гектаргача майдонга эга бўлган ажратилган жойни) тақдим қилади. Унда компанияларга эркин савдо шароитлари ва либерал тартибга солувчи муҳит тақдим қилинади».

«ЭИЧЗ – хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ўрнатиладиган махсус имтиёзларга эга бўлган саноат зонаси бўлиб, бу ерда импорт қилинадиган материаллар уларни кейинчалик рээкспорт қилишдан олдин қандайдир бир даражада ишлов беришни бошдан кечиради».

Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТ нинг трансмиллий корпорациялар бўйича маркази ва Жаҳон Банки томонидан фойдаланиладиган таърифлар тор деб ҳисобланади, чунки улар саноат паркларига боғланмаган ЭИЧЗ ларни (масалан, алоҳида олинган завод ёки иқтисодий зона доирасида мавжуд бўладиган ЭИЧЗ лар), шунингдек, уларда компанияларга ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни мазкур зона жойлашган мамлакатнинг ички бозорида сотишга руҳсат бериладиган ЭИЧЗ лар (масалан, бу Доминикан Республикаси, Мексика ва Бразилияда кузатилади) эътиборга олинмайди.

ЭИЧЗ ларнинг қўйида келтириладиган қолган танланма таърифлари академик манбалардан, асосан университет дарсликлари ва тадқиқотлардан олинган.

«Мамлакатнинг ичида саноатнинг экспортга йўналтирилган тармоқларини жалб қилиш учун яратилган унчалик катта бўлмаган географик ажратилган жойлар иқтисодий саноат зоналари (ИСЗ)лар ўзларида асосан импорт материаллар ва таркибий қисмлардан маҳсулотларни йиғиш учун мўлжалланган экспорт анклавларини тақдим қилади».

Бу «бу мамлакатнинг ичида аниқ белгиланган чегараларга эга бўлган ёпиқ ва қўриқланадиган район бўлиб, бу ерда саноат ишлаб чиқаришининг экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган участкаси жойлашади».

«ЭИЧЗ лар ... – берилган мамлакатнинг божхона ҳудудининг чегараларидан ташқарида жойлашадиган географик зоналар бўлиб (саноат парклари бўлиши шарт эмас), бу ерда маҳсулот импорт божларини тўламасдан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисмини сотиш мақсадида ишлаб чиқарилади, маҳсулотга тегишли ишлов берилади ва сақланади».

«Экспортга ишлаб чиқариш зонаси унга товарлар импорт қилиниши мумкин бўлган зона сифатида таърифланади, бу ерга улар пасайтирилган бож ставкалари билан ёки божхона органларининг минимал аралашуви билан сақлаш, қайта ўраш, ишлаб чиқариш ва жўнатиш учун олиб келинади».

Бу шундай «географик жойлар бўлиб, уларни ҳукумат экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган районлар сифатида фойдаланиш учун ажратади ва уларда келадиган фирмалар преференциялар олиши лозим бўлади».

ЭИЧЗ – «унчалик катта бўлмаган, аниқ белгиланган жойлар бўлиб, уларда ҳукумат экспортга йўналтирилган тармоқларни, айниқса, хорижий тармоқларни жалб қилиш мақсадида инвестициялар ва савдо учун махсус қўллаш шароитларни – валюта назоратининг бўлмаслиги, ижара тўловининг субсидияланадиган ставкалари бўйича ишлаб чиқариш ва омбор қувватлари, солиқ ставкаларининг паст даражаси, тарифлар ва экспорт божларини тўлашдан озод қилишни яратади».

Бу «ўлчами бўйича унчалик катта бўлмаган районлар бўлиб, уларда ҳукумат экспортга йўналтирилган тармоқларни жалб қилиш мақсадида инвестициялар ва савдо учун махсус қулай шароитларни яратади».

«Экспорт қилинадиган маҳсулотларга ишлов бериш зонаси – бу махсус саноат парклари бўлиб, уларда фаолият кўрсатадиган

экспортга йўналтирилган компаниялар учун бож тўлашдан озод қилиш таъминланади. Улар ўзида мамлакатнинг ичидаги бу ерга сақлаш, дистрибьюциялаш, бошқа хорижий ва/ёки маҳаллий товарлар билан аралаштириш ёки улардан ишлаб чиқариш операцияларида фойдаланиш мақсадида хорижий ва маҳаллий товарларни олиб киришга рухсат берилган анклавларни тақдим қилади».

ЭИЧЗ – «мамлакатнинг ичида махсус яратиладиган районлар ёки sanoat парклари бўлиб, бу ерда хорижий ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш мақсадида бошлар ва солиқлар ундириш амалиёти бўлмайди».

ЭИЧЗ ларни яратишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

1. Экспортга ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий турларини ривожлантириш воситасида хорижий валютанинг оқиб келишини таъминлаш (яъни экспортни диверсификациялаш);
2. Ишсизлик муаммосини камайтириш учун иш ўринларини яратиш (яъни иш ўринларини ва аҳолига даромад манбасини яратиш);
3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
4. Технологиялар ва билимларнинг узатилишини таъминлаш.

Охирги пункт маҳаллий тадбиркорлар ушбу зонада корхоналарнинг фаолият кўрсатишини кўргазмалар мисолларда ўрганиши лозимлигини англатади. Кейингиларнинг иши катализатор бўлиб хизмат қилади, маҳаллий фирмалар билан пудрат шартномаларини тузиш воситасида тўғри ва қайтар боғланишлар тизимини яратишга кўмаклашади. ЭИЧЗ лардан шунингдек, маргинал районларнинг (яъни паст ўсиш суръатларига эга бўлган районларнинг) ривожланишини тезлаштириш учун фойдаланилади.

ЭИЧЗ ларнинг энг муҳим функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Берилган мамлакатда иқтисодий ислохотлар жараёнини тезлаштириш (жумладан савдо ва алмашилиш курси соҳасида);
2. Импорт етказиб беришларга тўловлар учун фойдаланиладиган хорижий валютанинг оқиб келишини таъминлаш ва иш ўринларини яратиш;
3. Эркин бозор концепцияларини амалиётда текшириб кўриш;
4. Технологиялар ва билимларнинг узатилишига кўмаклашиш.

ЭИЧЗ доирасидаги асосий имтиёзлар ва уларнинг чегараларида амал қиладиган рағбатлар тизими:

1. Инвестицион имтиёзлар ва солиқ имтиёзлари (масалан, турлича давомийликдаги солиқ каникуллари, солиқлардан озод қилиш ва/ёки ундириладиган солиқларнинг паст ставкалари, валюта назоратининг йўқлиги ва фойдани эркин тасарруф қилиш);

2. Савдо афзалликлари (минимал савдо чеклашлари) – ярим фабрикатлар ёки якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун зарур бўладиган хомашё, ярим фабрикатлар ва асосий фондларни импорт қилишга пасайтирилган ставкалар ёки божларнинг йўқлиги;

3. Хорижий ишлаб чиқариш фондларига эгалик қилишга юмшоқ чеклашлар (ёки чеклашларнинг йўқлиги);

4. Нисбатан арзон ва эришилувчан инфратузилма ва хизматлар – электр энергияси, сув, йўллар, транспорт ва коммуникация хизматлари билан таъминланиш (масалан, коммунал хизматлар учун субсидияланган тўловлар);

5. Нисбатан арзон ва эришилувчан ер участкалари ва бинолар – ижара тўловининг паст (кўпинча субсидияланадиган) ставкалари бўйича ишлаб чиқариш ва омбор бинолари билан таъминлаш;


6. Иш жойи ва иш ҳақиға нисбатан талабларнинг минимал стандартлари ёки уларнинг йўқлиги (яъни саломатликни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришда хавфсизлик масалалари);

7. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишлар даражасига нисбатан талабларнинг минимал стандартлари ёки уларнинг йўқлиги;

8. Арзон ва касаба уюшмаларига бирлашмаган катта миқдордаги ишчи кучи (яъни меҳнаткашларни ташкил қилишга чеклашлар);

9. Бозорларга кириш (зона жойлашган мамлакатнинг ички бозорларига ёки қўшни мамлакатларнинг бозорларига) масалан, Кариб ҳавзаси мамлакатлари «Ломе Конвенцияси» ёрдамида ЕИ бозорларига ва «Кариб ҳавзаси ташаббуслари» ёрдамида АҚШ бозорларига осонлаштирилган киришга эга, Мексика НАФТА (North American Free Trade Area – Шимолий Америка эркин савдо зонаси) доирасида АҚШ бозорларига кира олади.

Кўрсатилган имтиёзлар ва рағбатлар маъмурий ва божхона процедуралари билан биргаликда ЭИЧЗ зонасида халқаро компаниялар томонидан амалга ошириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай тартибга солиш рамакалари ва иш муҳитини яратеди. Шу билан биргаликда, масалан, “Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари томонидан яқинда қабул қилинган кўп томонли ва минтақавий савдо мажбуриятлари корхоналарнинг ЭИЧЗ доирасида фаолият кўрсатишидан келадиган имтиёзларнинг аҳамиятини пасайтирганлиги ва уларнинг вақтинчалик эканлигини таъкидлаганлиги” қайд қилинади.



### 1.3. Техник-жорий қилиш зоналари

Техник-жорий қилиш зоналари учинчи авлод зоналар турига киради (1970–80 йиллар). Улар стихияли равишда ҳосил бўлади (АҚШ) ёки давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан йирик илмий марказларнинг атрофида махсус яратилади (Япония, Хитой). Уларда ягона солиқ имтиёзлари ва молиявий имтиёзлардан фойдаланадиган миллий ва хорижий илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари концентрацияланади.

Энг кўп сонли техник-жорий қилиш зоналари АҚШ, Япония, Хитойда фаолият кўрсатади. АҚШ да улар технопарклар, Японияда – технополислар, Хитойда – янги ва юқори технологияларни ривожлантириш зоналари деб аталади.

Дунёда энг машҳур ва АҚШ да энг йирик «Силикон вэлли» технопарки дунё бўйича ишлаб чиқариладиган ҳисоблаш техникаси ва компьютерларнинг 20% ини беради. Унда 20 мингта атрофида одам ишлайди. АҚШ да бундай зоналар жами бўлиб 80 тадан ошиқ. Японияда махсус давлат дастурлари доирасида етакчи илмий ташкилотлар базасида 20 тадан ошиқ технополислар яратилган. Хитой Халқ Республикасида ҳам бундай зоналар, қоидага кўра, илм-фан ва техникани ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш давомида яратилган. 1990 йилларнинг ўрталарида Хитойда 50 дан ошиқ янги ва юқори технологияларни ривожлантириш зоналари фаолият кўрсатган. Шуниси характерлики, Осиёдаги янги саноатлашган мамлакатларда техник-жорий қилиш зоналари аллақачон таркиб топган – ЭИЧЗ лар сифатида етарлича ривожланиш даражасида бўлган ва уларни илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш талаб қилинадиган экспортга йўналтирилган зоналарнинг инновация марказлари сифатида шакллантирилмоқда.

### 1.4. Сервис зоналари

Сервис зоналари ўзида турли молиявий, иқтисодий хизматлар, суғурта хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирмалар ва ташкилотлар учун тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзли режимига эга бўлган ҳудудларни тақдим қилади.

Сервис зоналари қаторига офшор зоналар (ОЗ) ва солиқ гаванълари (СГ) киради. ОЗ ва СГ лар тадбиркорларни қулай валюта-молия, фискал режимлар, банк ва тижорат сирини сақлашнинг

юқори даражаси, давлат томонидан тартибга солишнинг йўқлиги билан жалб қилади.

ОЗ да рўйхатдан ўтган ва солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзларга эга бўлишни даъво қиладиган компанияга қўйиладиган асосий талаб – офшор марказ жойлашган мамлакатнинг резиденти бўлмаслик ва унинг ҳудудида фойда олмаслик бўлиб ҳисобланади. Солиқ гаваньлари офшор зоналардан шуниси билан фарқ қиладики, уларда (СГ да) барча фирмалар (маҳаллий фирмалар ҳам, хорижий фирмалар ҳам) барча ёки баъзи бир фаолият турларига солиқ имтиёзларини қўлга киритади. Ҳозирги кунда дунёда 300 дан ошди офшор марказлар мавжуд. Уларнинг орасида солиқ гаваньлари тахминан 70 тани ташкил қилади.

Офшор компаниялар аллақачонлардан буён фаолият кўрсатаётган мамлакатлар қаторига – Лихтенштейн, Панама, Норманд ороллари, Мэн ороли (Буюк Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар кирди. Кейинги ўн йилликда ОЗ лар Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқа мамлакатларда ҳам пайдо бўлди.

ОЗ лардаги саноат, савдо, банк, суғурта компаниялари ва бошқа компаниялар ёки умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия), ёки унчалик катта бўлмаган солиққа тортилади (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар). Масалан Швейцарияда энг кам солиқ миқдорлари белгиланган, маълум бир шароитларда у ундирилмаслиги ҳам мумкин. ОЗ лардаги имтиёзли режим шунингдек, валюта чеклашларининг йўқлиги, фойдани эркин олиб чиқиш, низом жамғармасининг паст даражаси, хорижий инвестор учун божхона божлари ва йиғимларининг йўқлиги, эксхудиқлик билан ҳам белгиланади. ОЗ ларни ташкил қиладиган мамлакатлар учун фойда қўшимча хорижий маблағларни жалб қилиш, ОЗ да рўйхатдан ўтган компаниянинг бўлишидан келадиган даромад, маҳаллий мутахассислар учун қўшимча иш ўринларининг яратилишидан иборат бўлади, буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашади.

Офшор бизнес, қоидага кўра, банк иши, суғурта иши, денгиз кемачилиги, кўчмас мулк билан операциялар, траст (ишонч) фаолияти, экспорт-импорт операцияларининг барча турлари, консалтингга концентрацияланади. Баъзи бир баҳолашларга кўра, офшор бизнес соҳасида ҳаракатга келтирилган капитал 500 млрд

долларга етади. Унда қарийб 2 млн ҳиссадорлар (юридик ва жисмоний шахслар) иштирок этади, ҳар йили офшор фаолиятнинг ҳажмини йилдан-йилга ошираётган бир неча минглаб янги компаниялар рўйхатга олинмоқда.

ОЗ ларнинг фаолияти мутахассислар томонидан ўта турлича баҳоланади. Кўпчилик уларнинг халқаро ҳаракатдаги муҳим ролини эътироф этиш билан, офшор марказлар кўпинча “ифлос пулларни” оқизиш ва ва турли банк товламачиликлари авж олган жойлар деган фикрдалар.

### 1.5. Мажмуавий ЭИЗ лар

Мажмуавий зоналар алоҳида маъмурий ҳудудда махсус, имтиёзли хўжалик фаолияти режимини ўрнатиш (умумий режим билан солиштириганда) йўли билан ҳосил қилинади.

Мажмуавий ЭИЗ лар нисбатан яқинда, 1980-йилларнинг бошларида пайдо бўлган. Улардан баъзилари нолдан бошлаб яратилган, кўпчилиги эса экспортга йўналтирилган ишлов бериш саноатига эга бўлган зоналар базасида шаклланган ва ўзида ташкил қилинишнинг янги, юқорироқ даражасини тақдим қилади. Мажмуавий ЭИЗ ларнинг бошқа шакллардан фарқи макондаги катта кўламлар, ишлаб чиқаришнинг кўпроқ юқори концентрацияси, ва кўпроқ кенг фаолият майдони бўлиб ҳисобланади. уларнинг функциялари битта яхлитликни ташкил қилади: кўпроқ халқаро савдо, импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқариш, молиявий бозор, коммуникациялар, сайёҳликни ривожлантириш.

Мажмуавий зоналарга 5 та махсус иқтисодий зоналарни, шунингдек, ХХР даги “Очиқ районлар”, Бразилиядаги “Манаус” зонаси, Аргентинадаги “Оловли ер” ҳудуди, саноати ривожланган мамлакатлар томонидан депрессив районларда яратилаётган эркин тадбиркорлик зоналарини киритиш мумкин.

### 1.6. ЭИЗ ларнинг типологияси

Халқаро меҳнат ташкилоти ЭИЗ ларнинг типологиясини ишлаб чиққан (2006), у мавжуд атамаларнинг таснифини беради. 1.2-жадвалда кўрсатилганидек, бу тасниф ЭИЗ ларнинг иқтисодийнинг сектори нуқтаи назаридан – товарлар билан савдо қилишдан бошлаб

то маҳсулотни йиғиш ва хизматлар кўрсатишгача бўлган эволюциясини ўз ичига олади. Атамалардаги фарқлар олиб бориладиган сиёсатнинг мақсадларини (яъни иқтисодий мақсадларни) акс эттиради ЭИЗ ларнинг ҳозирги кунда амал қилаётган шакллари саноат секторининг ранг-баранглигини акс эттиради, чунки улар товарларнинг конкрет турларини ишлаб чиқариш, қандайдир бир завод ёки компаниянинг фаолияти билан тавсифланадиган маълум бир тармоқда ишлайдиган зоналарни ўз ичига олади. Айрим муаллифлар ЭИЗ лар учун қуйидаги параметрларга мувофиқ функционал таснифлаш схемасини таклиф қиладилар:

1.2-жадвал

Зоналарнинг типологияси[5]

	Савдо		Ишлаб чиқариш		Хизматлар		
	Эркин порт	Махсус иқтисодий зона	Экс-портга ишлаб чиқариш зонаси	Саноат зонаси	Ахборот-га ишлов бериш зонаси	Молиявий хизматлар кўрсатиш зонаси	Эркин тижорат зонаси
Жисмоний шакли	Бутун шаҳар ёки юрисдикция	Бутун вилоят, минтақа ёки муниципалитет	Анклав ёки саноат парки	Бутун шаҳар ёки шаҳарнинг бир қисми	Шаҳарнинг бир қисми ёки “зонанинг ичидаги зона”	Шаҳарнинг бир қисми ёки “зонанинг ичидаги зона”	Омборлар райони, кўпинча порт ёки аэропорт билан ёнма-ён
Иқтисодий мақсадлар	Савдо марказини ривожлантириш, иқтисодий базани	Тартибга солишдан чиқариш, чегараланган	Экс-порт саноатини ривожлантириш	Депрессив районларда кичик ва ўрта корхоналарни	Маълумотларга ишлов бериш марказини ривожлантириш	Офшор банк-суғурта тугунини ривожлантириш	Савдо ва импортнинг ривожланишига кўмаклашиш

	диверсификация-лаш	район-га хусусий инвестициялар		ривожлантириш			
Божлардан озод қилиш	Савдо, ишлаб чиқариш ва истеъмолда фойдаланила диган барча товарлар	Танлаш асосида	Асосий фондлар, ярим фабрикатлар ва хомашё	Йўқ	Асосий фондлар	Зонадан-зонага фарк қилади	Сақлаш ва реэкспорт қилишга мўлжалланган барча товарлар
Фаолиятнинг типик турлари	Барча	Барча	Енгил саноат ва қайта ишлаш	Барча	Маълумотларга ишлов бериш, дастурий таъминот ва компьютер графикасини яратиш	Молиявий хизматлар	Омбор ва ўраш хизматлари, дистрибуция, юкларни узатиш
Типик рағбатлар	Янги ташкил қилинган корхоналар учун минимал солиқ ва тартибга солиш чеклашлари, меҳнат	Бизнес юриштишга пасайтирилган солиқ ставкалари, меҳнат кодексининг	Солиқлардан озод қилиш (15 йилгача, тартибга солиш процедура	Зонанинг ичида қулайликлар яратишнинг махсус режими, бизнесни соддалаштирилган рўйхатга	Телекомм уникациялар соҳасида тартибга солишдан чиқариш, бозор нархлари бўйича ИНТЕЛСАТ	Солиқ имтиёзлари, махфийлик, фойда ни эркин тасарруф қилиш	Импорт квоталарининг йўқлиги, фойда ни солиқсиз

	кодексининг либераллашуви, фойдани эркин тасарруф қилиш, преференциал кредит ставкалари	либераллашуви, махсус валюта назорати шароитлари	ларидан озод қилиш, валюта назоратининг йўқлиги, фойдани эркин тасарруф қилиш. касабаяушмаларнинг фаолиятига чеклашлар	олиш, маҳаллий солиқлар борамидаги ён босишлар, касабаяушмаларининг йўқлиги	хизматларига кириш, касабаяушмаларининг йўқлиги		реинвестициялаш
Ички бозорда сотишлар	Эркин портнинг ичида чекланмаган, бож тўлангандан кейин эсавундан ташқарида ҳам чекланмаган	Қаттиқ чегараланган	Маҳсулотнинг унчалик катта бўлмаган улуши билан чекланган			Маҳсулотнинг унчалик катта бўлмаган улуши билан чекланган	Бож тўлаш бўйича чекланмаган
Бошқа параметрлар	Қўшимча		Алоҳида кор-				

	рағбатлар ва содда-лаштирилган процеду-рлар		хона-нинг участ-ка-ла-рига ёйи-лиши мум-кин				
Америка мамла-катла-ридан мисол-лар	Багам орол-лари	Йўк (Хи-той)	Доми-никан Рес-пуб-ликаси	Йўк (Индо-незия)	Кариб ороллари	Кариб ва Кайман орол-лари	Панама, АҚШ

Иқтисодий фаолият – ишлов бериш (маҳсулотнинг сезиларли трансформацияланиши) ёки маркетинг (маҳсулотнинг минимал трансформацияланиши; омборда сақлаш, ўраш ва этикеткалаш-тириш хизматлари кўрсатишнинг чекланган ҳажми);

Иқтисодий сектор – товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш; Маҳсулотнинг мўлжалланиши – ташқи ёки ички бозор;

Фаолият ҳажми – умумий (саноат парки доирасида бир нечта фирма) ёки субзона (саноат паркларидан ташқарида алоҳида компаниялар);

Охирги параметр ажратилган ҳудуд доирасида концентрацияланган компаниялар билан улар ҳам ЭИЗ мақомига эга бўлган алоҳида жойлашган компаниялар ўртасидаги фарқлар нуқтаи-назаридан бундай зоналарнинг географик жиҳатдан турли-туманли-гини акс эттиради. Шунингдек, “мулк ва бошқариш” (давлат, хусусий ёки аралаш – давлат-хусусий) параметри ҳам аҳамиятга молик бўлади.

ЭИЗ ларнинг тақсимланиши-зоналарни уларнинг типлари бўйи-ча дифференциаллаш имконини бермайдиган терминологик хилма-хиллик ва маълумотларни тўшлаш услубиятининг мукамал эмас-лиги туфайли дунёда ЭИЗ ларнинг сонини аниқлаш старлича қийин.

Бундан ташқари кўпгина мамлакатлар ЭИЗ лар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмайди. Дунёда ЭИЗ лар сонини охирги баҳолаш 933 тадан (2000 й.) 1 072–3 000 тагача (2002 й.) ва 5 174 тагача (2003 й.) ўзгаради. ЭИЗ лар сонининг тезкорлик билан ўсиши

(айниқса, 1990-йилларда) 1.3-жадвалнинг маълумотларини таҳлил қилишда аиниқса, яққол кўзга ташланади. 2.1-расм ЭИЗ ларнинг маконда тақсимланишининг умумлаштирилган манзарасини тақдим қилади.


1.3-жадвал

Дунёдаги ЭИЗ ларнинг сони[5]

Йиллар	Тахминий сони	Манбалар
1966	2	Кнох, Marston, and Nash, 2004, 325
1975	79	ILO, 2002
1981	60	Wong and Chu, 1984, 1.
1984	68	Healey and Ilbery, 1990, 294
1985	173	Кнох, Marston, and Nash, 2004, 325
1986	176	ILO, 2002
1989	200	UNCTC, 1990, 1
1990	86	World Bank, 1992
1995	500	ILO, 2002
1996	839	UNCTAD, 1998
1997	845	ILO, 2002
1998	850	OECD, 2000; Кнох, Marston, and Nash, 2004, 325
2000	993	Granados, 2003
2005	1072	Granados, 2005
2010	3000	ILO, 2002
2015	5174	ILO, 2004

## II БОБ. ЭИЗ ЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

2006 йил июль ойидаги маълумотларга кўра, турли экспертлик баҳолашлари бўйича дунёда 1 200–2 000 та турли типдаги – божсиз зоналар ва эркин портлардан тортиб то эркин тadbиркорлик зоналари, офшор зоналар ва технополисларгача бўлган эркин иқтисодий зоналар мавжуд.




2.1-расм. ЭИЗ ларнинг дунё минтақаларо тақсимланиши[5].

2.1-жадвал

Эркин иқтисодий зоналарнинг минтақалар бўйлаб тарқалиши


Минтақалар	Минтақадаги жами эркин иқтисодий зоналар сони	Шу жумладан, мамлакатдаги эркин иқтисодий зоналар
Шимолӣ Америка	320	АҚШ -213; Мексика - 107
Осиё	225	Хитой - 124; Индонезия - 26
Европа	81	Болгария - 8; Словения - 8
Африка	47	Кения - 14; Миср - 11
Кариб ҳавзаси	43	Доминикана Республикаси - 27
Марказий Америка	41	Гондурас - 15
Жанубий Америка	41	Бразилия - 8; Колумбия - 11
Ўрта ва Яқин Шарқ	39	Туркия - 14
Австралия ва Океания	2	Австралия - 1



2.2-расм. Дунёда ЭИЗ ларнинг тақсимланиши[6].

### 2.1. Ғарбий Европа

Ғарбий Европа-Германиядаги ЭСЗ лар “энг кекса” эркин савдо зоналари бўлиб ҳисобланади, улар Гамбург ва Бремен эркин шаҳарларида XIX асрда вужудга келган. Кейинчалик зоналар Кил, Куксхафен ва бошқа шаҳарларда ҳам пайдо бўлган.



2.3-расм. Ғарбий Европадаги ЭИЗ тақсимооти[5]

ЭИС ларнинг айнан шу шаҳарларда пайдо бўлиши тасодиф эмас. Гамбург – Эльба дарёси бўйида, Шимолий денгиздан 100 км масофада жойлашган йирик денгиз ва дарё порти, йирик шаҳардир. У ерда халқаро аэропорт, турли саноат корхоналари жойлашган. Гамбургдаги ЭСЗ портдаги иккита участка, Куксхафендаги бошқа зона ҳудудининг бир қисмидан ташкил топган (“Куксхафен” ЭСЗ ни Кўйи Саксония ерларининг маъмурияти бошқаради). «Гамбург» ЭСЗ кўп сонли 6 ва 8 қаватли омборлар, пакгаузлар (уларнинг товарларни сақлаш учун фойдаланиладиган майдони 600 минг кв м дан ошди), мева ва сабзавотлар учун мўлжалланган омборлар, нефть ва нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган омборларни ўз ичига олади.

«Гамбург» ЭСЗ ни бошқариш бошқа зоналарни бошқаришдан сезиларли даражада фарқ қилади. Эркин портнинг эркин савдо зонасини бошқарадиган маъмурияти (Гамбург ерларини бошқарадиган тузилмалар таркибига киради) божхона функцияларини бажариш ҳуқуқига эга (божларни йиғишдан ташқари). Кўпчилик омборлар ва пакгаузлар фирмалар ва хусусий шахслар томонидан мустақил равишда эксплуатация қилинади. Бироқ товарларни сақлайдиган янги объектларни қуриш зона раҳбарияти билан албатта келишишни талаб қилади. Маҳаллий ҳокимият ўзининг таркибида иншоотлар бўйича махсус компанияга эга, у ЭСЗ даги транзит омборларнинг катта қисмига эгалик қилади, шунингдек, баъзи бир пакгаузлар ҳам унга тегишли.

Данияда эркин савдо зонаси Копенгаген порти ҳудудида XIX асрнинг охирида шаклланган. Копенгаген фақатгина Даниянинг пойтахти бўлиб қолмасдан, йирик денгиз порти, халқаро аэропорт ҳамдир, бу ерда Мальме (Швеция) билан боғланган автомобиль ва темир йўл пароми фаолият кўрсатади. Экспортга йўналтирилган саноат юқори даражада ривожланган, бу ерда энг йирик савдо фирмалари ва банклар жойлашган. Ҳозирги кунда ЭСЗ нинг ҳудуди 700 минг кв м атрофида жойни эгаллайди. Бу ерда омбор биноларининг жойлаштириш учун мўлжалланган 280 минг кв м дан ошди майдонга эга бўлган кудратли ва шохчаланган тармоғи яратилган (30 минг т га мўлжалланган дон омборлари, 30 та атрофида пакгаузлар, бир неча ўнлаб транспорт деполари ва ҳоказолар). Жойлаштириш майдонлари кенгаймоқда, чунки тадбираорлар – зонанинг иштирокчилари ЭСЗ маъмуриятидан ижарага олинган ерларда янги

«Технополис» дастурида қуйидаги мақсадлар қўйилган: саноатни марказдан периферияга қайта тақсимлаш ва уни илмталаб ва энергия тежовчи технологияларни ривожлантиришга йўналтириш, маҳаллий университетларнинг фаолиятини фаоллаштириш йўли билан мамлакатнинг бутун ҳудудида илмий тадқиқотларни интенсификациялаш, инновациялар жараёнини тезлаштириш ва бошқалар. Дастур «юмшок» инфратузилма – илмий муассасалар тармоғи,

маълумотлар билан алмашилиш воситалари ва кадрларни тайёрлашни ривожлантиришга таянган. Технополисларни яратишнинг энг муҳим мақсадларидан бири периферия ҳудудларнинг иқтисодийтини ривожлантиришни рағбатлантириш бўлган, яъни аҳолиси зич бўлган «Токио – Осака» мегаполисини енгиллаштириш ва янги районларнинг иқтисодийтининг ривожланишига кўмаклашиш вазифаси қўйилган.

Технополисларни ривожлантириш бўйича раҳбарият ҳудуд зона мақомини қўлга киритиши учун қуйидаги асосий мэъзонларни белгилаган: аҳолиси 200 мингдан кам бўлмаган “зона” шаҳардан 30 минут ва Токио, Нагой ва Осакадан 1 кундан ошиқ бўлмаган йўл юриладиган масофада жойлашиш, майдони 500 кв милдан ошиқ бўлмаслик (Америкадаги “Силикон водийси” технопаркиннинг майдонига тахминан тенг). Бундан ташқари, бундай ҳудуд илмий ишлаб чиқариш мажмуалари, университетлар, илмий-тадқиқот марказлари, яшаш кварталлари, ривожланган ахборот инфратузилмасининг мувозанатланган бирикишини ўз ичига олиши, турмуш учун қулай бўлиши ва маданий ва рекреацион имкониятларга эга бўлиши, гўзал табиатли районда жойлашиши, маҳаллий анъаналар ва табиий шарт-шароитлар билан уйғунлашган бўлиши лозим. Ва ниҳоят, ЭИЗ нинг фаолиятини режалаштиришда ҳар учала манфаатдор томон – бизнес, университетлар ва маҳаллий ҳокимият иштирок этиши лозим.

Технополислар ҳудудида кредит ва солиқ рағбатлантириши бўйича турли чоралар кўзда тутилган. Масалан, юқори технологиялар соҳаларида фаолият юритадиган фирмаларга биринчи йили асбоб-ускуналарнинг қийматининг 30% ини ва бинолар ва иншоотларнинг қийматининг 15% ини ҳисобдан чиқаришга рухсат берилган, давлат префектура лабораториялари ва фирмалар билан биргаликда ўтказиладиган илмий тадқиқот ишларига кетадиган харажатларнинг учдан бирини тўлаган.

Технополисларни қуриш ва режалаштириш жараёнида етакчилик роли маҳаллий ҳокимиятларга берилган. Ташқи савдо ва саноат Вазирлигининг функциялари технополисларни яратишнинг асосий критерийларини белгилаш, техник ёрдам кўрсатиш, Япон Ривожланиш Банкнинг солиқ имтиёзлари ва кредитлари билан таъминлаш билан чекланган. XXI асрда Японияни етакчилик позицияларига олиб чиқиш узок муддатли стратегиясининг асоси сифатида технополисларни яратиш ва уларнинг муваффақиятли

фаолият кўрсатишининг гарови сифатида японларга хос бўлган хусусиятлар – сабр-тоқат ва қийинчиликларга бардош бера олиш хизмат қилиши лозим бўлган.

Ҳозирги кунда мамлакатда 19 та технополислар мавжуд. Уларнинг аксарияти электроника соҳасидаги ишланмалар, янги материаллар ва керамикани яратиш, робототехникага ихтисослашган. Улардан баъзи бирлари тиббиёт электроникаси, биотехнологиялар, оптик толалар соҳасида илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва уларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Илмталаб маҳсулотларни яратишга ихтисослашган технополислар япон экспортининг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотига янада чуқурроқ киришига кўмаклашган. Ҳукумат шунингдек, товарлар ва капиталнинг ҳаракатланиш йўлидаги чеклашларни бекор қилиш билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг либераллашувини амалга оширган. Бирок бизнес оламидаги узоқ муддатли алоқаларнинг аъъанавий амалиёти, ҳукумат билан иш доиралари ўртасидаги шерикчилик муносабатлари хорижда протекционизм ва япон иқтисодиётининг ёпиқлигини ҳимоялаш аломатлари сифатида қабул қилинган. 1980-йилларда АҚШ ва Европа мамлакатлари билан савдо-сотикдаги улкан ижобий сальдо Япония учун ўткир зиддиятлар манбаи ва давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг асосий масалаларидан бирига айланган.

Савдо балансини текислаш ва саноатни ички бозорга йўналтириш учун мамлакат ҳукумати 1990-йилларнинг бошларида импортни рағбатлантириш чораларини қабул қилган, улар, хусусан, махсус ташқи савдо зоналарини яратишни ўз ичига олган. Улар 1991 йилда ишлаб чиқилган эркин импорт зоналарини шакллантириш ва ривожлантириш давлат концепциясига мувофиқ яратила бошлаган. Бундай зоналарни яратишнинг ҳуқуқий базаси «Валюта операциялари ва ташқи савдо операциялари тўғрисида» ги Қонун ва «Импортга кўмаклашиш ва Японияга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фавқулдда чоралар тўғрисида» ги Қонун бўлган [6]. Кейингиси мамлакат парламенти томонидан 1992 йил июлда қабул қилинган (1995 йилда парламент бу қонуннинг амал қилиш муддатини 10 йилга – 1996 йилдан 2006 йилнинг май ойигача узайтирган). Ушбу қонунга мувофиқ денгиз портлари ва халқаро аэропортларда ташқи савдо зоналари ташкил қилинган, улар эркин импорт зоналари деб аталган. Улар ўзларида

эркин савдо зоналари ва импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқариш зоналарининг комбинациясини тақдим қилади. Бу ерда импорт товарларни жойлаштириш, уларга қўшимча ишлов бериш ва қайта ишлов бериш, товарларнинг кўргазмаларини ташкил қилиш ва уларни улгуржи сотиш амалга оширилади. Зоналарнинг худудида хўжалик юритиш ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг махсус имтиёзли режими ўрнатилган.

Эркин импорт зоналарини яратишни молиялаштириш маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетидан ҳам, хусусий компаниялар ҳисобидан ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, Япония Марказий Банки уларнинг инфратузилмасини яратишни молиялаштириш учун кредитлар тақдим қилади. Зоналарнинг фаолияти ички бозорга йўналтирилган. 2004 йилнинг бошида мамлакатда 23 та эркин импорт зонаси фаолият кўрсатган (1992 йилда 5 та зона, 1993 йилда – 10 та, 1994 йилда – 8 та зона яратилган). Улар шаҳарлар ёки префектураларда жойлашган ва шу ердаги маъмурий тузилмаларнинг органларига бўйсунди. Бундай типдаги тузулмага Тоттори префектурасида жойлашган «Сакаиминато» эркин импорт зонаси мисол бўлиб хизмат қила олади. Унинг ажралиб турувчи чизгиси шу бўлиб ҳисобланадики, уни ривожлантириш режаси Тоттори ва Симане префектураларининг мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган. Улар зонани биргаликда бошқаришни ҳам амалга оширади. Бу режа қуйидаги чора-тадбирларни кўзда тутди:

Сакаи портини Фарбий Япониянинг дўстлик ва халқаро ҳамкорлик дарвозасига айлантириш;

Импорт ва ахборот соҳасининг самарадорлигини ошириш йўли билан маҳаллий саноатни ривожлантириш;

Савдо-сотиқ ва саноатни ривожлантириш воситасида халқаро алоқаларни чуқурлаштириш.

Импорт юкларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорларга кўмаклашиш учун эркин импорт зоналарини шакллантириш ва ривожлантириш давлат концепциясида бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган, улар қаторига қуйидагилар киради:

Япон Ривожланиш Банки ва кичик ва ўрта тадбиркорларга кўмаклашиш Жамғармаси томонидан паст фойизли кредитларни тақдим қилиш;

Импорт юкларни жойлаштириш жойларида ишлайдиган тадбиркорларнинг кўчмас мулк ва фойдадан келадиган даромадларини дифференциалланган солиққа тортиш;

Улгуржи ва чакана савдо ва транспорт корхоналарига асбоб-ускуналарни етказиб беришда имтиёзли тўловлар;

Ишлов бериш саноати, улгуржи савдо ва транспорт корхоналарини ер солиғидан озод қилиш;

Тадбиркорларга ишлаб чиқариш базасини шакллантириш жамғармасидан қарз мажбуриятларига кафолатларни тақдим қилиш;

Кичик ва ўрта корхоналарни имтиёзли суғурталаш;

Япон ташқи савдони ривожлантириш ассоциацияси томонидан импорт масалалари, шунингдек, ж, кўргазмалар ва ярмаркалар ўтказиш масалалари бўйича текин маслаҳатлар тақдим қилиш.

Хоккайдо оролининг жанубида “Нью Титосе” аэропорти яқинида яратилган ва ундан 5 км масофада жойлашган “Титосе Ринку” саноат мажмуаси билан чамбарчас боғланган «Хоккайдо» эркин импорт зонаси самарали фаолият кўрсатмоқда, бу ерда 214 га майдонда 82 та фирма ва илмий парк жойлашган. Мамлакат ҳукумати зонани яратиш ва ободонлаштиришга катта ёрдам кўрсатган. Бу ёрдам импорт товарларни етказиб келиш учун авиация транспорти билан таъминлаш, офисларга ижрага бериш учун тайёр қилинган биноларни қуриш, Интернетга уланган шахсий компьютерлар билан таъминлаш, импорт юкларни қайта ишлайдиган объектларни қуришни техник-иқтисодий асослашга кўмаклашиш, импорт юкларни ташишга кўмаклашишни ўз ичига олган. Яхши жойда жойлашганлиги, яхши ташкил қилинганлиги ва давлатнинг кўллаб-қувватлаши туфайли «Хоккайдо» зонаси минтақанинг кўпроқ динамик ривожланаётган савдо ва дистрибуторлик марказига айланган.

Японияда шунингдек, эркин савдо зоналарининг “бонд зоналари” деб аталувчи (уларда бож тўланмайдиган товарлар сақланадиган божхона омборлари) тури ҳам фаолият кўрсатади, улар 5 та тоифага бўлинади:

Молия Вазирлигининг тасарруфида бўлган бонд зоналари. Портлар яқинида жойлашган бу зоналарда хорижий юклар (экспорт ёки импорт учун мўлжалланган ёки транзит билан ўтадиган юк партияларини ҳам ўз ичига олган ҳолда) туширилиши, ташилиши ва бир ой давомида сақланиши мумкин. Бу вақтинчалик ҳудудлардан божхона декларациясини тўлдириш ва божхона ҳужжатларини расмийлаштириш даврида фойдаланилиши мумкин. Улардан ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай иштирокчиси маълум бир ҳақ эвазига фойдаланиши мумкин;

Божхона бошлигининг ихтиёрида бўлган - бонд зоналари бажарадиган худди ўша функцияларни бажарадиган бонд ангарлари;

Божхона омборлари, бу ерда хорижий юклар икки йил давомида сақланиши мумкин (махсус рухсатнома бўлган тақдирда бундан ҳам узоқроқ), юк божхона омборида бўлган бутун давр давомида у божхона божига тортилмайди;

Бонд корхоналари, бу ерда улар учун божхона божларини тўламасдан хорижий материаллардан товарлар ишлаб чиқаришга рухсат берилган;

Бонд кўргазма зоналари – халқаро кўргазмаларни ўтказиш учун махсус ажратилган худудлар. Улар божхона бошлигининг ихтиёрида бўлади. Бу тизим хорижий мамлакатлар томонидан ўтказиладиган халқаро кўргазмалар ва экспозицияларни мувофиқлаштиришни осонлаштириш учун ўйлаб топилган. Хорижий юклар содда-лаштирилган схема бўйича божхона декларацияси тўлдирилгандан кейин фойдаланилиши ёки экспозицияга қўйилиши мумкин.

Шундай қилиб, минтақаларни ривожлантиришнинг самарали инструменти бўлиб ҳисобланадиган эркин иқтисодий зоналар Японияда кенг тарқалишга эга бўлган. Бироқ уларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзининг ўзига хос спецификасига эга. Хусусан, Япония учун ЭИЗ лар, айниқса илмий-техник типдаги зоналар учун шаклланиш ва ривожланиш жараёнида давлатнинг фаол иштироки характерли.

## 2.5. Хитой Халқ Республикаси (ХХР)

Ҳозирги кунда ХХР да 4 та махсус иқтисодий зоналар (Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнь); Фуцзянь денгизбўйи провинциясининг жанубидаги иқтисодий учбурчакда жойлашган Хэбэй денгизбўйи провинцияси, Гаунси-Чжуан автоном райони, шунингдек, Янцзи ва Чжуцзян дарёларининг дельталари ва Шаньдун ҳамда Ляодун ярим оролларида жойлашган 14 та очик денгизбўйи шаҳарлари; 14 та эркин (божсиз) савдо зоналари (Тяньцзинь портининг божсиз зонаси, Вайгаоця, Далянь, Шатоуцзяо, Футянь, Гуанчжоу, Чжанцзянган, Хайкоу, Циндаоя, Нинбо, Фучжоуя, Сяньюй, Шаньтоу ва Чжухайя божсиз зоналари); 13 та очик чегараолди шаҳарлари (Хуньчунь (Цзилинь провинцияси), Суйфэнькэ ва Хэйхэ (Хэйлунцзян провинцияси), Маньчжурия ва Эрлянь-Хото (Ички Монголия автоном райони), Тачэн, Болэ ва Инин

(Синьцзян-Уйғур автоном округи), Хэкоу, Ваньдин ва Жуйли (Юаньнань провинцияси), Пинсян ва Дунсин (Гуанси-Чжуан автоном райони)); 53 та юқори ва янги технологиялар зоналари, хорижда таълим олган мутахассислар учун 70 дан ошиқ илмий-техник зоналар, 38 та экспортга йўналтирилган маҳсулотга ишлов берадиган зоналар, шунингдек, 1988 йилда яратилган Хайнань эркин иқтисодий зонаси ва Хуанпу дарёсининг шарқий қирғоғида Шанхайнинг эски қисмининг рўпарасида жойлашган Пудун эркин иқтисодий зонаси фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг бошланиши ва “очиқ эшиклар сиёсати” га ўтиш Гуандун ва Фуцзянь жанубий провинцияларга 1980 йилда ўзларининг ҳудудида махсус иқтисодий зоналарни яратиш йўли билан мустақил иқтисодий сиёсат юргизиш имконини берган, бу зоналар кейинчалик Хитой иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисмига айланган.

Махсус иқтисодий зоналарнинг (МИЗ) яратилиши Хитой ҳукуматининг муҳим қадами бўлиб ҳисобланади. 30 кв км дан ошиқ майдонга эга бўлган ҳудудда специфик иқтисодий сиёсат юргизилади ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги “эркин савдо портлари” нинг амалиётини эслатувчи махсус иқтисодий бошқарув тизими амалга оширилади: ташқи бозорга йўналтирилиш ва солиқ ва божхона имтиёзларини кўзда тутиш, соддалаштирилган рўйхатга олиш процедуралари ва бошқа процедуралар, тадбиркорлик фаолиятини регламентлашнинг юмшатиш режимини кўзда тутиш билан МИЗ асосан экспортга йўналтирилган ишлов бериш саноатига таянади ва илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари, ишлаб чиқариш ва савдони ягона мажмуага бирлаштиради. Хитой МИЗ ларнинг мақоми баъзи бир мамлакатларда мавжуд бўлган экспортга йўналтирилган маҳсулотларга ишлов берадиган зоналарнинг мақомидан ҳам, у Хитойга қўшилгандан кейин қонуний равишда расмийлаштирилган Сянган махсус маъмурий районининг мақомидан ҳам фарқ қилади. МИР ни ташкил қилишдан мақсад – хорижий инвестицияларни жалб қилиш, илғор юқори ва янги технологияларни олиб кириш, хорижий шерикларнинг бошқариш тажрибасини “қарзга олиб туриш”, ХХР фуқаролари учун қўшимча иш ўринларини яратиш, ходимлар таркибининг сифати ва ҳўжалик юритиш даражасини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Хитойда МИР ларнинг ривожланишини 3 та босқичга ажратиш қабул қилинган. Биринчи босқичда (5-7 йил) ишлаб чиқариш, муҳандислик, транспорт, ижтимоий ва бошқа инфратузилмалар шакллантирилади, хорижий капитал, техника ва технологиялар жалб қилинади, бошқариш кўникмалари ҳосил қилинади, ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилади. Иккинчи босқич (худди шундай давомийликдаги) иқтисодий ривожланишнинг ташқи йўналтирилган моделига, иқтисодий тузилмада савдо ва ихзматлар соҳасининг катта солишгирма оғирлигидан саноат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устиворлигига ўтиш билан боғланади, шу билан биргаликда анъанавий фаолият тармоқларида илғор технологияларни қўллашнинг ўсиши ва уларнинг модернизацияланиши кузатилади, 50-60% инвестицияларни хорижий капитал ҳисобига амалга ошириш, экспортнинг улушини эса умумий ишлаб чиқаришдан 70% гача етказиш мақсад қилиб қўйилади. Учинчи босқич етилган фаза бўлиб ҳисобланади, у анъанавий ишлаб чиқариш тармоқларини реконструкциялаш, илмталаб ва юқори технологияли тармоқлар улушининг катта бўлиши билан тавсифланади. Шундай қилиб, иқтисодий тизимни 20 йил давомида ислоҳ қилиш натижасида Хитойда МИР нинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай бўлган нисбатан мукамал режим шаклланган. ХХР да МИР ларнинг ўзига хос ривожланишига Шэньчжэнь махсус иқтисодий зонаси мисол бўлиб хизмат қила олади, у 1980 йил августда, “Гуандун провинциясида махсус иқтисодий зоналарни тартибга солиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилингандан кейин расмий мақомга эга бўлган ва 20 йиллик иқтисодий ривожланиш давомида мамлакатнинг ҳатто Пекин, Тяньцзинь, Шаньдун, Шанхай, Фуцзянь и Гуандун каби энг йирик иқтисодий марказларидан ҳам анчагина ўзиб кетган. 327,5 кв км майдонни ва материкдаги Хитойдан ажратиб олиш билан Гонконгнинг бир қисмини эгаллаган Шэньчжэнь МИР энг тез ривожланаётган зона бўлиб ҳисобланади. Масалан, 1980–2001 йилларда унинг ЯИМ нинг ўсиши 29,5% ни, саноат маҳсулотининг ўсиши – 45% ни ва ташқи савдонинг ўсиши – 39% ни ташкил қилган, бу даврда хорижий инвестицияларнинг ҳар йиллик реал ўсиши эса 28% даражасида бўлган. Шу сабабли кейинги 9 йил давомида шаҳар ташқи савдо ҳажмлари бўйича мамлакатда биринчи, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича – иккинчи, маҳаллий бюджетга даромад келтириш ва реал хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича учинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу

ерда иккиламчи ва учламчи саноат ишлаб чиқариши устиворлик қилади, хусусан, 2000 йилда бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторларнинг нисбати 0,9 : 52,6 : 46,5 ни, ушбу секторларга хорижий инвестицияларнинг нисбати эса – 0,2 : 63,3 : 36,5 ни ташкил қилади.

Бугунги кунда Хитойдаги ЭИЗ лар қуйидаги ажралиб турувчи чизгиларнинг борлиги билан тавсифланади: юқори ва янги технологиялар зоналари ёки Америкадаги технопаркларнинг аналоглари, уларнинг улушига миллий ЯИМ нинг 4% и ва экспорт ва импортнинг жамланма қийматининг 10%и тўғри келади, улар замонавий иқтисодий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга. 1991 йилдан буён уларнинг асосий кўрсаткичлари ҳар йили ўртача 40% га ўсганлиги факти уларнинг ХХР да иқтисодий тузилмаларни оптималлаштириш фонида юқори ва янги технологияларни ривожлантиришда асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланганидан далолат беради. Натижада 2003 йилда улар шиддат билан ривожланишда давом этган ва мамлакатга биринчи марта 2 трлн юанидан ошиқ (240 млрд доллар) даромад келтирган, бу олдинги йилнинг худди шу кўрсаткичидан 32% га ошиқ бўлган. Бунда «Чжунгуаньцунь» илмий-техник ўзлаштиришнинг Пекин зонаси ва янги ва юқори технологияларни ўзлаштиришнинг Шанхай зонасида жойлашган юқори технологияли корхоналарнинг маҳсулотини сотишдан келган даромадлар 150 млрд юанидан (18 млрд доллар) ошиқ бўлган.

Шундай қилиб, ҳар хил типдаги ЭИЗ ларни яратиш асосидаги худудий-иқтисодий очикликнинг Хитой модели ўта реалистик бўлиб ҳисобланади ва бозор иқтисодиётига нисбатан оғриқсиз ўтиш, халқаро меҳнат тақсимоти тизими ва мамлакатлар ва минтақаларнинг ташқи иқтисодий тизими ва босқичма-босқич кириш имконини беради.

### **Хитой халқ республикасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари:**

Хитойда, шу жумладан, унинг денгизбўйи районларида эркин иқтисодий зоналарнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши бир катор иқтисодий омиллар билан тушунтирилади.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиш вақтида саноат корхоналарининг 80

фоизи мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган денгизбўйи районларига тўғри келар эди. Ушбу районлар мамлакат худудининг 12 фоизини эгаллар эди холос. Мазкур саноат корхоналари ускуналарининг ва хом ашёсининг катта қисми хориждан келтирилар эди.

Мамлакат худудининг катта қисмини ташкил этувчи ички районларда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражаси ниҳоятда паст эди. Хитойнинг Жанубий — Ғарбий ва Шимолий-Ғарбий районлари ҳамда Ички Мўғилистоннинг ялпи саноат маҳсулотдаги салмоғи 8 фоизни ташкил этар эди холос.

ХХР ташкил топгандан сўнг, саноат ишлаб чиқаришини жойлашувидаги тафовутлар, қисман бартараф этилди. 1949—1979 йиллар давомида, Хитойнинг ички районлари ва миллий кичикликни ташкил этувчи халқлар истиқомат қилувчи районларида, саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми 40 мартага ўсди ва уларнинг ялпи саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги салмоғи 36 фоизни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, ХКП нинг 11 — чақириқ 3 — Пленумидан сўнг, Хитой иқтисодчи- олимлари, саноат ва иқтисодиёт соҳаларининг бир бутун тизимини ташкил этишга минтақавий нуқтаи назардан эмас, балки, умумдавлат нуқтаи назаридан, ёндашмоқ лозим деган хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, умумхалқ манфаатларидан келиб чиқиладиган бўлса, чекланган моддий ва молиявий ресурсларни юқори самара берадиган районларга жамлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув бутун иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига ва минтақавий тафовутларнинг қисқаришига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, моддий ва молиявий ресурсларни бир ёки бир нечта муҳим районларга жамлаш, бутун мамлакат миқёсида иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги фикр ҳақиқатга яқин, аммо бундай ёндашув, минтақавий тафовутларнинг қисқаришига олиб келиши тўғрисидаги тезис бирмунча мулоҳазали ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, моддий ва молиявий ресурсларнинг муайян худудларда жамланиши, ушбу худудларда ижтимоий — иқтисодий ривожланиш даражасининг юксалишига, бошқа худудларнинг эса, улардан тобора орқага қолишига олиб келади. Шу сабабли минтақавий тафовутларнинг янада ошиши эҳтимоли юқорироқ бўлади.

Шунга қарамасдан, иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичида моддий ва молиявий ресурсларнинг бир ёки бир нечта хуудларда жамланиши нафақат, ўзини оқлади, балки, бу амалга оширилиши лозим бўлган зарурий чора — тадбир ҳам ҳисобланар эди, чунки иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳал этилиши лозим бўлган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бошқа томондан, Хитой иқтисодчилари мамлакатнинг бундан кейинги барқарор ривожланиши, халқаро иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш билан боғлиқ эканлигини ҳам таъкидладилар. Иқтисодчиларнинг бундай қарашлари, Хитой ҳукумати раҳбарлари, энг аввало, Дэн Сяопинга ҳар томонлама маъқул келди.

ХКП нинг 11— чақириқ 3 —Пленумида "жаҳон учун мамлакат деразаларини кенг очиш" ғоясини илгари сураётган экан, Хитой ҳукумати раҳбарияти мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, мамлакатга мунтазам ва самарали хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ масалаларини тез муддатларда ҳал этишга бел боғлаганларини кўрсатдилар.

Хитой ҳукумати раҳбарлари, иқтисодчи — олимлари мазкур иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг самарали усуллари билан бири эркин иқтисодий зоналар эканлигини ўз вақтида англаётган эдилар. Бундан ташқари, мазкур даврга келиб, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича жаҳон иқтисодиётида муайян тажриба тўпланган ва бу зоналар муваффақият билан фаолият кўрсатаётган эди.

Айниқса, XX асрнинг 60 — йилларидан бошлаб Шарқий, Жанубий — Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий — иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин эгаллаётган бошлади. Чунончи, бу соҳада Хитой билан чегарадош мамлакатлар алоҳида ташаббус ва фаоллик билан ажралиб турди.

1965 йилда Тайваннинг Хаошюунинг районида экспортта мўлжалланган иқтисодий зона фаолият кўрсата бошлади. Мазкур эркин иқтисодий зона аста — секинлик билан, бироқ муваффақиятли тарзда япон инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига жалб эта бошлади. Шунингдек, Жанубий Корея, Гонконгда ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил этилдики, бу зоналар мамлакат экспорт — импорт операцияларида ҳал қилувчи ролни ўйнаётган бошлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Хитойда ҳам ташқи иқтисодий сиёсатга алоҳида эътибор берилди. Хитой иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб қилиш, халқаро савдо — иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мазкур сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари сифатида танлаб олинди.

Шу муносабат билан, ташқи иқтисодий фаолият, қўшма корхоналар тўғрисида қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатларда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қафолатлаш масалалари қонуний ҳал этилди. Хитойда ривожланган мамлакатлар компанияларининг филиалларини очишга тўлиқ рухсат берилди.

Ва, ниҳоят 1979 йилдан бошлаб, Хитой ҳукумати эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга киришди. 1980 йилда Хитойда 5 та эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этилди: Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнь ва Хайнань.

90 йилларда уларга яна 2 та эркин иқтисодий ҳудудлар, Пудун ва Куньминлар келиб қўшилди.

«Шэньчжэнь», «Чжухай», «Шаньтоу» алоҳида иқтисодий зоналари Гуандун провинциясида, «Сямэнь» зонаси Фуцзянь провинциясида, «Хайнань» алоҳида иқтисодий ҳудуди эса Хайнань оролини қамраб олган, Пудун Шанхайда, Куньмин эса, Юньнань провинциясида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бу эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил топиши, уларнинг географик жойлашиши ва иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ бўлиб, Хитойдаги энг йирик эркин иқтисодий зона ҳисобланган Шэньчжэнь Гуандун провинциясининг жанубида жойлашгандир. У шимол томондан Утун тоғлари ва Боань округи билан, жануб томондан, Гонконгнинг янги ҳудудлари билан, Шарқ томондан Дапен кўрфази ва Ғарб томондан Хоухай кўрфази билан чегарадош. Район 327,5 кв.км. майдонни эгаллайди. Унда умумий ҳажми 22,4 млрд.АҚШ долл. ҳажмидаги 17,5 мингта корхона фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг 85% и Гонконг капиталига асослангандир. Улардаги сармоя киритилган асосий соҳалар ядро энергетикаси, электроника, машинасозлик, хизмат кўрсатиш, молия, юқори технологиялар соҳаси ҳисобланади;

Чжухай эркин иқтисодий зонаси ҳам Гуандун провинциясининг жанубида жойлашган. У Ғарб томонидан, Марварид дарёси билан, Жанубда Макао (Аомэнь) билан чегарадош. Эркин иқтисодий зона

15,16 кв. км. майдонни эгаллайди ва унда хизмат кўрсатиш, оғир саноат, электроника, порт ва йўлларни қуриш бўйича 4980 лойиҳалар амалга оширилди, унга қўйилган сармояларнинг 80% и Гонконг, Макао, Тайвань ва Сингапурдандир ;

Шаньтоу эркин иқтисодий зонаси Гуандун шахрининг Шаньтоу шаҳрида жойлашган. У икки қисмдан иборат:

Биринчи қисм Шаньтоу шахрининг шарқий қисмини ўз ичига олиб 22,6 кв.км майдонни эгаллайди ва иккинчи қисм Шаньтоунинг жанубий қисмида жойлашган Гуаньжоу ярим ороли бўлиб, 30 кв.км. майдонни эгаллайди. Унда нефт кимёси, электроника, портларга, хизмат кўрсатиш, кийим-кечак ва оёқ-кийим ишлаб чиқариш соҳаларига 95% лик Гонконг, Тайван ва Сингапурлардан хорижий сармоя қўйилиб, 3000 та лойиҳа амалга оширилди (3,5 млрд.АҚШ долл.);

Сямэнь эркин иқтисодий зонаси Фуцзянь провинциясининг Сямэнь шаҳрида жойлашган. У ўз ичига Сямэнь оролини ва Гулан оролчасини олади, умумий майдони 131 кв. км.ни ташкил этади.Унга 15 млрд.АҚШ долл. ҳажмида хорижий сармоя асосан, Тайваньдан электроника, текстил, озиқ-овқат ва кимё саноатларига (80%) киритилиб, унда 4150 та корхона фаолият кўрсатмоқда;

Хайнан эркин иқтисодий зонаси алоҳида орол худуди бўлиб, унинг майдони 34 минг кв.км.дан иборатдир. Унда умумий ҳажми 22,3 млрд.АҚШ долл.да хорижий сармоя қўйилиб, бугунги кунда 7320 та корхона фаолият кўрсатмоқдадир.

Пудун иқтисодий зонаси. 1990 йиллар бошида, Шанхайда, янги - Пудун эркин иқтисодий райони ташкил этилди. 1992 йилдан бошлаб, бу худуд хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича, катта муваффақиятларга эришиб, бугунги кунга қадар унда автомобилсозлик, электроника, ускунасозлик, телекоммуникация, юқори технологиялар ва энергетика соҳалари бўйича 27,3 млрд.АҚШ долл. даги 5405 та лойиҳалар амалга оширилди Куньмин эркин иқтисодий худудида асосан, хизмат кўрсатиш, электроника, текстил, кийим-кечак саноатлари соҳаларига хорижий сармоялар киритилиб, 2742 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хитой кукумати мамлакатнинг ташқи дунё учун очиклигини таъминлаш борасида яна бир қадам қўйди. Хитойнинг 14 та шаҳрига – Далянь, Циньхуандоу, Тяньцзинь, Яньтай, Циндао, Ляньюньган, Наньтун, Шанхай, Нинбо, Вэньчжоу, Гуанчжоу, Фучжоу, Чжаныцзян ва Бэйхай – очик денгизбўйи шаҳри мақоми берилди.

1984 йилдан бошлаб Хитойнинг йирик дарёлари Янцзи ва Чжуцзян бўйларида, Фуцзянь провинцияси жанубидаги иқтисодий учбурчақда, Шаньдунь ва Ляодун ярим оролларида, Хэбэй провинцияси ва Гуанси-Чжуан автоном районида очиқ иқтисодий зоналар ташкил этила бошлади. Натижада мамлакатнинг денгизбўйи худудларида очиқ иқтисодий кенглик шаклланди. 1992 йилдан бошлаб Давлат кенгаши санкциясига мувофиқ бир қатор чегара шаҳарлари, шунингдек, ички континентал провинциялар ва стоном районларининг барча маъмурий марказлари ташқи дунё учун очиқ зона мақомини олди.

Йирик ва ўрта шаҳарларда 15 та бож тўловларисиз зона, 32 та техник — иқтисодий ўзлаштириш зонаси ва 52 та давлат аҳамиятидаги янги ва юқори технологияларни ўзлаштириш зонаси ташкил этилди. Шундай қилиб, Хитойнинг денгизбўйи, Янцзи хавзаси, чегара ва ички континентал районлари асосида ташқи дунёга кўп поғонали ва ҳар томонлама очиқлигига эришилди.

Ташқи дунё учун очиқ бўлган барча районлар экспортга йўналтирилган иқтисодиёт шаклланиши, валюта тушумларининг ўсиши, илғор хорижий техника ва технологияларнинг кириб келиши учун воситачи ролини бажаради.

Хитойдаги 5 та алоҳида иқтисодий районлари ҳам ташқи дунёга йўналтирилган зона ҳисобланади.

Умуман олганда XX асрнинг 90 – йилларига келиб, Хитойда эркин иқтисодий зоналарнинг асоси шаклланиб бўлди. Бу зоналар 320 минг кв. км. дан ортиқроқ майдонни эгаллайди. Бу зоналарда истиқомат қиладиган аҳоли сони XX асрнинг 80 – йиллари бошларида 90 млн кишини ташкил этган бўлса, 90 – йилларнинг бошларига келиб, 160 млн. кишигача, 2000 йилга келиб – 300 млн. кишини ва 2010 йилга келиб эса – 360 млн.гача ўсди.

Хитой кукумати кучли эркин иқтисодий зоналарни ташкил этар экан, эркин иқтисодий зоналар ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб берди, улар олдига аниқ мақсад ва вазифаларни қўйди ва уларни амалга оширди.

Бу мақсад ва вазифаларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, эркин иқтисодий зоналар замонавий иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш ва Хитой ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири - " ташқи дунё учун очиш" тамойилини ҳаётга татбиқ этишга ёрдам берди;

Иккинчидан, эркин иқтисодий зоналар сиёсий ва иқтисодий томонидан, барча мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларнинг сезиларли даражада ўсишига кучли туртки бўлди ва "Хитой социалистик бозор иқтисодиёти - жаҳон иқтисодиёти" занжирида ўзига хос муҳим халқга айланди.

Учинчидан, хорижий инвесторлар учун очиқ ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар нафақат, юқорида қайд этилган ҳудудлар, балки Марказий, Шимолий – Ғарбий ва Жанубий – Ғарбий районларга хорижий инвестицияларни, замонавий технология ва усқуналарни жалб этиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишини амалга оширишда катта роль ўйнади.

Тўртинчидан, эркин иқтисодий зоналар ривожланган мамлакатлар каби фан ва техниканинг энг янги натижаларидан, юқори ва унумли меҳнатдан, замонавий ишлаб чиқариш муносабатларидан, хўжалик юриштининг янги шаклларида фойдаланадиган ўзига хос лаборатория вазифасини бажарди.

Бешинчидан, эркин иқтисодий зоналар қулай геоиқтисодий жойлашувидан, бой табиий — иқтисодий ресурсларидан, шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг малакали меҳнатидан самарали фойдаланиши, шунингдек, хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиши шароитида қисқа муддатларда юқори иқтисодий ривожланиш суръатларига, ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини муттасил ошириб боришга эришдилар.

Олтинчидан, эркин иқтисодий зоналар Хитойнинг колоқ ҳудудлари учун ижобий намуна, ички муваффақиятларни кўрсатувчи ўзига хос витрина, шунингдек, Хитой иқтисодиётини олдинга етакловчи локомотив вазифасини бажардилар;

Еттинчидан, хорижий инвесторлар учун очиқ бўлган эркин иқтисодий зоналар экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқариш турлари барпо этиладиган ҳудуд ҳисобланади. Мазкур корхоналар маҳсулотлари Хитойнинг барқарор халқаро савдосини кенгайтириш, унинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқени мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам берди;

Хитой ҳукумати эркин иқтисодий зоналар учун ушбу ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб вазифаларни белгилаб берар экан, ушбу зоналарга ҳар томонлама самарали ёрдам берди. Ҳукумат эркин иқтисодий зоналарнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни барпо этишга йўналтирилган қатор чора – тадбирларни амалга оширди.

Бу соҳада, энг аввало, қонуний ва меъёрий асосларини тартибга солиш бўйича ишлар амалга оширилди. XX асрнинг 80-йиллар охирлари ва 90-йиллар бошларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи, 200 дан ортиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар амал қилар эди. Бу қонунлар орасида "Хитой Халқ Республикасининг Хитой—хорижий қўшма корхоналар тўғрисидаги Қонуни"ни (1979 йил 8 июль), "ХХРнинг Хитой хорижий қўшма корхоналарини солиққа тортиш тўғрисидаги қонуни"ни (1980 йил 10 сентябрь), "ХХРнинг иқтисодий шартномалар тўғрисидаги Қонуни"ни (1985 йил 21 март), "ХХРнинг 100 фоизли хорижий корхоналар тўғрисидаги Қонуни"ни (1986 йил 12 апрель), "ХХРнинг Хитой -хорижий кооператив корхоналари тўғрисидаги қонуни"ни (1988 йил 13 апрель), "ХХРнинг Хитой ва хорижий капиталга асосланган қўшма корхоналар тўғрисидаги қонуни"ни ва бошқаларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳужжатларда хорижий тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг имтиёзлари аниқ кўрсатиб берилган.

Хитой иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишнинг муҳим омиллари.

Жаҳон хўжалигида глобаллашув жарёнлари кучайиб бораётган ва миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиётига боғлиқлиги ортиб бораётган бир шароитда, Хитойда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири, халқаро иқтисодий муносабатлардаги бўлаётган ўзгаришларни амалга ошириш, ХХР ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш ва мамлакатнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувини таъминлаш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ эканлиги яққол кўриниб қолди.

20- асрнинг 70 – йиллари охирларидан бошлаб, Хитой очик иқтисодиёт асосларини яратишга киришди, социалистик мамлакатларга йўналтирилган бир томонлама иқтисодий алоқаларга барҳам берилди. Бу эса, мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига туб ўзгаришлар киритди ҳамда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хитой иқтисодиётини модернизациялаш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига чиқариш учун, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида барча мамлакатлар билан савдо — иқтисодий муносабатларини изчил кенгайтириб борди. Шу муносабат билан, Хитой ҳукумати ташқи савдо айланмасини

кенгайтиришга йўналтирилган қатор чора - тадбирларни амалга оширди. Хусусан, илғор технология ва замонавий ускуналар импортини рағбатлантириш, бошқа мамлакатлар ва трансмиллий банклардан қарз ва кредитлар олишга кўмаклашиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Давлат ўз вақтида эски анъаналардан воз кечишга эришди ва кўшма корхоналар барпо этиш учун, хорижий инвестицияларга рухсат берди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар икки шаклда: Хитой ва хорижий мамлакат капитали асосида ҳамда юз фоизлик хорижий инвестициялар асосида ташкил этилди. Ташки иқтисодий фаолиятни жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим чора - тадбирлардан бири эркин иқтисодий зоналарнинг турли кўринишлари: алоҳида иқтисодий зоналар, очик (денгиз бўйи шаҳарлари, очик порт шаҳарлари ва бошқаларни) ташкил этиш бўлди.

Бу зоналарнинг ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётига йирик миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни янги техника ва илғор технология асосида модернизациялаш имконини берди. Бу тадбирларнинг барчаси мамлакат иқтисодий ривожланишига, энг аввало, ташки иқтисодий алоқаларнинг сезиларли даражада ривожланишига олиб келди.

Хитойда халқаро савдони изчил кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарга алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида шу қадар кўп муваффақиятларга эришилдики, хорижий инвесторларга тақдим этилган имтиёзларнинг бир қисми бекор қилинди. Масалан, 1996 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан киритилаётган машина, ускуналар ва материалларга бож тўловлари қайта жорий этилди. Бироқ бу чора -тадбирларни Хитой ҳукуматининг хорижий инвестицияларни жалб этишни чегаралашга қаратилган хатти-ҳаракатлари деб тушуниш нотўғри бўлар эди. Бу чора-тадбирлар иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқаётган ҳаракатлардир.

Эркин иқтисодий зоналар ҳозирги кунда ҳам муваффақият билан ривожланмоқда. Хитойнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эркин иқтисодий зоналарсиз тасаввур этиш қийин.

Бу соҳада қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Масалан, экспортга маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга солинадиган даромад солиғи 10 фоизни, эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарга — 15 фоизни ва бошқа ҳудудларда 30 фоизни ташкил этади. Кўп ҳолларда қўшма корхоналар 2-5 йилга даромад солиғидан озод қилинганлар. Эркин иқтисодий зоналар экспорта бож тўловларидан озод қилинган ва лицензияланмайди. Божхона имтиёзлари тўтрисида фикр юритадиган бўлсак, қўшма корхоналар эркин иқтисодий зоналарга олиб кириладиган ишлаб чиқариш мақсадидаги товарларга бож тўловлари туламайдилар.

Умуман олганда, Хитой Халқ Республикасидаги эркин иқтисодий зоналар учун қуйидаги хусусиятлар ҳос:

- ❖ мамлакатнинг бошқа районларига нисбатан, бозор муносабатлари соҳасида эркинликнинг юқорилиги;

- ❖ хорижий инвестицияларга таяниш;

- ❖ саноат тармоқлари ривожланишига устуворлик берилиши;

- ❖ ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлиги;

- ❖ хорижий хом ашёларни кенг жалб этиш;

- ❖ хорижий инвесторларга имтиёзлар ва алоҳида устунликларнинг тақдим этилганлиги;

- ❖ ишчи кучининг арзонлиги ва ортиқчалиги;

- ❖ қулай географик жойлашуви.

Бу имтиёзларнинг барчаси ХХРда эркин иқтисодий зоналар шаклланишига ва муваффақиятли фаолият кўрсатишига олиб келди.

Хитой ташки савдо айланмаси юқори суръатларда ва доимий тарзда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, 1979-1999 йилларида Хитой ташки савдо айланмасининг ўртача қўшимча ўсиш суръатлари 15,3 фоизни ташкил этди. Агар, 1978 йилда Хитой ташки савдо айланмаси 20,64 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 69,6 млрд. долларга, 1990 йилда 115,44 млрд. долларга, 2000 йилда 474,29 млрд. долларга ва 2001 йилда 509,77 млрд. АҚШ долл.га етди ҳамда сўнгги йигирма уч йил давомида қарийб 25 мартага ошди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, Хитойни мамлакат иқтисодиёти 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳимоя қилишда ва тиклашда, унинг ҳукумоти томонидан мазкур йилнинг октябрь ойида ажратилган 4 трлн. юан. (585 млрд. АҚШ долл.) миқдоридagi инқирозга қарши пакети локоматив ролини

ўйнади. Ҳисоб маънада Хитой иктисодиётининг 10 та етакчи секторларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Улар жумласига: текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш, машина-техник маҳсулотлари, кемасозлик ва автомобилсозлик, пўлат қуйиш саноати, ахборот технологиялари, нефть-қимёси ва енгил саноат, логистика ва рангли металллар ишлаб чиқариш йўналишлари киради.

Хитой бозорига секин-аста нафақат йирик, (Форд, Ай-Би-Эм, Дженерал-Электрик, Дженерал-Моторс, Вестингауз, Юнайтед-Технолоджи, Моторола, Хьюлетт-Паккард, Кока-Кола ва х.к.) балки ўрта ва кичик ҳажмдаги Америка бизнеси кириб кела бошлади. АҚШ корпорациялари Хитойнинг ишлаб чиқаришни технологик ва янги сифими катга бўлган соҳаларига, айниқса, Хитой томони манфаатдор бўлган йўналишларга (телекоммуникация, информатика, биотехнология, янги материаллар) фаол кириб, уларни ўзлаштирдилар. Замонавий ҳамкорлик "маҳсулотнинг ҳаётий циклини" ҳамма босқичларини, ҳаттоки, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатишни ҳам ўз ичига олиб, инвестицияларнинг тармоқлар таркиби оптималлаштирилиб, унинг ноишлаб чиқариш соҳаси ҳам фаол ўзлаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда АҚШ билан қўшма тадбиркорлик Хитой учун технологияларни сотиб олишда, тажриба орттиришда, кадрларни тайёрлашда, савдо алоқаларини ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи манба ҳисобланади. 1997 йил бошига келиб, Хитой иктисодиётига қўйилган АҚШ нинг 22 мингдан ортиқ келишув-контракт инвестицияларини умумий ҳажми 35,2 млрд. АҚШ долл. га етиб, уларда амалда фойдаланилгани 14,3 млрд. АҚШ долл. ташкил қилди Хитой товар экспорти ва импорти таркибининг тайёр маҳсулотлар фойдасига юқори суръатларда ўзгараётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, импорт таркибида замонавий ускуналар ва юқори технологияларнинг ўрни сезиларли бўлмоқда ва уларнинг улуши 90 — йилларнинг ўрталарида 10 фоиздан ортди. Хитой экспортидаги ўзгаришларнинг салмоғи янада ошмоқда. Агар ислохотларгача бўлган даврда, мамлакатдан асосан, хом ашё товарлари, саноатнинг ярим фабрикат, кустар ва ярим кустар характердаги маҳсулотлар чиқарилган бўлса, иктисодий ислохотлар ва "очиқ иктисодиёт" даврида мамлакат юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги вақтда Хитой ер шарининг 200 дан ортиқ мамлакатлари ва минтақалари билан савдо — иқтисодий муносабатларини йўлга қўйган.

Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари Япония, АҚШ, Европа Иттифоқи, Сянгань, АСЕАН мамлакатлари, Жанубий Корея, Тайвань, Австралия, Россия ва Канада ҳисобланади.

Жаҳон бизнесидаги кескин рақобатга қарамадан, хорижий инвестициялар жалб этиш соҳасида Хитой катта муваффақиятларга эришди. 1992 йилдан буён жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1 трлн. АҚШ. долл. га яқинлашди.

Бугунги кунда ХХР АҚШдан сўнг, жаҳонда иккинчи инвестиция қабул қилувчи мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони йилда йилга кўпайиб бормоқда. 1994 йилга келиб Хитойнинг Шарқий ва Жанубий — Шарқий районларида 200 мингдан ортиқ ана шундай корхоналар рўйхатга олинди. 2001 йил бошларига келиб эса, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 325 мингдан ошиб кетди, улар томонидан жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори 980 млрд. долл. ни ташкил этди.

Бугунги кунда ХХРда дунёнинг энг йирик 500 ТМКларининг деярли барчаси (480 та) фаолият кўрсатмоқда.

Хитой машина ва ускуналар экспортининг асосий истеъмолчилари: АҚШ (22,6%); Япония (8,7%); Германия (5,35%); Нидерландия (3,5%) ва Корея Республикаси (2,6%) ҳисобланади. Хитойнинг енгил ва текстил саноати маҳсулотларини истеъмолчилари эса, Япония (21,5%), АҚШ (17,8); Россия Федерацияси (4,0%); Германия (2,6%) ва Корея Республикасидир (1,6%) (2.7-жадвал).

Хитой эркин иқтисодий зоналаридаги замонавий ўзгаришлар ва унинг тажрибасидан Ўзбекистон учун фойдаланиш имкониятлари

Хитойга хорижий сармояларни жалб этишнинг замонавий ҳолати ва ундаги ўзгаришлар агар, 1979 йилда ХХРнинг ЯИМ 404 млрд. юандан иборат бўлган бўлса, 2005 йилдаги унинг реал қиймати 18,23 трлн. юанни, 2009 йилда 33,5 трлн. юанни ташкил этди. Хитойни ташқи савдо айланмаси ҳажми 2009 йилда 2, 207 трлн. АҚШ долл. дан иборат бўлиб, у ўтган йилга нисбатан, 18,8% га қисқарган, бу кўп йиллар мобайнида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида биринчи мартаба юз берган пасайишни англатади.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми эркин иқтисодий зоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Хорижий инвесторларнинг Хитой иқтисодиётига қизиқишлари, энг аввало, маҳаллий ишчи кучининг арзонлиги, Хитой бозори кўлами ва миқёсининг кенглиги, мамлакатнинг табиий – иқтисодий ресурсларга бойлиги, ер ва ишлаб чиқариш майдонлари учун тўловларнинг арзонлиги билан белгиладаники, бу хусусиятлар, аввало, Хитойда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарга хос. Айнан эркин иқтисодий зоналар туфайли, турли хил халқаро иқтисодий ташкилотларнинг Хитойга бўлган ишончи ва эътибори ортмоқда.

2.7-жадвал

XXP сининг асосий ҳамкорлари билан 2006 йилдаги ташқи савдоси

Мамлакат	Экспорт				Импорт		Баланс қолдиғи млрд. долл.
	Млрд. долл.	ўсиш, % да	улуши, % да	млрд. долл.	ўсиш, % да	улуши, % да	
Умумий ҳажми	969,1	27,2		791,6	20,0		7,5
АҚШ	203,5	24,9	21,0	59,2	21,8	7,5	44,2
ЕИ	182,0	26,6	18,8	90,3	22,7	11,4	91,7
Япония	91,6	9,1	9,5	115,7	15,2	14,6	-24,1
АСЕАН	71,3	28,8	7,4	89,5	19,4	11,3	-18,2
Гонконг,	55,4	24,8	16,0	10,8	-11,8	1,4	44,6
Жанубий Корея	44,5	26,8	4,6	89,8	16,9	11,3	-45,2
Тайвань	20,7	25,3	2,1	87,1	16,6	11,0	-66,4
Россия	15,8	9,8	1,6	17,6	10,5	2,2	-1,7
Австралия	13,6	23,2	1,4	19,3	19,3	2,4	-5,7
Бразилия	7,4	52,9	0,8	12,9	29,3	1,6	-5,5

Бу жараёни амалга оширишда Хитой ҳукумати йилдан-йилга ўз ташқи савдо айланмасининг юқори ўсиш суръатлари билан (бундан фақат 2008-2009 йй. мустаснодир) ажралиб турибди. Буни биз қуйидаги 2.9-жадвалдан яққол кўришимиз мумкин.

Бу зоналарга бошқа махсус иқтисодий ҳудудларга нисбатан, кенгрок имтиёзлар берган бўлиб, у хорижий инвесторлар учун жуда қулай шарт-шароитлар яратди.

Пудун иқтисодий районида, нафақат, барча махсус иқтисодий ҳудудлар ҳамда техник иқтисодий ўзлаштириш ҳудудлари учун белгиланган қонун ва ҳолатлар мавжуд бўлибгина қолмасдан (масалан, қисман ёки тўлиқ бож солиғи ва даромад солиғидан озод қилиниши), балки шундай иқтисодий имтиёзлар берилганки, улар фақатгина, Пудун иқтисодий ҳудудида қўлланилади.

2.8-жадвал

**2011-2015 йилларда бевосита хорижий инвестициялар жалб этувчи энг йирик мамлакатлар<sup>2</sup>**

Мамлакатлар	Бевосита хорижий инвестицияларнинг ўртача йиллик миқдори млрд.долл.	Жаҳон бевосита хорижий инвестициялари
АҚШ	236,2	26,6
Буюк Британия	82,5	9,3
Германия	68,9	7,8
Хитой	57,6	6,5
Франция	41,8	4,7
Нидерландия	36,1	4,1
Бельгия	30,2	3,4
Канада	29,6	3,3
Гонконг	20,5	2,3
Бразилия	18,8	2,1

2.9-жадвал

**Хитойнинг ЖСТ га аъзо бўлгандан сўнгги ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръатлари[12]**

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси		Экспорт		Импорт		Сальдо (колдик)
	Млрд. долл.	Ўсиш, %	Млрд. долл.	Ўсиш, % да	Млрд. долл.	Ўсиш, % да	Млрд. долл.
2001	509,7	7,5	266,1	67,8	243,6	8,2	22,6
2002	620,8	21,8	325,6	22,4	295,2	21,2	30,4

2 .<http://russian.china.org>

2003	851,0	37,1	438,2	34,6	412,8	39,8	25,5
2004	1154	35,7	593,3	35,4	561,2	36,0	32,1
2005	1421,9	23,2	762,0	28,4	660,0	7,6	102,0
2006	1760,7	23,6	969,1	27,2	791,6	20,0	177,5
2007	2170,0	23,2	1216,0	25,4	954,0	20,5	262,0
2008	2560,7	18,4	1429,5	17,5	1131,2	18,5	298,3
2009	2207,3	-0,86	1201,7	-0,84	1005,6	-0,88	196,1

Масалан, Хитой ҳукумати Пудун иқтисодий районида хорижий инвесторларга молиявий муассасаларни ҳамда учинчи индустрия корхоналарини (хизмат кўрсатиш корхоналари) ташкил қилишга рухсат берган. Халқаро Шанхай фонд биржасининг очилиши, хорижий банкларга «Женмэнби»да молиявий операцияларни ўтказишга рухсат берилиши ва акцияларнинг эркин котиловкасини, капитал қуйилмаларнинг ўсиш суръатларини кескин равишда оширди.

Хитой ҳукумати ўзининг янги Пудун иқтисодий районида, 1998 йилда Пудун иқтисодий районида ишлаб чиқарилган ялпи sanoat маҳсулоти - 142,2 млрд. юанни ташкил этди. Бу эса, Шанхайнинг қолган бутун қисмида ишлаб чиқарилган ялпи sanoat маҳсулотлари суммаси билан тенг бўлиб, амалда «иккинчи Шанхай» худуди яратилди[13].

Бугунги кунда, Пудун иқтисодий районида 72 та хорижий сармоялар иштирокидаги йирик молиявий муассасалар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 18 таси хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилгандир. У ердаги банклар женьминьбида операциялар олиб боришга рухсат олгандир. Ҳозирда, Хитойнинг 23 та провинциялари, Марказга бўйсунувчи шаҳарлар ва автоном районларининг тадбиркорлари Пудунда ўзларининг савдо фирмаларининг филиалларини очишган, мамлакатнинг 14та провинциясида 35та энг йирик ишлаб чиқариш ва молия бирлашмалари ўз ваколатхоналарини худудда рўйхатдан ўтказишган. Дунёнинг 60 тадан ортиқ мамлакатлари ва минтақалари сармоядорлари иштирокидаги қурилган объектлар, Пудун иқтисодий районида сезиларли даражада иқтисодий самара бермоқда.

Шундай қилиб, ХХР денгиз олди минтақасида, чет эл сармояларини жалб этиш учун, имтиёзли тартиб ўрнатилган худудларнинг ташкил этилиши, мамлакатга зарарли омиллар таъсиридан ҳоли бўлишга катта ёрдам берди.

Биринчидан, уларнинг ўзгараётган шарт - шароитларга ўта хушёрлик билан қараши ва тез мослашиши жиҳатидан ажралиб турадиган махсус ҳудудларни ривожлантириш бўйича, олдиндан пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясининг мавжудлиги, диққатни ўзига жалб этади. Деярли, 10 йил мобайнида, тажриба усулида, алоҳида иқтисодий ҳудудлар (1979 йил), махсус минтақавий шаклланиш тизими, ўзининг техник - иқтисодий ривожланиш ҳудудларига эга бўлган очик шаҳарлар (80 - йиллар ўртаси) ҳамда очик минтақалар (1987 йил) яратилди ва улар муайян фаолият кўрсата бошладилар. Натижада, Хитойнинг денгиз-олди провинциялари ва шаҳарларида қулай ташкилий муҳит шаклланган бўлиб, чет эл сармоядорлари учун, хитой бозорига, унинг устиворлигига қараб, чиқиш йўлини танлаш имкониятлари туғилди.

Иккинчидан, Хитой ҳукуматининг сиёсий устиворликлари шундан иборат бўлдики, - аниқ кўзланган мақсад ишлаб чиқилган (Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, экспорт ва юқори технологияли ишлаб чиқариш) ва чет эл сармояларини жойлаштириш шарт- шароитлари тегишли тарзда фарқланган бўлиб, чет эл сармоясини қабул қилувчи томон манфаатларини қанчалик аниқ ҳисобга олса, улар, шунчалик, тез ва осон жойлаштирилди. Мамлакатнинг нисбатан, кичик махсус иқтисодий зоналарида, шунингдек, экспортга мўлжалланган товарлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш шакллантирилган бўлиб, техник - иқтисодий ривожланиш компакт ҳолда жойлаштирилган зоналарида анчагина имтиёзли тартиблар ўрнатилди. Шу билан бирга, мамлакатда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам дадил тажрибалар олиб борилишига имкон яратилди. Мана шу ҳудудларда амалга оширилган ислохотларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири сезиларли бўлди. Уларда очилган шаҳарлар ва минтақалар, нисбатан камроқ имтиёزلарга эга бўлсаларда, бироқ, уларга ўзига етарли даражада, кенг шарт - шароитлар яратиб берилди.

Учинчидан, чет эл омонатчилари учун, зоналарнинг турига қараб, уларнинг жойлаштириш шарт-шароитлари аниқ ва тартибли бўлиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу шарт-шароитлар (солиққа тегишли имтиёзларнинг катталиги, ер ва биноларни ижарага бериш нархи ва муддатлари, божхона имтиёзлари ва бошқалар) билан улар, зоналарнинг ахборот марказларида осонгина танишиб чиқишлари мумкин.

Тўртинчидан, Хитой раҳбарияти, сармояларни қабул қилиш учун, ҳудудлар инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва олдиндан

тайёрлаш юзасидан катта молиявий харажатлар қилишга онгли равишда ёндошди. Бунда, кўпроқ дотациялардан эмас, балки, молиялашнинг қайтариладиган шакллари - давлат банкларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланилди. (7-10 йил муддатга, йилига 4 фоиздан тўлаш шарти билан). Хитой тижорат банклари маблағлари ва "Хуацяо" банк капиталидан фойдаланилди. Давлат банк муассасаларининг кредитлари, ҳудудларнинг техник - иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган ва аниқ ишлаб чиқарилган лойиҳалари бўйича берилди. Кўпгина ҳудудлар 5-8 йил давомида, корхоналар фаолиятига қатнашувчиларга, солиқ тўловларини ўз бюджетида тўплаш ҳуқуқини бердилар. Ҳозирги вақтда, зоналарнинг кўп қисми олинган қарзлар бўйича ҳисоб-китоб қилишни бошлаш учун етарли маблағларни жамғарди.

Бешинчидан, барча ҳудудлар ва алоҳида районлар тизими макроиқтисодий даражада (мамлакат ҳукуматидаги махсус органлар, провинциялар, шаҳарлар), шунингдек, ҳудудларнинг ичида самарали бошқарилади. Уларнинг ташкилий шаклларини турлитуманлиги ва бош тамойилларига асосланганлиги, барча ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишда, сармоядорлар учун қулай бўлган восита бўлиб хизмат қилишга тайёр эканлиги билан ажралиб туради.

Алоҳида махсус ҳудудлар ва техник иқтисодий ривожланиш зоналарининг катта қисми, улар барпо этилган вақтдан бошлаб, чет эл капитали иштирокидаги етарли даражада ривожланган ишлаб чиқариш мажмуаларига айланди. Зоналарда жойлашган ва махсулот ишлаб чиқара бошлаган корхоналар сони - 10тадан, (техник-иқтисодий ривожланиш зоналарида), 100 тагача (Шенчжен) тебраниб турди. Ҳозирги кунда, (2006-2008 йй.), мазкур зоналар барқарор суръатлар билан ривожланиб бориб, Хитой ҳукуматининг бу йўналишда амалга ошираётган ишлари самарадорлиги - ушбу махсус зоналарга, мамлакатга жалб қилинган чет эл сармояларининг деярли 60 фоизини кириб келганлиги билан, асосланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг хорижий инвестициялар жалб этишдаги родини қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади. 1979 - 2009 йилларда Хитой иқтисодиётига бевосита хорижий инвестициялар жалб этишнинг барча жиҳатлари бўйича дастлабки 5 та эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган Гуандун ва Фуцзянь провинциялари эгаллади. Ташкил этилган 10052 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг 7786 таси ёки 80 фоиздан кўпроғи

ушбу провинциялар хиссасига тўғри келди. Аммо бу соҳада Гуандун провинцияси етакчи ўринни эгаллайди. Бу провинцияда эса Шэньчжэнь эркин иқтисодий зонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур даврда бу ерда 6634 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланди (65,9 фоиз), шартномада кўрсатилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 9750 млн. долл.ни ташкил этиб (45,6 фоиз), унинг ҳақиқатда 3280 млн. доллари ўзлаштирилди (36,8 фоиз)[13].

Агар, Хитойда фаолият кўрсатаётган жами эркин иқтисодий зоналар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, мамлакат иқтисодиётига жалб этилган жами бевосита хорижий инвестицияларнинг 1979—2009 йилларда 90 фоиздан кўпроғи улар хиссасига тўғри келди.

Иқтисодий ислохотлар асосий йўналишлари ва "очиқ эшиклар сиёсати"нинг босқичма — босқич жорий этилиши, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши билан Хитой ташқи иқтисодий фаолияти сезиларли даражада фаоллашди.

Кейинги йилларда ҳам эркин иқтисодий зоналар туфайли Хитой иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш сезиларли даражада ўсди ва 1993 йилда ўзининг энг юқори чўққисига етди.

Мазкур йилда мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 122,7 млрд.долл.га етди. 1994 йида эса ушбу кўрсаткич 81,4 млрд.долл.гача пасайди[13].

XXI аср бошларида ҳам Хитой иқтисодиётига жалб этилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми барқарор суръатларда ўсмоқда. Чунончи, 2000 йилда жалб этилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 40,7 млрд.долл.ни ташкил этди.

Агар киши бошига жалб этилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу соҳада ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Масалан, 1994 йилда Хитойда киши бошига тўғри келган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 26 долларни ташкил этди. Бу Ҳиндистондаги (0,9 доллар) ёки Индонезиядаги (15 доллар) кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир, аммо Мексика, Польша, Чили ва Венгриянинг кўрсаткичларига нисбатан анча паст. Бироқ мазкур мамлакатлар аҳолиси сони Хитойдан анча кам эканлигини эътиборда тутиш лозим. Ҳозирги кунда (2009 й.) бу кўрсаткич 62 АҚШ долларини ташкил этмоқда[14].<sup>5</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий инвестицияларни жалб этишда устуворлик ҳали ҳам эркин иқтисодий зоналарга берилмоқда. Чунончи, 1990 йиллар охирида эркин иқтисодий зоналардаги хорижий сармоялар пштирокидаги корхоналар ХХРдаги жами шундай корхоналарнинг 32,1 фоизини ташкил этди. Агар мамлакат иқтисодиётига йирик илқёсда хорижий инвестициялар жалб этиш 1979 йилда бошланганлигини ҳисобга олсак, 1979—2009 йилларда амалда 820,4 млрд.долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 420,18 млрд.долларини ташки бевосита хорижий инвестициялар ташкил этди. Бу инвестицияларнинг асосий қисми эса, эркин иқтисодий зоналар ҳиссасига тўғри келди[14].

ХХР халқаро савдосининг юқори суръатларда ўсиши, кўп жиҳатдан ундаги эркин иқтисодий зоналарнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши туфайли юз берди. Чунончи, агар 1991—2000 йилларда, ХХР жами экспортининг ўртача йиллик ўсиши 19,4 фоизни, импортининг ўртача йиллик ўсиши 13,9 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу давр мобайнида, асосий қисми эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар бўйича, мазкур кўрсаткичлар мос равишда, 38,4 ва 31,3 фоизларни ташкил этди[13].

Хитой иқтисодиётига 2015-2016 йй.да жалб этилган сармояларнинг таркибини таҳлил этиш натижасида, шуни таъкидлаш лозимки, мазкур сармояларнинг деярли катта қисми, унинг ички сармоялари ҳисобланиб, уларни шаҳар ва қишлоқларга жойлаштириш нисбати 85,1:14,9 дан иборатдир (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

**Хитойнинг 2016 йилдаги турли шакллардаги корхоналари бўйича ташқи савдо таркиби[15]**

Корхоналар турлари	Экспорт		Импорт	
	Млрд.долл	Ўсиш,%да	Млрд.дол	Ўсиш, %да
Давлат корхоналари	191,3	13,4	225,2	14,2
Хорижий капитали корхоналар	563,8	26,9	472,6	22,0
Бошқа корхоналар	213,9	43,6	93,8	24,3

**Хитойда 2015-2016 йиллардаги капитал қўйилмаларининг асосий манбалари, млрд.ю.да[15].**

Капитал қўйилмалари манбаи	2015 й.	2016 й.
Жами:	8877,4	10987,0
Жумладан: давлат бюджетидан	415,4	479,2
Давлат банклари кредитлари	1631,9	1953,0
Бевосита хорижий сармоялар	397,9	430,2
Корхоналар фойдасидан бошқалар	5510,6	7052,5
	921,6	1072,1

**Хитойда хорижий сармояларнинг тармоқлар бўйича таркиби, % да[15]**

Тармоқлар таркиби	2015 й.	2016 й.
Шаҳарларга қўйилган сармоялар: жами	100,0	100,0
Жумладан: қайта ишлаш саноатига	27,2	28,2
электроэнергетикага	9,7	8,8
Алоқа ва транспорт	11,8	11,9
Уй-жой ва офислар қурилишига	22,8	22,9
Экология ва сув хўжалигига	8,1	8,0
машинасозликка	7,4	8,2
Тахлим соҳасига	2,6	2,3

Умуман олганда, Хитойнинг “очиклик” ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги сиёсати натижасида 1979-2009 йиллар мобайнида мамлакатга жалб қилинган хорижий сармояларнинг ҳажми 820 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг асосида 600 мингтадан ортиқ корхоналар ташкил этилди.

Бу борадаги янги ўзгаришлардан бири, 2016 йил сўнггида, илгари қабул қилинган “Хитой ва хорижий компанияларининг бир-бири билан қўшилиши ва бир-бирини ютиб кетиши” тўғрисидаги муваққат ҳолати кучга кириб, унда акцияларни алмаштириш йўли

билан бир-бирига қўшилишда битимларни трансчегаравий операцияларни амалга ошириш учун рухсат берилиши бўлди.

Шу билан бирга, хитой компанияларига хорижий инвестицион лойиҳаларни моллялаш учун миллий ва хорижий валюталарда банклардан қарз олишга рухсат берилди.

Ундан ташқари, Хитой хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича доимий импортер давлат бўлиши билан бирга, секин-аста ўзи ҳам капитални экспорт қилувчи мамлакатлар қаторидан жой ола бошлади. Ҳозирда, у капитални экспорти бўйича дунё ҳажмининг 1% ини беради. Капитални экспорт қилишнинг яна бир янги турларидан бири – бу икки томонлама эркин савдо зоналарини ташкил этиш бўлди. Улар жумласига, хусусан, Хитойни Вьетнам билан иқтисодий ҳамкорлик зонаси киради. У Хитой томонидан Гуаньси-Чжуан автоном районидаги Пинсян шаҳри (8,5 кв.км.) ва Вьетнам томонидан Лангшон провинцияси ҳисобланади. Ушбу зона хизматлар индустрияси товарлари ва эркин инвестициялаш билан шуғулланади. Шулар қаторида Хитой яна БРИК ташкилотига аъзо бўлиб, у орқали Бразилия иқтисодиётига (нефтни қазиб олиш соҳасига) ўз сармояларини қўймоқда. Навбатда Хитой-Замбия, Хитой-Исландия эркин савдо лойиҳалари турибди.

Шундай қилиб, Хитой ҳукумати бу йўналишда сармояларни экспорт ва импорт қилиш учун муайян ҳуқуқий-меъёрий базани яратди. Экспертларнинг таҳлилига кўра, Хитой 2010 йилда 100 млрд. АҚШ долл. ҳажми атропофида капитални экспорт қилган.

### **Хитойнинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тажрибасидан Ўзбекистон учун фойдаланиш имкониятлари**

Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда миқдор ва ўзлаштириш майдони бўйича гигантоманияга йўл қўйиб бўлмайди. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарнинг тез муддатларда самара бериши ва валюта даромадлари келтиришининг нореал эканлигини англаш, хорижий технологияларни жалб этиш ва бошқариш қобилияти ва тажрибасини эгаллаш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий ва маҳаллий инвесторларга имтиёзлар тақдим этиш, солиққа тортиш масалаларини тартибга солувчи қонуний – меъёрий асосни ишлаб чиқиш бўйича ишларни бажариш зарур.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасида ихчам эркин иқтисодий зоналар барпо этиш мақсадга мувофиқ. Бундай эркин иқтисодий зоналарда қисқа муддатларда ва унчалик йирик бўлмаган харажатлар эвазига зарурий инфратузилмани таъминлаш ва имтиёзли божхона тартибини таъминлаш мумкин. Хитой тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар жойлашган ўрнини танлашда уларнинг халқаро ишбилармонлик марказларига ва бозорларга яқинлиги, инфратузилма муассасаларининг мавжудлиги, моддий – техника базаси билан таъминланганлиги ва бошқа омилларни биринчи навбатда ҳисобга олиш лозим.

Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда мутахассислар Тошкент, Самарқанд, Бухоро халқаро аэропортлари ва Термиз портида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, шунингдек, Тошкентда экспортга мўлжалланган ва йирик молиявий ва моддий харажатларни талаб қилмайдиган эркин иқтисодий зоналар ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқдалар.

Хитойда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган энг муҳим эркин иқтисодий зоналар шаклларида – бири технопарклардир. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазкур шакли Ўзбекистон учун ҳам истиқболли ҳисобланади. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд:

Биринчидан, технопарклар илмий ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини жадаллаштириш мақсадида йирик илмий ва ўқув марказлари ҳудудларида ташкил этилади. Бунинг учун эса улар нафақат замонавий лабораториялар, лаборатория ускуналари, балки саноат шароитида уникал приборлар, машина ва ускуналар тайёрлаш учун мини заводлар билан таъминланадилар.

Айни вақтда лаборатория ва мини заводлар шароитида замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари хал этилади. Бу йўналишда юқори фан – техника салоҳиятига эга бўлган Тошкент шаҳридаги талабалар ва академиклар шаҳарчаси энг мувофиқ келади.

Иккинчидан, технопарклар мустақил Ўзбекистон Республикаси учун илмталаб саноат тармоқлари, электродвигателлар, мураккаб маиший хизмат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асоси сифатида ташкил этилади. Бундай технопарклар учун "Узэлектроаппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қуёш физикаси, Фотон, Алгоритм, Совпластитал қўшма корхонаси ва бошқалар база бўлиб хизмат қилади.

Хитой Халқ Республикасининг эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш соҳасидаги тажрибасининг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати — эркин чегара савдоси зонасидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа чегарадош мамлакатлар билан кесишган ҳудудларида эркин чегара савдо зонасини ташкил этиш мамлакатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни кучайтириш билан бирга мамлакатимиз ташқи савдосини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради. Эркин иқтисодий зоналарнинг бундай шаклларини ривожлантириш учун Андижон ва Ўш вилоятлари, Тошкент ва Чимкент вилоятлари кесишган ҳудудда, шунингдек, туманлар даражасида Сарийосиё ва Регар (Тожикистон), Тошкент ва Сарийоғоч (Қозоғистон), Таллимаржон ва Кирикичи (Туркменистон), Қорақўл ва Чоржў (Туркменистон) ва бошқа туманларида зарурий шарт – шароитларни яратиш орқали чегара савдосини ривожлантириш мумкин.

Албатта, мазкур эркин иқтисодий зоналарни барпо этишга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади, аммо ушбу йўналиш истиқболли соҳа сифатида сақланиб қолади.

Хитой Халқ Республикасининг туризм соҳасидаги тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ. Халқаро туризм зоналари Хитойга йирик валюта даромадларини келтирувчи муҳим манба ҳисобланади. Ўзбекистонда эса халқаро туризм зоналарини Самарқандда, Бухорода, Хивада, Фарғона вилоятининг қатор шаҳарларида, шунингдек, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жадал суръатларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизни йирик валюта маблағлари билан таъминлаши ва бандлик муаммосини хал этишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Мустақиллик йилларида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туристлик ташкилотларни ташкил этинши такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўлини ривожлантириш ва халқаро туризм инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг 2005 йилгача бўлган дастури ишлаб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда туризм ривожланишининг ташкилий – ҳуқуқий асослари яратилди. Туризм соҳасида

фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларга турли хил имтиёзлар берилди. Бу соҳада хусусий мулкка асосланган корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсата бошлади. Хорижий ҳамкорлар билан алоқалар йўлга қўйилмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Натижада туристлар алмашуви, меҳмонхоналар ва бошқа туристик объектларни қуриш ва ишга тушириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича хорижий мамлакатлар билан қатор шартномалар имзоланди. Республика бўйича асосий туристик зоналар – Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Хива ҳамда бошқа истиқболли туристик марказларни ўз ичига олувчи 200 га яқин маршрутлар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги чора – тадбирларнинг натижаси ўлароқ туризм бутунги кунда асосан ўз маблағлари ва хорижий инвестициялар жалб этиш ҳисобига фаолият кўрсатаётган иқтисодий тармоқларидан бирига айланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарнинг алоҳида ихчам шакллари барпо этиш учун зарурий шарт – шароитлар мавжуд. Шу билан бирга бундай зоналарни Хитой Халқ Республикасидаги сингари йирик миқёсда ташкил этиш масаласи кескин эмас.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, Хитойнинг эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тажрибасидан Ўзбекистонда тўғридан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Гап шундаки, Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий зоналарнинг муваффақиятли ривожланиши бир қатор омиллар билан тушунтирилади. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

– Хитойнинг Шимолий – Шарқий, Шарқий ва Жанубий – Шарқий районларида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарнинг денгиз йўлларида чиқиш нуқтаи назардан геоиқтисодий жиҳатдан қулай жойлашганлиги;

– ХХРнинг эркин иқтисодий зоналарида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг асосий истеъмолчиларга яқин эканлиги ва Хитой учун энг замонавий техника ва технологиялар етказиб берувчи мамлакатларнинг географик жиҳатдан яқинлиги;

– Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисми ҳисобланган ва молиявий – иқтисодий жиҳатдан қудратли Тайвань, Макао, Гонконг давлатларининг мавжудлиги. Бу мамлакатлар ХХРдаги

иқтисодий ислохотларнинг бошланғич босқичидаёқ Хитой иқтисодиётига инвестицияларни амалга ошириш учун йирик миқдордаги бўш капитал маблағларига эга эдилар;

– Малайзия, Индонезия, Филиппин ва Жанубий – Шарқий Осиёнинг бошқа янги индустриал мамлакатларида асли хитойлик бўлган аҳоли қатламининг юқори улушга эга эканлиги. Бу аҳоли қатлами юқорида номлари келтирилган мамлакатлар молиявий – иқтисодий ҳаётига сезиларли таъсир курсатган ва йирик капиталга эга бўлган кишилардир ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, республикамиз худди бошқа Марказий Осиё мамлакатлари сингари объектив ва субъектив сабабларга кўра эркин иқтисодий зоналарни устун даражада ривожлантириш учун Хитой Халқ Республикасига хос бўлган имкониятларга эга эмас. Бу, энг аввало, мамлакатимизда йирик денгиз портларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Хитойда эркин иқтисодий зоналар иқтисодий ислохотлар ва "очиқ эшиклар сиёсатининг" бошланғич даврида – 1981-1982 йилларда пайдо бўлди ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёنларига, Хитойнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашувига ҳамда 2001 йилнинг охирида Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишига кучли таъсир кўрсатди.

Шу сабабли Хитойда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва "очиқ эшиклар сиёсати"га ҳамда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тажрибасига жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари томонидан қизиқиш билдирилмоқда.

Шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам ушбу тажрибани ўрганишга ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича Хитой тажрибасидан мамлакатимизда фойдаланиш йўналишларини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1996 йилда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ мамлакатимизда эркин савдо, эркин жспорт — ишлаб чиқариш ва технологик зоналар ташкил этиш кўзда тутилган. Бу зоналарни ташкил этишда хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси тажрибасини ҳисобга олиш ва уларнинг

ижобий жиҳатларидан самарали фойдаланиш назарда тутилган. Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар барпо этилган тақдирда улар олдига аниқ мақсад – жаҳон бозорида рақобатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологияларни ривожлантириш мақсади қўйилади. Бундай ёндашув Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар тажрибасида ўз самарадорлигини кўрсатди.

Экспорт ишлаб чиқаришини ривожлантириш эса энг янги технологиялар ва жаҳон сифат стандартларига эришишни тақозо этади. Экспорт ишлаб чиқаришини ривожлантириш қуйидагиларга имкон беради:

– жаҳон бозоридаги кучли рақобат, ички номунатосибликларни бартараф этиш ва фойдаланилаётган захираларни излаб топиш зарурияти туфайли иқтисодиётни барча бўғинларида бошқариш сифати яхшиланади;

– экспортни барқарор ўстириш орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади;

– кўп сонли иш ўринлари яратилади, чунки иш кучининг арзонлиги туфайли ташқи бозорда меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги юқорироқ бўлади;

– бозор сиғимининг катталиги эвазига миқё самарасининг юқори бўлиши таъминланади, бу эса чуқурроқ ихтисослашув ва шу орқали жаҳон хўжалигида муносиб ўрин эгаллашга имкон беради;

– технологик ривожланиш жадаллашади ва "инсон капитали" нинг сифати ошади, чунки вақт ўтиши билан жаҳон бозорининг қаттиқ талаблари таъсирида экспортёрлар технологиялар, лойихалаштириш, сифатни бошқариш ва назорат қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва менежмент соҳасида кўпроқ билимга эга бўлиб борадилар;

– бевосита хорижий инвестициялар ҳажми ошади, негаки, инвесторлар мамлакатларнинг тўлов қобилияти, айниқса, экспорт тушумлари миқдорига қараб тегишли қарорлар қабул қиладилар;

– хорижий ускуналарни импорт асосида сотиб олиш учун хорижий валюталар тушуми ортади ва ҳоказо.

Табиийки, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш орқали экспортни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш умумий даражасининг ошишига олиб келади. Бу, айниқса, хорижий экспортёр фирмалар билан ҳамкорликда ишлаётган корхоналар учун қулай шарт - шароитлар яратади.

Умуман олганда, экспорт ишлаб чиқаришини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси йўналишида сўзлаган маърузасида қўйган вазифаларини, хусусан, "иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш", "янги тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини барпо этиш", "экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш", ва "маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш" вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида эркин иқтисодий зоналарнинг республикамизга мувофиқ келадиган шакллари танилаш бу соҳадаги энг муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳажми туғрисидаги масала ҳам жиддий масалалардан саналади.

Шу нуқтаи назардан эркин иқтисодий зоналарнинг турли шакллари ташкил этиш соҳасида Хитой тажрибаси самарали ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси орасидаги савдо-иқтисодий, молиявий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш ва бу бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик ва божхона ишларида ўзаро кўмаклашиш юзасидан техник-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби муҳим ҳужжатлар имзоланган. 2018 йил якунларига кўра икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 1,3 млрд. АҚШ долларига етди (2017 йилга нисбатан 43 фоиз ортди), шу жумладан, экспорт 257,4 млн. АҚШ долларини, импорт 1.040 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Экспорт таркибини асосан пахта толаси, кимёвий маҳсулотлар, рангли металллар, энергия манбаалари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқалар ташкил этади. Импорт таркибини эса кимёвий маҳсулотлар, қора металл, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқалар ташкил қилади.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида инвестицион соҳадаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномаларга асосан Ўзбекистонга жами 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияларини жалб

қилиш назарда тутилган. Ушбу маблағлар нефт-газ ва кимё тармоғи, коммунал хўжалик, мелиорация ва ирригация, электротехника саноати, телекоммуникация, ижтимоий соҳада лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида иш олиб бораётган Хитой капитали иштирокидаги корхоналар сони 2018 йил якунида 140 тага етди. Бу компаниялар инвестицияларининг умумий ҳажми 30 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек, Хитой компанияларининг 26 та ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан енгил ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари соҳаларига ихтисослашган.

ХХР компаниялари билан инвестицион ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланган нефт-газ секторини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада 2005 йилда «Ўзбекнефтегаз» компанияси ва Хитой миллий нефт-газ корпорацияси (CNPC) ўртасида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш бўйича ҳажми тахминан 600 млн. доллар бўлган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. 2006 йилда Ўзбекистонда Хитой капиталининг улуши 100 фоиз бўлган «CNPC Silk Road» шўъба компанияси ташкил этилиб, у ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги Бухоро-Хива, Фарғона ва Устюрт нефт-газ минтақаларида бешта инвестицион блокда геология-қидирув ишларини амалга оширишга киришди. Бунда Хитой корпорацияси Ўзбекистондаги геология-қидирув ишларига 5 йил мобайнида 208,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ инвестиция қилади.

Муҳим лойиҳалардан ҳисобланган Буюк ипак йўлини тиклаш стратегияси доирасида Ўзбекистон - Қирғизистон - Хитой темир йўлини қуриш ва автомобиль магистралини қайта таъмирлаш лойиҳаси яхши имкониятларга эга.

Транзит имкониятларини рўёбга чиқариш истикболлари ҳам Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон темир йўли (Қошғар - Иркиштам - Ўш - Андижон - Тошкент) магистрالي лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 1,2-1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этади (бу маблағлар донорлардан олинади). Темир йўл магистрالي Жануби-шарқий Осиёни Европа, Яқин Шарқ ва Форс кўрφαзи мамлакатлари билан боғлайди. Лойиҳа амалга оширилса, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг қитъа транзитидаги мавқеи ортади, чунки мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра,

дастлабки босқичнинг ўзида ташиладиган юклар ҳажми йилига 5 млн. тоннани, кейинчалик эса ушбу кўрсаткич 17-20 млн. тоннани ташкил этиши мумкин. Ушбу йўл юкларни транспортда ташиш вақти ва масофасини фойдаланилаётган йўлларга нисбатан 7-8 кун ва 900 км.га камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон автомобиль йўлини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳа Қошғар - Иркештам - Саритош - Ўш - Андижон - Тошкент маршрути бўйлаб катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу ерда йўлнинг 450 км. Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш ХХР ва Марказий Осиё мамлакатларига замонавий магистрал автомобиль йўлига эга бўлиш имконини беради. Бу йўл ХХРнинг жанубий маршрути (Хитой - Марказий Осиё - Эрон - Туркия - Европа) ҳисобланади. Бироқ ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун йўлнинг Қирғизистон ҳудуди орқали ўтувчи қисмини реконструкция қилишга маблағлар тақчиллиги муаммоси мавжуд.

Умуман, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик кенг доирадаги масалаларни қамраб олиб, ўзаро манфаатли алоқаларга асосланган. ХХР билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун халқ хўжалигининг замонавий тузилмалари барпо этилишига, дунё бозорларига элтувчи йўлларни қурилишига ва мамлакат транзит салоҳиятини кучайтиришга ҳамда жаҳон иқтисодий муносабатлар тизими билан интеграцион алоқаларини янада чуқурлаштиришга имконият яратади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “Эркин иқтисодий минтақалар тўғрисидаги” Қонунда белгилангидек, ҳар бир эркин иқтисодий минтақа Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан Олий Мажлиснинг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий минтақани ташкил этишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Эркин иқтисодий минтақани ташкил этиш тўғрисида маҳаллий ҳокимиятнинг қарори.

2. Эркин иқтисодий ҳудудга бериладиган мавқе, бошқарув ташкилотлари ва расмий номи кўрсатилувчи Низом лойиҳаси.

3. Мазкур ҳудуд жойлашган ҳудуд чегаралари аниқ кўрсатилган харитаси.

4. Ташкил этилувчи ҳудуд фаолиятининг техник-иқтисодий асосномаси.

5. Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси.

Ўзбекистонда ташкил этилиши кўзда тутилган эркин иқтисодий ҳудудлар бўйича бир қанча лойиҳалар мавжуд бўлиб, бу лойиҳаларнинг кўпчилиги айрим сабабларга кўра амалга оширилгани йўқ.

Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида шакллантириш зарур бўлаган эркин иқтисодий ҳудудлар мақсади ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга кўра қуйидаги турда бўлиши керак:

Жумладан:

➤ Ўзбекистон ҳудудида бизнинг фикримизча, қуйидаги эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ:

➤ Тошкент, Андижон вилоятларининг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида эркин савдо ҳудудларини;

➤ Самарқанд, Хива, Бухоро йўналишларида эркин туристик ҳудудларини;

➤ Тошкент шаҳрининг йирик университетлари жойлашган Талабалар шаҳарчасида, Мирзо Улуғбек шаҳарчасида, Паркентда технопаркларни.

Шу билан бирга ҳар бир ташкил этилувчи эркин иқтисодий ҳудудлар учун иқтисодчиларни жалб этган ҳолда пухта ишланган бизнес-режа тузилиши керак бўлиб, бу бизнес режада минтақа иқтисодиётига жалб этилувчи хорижий ва миллий инвестициялар ҳажмини белгилаш, инвестиция қилинувчи объектларнинг минтақа ривожланишига таъсир кўрсатиш даражасига кўра таснифлаш, инвесторларни рағбатлантириш, таваккалчилик даражасини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Бизнес режада инвесторлар ва ишлаб чиқарувчилар учун берилувчи имтиёзлар қатъий белгиланиши керак. Бундай имтиёзлар қаторига солиқ имтиёзлари, давлат ва маҳаллий бюджет билан муносабатлар кўрсаткичлари, валюта операциялари хусусиятлари, корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича имтиёзларни киритиш лозим. Бизнес режа эркин иқтисодий минтақани ташкил этишнинг илмий асосланган концепциясини шакллантиришни кўзда тутуди ва бу концепцияда қуйидагилар асослаб берилиши керак:

## Ташкил этиш шарт-шароитлари, яъни ҳуқуқий асослар

Минтақани бошқариш тизими, минтақа маъмуриятининг марказий ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари, тадбиркорлар, истеъмолчилар ассоциациялари, савдо-саноат палатаси, савдо уйлари билан муносабатлари тизими;

- ✓ Божхона тартиби;
- ✓ Молия ва валюта операциялари тартиби;
- ✓ Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот тизими;
- ✓ Ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий фаолият шарт – шароитлари;

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, таъкидлаш жоизки, Хитой иқтисодий ривожланиш стратегиясидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат деб ўйлаймиз:

биринчидан, мамлакатга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини Хитой каби Эркин иқтисодий зоналарни барпо этган ҳолда, уларда муайян имтиёзлар тизимини ва инвестицион иқлимни шакллантириш орқали кўпайтириб, сармоялардан рационал ва унумли фойдаланиш;

иккинчидан, асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигида маҳаллий ишлаб чиқаришни (маҳаллийлаштириш орқали) йўлга қўйиш;

учинчидан, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида, Ўзбекистон ўз экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиши ва Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришини ички истеъмолчиларга қаратиши ҳамда бу борада маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши лозимдир;

тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи савдо муносабатлари географиясини кенгайтирган ҳолда, Осиё қитъаси бозорлари билан ўз савдо айланмасини тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар эвазига оширишни йўлга қўйиши лозим;

бешинчидан, Хитой давлати каби мамлакатга жалб қилинаётган сармояларни Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, йўналтириш лозим;

олтинчидан, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар учун, Хитойдаги каби Ўзбекистонда ҳам, белгиланган солиқ юкени енгиллаштириб бориш керақдир;

еттинчидан, Хитой тажрибасидан, Ўзбекистоннинг қишлоқ худудларида чет эл сармоялари иштирокида экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар барпо этиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш лозимдир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидллш лозимки, эркин иқтисодий зоналар ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, мамлакатга хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантиришга хизмат қилар экан, бир қатор шарт — шароитларнинг ҳам мавжуд бўлишини тақозо этадики, Ўзбекистонда бундай шарт-шароитлар чекланган. Шунга қарамасдан, мамлакатимизнинг табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эркин иқтисодий зоналарнинг Ўзбекистонга мувофиқ келадйган шаклларини ривожлантириш ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришга, хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этишга, ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этишни жадаллаштиришга ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Хитой иқтисодиётининг охириги 3-5 йиллардаги ривожланиш хусусиятларидан бири – бу ундаги ресурсларнинг етишмаслиги (дефицити) ҳисобланади. Хитой ўзининг мавжуд иқтисодий ўсиш суръатларини саклаб туриш учун, бир томондан, минерал ресурслар импортини аҳамиятли тарзда ошириб бориши ёки, иккинчи томондан, мавжуд минерал ресурслар ва саноат маҳсулотлари экспортини чегаралаши ва ички бозорда улардан фойдаланишни қисқартириши лозимдир.

Хитой иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналарнинг тутган ўрни ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш муаммоларига бағишланган малакавий-битирув иши натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Эркин иқтисодий зоналар миллий иқтисодий худуднинг бир қисми бўлиб, у ерда мамлакатнинг бошқа қисмларида фойдаланилмайдиган маҳсус имтиёзлар ва енгилликлар тизими амал қилади. Миллий ва хорижий тадбиркорлар учун тақдим этилган алоҳида имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар ташқи савдо, умумиқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва илмий-технологик вазифаларни ечишга ёрдам беради.

2. Ушбу Хитой ЭИХ ларидаги қўлланилаётган қуйидаги имтиёз ва энгилликлардан фойдаланиш:

— ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришининг бошқа ташкил этувчилари импортини божхона божларидан тўла ёки қисман озод этиш;

— фойдага солинаётган солиқларга имтиёзлар жорий этиш;

— даромад солиғидан тўла ёки қисман озод қилиш;

— экспорт имтиёзларини жорий этиш ва мамлакатнинг бошқа қисмларидан олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчиларини рағбатлантириш;

— экспортга имтиёзли шарт-шароитлар жорий этиш;

— маҳаллий солиқлардан озод қилиш;

— хорижий инвестицияларнинг барча шаклларига рухсат бериш;

— экспорт ва импортни имтиёзли лицензиялаш;

— фойдани эркин ўзлаштиришга имконият яратиш;

— эркин иқтисодий зонада миллий валютанинг қисман ёки тўлиқ эркин алмашувини таъминлайдиган алоҳида валюта режими-ни жорий этиш;

— коммунал хизмат, транспорт тарифлари учун пасайтирилган ижара тўловларини тақдим этиш;

— жадаллаштирилган амортизацияни жорий этиш;

— замонавий бозор инфратузилмасини ҳамда хизматлар тар-моқларини барпо этиш;

— хорижий ва аралаш корхоналарга давлат кафолатлари ва қарзларини тақдим этиш ва бошқалар.

Хитой ташки савдосидаги ижобий сальдонинг ўсиб бориши борасида унинг савдо ҳамкорлари томонидан муайян фикрлар билдирилиб, бунга мисол тариқасида 2005 йилда АҚШ сенати томонидан Хитой импортига 27,5% миқдорда тариф ўрнатиш масаласини кўриб чиқилишини киритиш мумкин. Аммо, лекин бу чоранинг киритилиши, Хитой томонидан унинг валюта курсини коррективировка қилиниши натижасида кечиктирилди. Ундан таш-қари, АҚШ томонидан доимий равишда Пекин учун муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш масаласи кўтарилиб келинади. Бу масаланинг яна кўтарилишига сабаб, Хитой ҳукуматининг дастур таъминоти бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан улар маҳсулотларини сотиб олиш орқали қўллаб-қувватлашга тайёр эканликлари тўғрисидаги ахбороти бўлди.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи 20-йиллик даври мобайнида мамлакат экспорт ҳажмининг ўсишига унинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий манбаи сифатида ва мамлакатга солиштирма устунликлардан (унинг арзон ишчи кучидан) фойдаланиш омили сифатида қаралди. Аммо, мамлакат товарлар экспорти таркибининг такомиллашуви билан фан сиғими катта бўлган маҳсулотлар улушининг ортишига ва жаҳон конъюнктурасининг ўзгаришига қараб хитой товарларининг рақобатбардошлиги кучайди.

2016 йилнинг сентябр ойида саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлиги индекси эълон қилинди. У 2015 йилда 78,98 ни ташкил этган бўлиб, бу 2011 йилга нисбатан 2,5 % пунктга кўпдир. Шунинг таъкидлаш жоизки, электроника, алоқа воситалари бўйича ички индекс 83,7-83,5 ни, экспорт учун махсус ишлаб чиқарилган товарлар индекси эса, 91,0 ни ташкил этган<sup>3</sup>.

Охириги йилларда Хитой "ўзидан чиқиш" дастурини амалга оширишга киришиб, ташқи савдо ҳажмини кенгайтиришдан секин-аста воз кечмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият турларини диверсификациялаш, хизматлар савдосини ўстириш, Хитой инвестицияларини хорижга чиқаришни кўпайтириш ишлари товарлар ташқи савдосидаги зарарларни қоплаши лозим.

Сўнги йилларда, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик характерга эга бўлган Хитойнинг ташқи иқтисодий сиёсати унинг Умумхитой халқ вакиллари кенгаши мажлисида ва унинг Доимий кенгаши сессияларида ХХР Давлат Кенгаши томонидан қонунийлаштирилди. Мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар даврида жуда кўп қонун ва меъриий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар қуйидагилардан иборат бўлди: "ХХР нинг қўшма корхоналардан олинган даромад солиғи тўғрисидаги қонуни"; "Қўшма корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги қонун"; "ХХР нинг чет мамлакатлар билан иқтисодий шартномалар тузиш тўғрисидаги қонуни" ва бошқалар.

Хитойда ташқи савдони бошқариш тизимининг ислоҳ қилиниши, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликнинг шартномавий ва ҳуқуқий механизми ишга туширилиши, ХХР ички қонунларининг аста-секин ана шундай ҳамкорлик эҳтиёжларига мослашуви, молия ва солиқ сиёсати, кредитлар берилиши "очиқ эшиклар" сиёсати давлат йўли билан тартибга солишнинг асосий ташкилий тадбирлари ва воситалари туфайли мумкин бўлди.

<sup>3</sup> www.china.org.cn/e-news/news/060912-3

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида, дунё бозорида талабнинг пасайиб бориши юз бераётган бир пайтда, Хитой эса жаҳондаги энг йирик экспортёр давлат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда унга осон эмас. Аммо, лекин, ушбу ҳолатни яхши тушунган Хитой ҳукумати, ўз ички истеъмол бозорининг талаб миқёси кенглигини эътиборга олиб, экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ички бозорга (талабига) йўналтира бошлади. Бунда у албатта, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтиришга, ҳам ашё ва ресурсларни ҳамда энергияни тежашга ўз эътиборини қаратди. Натижада, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам, у ўз макроиқтисодий кўрсаткичларини юқори суръатларига эришди, яъни, 2009 йилда мамлакатнинг ЯИМ ҳажми 8,7% га ўсиб, у 33 трлн.535,3 млрд.юанни (4,91 трлн.АҚШ долл.) ташкил этди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, ХХР нинг ташқи савдо айланмаси ҳажми 2009 йил якунига кўра, 2008 йилга нисбатан - 13,9% га пасайди ва у 2 трлн.207,3 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди. Хусусан, бунда экспорт ҳажми 2008 йилга нисбатан, 16% га, яъни 1 трлн.201,7 млрд.АҚШ долл.гача, импорт ҳажми эса, 11,2% га, яъни 1 трлн.5,6 млрд. АҚШ долл.гача пасайди. Шундай қилиб, Хитойнинг ташқи савдо баланси ижобий сальдода қолди ва у 196,1 млрд.АҚШ долл. ташкил этди, бу эса, 2008 йилга нисбатан, 99,4 млрд. долл.(33,6% га) кам демақдир[15].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Хитойнинг жаҳон савдосидаги улуши - 2008 йилда 6% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда унинг улуши 7% дан ошиб кетганлигини гувоҳи бўлдик. Демак, яқин келажакда ҳам, Хитой ўз ташқи савдо айланмасининг ҳажминини орттириб боришга ҳаракат қилади ва ҳозирги кунда ўз экспортининг энг рақобатбардош маҳсулотлари ҳисобланган оёқ-кийим, кийим-кечаклар ва ўйинчоқларни сифатини яхшилашга ва улар нархини оптималлаштиришга эътиборини қаратади. Хитой ташқи савдо алоқаларини ривожланиш хусусиятларини изчиллик билан ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш натижасида, унинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатишни лозим топдик:

Хитой ташқи савдосининг жаҳон бозорини талабларига арзон ва ҳамёнбоп товарларни етказиб бериши орқали ҳозиржавоблиги;

Саноат ишлаб чиқаришда имкон қадар хорижий капиталли кўшма корхоналарни ташкил этиш орқали, уларда янги ва юқори технологияларни жорий этиш натижасида, маънавий ва моддий

томондан эскирган ускуна ва жиҳозларни асосий фондлардан секин-аста чиқариб бориши. Айнан мана шу жиҳати Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги вазиятлар билан ўхшашлигини таъкидлаш лозимдир;

Хитой ҳукумати нафақат, хорийий сармояларни интенсив тарзда ўз иқтисодиётига жалб қилибгина қолмасдан, балки, ўзи ҳам сармоя қўйишда фаол қатнашиши, айниқса, у ўз сармояларини Марказий Осиё давлатлари ва Россияга киритиши (стратегик қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантириши);

Хитой ташқи савдосини диверсификациялаш борасида амалга ошираётган сиёсатининг мақсадга мувофиқлиги;

Мамлакат савдо балансининг доимий тарзда ижобий сальдо билан юритилиши. Хулоса қилиб ва юқоридаги фикрларни қайд этган ҳолда, шунини таъкидлаш лозимки, Хитой савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиш стратегиясидан Ўзбекистон учун фойдаланиш имкониятларини қуйидагилардан кўриш мумкин:

-мамлакатга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини Хитой каби Эркин иқтисодий зоналарни барпо этган ҳолда, уларда муайян имтиёзлар тизимини ва инвестицион иқлимни шакллантириш орқали кўпайтириб, сармоялардан рационал ва унумли фойдаланиш ва асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигида маҳаллий ишлаб чиқаришни (маҳаллийлаштириш орқали) йўлга қўйиш;

-ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида, Ўзбекистон ўз экспорт салоҳиятидан оқилона фойдаланиши ва Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, ўз саноат ишлаб чиқаришини ички истеъмолчиларга қаратиши ҳамда бу борада маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора-тадбирларини амалга ошираётганлиги билан ажралиб туриши;

-Ўзбекистон ташқи савдо муносабатлари географиясини кенгайтирган ҳолда, Осиё қитъаси бозорлари билан ўз савдо айланмасини тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар эвазига оширишни йўлга қўйиши ҳамда Хитой давлати каби мамлакатга жалб қилинаётган сармояларни Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларни корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, йўналтириш лозим;

-экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар учун, Хитойдаги каби Ўзбекистонда ҳам, уларга нисбатан белгиланган солиқ юқини енгиллаштириб боришдан иборатдир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Хитойда эркин иқтисодий зоналар бўйича, мутахассисларнинг турли-туман кўз-қарашлари мавжуд бўлиб, улар Россия иқтисодчи олимларидан К.А.Семенов, В. Игнатов ва В. Бутов, Т.П.Данко ва З.М.Округларни илмий ишларида ўз аксини топгандир. Аммо, лекин, мана шу фикрларга мутлақ тескари бўлган мулоҳазаларни хитой мутахассислари билдирмоқдалар. Уларнинг таъкидлашича, бугунги кунда мазкур зоналар мамлакат иқтисодиётига ёрдам бериш ўрнига, унинг минтақалари учун дискриминацион (камситиш) ҳолатни юзага келтирмоқда, дейдилар. Бизнинг фикримизча, эса, ҳар қандай ривожланаётган иқтисодиёт учун бу жараён зарур деб ҳисоблаймиз, чунки унинг салбий оқибатлари бўлиши билан биргаликда, унинг ижобий томонлари устунроқдир.

## 2.6. Венгрия

Ҳозирги кунда Венгрия Республикасида бир нечта типдаги махсус иқтисодий зоналар – саноат парклари, тадбиркорлик зоналари, савдо (омбор) ва саноат типдаги эркин божхона ҳудудлари мавжуд. Ҳамкорликнинг норезидентлар учун офшор фирмаларни яратиш каби шакли ҳам маълум бир ривожланишга эга бўлган.

Венгрияда саноат парклари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, 2001 йилда саноат парки мақомини олган ҳудудларнинг сони 112 тага етган, улардан ҳозирча 95 таси реал фаолият кўрсатмоқда. Венгрия Иқтисодиёт Вазирлигининг маълумотларига кўра, амалдаги саноат паркларида ишлайдиган ходимларнинг сони 100 мингга яқинлашмоқда, уларнинг ҳудудида рўйхатга олинган корхоналарнинг (1000 та атрофида) йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1600 млрд форинтни (6 млрд доллар атрофида) ташкил қилади, бу корхоналар маҳсулотининг 80% и экспорт қилинади. Саноат паркларини ривожлантиришга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 1,5 млрд доллардан ошиқни ташкил қилади. Бу ҳудудларда меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича ўртача олинганига қараганда 2 мартага юқори.

Саноат парклари бир қатор солиқ ва божхона имтиёзларига эга, улар венгер инвесторлари учун ҳам, хорижий инвесторлар учун ҳам кўзда тутилган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

10 йил муддатга маҳаллий солиқлардан озод қилиш;

Импорт ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини олиб кириш учун божхона божларидан озод қилиш (50–100%);

Фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бандлик сонини оширишга реинвестиция қилинган тақдирда – жамият солиқларидан озод қилиш;

Коммунал хизматлар учун қисқартирилган тўловлар ёки уларни тўлашни кечиктириш.

Саноат парklarининг яратилиши туфайли Венгрияда мамлакатнинг жанубий ва шарқий районларини тезлаштирилган ривожлантириш ва уларни умумий даражагача етказиш жараёни бошланган. Ҳозирги кунда бу районларга амалдаги саноат парklarининг 1/3 қисми тўғри келади. Мамлакатнинг иқтисодиётини кўтаришда венгер илмий-тадқиқот марказлари базасида яратиладиган саноат парklarига катта роль ажратилган, бу университет шаҳарлар (Будапешт, Эгер, Мишкольц, Дьер, Дебрецен ва бошқалар) ва уларнинг атрофини ривожлантириш учун қулай истиқболларни яратади.

Бугунги кунда саноат парklари мамлакатдаги бутун саноат ишлаб чиқаришининг 18% ини бериш билан иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Келажақда улар ғарбдаги фирмалар учун субпудратчилар тармоғини ривожлантиришнинг муҳим шаклларида бирига айланиши мумкин. Бундан ташқари, хусусийлаштириш тугагандан кейин улар хорижий капитал учун мақсадли объектларга айланиши ва 4 млрд доллар миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиши мумкин.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ, юқори ишсизлик даражасига эга бўлган районларни ривожлантириш мақсадида Венгрияда тадбиркорлик зоналари яратилмоқда. Рўйхатга олинган 11 та тадбиркорлик зонасидан реал фаолият кўрсатаётган биринчиси Захонь тадбиркорлик зонаси бўлиб, у кўп жиҳатдан экспериментал характерга эга, шу сабабли Венгрия ҳукумати унга алоҳида эътибор қаратмоқда. Венгрия қонунчилигида тадбиркорлик зоналарига капитал қўйилмаларни рағбатлантириш учун каттагина инвестицион ва минтақавий имтиёзлар кўзда тутилган. Бундан ташқари, инвесторлар давлат ёки жамоатчилик жамғармаларидан ёрдам олиш мақсадида турли танловларда иштирок этишлари мумкин.

Венгрияда савдо (омбор) типдаги эркин божхона ҳудудларидан ҳам фойдаланилади. Бироқ бир қатор сабабларга кўра, хусусан

ташқаридан кўрсатилаётган босим туфайли, уларнинг сони қисқармоқда: агар 1995 йилда уларнинг сони 90 та атрофида бўлган бўлса, 2002 йилда 10 тага ҳам етмаган. Бу ердан товарларга хорижга қўшимча ишлов берилмасдан олиб чиқиладиган бу ҳудудлар асосан дарё портлари ва аэропортлар жойлашган районларда жойлашган.

Венгрияда хорижий капитални жалб қилишнинг саноат типидagi божхона ҳудудлари каби типи ҳам яхши натижаларни берган. Венгрия Республикасида бу типдаги эркин божхона ҳудуди мақомини бир қатор божхона шартлари бажарилганда (белгиланган катталиқдаги, божхона-ўтказиш пунктига эга бўлган ажратилган, кўриқланадиган саноат ҳудуди) амалда ҳар қандай корхона ёки ҳатто цех ҳам олиши мумкин. Венгрияда бундай эркин божхона ҳудудларининг сони 2002 йилнинг охирига келиб 136 тага етган, бу ҳудудларга 113 та корхона – асосан трансмиллий корпорацияларнинг субпудратчилари жойлаштирилган.

Кейинги йилларда бу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми йилига тахминан 50% га ўсмоқда. Мамлакатда 1997 йилда бошланган иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан айнан эркин божхона ҳудудларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан боғланади, бу ҳудудларга Sony, Nokia, IBM, Phillips, TDK, General Motors, Opel, Audi, Ford каби бутун дунёда машҳур бўлган корпорациялар ўзининг ишлаб чиқаришини жойлаштирган. Саноат типидagi эркин божхона ҳудудларининг хорижий инвесторларни жалб қилувчанлиги шу билан изоҳланадики, бу ерда асбоб-ускуналарни олиб кириш учун божхона божи ва ҚҚС ундирилмайди, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хомашё, деталлар ва узеллардан божхона божи, ҚҚС, истеъмол солиғи ва экосолиқ ундирилмайди.

Ҳозирги кунда эркин божхона ҳудудларига Венгриянинг ялпи саноат маҳсулотининг 25%и ва саноат товарлари экспортининг қарийб 70% и тўғри келади. Кейинги йилларда эркин божхона ҳудудларида жойлашган корхоналар мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда: 2000-2001 йилларда Венгриянинг умумий экспортида уларнинг улуши 43% дан, импортда эса – 30% дан ошиқ бўлган, бунда кўриб чиқиладиган ҳудудларнинг ташқи савдо балансининг сальдоси доимо ижобий бўлган. Эркин божхона ҳудудларининг экспортининг тахминан 90% и ва импортнинг 3/4 қисми ЕИ мамлакатларига йўналтирилган.

Эркин ҳудудларда яратилган саноат корхоналари (асосан, “калити билан” топширилган янги ишлаб чиқариш корхоналари)

мамлакатга юқори технологик маданиятни олиб келган. Шу билан биргаликда, уларнинг ривожланишига венгер пудрат ишлари ва хизматларидан (лойихачилар, қурувчилар), шунингдек, мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган хомашё ва материаллардан фойдаланишнинг кучайганлиги, хомашё ва материалларни эркин божхона ҳудудларидан венгер корхоналарида қайта ишлаш учун махсус рухсатномасиз олиб чиқиш мумкинлиги кўмаклашган. Натижада саноат типигаги эркин божхона ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий қийматида венгер меҳнати ва материалларининг улуши 1/3 га етган.

Венгрияда ҳамкорликнинг офшор бизнес каби шакли ҳам қўлланилади, баъзан уни хато тарзда эркин иқтисодий зоналар разрядига киритишади. Офшор бизнеснинг ЭИЗ дан принципиал фарқи қуйидагидан яққол кўринади.

Хорижий инвесторлар 1994 йилдан буён Венгрия Республикаси ҳудудида офшор компанияларни таъсис қилиш имкониятига эга. Офшор компания мақомини олиш учун бир пайтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

Таъсисчилар фақатгина хорижий фуқаролар бўлиши мумкин; компаниянинг эгалари орасида (бевосита ёки билвосита тарзда) “шу мамлакатнинг шахслари” (Венгрия фуқаролари, шунингдек, Венгрияда муқим яшайдиган ёки кўпинча бўладиган шахслар) бўлмаслиги лозим. Компанияда ҳам, унинг эгаларида ҳам, ваколатхоналарда ҳам мамлакатнинг ичида бошқа хўжалик жамиятларидан манфаатдорлик бўлмаслиги лозим;

Компаниянинг фақатгина иккита шаклига йўл қўйилади: ёки масъулияти чекланган жамият, ёки акциядорлик жамияти. Бунда Венгрия Молия Вазирлигидан эркин божхона ҳудудидаги жамиятларга бериладиган имтиёзларга лицензияни олиш зарур бўлади;

Фаолият доираси: Венгриядан ташқарида, фақатгина учинчи мамлакатлар ўртасида савдо қилиш ва хорижий буюртмачиларга хизмат кўрсатиш (молиявий хизматлар секторидан ташқари);

Мамлакатнинг ичида расмий ишларни юритиш учун адвокат ёлланиши лозим, у шу мамлакат фарзанди бўлиши лозим; компания раҳбарияти, кузатув кенгаши ва ходимларнинг кўпчилиги ҳам шу мамлакатнинг жисмоний шахслари бўлиши лозим; компанияни аудиторлик текширувидан фақатгина Венгрияда рўйхатдан ўтган фирма ўтказиши мумкин;

Компаниянинг фаолият юритиши учун зарур бўладиган банк ҳисоб рақами Венгрияда бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган шартлар шуни кўрсатадики, бу ерда гап ишлаб чиқариш-савдо фаолияти тўғрисида эмас, балки ундан туриб Венгрия ҳудудини четлаб ўтиш билан учинчи мамлакатлар ўртасидаги савдони бошқариш амалга ошириладиган маъмурий марказ тўғрисида боради. Хизматлар орасида хорижий миждозларга маслаҳатлар бериш, улар учун маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Банк ҳисобини Венгрия банки орқали юритиш талаби туфайли офшор компанияларнинг савдо операцияларига банк хизматлари кўрсатиш амалга оширилади.

Кейинги йилларда Венгрия ҳудудида офшор компаниялар сонининг сезиларли ўсиши содир бўлган; 1997 йилда улар 188 та, 1998 йилда – 247 та, 1999 йилда – 309 та, 2000 йилда – 418 та, 2001 йилда – 443 та, 2002 йилда эса – 475 та бўлган. 1997 йилгача бу компаниялар жамият солиғини тўлашда (корхонага солинадиган фойда солиғи) ва кўшимча солиқни тўлашда (фойдаланиладиган дивидендларга солинадиган солиқ) 85% ли имтиёзга эга бўлган. Шундай қилиб, улар амалда “жамият солиғи” моддаси бўйича бор-йўғи 2,7%, дивидендлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш учун 3,45% солиқ тўлаганлар.

## 2.7. Португалия

Португалия 1980 йилдан буён Мадейра архипелаги ва Азор оролларида эркин иқтисодий зоналарга эга.

Ҳуқуқий мақом нуқтаи-назаридан Макао ҳудудини ҳам (Хитойнинг жанубида, майдони 16 кв. км) Португалиянинг эркин иқтисодий зонаси деб ҳисоблаш мумкин, у 1999 йилгача Португалиянинг юрисдикциясида бўлган ва португалиялик губернатор томонидан бошқарилган.

Португалия куйидаги мамлакатлар билан икки ёқлама солиққа тортишдан қочиш тўғрисидаги битимларни имзолаган: Австрия, Италия, Бельгия, Мозамбик, Бразилия, Норвегия, Болгария, Испания, Финляндия, Швейцария, Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Ирландия.

«Санта Мария» эркин иқтисодий зонаси шу номдаги оролда жойлашган. ЭИЗ ҳудудида саноат, тижорат ва молиявий фаолиятнинг барча турларига руҳсат берилган. ЭИЗ нинг умумий ҳудуди 40

га атрофида майдонни эгаллаган ва унга транспорт таъминоти жихатидан чуқур сувли денгиз транспорти ва халқаро классдаги аэропорт томонидан хизмат кўрсатилади.

«Санта Мария» ЭИЗ да рўйхатдан ўтган корхоналарнинг фаолиятининг меъёрий таъминоти бир қатор имтиёзларни ўз ичига олади:

Барча божхона расмийчиликларининг соддалаштирилганлиги; товарларни эркин олиб кириш ва олиб чиқиш;

Резкспорт қилинадиган товарларга (қайта ишланган ва қайта ишланмаган) бож тўлашдан озод қилиш;

ЕИ дан олиб кирилган истеъмол товарларига улар ЭИЗ га олиб кирилган моментдан олиб чиқиладиган моментгача эгалик ҳуқуқидан вақтинчалик озод қилиш;

Акциядорлик жамиятларининг даромадларини божлардан озод қилиш;

ЭИЗ да жойлашган корхоналарни божлардан озод қилиш;

Патентлар, товар белгилари, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ҳоказоларни беришдан келадиган даромадларни бождан озод қилиш;

Хорижий корхоналарнинг капиталининг эркин ҳаракатланиши;

Касбга ўқитишга субсидиялар (Азор ороллариининг фуқаролари учун 100% гача);

Ижарага субсидиялар (5 йил муддатгача харажатларнинг 50% игача);

Курилишга субсидиялар (ишлаб чиқариш корхоналарини куришда харажатларнинг 50% игача);

Асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидиялар (ишлаб чиқариш корхоналари учун харажатларнинг 50% игача).

ЭИЗ да яқин вақтларгача тадбиркорлик, тижорат ва молия фаолиятининг одатдаги турларидан ташқари офшор компанияларнинг молиявий фаолиятига ҳам руҳсат берилган эди. Хорижий ва миллий молиявий корпорацияларнинг қизлик бўлинмалари бўлиб ҳисобланадиган бу компаниялар Португалиянинг норезидентлари билан молиявий операцияларни амалга ошириши мумкин. Уларнинг фаолиятига ЭИЗ нинг молиявий имтиёзлари ёйилади, бу имтиёзлар фойда солиғининг амалда тўлиқ йўқлиги ва алмашилиш операциялари устидан назоратнинг бекор қилинганлигидан иборат.

«Санта Мария» ЭИЗ да рўйхатдан ўтган ва барча фаолият турларини амалга оширадиган корхоналар, агар улар рентабел бўлиб

хисобланса ва қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда ўзларининг фаолиятини бутун Азор ороллариининг ҳудудига ёйишлари мумкин:

Фаолият иқтисодиётнинг устивор секторида амалга оширилади;

Фаолият Азор ороллари минтақасининг ташқи бозорларига йўналтирилади;

Азор орлларидаги ЭИЗ нинг имтиёзларидан фойдаланмайдиган бошқа корхоналар билан рақобат қилиш ҳолатлари йўқ.

ЭИЗ да лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган ва ЭИЗ да фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ахборот таъминоти ZOFRAM («Санта Мария» ЭИЗ ни ривожлантириш жамияти) орқали амалга оширилади.

Мадейра оролидаги ЭИЗ нинг фаолиятини меъёрий тартибга солиш бир қатор имтиёзларни ўз ичига олади:

Акциядорлик жамиятларининг даромадларини божлардан озод қилиш;

Акциядорлик жамиятларининг низом жамғармасининг ортишини божлардан озод қилиш;

ЭИЗ да жойлашган корхоналарга тегишли бўлган низом жамғармаси, квоталар, лицензиялар ва бошқа мулкнинг бир қисмини беришни божлардан озод қилиш;

Касбга ўқитишга субсидиялар (харажатларнинг 50% игача);

Энергия тежовчи ишлаб чиқариш жараёнларини жорий қилишга субсидиялар (харажатларнинг 50% игача).

Бу ЭИЗ да ҳам яқин вақтларгача офшор компанияларнинг фаолиятига рухсат берилган эди.

Мадейрада ўрнашишни хоҳлайдиган ҳар қандай компания Европа бозорига эркин киришни қўлга киритади. Европа Иттифокидан ташқарида бўлган тузилмалар учун Мадейра Европа бозорига кириш учун идеал эшик бўлиб ҳисобланади. Мадейранинг айнан халқаро иш маркази сифатида ривожланиши туфайли баъзи бир халқаро аудиторлик фирмалари у ерда ўзларининг ваколатхоналарини очмоқдалар.

Португалиядаги ЭИЗ лар ҳудудда иқтисодий фаолият юритиш кўрсаткичларининг умумлаштирилган баҳосини қуйидаги маълумотлар билан тақдим қилиш мумкин. Расмий равишда рўйхатдан ўтган, ушбу зоналар доирасида операциялар бажарадиган компанияларнинг сони 2002 йилда 834 тага етган, 2000 йилда эса уларнинг сони 545 та бўлган. Уларнинг кўпчилиги (қарийб 70% и) молиявий фаолиятнинг банк, суғурта ва бошқа турлари билан

шуғулланади (ишлаб чиқариш фаолияти кўпинча самарасиз бўлиб чиқади). ЭИЗ даги барча компанияларнинг фаолият кўрсатишининг умумий натижалари 2002 йилда 87 млрд доллар деб баҳоланган, бу Португалия ЯИМ нинг қарийб ярмини ташкил қилади. Португалия бюджетига мос келувчи солиқ киримлари 10 млрд долларга етган.

2003 йилда Португалияда эркин савдо зоналарида операциялар олиб борадиган компаниялар учун паст ёки нолли солиқ даражасини ўрнатадиган янги қонунлар қабул қилинган. Корпоратив солиқ эндиликда компания рўйхатдан ўтган санага боғлиқ равишда 0 дан 3% гачани, молиявий компанияларнинг фаолиятдан ундириладиган солиқ – худди ўша схема бўйича 7,5 дан 12,5% гачани ташкил қилади. Барча лицензиялар то 2011 йилнинг охиригача ўз кучида қолади, шундан кейин барча солиқ котировкалари қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, ЕИ га аъзо мамлакатлар молия вазирларининг 2003 йил 21 январдаги Брюсселдаги учрашуви натижасида Европа Иттифоқи ва баъзи бир бошқа Европа мамлакатлари ҳудудида офшор компанияларнинг (“солиқлардан қочиш жойлари” сифатидаги) фаолиятини таъқиқлайдиган битим имзоланган.

Ҳозирги кунда Португалиядаги иқтисодий доираларда янги киритилмалар ЭИЗ ҳудудида фаолият юритаётган компанияларнинг сонига, солиқ киримларининг катталигига қандай таъсир кўрсатиши борасида қизғин тортишувлар бормоқда. Бу борада ҳозирги кунгача ҳам ягона ечимга келишга муваффақ бўлинмаган ва масала келгусида тадқиқ қилиш учун очиклигича қолмоқда.

## 2.8. Туркия

Туркия Республикасида эркин зоналар 1985 йилда қабул қилинган ва 1987 йилда кучга кирган эркин савдо зоналари тўғрисидаги № 3218 Қонун асосида яратилган ва фаолият кўрсатади, бу Қонун асосида Туркиядаги дастлабки ЭИЗлар Мерсин ва Анталида яратилган. 1990 йилда уларнинг қаторига Измирдаги Эгей эркин иқтисодий зонаси ва Ота-турк номли аэропорт районини қамраб оладиган Истамбул эркин тадбиркорлик зонаси қўшилган.

Иқтисодий жихатдан ҳозирча кўпроқ қоқоқ бўлган бу районларни тезроқ ривожлантириш мақсадида 1992 йилда Трабзонда, 1993 йилда – Аданда, 1994–1995 йилларда Туркиянинг шарқидаги Эрзурум ва Мардинда ЭИЗ лар яратилган. Туркияда

деярли ҳар йили битта ЭИЗ яратилади. 2002 йилда ҳозирча охириги ЭИЗ яратилган, шундай қилиб, 2004 йилнинг бошига келиб мамлакатда 21 та ЭИЗ бўлган.

Туркиядаги ЭИЗ лар Туркиянинг географик жойлашувининг афзалликлари, унинг Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларининг бозорларига ҳам, Ғарбий ва Шарқий Европа бозорларига ҳам яқинлигидан максимал даражада фойдаланишга қаратилган. Бунда асосий эътибор инвестицияларни экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтириш ва мамлакатда хорижий капитал ва технологияларни жалб қилиш йўли билан ишлаб чиқаришни кучайтириш, иқтисодийнинг ривожланишига доимий ва изчил равишда ҳисса қўшиш, ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва халқаро савдо-сотиқни кенгайтиришга қаратилади.

2004 йил 6 февралдаги № 5084 ва 25365 қонунлар билан эркин савдо зоналари тўғрисидаги № 3218 Қонунга солиқ имтиёзлари бўйича тузатишлар киритилган. Эндиликда кимки лицензияни № 5084 Қонун кучга киргунча олган бўлса, 2009 йилгача барча турдаги солиқлар ва божлардан озод қилинади. Лицензияни юқорида кўрсатилган муддатдан кейин олганлар эса, Туркия Европа Иттифоқининг тўлақонли аъзосига айланадиган йилнинг охиригача ушбу ҳуқуққа эга бўлади.

Туркиянинг эркин иқтисодий зоналарида ҳар қандай турдаги тадбиркорлик фаолиятига (ишлаб чиқариш, сақлаш, ўраш, сотиш, банк фаолияти) рухсат берилган. Зоналар зарурий инфратузилма, офислар, устазоналар ва омборлар учун мўлжалланган – имтиёзли шартларда ижарага бериладиган биноларга эга. Бундан ташқари эркин иқтисодий зоналарни рағбатлантириш имтиёзли тадбиркорлик режими билан таъминланган.

Эркин иқтисодий зоналар солиқлардан, жумладан, корпоратив солиқ ва даромад солиғидан тўлиқ озод қилинган анклавлар бўлиб ҳисобланади.

ЭИЗ ларда ўзининг фаолиятини амалга оширадиган тадбиркорлар турли йиғимлар ва божлардан ҳам (божхона, герб, порт йиғимлари ва бождари) озод қилинади.

Кўпчилик бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, Туркияда ЭИЗ ларда ишлаб чиқарилган ёки улар орқали импорт қилинган товарларни ички бозорда сотишга рухсат берилган. Бунда уларга нисбатан ташқи савдони одатдаги тартибга солиш қўлланилади.

ЭИЗ да тўлов воситаси сифатида ҳар қандай конвертация-ланадиган валютадан фойдаланиш мумкин.

Инвесторлар шахсий ёки корпоратив фойдани ҳеч қандай чеклашларсиз, солиқларсиз, йиғимлар ва махсус рухсатномаларсиз кўчиришлари мумкин.

Туркияда яшаш ҳуқуқига эга бўлган хорижий фуқаролар ЭИЗ да 100% лик хорижий капиталга эга бўлган компанияларга эгалик қилиши мумкин.

Хорижий мутахассислар ва бошқарув ходимларини ишга ёллашга рухсат берилган.

Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонун ва 1983 йил 5 майдаги №2822 Қонун билан фирма ЭИЗ да фаолият юрита бошлаган моментдан бошлаб 10 йил муддат давомида иш ташлашлар ва локаутлар (оммавий равишда ишдан бўшатишлар) таъқиқланган.

ЭИЗ ларда яратилган инфратузилма даражаси халқаро стандартларга мос келади.

Ерни ижарага олиш нархи ўта мўътадил.

Ёлланма ишчи кучининг нархи худди шундай ривожланиш даражасига эга бўлган бошқа мамлакатларга қараганда паст (баъзан у ривожланган мамлакатлардаги ишчи кучининг нархининг бор-йўғи 10% ини ташкил қилади).

Капитални инвестициялаш босқичида ҳам, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш босқичида ҳам бюрократик расмиятчиликлар минимумга келтирилган.

Товарлар ва хизматларнинг нархи ва сифати ва уларни назорат қилишга тегишли бўлган, Туркиянинг бошқа районларида қўлланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ЭИЗ да амал қилмайди.

Юқорида келтирилган имтиёзлардан ташқари, инвесторлар эркин тадбиркорлик зоналарида хусусий капитал қўйилмаларини рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати доирасидаги бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Туркиядаги эркин иқтисодий зоналарнинг муҳим афзаллиги уларнинг портлар ва бошқа транспорт тугунларига яқинлиги бўлиб ҳисобланади. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорликни рағбатлантирадиган бу шарт-шароитлар охир-оқибатда қулай инвестицион муҳитни яратади ва инвесторларга ЭИЗ дан келадиган каттагина фойдани таъминлайди: ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, бу ерда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий фирмалар ва компанияларнинг бозорларда рақобатбардошлигини оширади.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик учун керакли шарт-шароитларни яратиш, ЭИЗ лар учун ажратилган ҳудудларда инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотларни қуриш учун Туркиянинг Марказий Банки таркибида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш махсус Жамғармаси яратилган. Жамғарманинг маблағлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия тўловлари, ЭИЗ чегараларини кесиб ўтадиган барча товарларнинг қийматидан 0,5% ли солиқ, шунингдек, ЭИЗ да фаолият юритаётган жисмоний ёки юридик шахслар билан тузиладиган шартномаларда кўзда тутиладиган бошқа махсус тўловлардан шакллантирилади.

Туркиядаги ҳар бир ЭИЗ жойлашган жойи ва мўлжалланишига боғлиқ равишда маълум бир даражада ўзининг “иқтисослигига” эга. Масалан, Мерсин ва Анталиядаги серҳосил қишлоқ хўжалиги районларида жойлашган эркин иқтисодий зоналар кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ва бу минтақаларнинг аграр секторига хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхоналар, шунингдек, агросаноат секторининг маҳсулотларини экспорт қилишга мўлжалланган корхоналарни яратишга йўналтирилган. Измир ЭИЗ да электроника ва телекоммуникация асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга урғу берилган. Ота-турк номли аэропорт районидаги Истамбул эркин тадбиркорлик зонаси тайёр кийимлар ва юқори технологияли электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга иқтисослашган. Адан ЭИЗ оғир саноатга иқтисослашган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини тартибга солиш Туркия Республикаси Бош Вазири аппаратининг ташқи савдо ишлари бўйича Котибияти таркибида ЭИЗ лар масалалари бўйича махсус ташкил қилинган Бош бошқарма томонидан амалга оширилади. У ЭИЗ да тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳуқуқига лицензияларни бериш билан шуғулланади.

21 та амалдаги эркин иқтисодий зоналарда 3401 та, жумладан 652 та хорижий фирмалар жойлашган. Зоналар орқали амалга ошириладиган экспорт-импорт операцияларининг ҳажми 2003 йилда 2002 йилга қараганда 49,6% га ўсган ва 16 608,066 млн долларни ташкил қилган, бу мамлакатнинг ташқи савдо айланмасининг 14% ига эквивалентдир. Амалда барча зоналарда мазкур кўрсаткичнинг йилдан-йилга ўсаётганлиги қайд қилинган. 6 та зонада савдо айланмаси 1 млрд доллардан ошиқ бўлган (Istanbul Leather – 4

076,782 млн долл., Istanbul-Ahl – 3 022,789 млн долл., Mersin – 2 766,312 млн долл., Aegean – 2 642,599 млн долл., Bursa – 1 108,767 млн долл., Istanbul-Trakya – 1 145,646 млн долл.).

Кўпроқ шиддатли ташқи савдо алоқалари ЕИ билан бўлган, 2003 йилда эркин зоналарда амалга оширилган экспорт-импорт операцияларининг умумий ҳажмида ЕИ нинг улуши 30,3% ни ташкил қилган. ЕИ га кирадиган мамлакатлардан ташқари ОЭСР да иштирок этадиган мамлакатларга 5,2%, МДХ мамлакатларига – 3%, бошқа мамлакатларга – 16% ва Туркиянинг асосий ҳудудига – 45,5% экспорт-импорт операциялари тўғри келган.

Қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти эркин зоналарнинг бутун товар айланмасининг 94,4% ини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 5,4% ини ташкил қилади. Қазиб чиқарувчи тармоқларнинг улуши унчалик катта эмас – 0,2%.

## 2.9. Филиппин

Филиппин зоналардан инвестицияларни жалб қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун муваффақиятли фойдаланишга мисол бўла олади. Филиппин Конгресси турли махсус зоналарни таъсис қилиш бўйича кўплаб қонунларни қабул қилган, уларни Филиппин иқтисодий зоналар маъмурияти бошқаради.

Мамлакатда эркин савдо зоналарини яратиш концепцияси 1923 йилда Филиппин Савдо Палатаси томонидан таклиф қилинган. 1937 йилда Президент Квезон томонидан яратилган Қўмита эркин порт ёки ташқи савдо зонасини яратишни тавсия қилган. Бироқ 1967 йилга келибгина Маривелесда (Батаан ороли) эркин портни яратиш тўғрисида Қонун лойиҳаси Конгрессга киритилган ва у 1969 йилда қабул қилинган. Қонун у ерда ташқи савдо зонасини яратиш, шунингдек, унинг маъмуриятини ташкил қилишни кўзда тутган, маъмуриятнинг функцияларига зонани режалаштириш, бошқариш ва ривожлантириш кирган.

Бюджетдаги чеклашлар туфайли зонанинг ривожланиши тўхтаб қолган ва 1972 йилнинг ноябрь ойига келибгина у тўлақонли фаолият юрита бошлаган, бунда ҳукумат 200 млн Филиппин песосини бошланғич капитал сифатида киритган. Президентнинг махсус фармони зона маъмуриятига катта юрисдикция ва зона ҳудудида полиция ҳокимиятини тақдим қилган.

1979 йилнинг охирида ҳукумат маъмуриятга хусусий сектор томонидан ривожлантириладиган эркин экспорт зоналари учун участкалар ажратишга ваколат берган (бу участкаларда жойлашган корхоналар давлат зоналарида жойлашган корхоналар билан бир хил имтиёзларга эга бўлган). Бироқ дастлабки учта экспорт зоналари (Кавите, Лагуна ва Гейтвей) 1991 йилга келибгина яратилган. Кейинчалик улар анча кўпайган.

Экспорт зоналари саноатнинг турли-туман тармоқларига эга бўлган анклавлар сифатида фаолият кўрсатади, улар экспорт қилинадиган товарларни йиғиш ва ишлаб чиқариш учун импорт хомашё ва ярим фабрикатлардан фойдаланади. Зоналар коммунал хизмат кўрсатиш, энергетика ва сув таъминоти корзоналари хазматларининг тўлиқ жамланмаси, канализация тизимлари, ахлат ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, алоқа ва транспорт, яшаш кварталлари, тижорат муассасалари ва йўллар билан таъминланган. Зоналарда банк, коммуникация хизматлари ва бошқа хизматларнинг (масалан, кўриқлаш хизмати) кенг спектри тақдим қилинади. Зоналар мумкин қадар кўпроқ инвестицияларни жалб қилиш учун доимо ривожланади ва такомиллашиб боради.

Ҳукумат одамларни иш жойлари билан таъминлаш (айниқса, кишлоқ жойларда), меҳнат унумдорлиги ва шахсий даромадларни ошириш ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, хусусан, мамлакатнинг бунинг учун тўғри келадиган вилоятларида махсус иқтисодий зоналарни яратиш йўли билан яхшилаш учун мамлакатнинг оқилона ва мувозанатланган индустриал, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини фаол тарзда рағбатлантириши ва тезлаштириши лозим.

Махсус зоналарнинг маъмурияти, ҳукуматнинг сиёсатини ҳаётга татбиқ қиладиган муассаса сифатида хусусий сектор билан ҳам, хорижий инвесторлар билан ҳам тўғридан-тўғри алоқаларни амалга оширади. Эркин зоналарни бошқариш ва назорат қилиш мандатига эга бўлиш билан маъмурият ҳукумат номидан маркетинг масалалари билан ҳам шуғулланади, зоналарнинг инвесторлар учун жалб қилувчанлигини таъминлайди. Зоналарнинг самарадорлиги бандлик, инвестиция ва экспорт каби критерийлар бўйича баҳоланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, махсус зоналар – агросаноат, саноат, сайёҳлик, савдо, банк, инвестиция ва молия марказларига

айлантириш учун танланган юқори потенциалли вилоятлардир. Махсус зоналарнинг турлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

саноат зонаси – мажмуавий режага мувофиқ ажратилган ва ривожлантириладиган, ягона узлуксиз бошқарув остида бўлган, олдиндан қурилган стандарт фабрика бинолари ва коммунал хизматлар корхоналарига эга бўлган, асосий инфратузилма учун шарт-шароитларга эга бўлган ҳудуддир;

экспортга ишлаб чиқариш зонаси – жисмоний ва (ёки) маъмурий жиҳатдан божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган, асосан экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган ихтисослаштирилган саноат зонасидир;

эркин савдо зонаси – олиб кириш порти билан қўшни бўлган, изоляцияланган, қўриқланадиган зона, бу ерда импорт қилинган юкларни бошқа мамлакатларга дарҳол жўнатиш, омборларга жойлаштириш, саралаш ва ҳоказолар учун божхона божларини тўламасдан тушириш мумкин;

сайёҳлик маркази – хорижий сайёҳлар, саёҳатчилар ва инвесторлар учун турли рекреацион хизматларни тақдим қиладиган меҳмонхоналар, курортлар жойлашган ҳудуд;

агросаноат зонаси – ихтисослаштирилган саноат зонаси бўлиб, унда кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичлардан бошлаб то якуний маҳсулотга ишлов беришгача бўлган тўлиқ цикли амалга оширилади.

Махсус зоналар ўта ихчам бўлиб, уларнинг майдони, қоидага кўра, 25 га атрофида бўлади (Кавите ва Лагуна зоналари бундан мустасно, уларнинг майдони 50 га ни ташкил қилади). Зона хусусий ташаббус бўйича, маҳаллий ҳокимият органларининг марказий ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланган ташаббуси бўйича ва марказий ҳукуматнинг ўзининг ташаббуси бўйича яратилиши мумкин.

Филиппиндаги эркин савдо зоналарида жойлашган корхоналар учун қуйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган: тезлаштирилган амортизация, экспорт божлари, лицензион тўловлар, импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларга божлар, шунингдек, барча миллий ва маҳаллий солиқлардан озод қилиш, буларнинг ўрнига корхона ҳукуматга ўзининг ялпи даромадининг 5% ини тўлаши лозим.

Филиппиндаги махсус зоналар фаолият кўрсатаётганига 20 йилдан ошган. Улар ҳозирги кунгача ҳам иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик инструменти бўлиб қолмоқда. Бу зоналарда 1988 йилдан 1997 йилгача инвестицияларнинг жамланма ҳажми тахминан 7 млрд долларни ташкил қилган. Умуман олганда, инвестициялар ҳажми йилига ўртача 160% га ўсган.

Филиппинда 1995 йилдан 1997 йилгача давлат зоналарида яратилган жами иш ўринларининг сони 1,4 млн тани ташкил қилади. Зонада 5 та иш жойининг юзага келиши зонадан ташқарида яна 8 та иш жойининг яратилишига олиб келади. 1995–1997 йилларда бандликнинг ўсишининг йиллик ўртача суръати 35% ни ташкил қилган. 1988 йилдан 1997 йилгача хизматчиларга тўланган иш ҳақининг умумий ҳажми 1,1 млрд долларни ташкил қилган. Мультипликатор эффекти натижасида ходимлар томонидан олинган ва озиқ-овқат, кийим-кечак, яшша жойи ва ҳоказоларга сарфланган даромад зоналарда ишлайдиган ходимларнинг эҳтиёжларини қаноатлантирадиган тегишли тармоқларда ишлайдиган аҳолининг бандлиги ва даромадларини оширади.

## 2.10. Миср

Мисрдаги ЭИЗ ларнинг фаолият юритишининг асосий тамойиллари 1974 йилда қабул қилинган № 43 «Араб инвестициялари ва хорижий инвестициялар ва эркин зоналар тўғрисида» ги Қонунда ифодаланган, мазкур Қонун 1989 йилда қабул қилинган № 230 инвестициялар тўғрисидаги Қонун ва ва 1997 йил 11 майда қабул қилинган № 8 инвестицияларни рағбатлантириш ва кафолатлаш тўғрисидаги Қонун билан тўлдирилган ва конкретлаштирилган.

Биринчи ЭИЗ 1976 йилнинг бошида Порт-Саидда, шаҳарнинг ичида, Сувайш каналининг Ўрта Ер денгизизига чиқш жойида жойлашган порт яқинида 90 га майдонда очилган. Шаҳарда махсус божхона режими жорий қилинган, у Порт-Саидни Миср Араб Республикасидаги энг йирик тижорат марказларидан бирига айлантирган. ЭИЗ да яратилган корхоналар ва омбор бинолари турли экспорт ва импорт маҳсулотларни сақлашга, шунингдек, бир қатор саноат товарларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

1976–1977 йилларда ЭИЗ лар Александрия, Носир-сити (Қоҳира) ва Сувайшда ҳам яратилган. Биринчиси Амрия шаҳар атрофи районида, портдан 20 км масофада, 630 га майдонда

жойлашган. Бу ерда ёғоч материаллари, автомобиллар ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган йирик омбор бинолари ва очик майдончалар жойлашган, бу маҳсулотлар кейинчалик Миср бозорларига ёки реэкспорт билан бошқа мамлакатларга етказиб берилган. Зонада Миср саноати томонидан ишлаб чиқарилган – асосан йигирув-тўқув, тикувчилик маҳсулотлари, пойафзал, яхлатилган сабзавотлар ва ҳоказолар вақтинчалик сақланади ва сотишдан олдинги ишлов беришдан ўтказилади.

Сувайш каналининг Қизил денгизга чиқиш жойи бўлиб ҳисобланадиган Сувайшдаги ЭИЗ бир қатор Африка ва Осиё мамлакатларининг бозорларининг яқинлиги туфайли стратегик муҳим аҳамият касб этади. Бу районда саноатнинг таянч тармоқларининг корхоналари – нефтни қайта ишлаш, кончилик, цемент, минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхоналар жойлашган. ЭИЗнинг худуди иккита участкадан ташкил топган: бу ерда денгиз транспорти, саноат корхоналари ва омборларга хизмат кўрсатадиган компаниялар фаолият юритадиган Порт-Тауфик ва бу ерда фаол тарзда зарурий инфратузилма яратилаётган Адабии. Катта Қоҳира районидаги Носир-сити ЭИЗ Қоҳира халқаро аэропорти ёнида жойлашган ва яхши йўлга қўйилган транспорт коммуникациялари, малакали ишчи кучи билан таъминланганлик билан тавсифланади. Унда яратилган корхоналар фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноатининг товарлари ва бошқа бир қатор истеъмол товарларини экспорт қилади. Сувайш каналининг ўртасида Исмоилияда 84 га майдонда ва Александриядан шарқда, Ўрта Ер денгизининг соҳилида Дамиеттада ҳам ЭИЗ лар яратилган, бу ерда замонавий порт қурилган. Дамиетта йирик ёғочга ишлов бериш саноати, мебель ишлаб чиқариш саноати ва тери-кўнчилик саноати маркази бўлиб ҳисобланади.

Қизил денгиз соҳилидаги Сафагда яна битта ЭИЗ яратилган.

Миср қонунчилиги баъзи бир корхоналарга жойлашган жойидан қатъий назар эркин зона режимида ишлашга рухсат беради. Бунинг учун фақатгина маълум бир лойиҳа ва маълум бир фаолият турига бериладиган махсус рухсатнома (лицензия) олиш зарур бўлади. Улар хусусий эркин зоналар бўлиб ҳисобланади.

Эркин зоналарнинг юқорида қайд қилинган тоифалари билан бир қаторда Мисрда саноатни ривожлантириш ва аҳоли яшаши учун мўлжалланган махсус ҳудудлар ҳам бор. Бу ҳудудлар янги яшаш жойлари ва янги саноат зоналарига бўлинади.

Янги яшаш жойлари чўл ерларнинг илгари ўзлаштирилмаган участкаларида жойлашган ва мустақил аҳоли марказлари бўлиб хисобланади. улардан энг йириклари Қохиранинг йўлдош шаҳарлари – Рамазон-10, Октябрь-6, Садат-сити, Борг Ал-Араб бўлиб хисобланади, улар янги яшаш жойлари Вазирлиги томонидан бошқарилади. Капитал қўйилмаларни рағбатлантириш мақсадида инвесторларга 10 йилгача солиқлардан озод қилиш билан, инфратузилмага эга бўлган ер участкаси таклиф қилинади.

Янги саноат зоналари у ердан ишчи кучи келадиган аҳоли пунктларига яқин жойда жойлашган. Бундай зоналар инвестиция фаолиятига рухсат бериш бўйича Кўмиталар томонидан бошқарилади, бу Кўмиталарга губернаторлар бошчилиқ қилади. Қоидага кўра, янги яшаш жойлари ва янги саноат зоналарида жойлашган корхоналар ЭИЗ режимидан фойдаланади. Улар мулкни национализация қилиш ва мусодара қилишдан кафолатланган, маъмурий органлар маҳсулотларнинг нархи масалаларига аралаштиришга ёки фойда миқдорини чеклашга ҳақли эмас. Берилган лицензияни бекор қилиш фақатгина маъмурий органларнинг тақдимномасига кўра Бош Вазирнинг декрети билан амалга оширилиши мумкин, бироқ бундай ҳолда инвестор бундай қарор тўғрисида хабардор қилингандан кейин 30 кун муддат ичида маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Компаниялар ўзи ёки учинчи шахслар орқали фаолият учун зарур бўладиган хомашё, материаллар, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини (енгил автомобиллардан ташқари) махсус импорт лицензиясини олмасдан ёки импорт реестрида рўйхатдан ўтмасдан, импорт божларини тўламасдан импорт қилиш ҳуқуқига эга. ЭИЗ даги компаниялар маҳсулот ишлаб чиқариш бошлангандан кейин биринчи молия йилидан бошлаб 5 йилгача тижрат ёки саноат фаолиятдан келадиган фойда солиғи ва АЖ ларнинг фойдв солиғидан озод қилинади. Янги саноат зоналари ёки янги яшаш зоналарида фаолият юритадиган корхоналар 10 йил муддатга солиқлардан озод қилинади, агар компания Нил водийси ҳудудидан ташқаридаги эркин зонада жойлашган бўлса ва эркин зона режимида фаолият юритса, у ҳолда 1997 йил 11 майдаги №8 инвестицияларни кафолатлаш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ солиқлардан озод қилиш даври 20 йилгача узайтирилади.

1998 йилининг ўртаси ҳолатига кўра ушбу қонунга мувофиқ 65,8 млрд ф капитал қўйилмаларга эга бўлган 2170 та корхона фаолият

кўрсатган, жумладан, 22,9 млрд капитал қўйилмалар 6 та ЭИЗ даги корхоналар – Қоҳира, Александрия, Порт-Саид, Сувайш, Исмоилия ва Дамьеттадаги 472 та корхонага қўйилган. Эркин зоналардан ташқарида жойлашган 1700 та корхонадан 809 таси саноат соҳасида, 309 таси – молия соҳасида, 155 таси – қурилиш соҳасида, 141 таси – сайёҳлик соҳасида, 182 таси бошқа хизматлар соҳасида, 102 таси – қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилган Давлат ЭИЗ ларига қилинган инвестицияларнинг 60% и Мисрлик инвесторларга, 19% и бошқа араб мамлакатларидаги хиссадорларга ва 21% и хорижий капиталга тўғри келган. 2001 йилда Мисрдаги ЭИЗ лардан маҳсулот экспорт қилиш 600 млн долларга етган, 2000 йилда бу кўрсаткич 550 млн долларни ташкил қилган.

## 2.11. Ҳиндистон

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича технологик парклар учун солиқ режими мавжуд.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича технологик паркларнинг (Soft Technology Parks – STP) фаолиятини Ҳиндистонда алоқа ва ахборот технологиялари Вазирлининг махсус бўлинмаси – Software Technology Parks of India тартибга солади, у 1991 йилда дастурий таъминотни экспорт қилишни ривожлантириш мақсадида яратилган. STP нинг вазифалари маълумотлар базалари, телекоммуникация воситалари, компьютер тармоқлари, Интернет тармоғига эркин киришни таъминлаш, шунингдек, маслаҳатлар бериш бўйича хизматлар мажмуасини кўрсатишга келтирилади. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича технологик паркларни ривожлантириш схемаси муваффақиятли бўлиб чиққан, ва ҳозирги кунда STP схемасидан фойдаланадиган фирмаларга Ҳиндистонда ишлаб чиқилган дастурий таъминот экспортининг 90% и тўғри келади, у 2004-2005 молия йилида 15,5 млрд долларни ташкил қилган.

STP ўзида дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва сотиш учун мўлжалланган, юз фоиз экспортга йўналтирилган тузилмани тақдим қилади, бундай тузилма бутун дунёга тарқалган ва ўзида юз фоиз экспортга йўналтирилган корхоналар (EOU), экспортга ишлаб чиқариш зоналари (EPZ) ва технологик парклар концепцияларини интеграллайди.

Ҳиндистон Ҳукумати томонидан STP доирасидаги корхоналарни ривожлантириш учун имтиёзлар жорий қилинган, улар

Ҳиндистоннинг иқтисодий қонунчилигида акс эттирилган: Foreign Trade Policy 2004–2009 (FTP), Income Tax Act (Section 10A and Section 10B) ва Customs Act (Section 65). Бу имтиёзлар ва афзалликлардан фақатгина Ҳиндистон алоқа ва ахборот технологиялари Вазирлиги ахборот технологиялари Департаментининг (DIT) махсус вакил қилинган ходимининг рухсати билан фойдаланиш мумкин.

FTP га мувофиқ, STP ҳудудида жойлашган корхоналар дастурий таъминотни ишлаб чиқариш, бу соҳада хизматлар кўрсатиш, агар бу қонун билан таъқиқланмаган бўлса – савдо-сотик қилиш ва шу билан боғланадиган бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун зарур бўладиган хомашё, таркибий қисмлар ва асосий фондларни ҳам ўз ичига олган ҳолда барча турдаги товарларни божхона божларини тўламасдан импорт қилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу корхоналар рухсат берилган фаолиятнинг барча турлари учун зарур бўладиган товарларни бож тўламасдан олиб кириш ҳуқуқига эга. Уларга нисбатан у жойлашган штат ҳукуматининг савдо режими қўлланилмайди.

Божсиз олиб киришга рухсат берилган товарларнинг турлари.

▶ Асосий фондлар (FTP нинг белгилашича, улар учун эҳтиёт қисмлар ҳам):

▶ озиклантириш блоклари, ёрдамчи электростанциялар, трансформаторлар;

▶ атроф-муҳитнинг ҳолатини назорат қилиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар;

▶ маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар;

▶ ёрдамчи кўтариш асбоб-ускуналари;

▶ узлуксиз озиклантириш манбалари, аппаратура учун устунлар, модулли мебель, компьютерлар учун устунлар, антистатик қопламали гиламчалар, телеконференциялар учун асбоб-ускуналар, серверни бошқариш тизимлари, кондиционерлар ва электропанеллар;

▶ хавфсизлик тизимлари;

▶ хоналарни таъмирлаш учун мўлжалланган воситалар ва ускуналар.

Хомашё, таркибий қисмлар, ярим маҳсулотлар, сарфланадиган материаллар, эҳтиёт қисмлар ва ўрайдиган материаллар.

○ Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш учун прототиплар ва намуналар.

○ Умумий кўринишнинг чизмалари, деталлаштирилган чизмалар, микрофильмлар ва маълумотлар базалари.

○ Офис жиҳозлари, АТС лар, факсимал аппаратура, видеопроекцион тизимларни ўз ичига олган ҳолда.

○ Юқорида кўрсатилган асбоб-ускуналар учун эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар.

Имтиёзлар янги товарларга ҳам, муқаддам истеъмолда бўлган товарларга ҳам ёйилади. Асосий фондларни импорт қилишга ДIT вақилининг махсус рухсатномаси талаб қилинади. Агар божхона хизматида берилган предметнинг асосий ёки ёрдамчи фаолият учун мўлжалланганлигига нисбатан шубҳа туғилса, у ҳолда якуний қарор ДIT вакили томонидан қабул қилинади.

Товарлардан, асосий фондлар ва эҳтиёт қисмлардан ташқари, 2 йил ичида фойдаланилиши лозим. Бу муддатни ДIT вақилининг рухсати билан узайтириш мумкин. Саноат товарларини STP нинг бир корхонасидан бошқасига беришга рухсат берилган. Бунда бу маҳсулотнинг сотилиши сотиб олувчи учун фақатгина товар кейинчалик ишлов беришга тортиладиган тақдирда тегишли имтиёзларга эга бўлган экспорт операцияси бўлиб ҳисобланади.

STP ҳудудида жойлашган корхоналар Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ёки ички божхона ҳудудидан олинган товарларга ундирилган солиқларни ишлаб чиқарилган якуний маҳсулот экспорт қилингандан кейин қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бундай корхоналар растаможка қилинмаган товарлар омборларидан олинадиган товарларга бож тўлашдан озод қилинади.

STP даги корхоналар учун асосий фондларни лизинг асосида сотиб олиш ҳам божсиз амалга оширилиши мумкин. Худди махсус иқтисодий зоналарда (SEZ) бўлгани каби, автоматик режимда юз фойизлик тўғридан-тўғри инвестицияларга рухсат берилган. Россия Федерациясиги экспорт қилинган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларни ҳинд рупияларида, Ҳиндистондан қарздорликни ёпиш ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилган.

STP ҳудудида жойлашган корхоналар хорижий валютада ижобий балансга эга бўлиши лозим. Балансни ҳисоблаш ишлаб чиқариш бошланган моментдан бошлаб 5 йил учун бажарилади.

Маҳсулотнинг 75% дан кам бўлмаган миқдори экспортга йўналтирилган тақдирда, Income Tax Act га мувофиқ корхоналар фойда солиғидан озод қилинади. Мазкур имтиёз маҳсулотни ишлаб чиқариш бошланган йилдан бошлаб 8-10 йил ичида 5 йил давомида

амал қилади. Имтиёзнинг амал қилиш муддати 2009 йил 1 апрелда тугайди. Экспортдан келадиган даромадларни 100% гача махсус валюта ҳасоб рақамларида қолдиришга рухсат берилган. Агар корхонанинг айланмаси 1,1 млн доллардан ошиқ бўлса, ёки унинг фаолият юритаётганига 3 йилдан ошган бўлса, ёки намунали қарз тўловчи бўлиб ҳисобланса, ички божхона зонасидан товарларни сотиб олиш ва субпудрат ишлари учун банк кафолатлари талаб қилинмайди.

Субпудрат ишлари STP нинг бир корхонаси томонидан бошқа бир корхона учун ҳеч қандай чеклашларсиз бажарилиши мумкин. Корхоналар божхона органларининг рухсати билан субпудратчилар томонидан Ҳиндистоннинг ички божхона зонасида ишлаб чиқариладиган 50% гача махсулотга эга бўлиши мумкин.

Асосий фондларни бир корхонадан бошқасига бериш DIT вақилининг махсус рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Ички божхона ҳудудида жойлашган корхоналар технопаркларга айлантирилиши ва Income Tax Act нинг 10B моддасида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин. STPлар, худди SEZ лар каби, давлатники ёки хусусий бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Ҳиндистонда 44 та давлат ва 25 та хусусий технопарклар мавжуд. Хусусий технопаркларинг бир қисми тўлиғича хорижий инвесторларга тегишли.

Бангалор шаҳри Ҳиндистонда ахборот технологиялари (IT) индустрияси маркази бўлиб ҳисобланади, унда 1500 та атрофида IT-компаниялар ва биотехнологиялар соҳасида ишлайдиган 130 та фирма жойлашган (1991 йилда уларнинг сони бор-йўғи 15 та бўлган). 2004 йилда 198 та IT-компаниялар ва 18 та биотехнологик фирмаларнинг ваколатхоналари очилган. Багалордаги IT-саноатда 750 мингта атрофида мутахассислар ишлайди. 2004-2005 молия йилида Бангалордан IT-махсулотларни экспорт қилиш ҳажми 5,1 млрд АҚШ долларини ташкил қилган, 2005-2006 молия йилида эса у 6,4 млрд долларга етиши мумкин. Шу билан биргаликда Мангалор, Майсур, Хубли, Белджаум, Гургаон ва Нойда каби шаҳарларда IT-саноатнинг ривожланишининг шиддат билан ўсиши туфайли IT-компанияларнинг географик жойлашувининг кенгайиш тенденцияси кузатилмоқда.

## 2.12. Эрон

Эронда эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш 1993 йил 29 августда тасдиқланган савдо ва саноат зоналари тўғрисидаги Қонун асосида ЭИЗ лар бўйича Олий Кенгаш томонидан амалга оширилади. Ҳозирги кунда Эронда фаолият юритаётган барча эркин зоналар эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ), махсус савдо зоналари (МСЗ) ва махсус иқтисодий зоналарга (МИЗ) бўлинади. Бугунги кунда Эронда 8 та зона фаолият юритмоқда: 4 та ЭИЗ – «Кешм», «Киш», «Сержон» и «Чабахор», қолган 4 та эркин зоналар – «Серахс», «Арг Бам», «Бандар Анзали» ва «Бандар Шахид Рожаи» – МСЗ ва МИЗ мақомига эга. Кўрсатилган бўлиниш ўта нисбий бўлиб ҳисобланади, чунки вақти келиб барча зоналар махсус қарор билан ЭИЗ ларга айлантирилади. ЭИЗ билан МСЗ-МИЗ лар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, биринчилари учун зонадаги субъектлар 15 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади, иккинчилари эса экспорт, импорт ва тижорат фаолияти солиғи (бу Эронда қўшимча қиймат солиғи деб аталади) бўйича имтиёзларга эга.

Ҳозирги кунда Форс қўлтиғида Эронга тегишли бўлган энг катта оролда жойлашган «Кешм» ЭИЗ кўпроқ самарали ривожланмоқда. Бу ЭИЗ ни ривожлантиришга 1,5 млрд доллар миқдорида жамланма инвестициялар қўйилган, улардан 30% ини хусусий инвестициялар ташкил қилади. 50% капитал қўйилмалар саноат секторига, 30% – инфратузилма ва сервисга, 20% – савдога йўналтирилган. Зонада 147 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади, Хусусан, мамлакатда ва хорижда сув насослари яхши маълум (йилига 120 минг дона ишлаб чиқарилади). Шунингдек, оролда хрустал буюмлар ва кўп қатламли қувурлар ишлаб чиқариш бўйича чех-эрон корхонаси, анод ва катодлар учун мис ишлаб чиқариш бўйича (йилига 3 млн тонна) хитой-эрон корхонаси яратилган. Мазкур ЭИЗ да шунингдек PVC гранулалари, прожекторлар, видеокассеталар, иситиш приборлари ва ошхона приборлари, соатлар ва ҳоказолар ҳам ишлаб чиқарилади.

Кешм оролида фаол суръатлар билан транспорт-омбор зонаси яратилмоқда. Бир қатор йирик хорижий компаниялар – масалан, Toyota – бу ерда ўзининг оралиқ омборларига эга, бу омборлардан маҳсулотлар фақатгина Эронга эмас, балки Араб ва Европа мамлакатларига ҳам сотилади. 1988 йилда аэропорт ишга туширилган,

унинг юк терминаллари орқали юкларни ҳаво орқали ташиш йўлга қўйилган.

«Киш» ЭИЗ да 500 та атрофида Эрон компаниялари ва хорижий компаниялар рўйхатдан ўтган ва фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти савдо ва хизматлар соҳасида фаолият кўрсатади. Кейинги йилларда бу ерда саноат компаниялари ўзларининг фаолиятини бошлаган, натижада товарларни импорт қилиш тобора камаймоқда.

Саноат маҳсулотларининг асосий турлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади: машинасозлик учун пресслар, электротоварлар, текстиль, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, балиқ маҳсулотлари, тиббиёт ускуналари ва фармацевтика маҳсулотлари, ҳар хил ўрамлар, ёғочдан ишланган буюмлар, спорт анжомлари, ўйинчоқлар ва уй жиҳозлари. Франциянинг “Рено” автомобиль компанияси ва Эрон саноат ва шахталар Банки оролда йирик лойиҳани амалга оширишга киришган. Лойиҳада йилига 5 минг дона Sinad маркали автомобилларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Инвестицион капитал қўйилмалар 52 млн долларни ташкил қилади. 60% бутловчи қисмлар ва узелларни Эронда ишлаб чиқариш, 40% ини – хориждан олиб келиш кўзда тутилган. Яқин келажақда Эрон бозорларида дастлабки Sinad автомобиллари пайдо бўлиши кутилмоқда.

Хорижий инвесторлар учун саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйишнинг фойдалилиги солиқлардан тўлиқ озод бўлиш, жумладан, 15 йил муддатга фойда солиғидан озод бўлиш билан шартланади.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналарнинг турли мамлакатларнинг махсус ажратилган районлари, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хорижий капитални жалб қилиш ёки кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини жонлаштиришдаги сезиларли роли уларга иқтисодийтени модернизациялашнинг универсал усули сифатида қараш учун етарли бўлиб ҳисобланмайди. Эркин иқтисодий зоналарнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг қолган ҳудудига таъсири етарлича чегараланган бўлиб ҳисобланади. бу айниқса, саноати ривожланган мамлакатлар учун адолатли бўлади, бу ерда, қоидага кўра, бундай таъсирни махсус ёйиш вазифаси қўйилмайди. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши берилган минтақанинг тадбиркорлик фаолиятини жонлантиришда ёки иқтисодийтенининг у ёки бу соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратишда қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи роль ўйнайди. Шу билан биргалиқда, гарчи ривожланаётган мамлакатларда

эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиши уларнинг турли-туман ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда панацея бўлиб хисобланмасда, улар бу мамлакатларнинг жамияти ва иқтисодиётида катта роль ўйнайди. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар учун эркин зоналар савдо-иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ўсишнинг кутбларига айланмоқда. Бундан ташқари, уларда у ёки бу ёки даражада очиқ иқтисодиётнинг модели, жаҳон иқтисодиётига интеграцияланиш йўллари синаб кўрилмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ташкил қилиниши каттагина капитал қўйилмалар ва кейинчалик давлатнинг уларни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари билан боғланади. Қатъий йўналтирилган марказлашган қўллаб-қувватлашсиз улар амалда яшашга қодир бўлмайди. Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтининг 26 та мамлакат бўйича ўтказган тадқиқотларига кўра, эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўзининг харажатлари хорижий инвестицияларнинг 1 долларига ўртача 4 долларни ташкил қилган.

Эркин иқтисодий зоналарнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишига кўп сонли мисолларни келтириш мумкин, бироқ уларни ташкил қилишга бўлган муваффақиятсиз уринишлар ҳам бор. Масалан, Шри-Ланка, Гватемала, Либерия, Сенегалда уларни яратишга бўлган уринишлар нафақат муваффақиятсиз бўлиб чиқмасдан, уларнинг кўпчилиги умуман фаолият кўрсатишдан ҳам тўхтаган. Кейинчалик уларни жонлантиришга уринишлар бўлган, бу уринишлар у ёки бу даражада муваффақиятли бўлган. Бу мамлакатларда ЭИЗ ларнинг ишлашидаги муваффақиятсизликларнинг асосий сабабларига сиёсий, иқтисодий ва ташкилий сабабларни киритиш мумкин.

### **2.13. Канада минтақавий ривожланиш тажрибаси**

Канадада минтақавий ривожланиш тарихига кириш гап периферияда жойлашган минтақалар хусусида борганда, кўп мамлакатлар ҳам ўхшаш муаммоларга дуч келади. «1991 йилда Болтиқбўйи мамлакатлари мустақилликни қўлга киритгандан кейин, Калининград вилояти қутилмаганда мамлакатнинг бошқа қисмидан ажралиб қолган анклавга айланиб қолди». Шу пайтдан бошлаб минтақанинг

ижтимоий-иқтисодий келажаги сон-саноксиз тортишувлар предметига айланди, бу айниқса шу сабаблики, у ерда мамлакатда ягона бўлган махсус иқтисодий зона (МИЗ) фаолият кўрсатган (Масалан, (Fyodorow, 1998; Oldberg, 1998) ва (Lange, 1998).

Масалан, Россияда мамлакат худудининг катталиги сабабли унинг кўпгина минтақалари бир-бири билан ўзаро ҳаракатларда қийинчиликларга дуч келади. Бундай минтақалар учун капиталнинг оқиб келишини жалб қилиш ва кейинчалик иқтисодий ривожланиш муаммосини ҳал қилишнинг бирдан-бир усули махсус ишлаб чиқариш ва савдо шарт-шароитлари бўлиши мумкин.

Масалан, Канада ҳолатида эга умуман олганда иқтисодий фаоллик марказлари ўртасидаги улкан масофалар билан вужудга келадиган ўхшаш муаммолар кузатилади. Уларни ҳал қилиш учун федерал ҳукумат (шунингдек, баъзи бир провинцияларнинг маъмуриятлари ҳам) белгиланган провинциялар учун махсус минтақавий ривожланиш дастурларини ишлаб чиққан, улар, моҳиятига кўра, МИЗ ларнинг ўзига хос суррогатларига айланган. Масалан, Онтарио провинциясидаги FedNor номи билан маълум бўлган зона унинг бутун шимолий қисмини қамраб олади, қолганлари эса тегишлича минтақанинг ғарбида ва шарқида жойлашган.

Канада МИЗ ларнинг суррогатлари сифатидаги минтақавий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқарилган мазкур дастур ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги Канада минтақавий ривожланиш дастурларининг, суррогат МИЗ лар ва “нокулай районлар” деб аталувчи районларда иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган ташаббусларнинг қисқача шарҳини очиб беради ((Guangwen, 2003) да бевосита кўрсатилишича, дунёда зоналарнинг иккита тури – худудий ва “режимли” зоналар кузатилади, улар мос равишда фирмаларнинг географик жойлашуви ва мамлакат худудида конкрет фирмаларнинг фаолият юритиши билан боғланади. Канадада фақатгина иккинчи типдаги зоналар мавжуд)[6]. Ишда “тепадан пастга” тамойилига асосланган фалсафий ёндашувдан минтақавий ривожланиш муаммосига, “пастдан юқорига” тамойилига ўтишни кўрсатиб бериш учун айниқса, муҳим бўлади, бунда иккинчи тамойил ўсиш ва тадбиркорлик фаолияти эндоген назариясига асосланади.

1969 йилда Канада ҳукумати минтақавий иқтисодий ривожланиш Вазирлигини (МИРВ) яратган, мазкур идоранинг миссияси мамлакатнинг бой, “метрополлашган” районлари билан унинг

қолган худудидаги “қора туйнуқлар” ўртасидаги тобора ўсиб бораётган узилишга қарши курашишдан иборат бўлган. Бошқача қилиб айтганда, Федерал Вазирлик махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) сифатида тавсифланиши мумкин бўлган минтақаларда ривожланиш дастурларининг бўлишини таъминлаш учун яратилган. Вазирлик дастлабки босқичда 23 та шундай лойиҳаларни ишлаб чиққан ва уларнинг амалга ошишини назорат қилган. МИЗ ларни ривожлантириш, маҳаллий инфратузилмани молиялаштириш ва хусусий компаниялар учун солиқ имтиёзларини яратиш учун МИРВ иккита муҳим иқтисодий дастакдан фойдаланган, бу дастаклар “марказларнинг ўсишини таъминлайдиган устивор секторларда динамик тарзда ишлаётган компанияларни камроқ ривожланган минтақаларга кўчириш ва ривожлантириш” учун рағбатлар бўлиб ҳисобланади. Бу рағбатларга асосланган ёндашув саноат корхоналарининг филиалларини жалб қилишга қаратилган, чунки бундай филиаллар инновацияларни жорий қилишнинг шиддатли суръатлари ва минтақанинг маҳаллий иқтисодиёти билан қайтар боғланишларни намоён қилади деб тахмин қилинган. Идеалда, бундай турдаги иқтисодий боғланишларни рағбатлантиришларни иқтисодий ривожланиш соҳасидаги тегишли тажрибани бериш ва эҳтимолки, йирик шаҳар агломератларига (“ўсиш кутбларига”) хос бўлган иқтисодий ўсиш моделини қайта яратиш билан таъминлаш мумкин бўлади деб тахмин қилинган. Бу сиёсатнинг яратувчилари “иқтисодиётнинг асосий секторларидаги локомотив фирмаларни ажратишга” уринганлар ва бу билан хатога йўл қўйганлар хусусан, улар ресурсларнинг мукамал сафарбарлиги ва омилларнинг қайишқоқлигини етарлича баҳоламаганлар. Вазирликнинг сиёсатини кўп сонли танқид қилишларнинг кўрсатишича, унинг фаолиятининг натижалари энг яхши деб баҳоланган такдирда ҳам жуда камтарона бўлган, у 1982 йилда мустақил ҳукумат идораси сифатида фаолият кўрсатишдан тўхтаган.

МИРВ сиёсатининг яна бир катта муваффақиятсизлиги маҳаллий ишчи кучи бозорларини яратиш ва кенгайтиришга уриниш бўлган. Бунинг энг камида учта сабаби бор:

1) ички иш жойларини яратишга муваффақ бўлинмаган, чунки «[субсидияланадиган] завод кўпинча эндоген [субсидияланмайдиган] завод билан тўғри-тўғри рақобатга киришган», бу маҳаллий ишчи кучи бозорининг нисбий қисқаришига олиб келган;

2) ишчи кучининг янги субсидияланадиган завод муҳтож бўлган билимлари ва кўникмалари ушбу жойда мавжуд бўлмаган, бу корхоналарни тегишли малака даражасига эга бўлган ишчи кучини импорт қилишга мажбур қилган, бу эса ўз навбатида бундай корхонанинг яратилиши маҳаллий ишчи кучи бозорига сезиларли таъсир кўрсатмаганлигини билдиради; ва ниҳоят;

3) айнан шу пайтда дунёда кўпроқ қайишқоқ ва универсал типдаги иқтисодиётга қараб силжиш бошланган. Ўз-ўзидан тушунарлики, фойда олишга бўлган “генетик тарзда жойланган” интилиш заводларнинг филиалларини кўпроқ фойдали минтақаларни қидириш мақсадида маконда янги кўчишларга ундаган. Ўзининг ички ахборот тармоқларига қарам бўлиш билан улар камдан-кам ҳолларда ўзлари фаолият кўрсатиши лозим бўлган жойнинг ижтимоий капиталидан фойдаланганлар. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар эндоген бизнес билан қайтар боғланишларни шакллантирмаганлар, шу тариқа гуллаб-яшнаётган минтақалар билан депрессив минтақалар ўртасидаги жарликни кенгайтирганлар. Охир-оқибатда федерал ҳокимиятнинг бундай саъй-ҳаракатлари ва бундай сиёсати рақобатбардош миллий компанияларнинг ривожланишига олиб келмаслиги маълум бўлган – ҳукумат нотўғри рағбатлардан фойдаланган ва нотўғри дастурларни амалга оширган. «Ҳукумат иқтисодий ўсиш имкониятларини мамлакатнинг худуди бўйлаб бир текис тақсимлашга бўлган беҳуда уринишлар натижасида ўн миллиард долларлаб бюджет маблағлари ва улкан ресурсларни шамолга совурган».

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўсиш кутблари концепциясига бўлган ишонч йўқолиб бориши билан, рақобат афзалликларига асосланган янги “пастдан тетага” ёндашуви юзага келганлиги факти хайрон қоларли ҳол эмас бундай янги дастурларга мисол қилиб: the Atlantic Canada Opportunities Agency (ACOA), Canada Economic Development for Quebec Regions (CED&QR), Federal Economic Development Initiative in Northern Ontario (FedNor), Western Economic Diversification (WD) ларни келтириш мумкин[6]. Бу ёндашув, моҳиятига кўра, турли минтақалар такрорланмас спецификага эга эканлиги ва «уларнинг экспортга йўналтирилган секторининг ўсиши ушбу минтақадан ташқарида жойлашган бозорларга минтақавий [такрорланмас] изтисослашишнинг жавоби бўлганлигини» тан олишга асосланган.

1990 йилларнинг бошига келиб янги вазирликнинг миссияси у фойдаланмайдиган назария билан, аниқроғи “тепадан пастга” ёндашувини марказлашган ҳукумат агентлигининг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошириш фактининг ўзи билан шартланганлиги тушунарли бўлиб қолган. Моҳиятига кўра, бу давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган муассаса билан ноқулай районнинг эндоген иқтисодий реаллиги ўртасидаги мавжуд узилишнинг юзага чиқиши бўлган. Бундай узилиш муассасанинг фақатгина иқтисодиётнинг ўсаётган секторида асосий роль ўйнаб қолмасдан, балки ўзининг кучлари ва корхоналарининг рақобатбардошлигига таянадиган инновацион компанияларни аниқлаш имкониятини блокировкалаб қўйган. Янги “пастдан тепага” ёндашувининг дунёга келиши ва қурол сифатида қабул қилиниши, эндоген иқтисодий назария томонга қараб концептуал силжиш ана шундан келиб чиққанда мазкур муаммо бўйича адабиётларнинг етарлича тўлиқ шарҳи келтирилган; ИМРВ нинг яратилиш ва тугатилиш сабабларининг, шунингдек, унинг ўрнига келган янги дастурларнинг эволюциясининг кўпроқ деталли таҳлилини топиш мумкин. Бунинг натижаси, юқорида кўрсатилганидек “маҳаллий потенциалга асосланган, директив бўлмаган, марказдан узоқлаштирилган саъй-ҳаракатлардан иборат бўлган, жойлардаги хусусий ташаббусга тобора кўпроқ боғлиқ бўладиган” иқтисодий ривожланишнинг пайдо бўлиши бўлган. Иқтисодий ривожланишни жойларда, биринчи навбатда бундай фаолиятни ривожлантиришга эндоген тадбиркорлик фаолияти кўринишида кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватлаш зарурлиги ана шундан келиб чиқади. Шунини қайд қилиш лозимки, маҳаллий иқтисодий ривожлантириш муаммосига бўлган кенг қамровли ёндашув бурчакнинг қиррасига амалдаги бизнесни қўллаб-қувватлаш, янги корхоналарни шакллантириш, берилган жойнинг чегараларидан ташқарида жойлашган компанияларни жалб қилишни қўйиши лозим. Бундай ёндашув ҳаракатларнинг айнан ана шундай изчиллигини кўзда тутиши лозимлиги янада муҳимроқ бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда, маълум бўлишича, мамлакат ҳукуматининг барча даражаларида мамлакатнинг МИЗ ларга муҳтож бўлган минтақалари учун рамкали сиёсат йўналишидаги ҳаракатлар кузатилмоқда. Бундай сиёсат маҳаллий даражада тадбиркорлик фаоллигини ошириш амалиётини ва хусусий секторнинг ички ва

ҳамада бозорларда рақобатбардошликни қўлга киритишга инти-  
лишни рағбатлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бу  
сўзлашув доирасида иқтисодий ўсиш ва фаровонликнинг фунда-  
ментал элементи инновацион фаолият – “янги маҳсулот, янги ишлаб  
чиқариш жараёнлари, янги бозорлар, янги хомашё манбалари ва янги  
ташкилий шаклларда амалга оширилган динамик яратувчилик кучи”  
бўлиб ҳисобланади.

FedNor – Онтарионинг шимолидаги суррогат махсус иқтисодий  
зона сифатида

Минтақавий ривожланиш учун юқорида тасвирланган рамкалар  
ишлаб чиқилгандан кейин, федерал ва минтақавий идораларнинг  
розилиги олингандан кейин Канада Федерал Ҳукумати 1987 йилда  
иқтисодий ривожланиш бўйича федерал ташаббусга старт берган, у  
FedNor деб номланган. Дастурнинг сайтида айтилишича, «FedNor–  
бу Онтарио провинциясидаги минтақавий ривожланиш бўйича  
федерал ташкилот бўлиб, у жойлардаги ҳамжамиятлар ривож-  
ланадиган, бизнес ўсадиган, аҳоли эса – гуллаб-яшнайдиган муҳитни  
яратишга кўмаклашадиган ёрдамчи тузилма ва катализатор  
сифатида кўплаб шериклар билан ҳамкорлик қилади». Равшанки,  
ҳар қандай МИЗ учун бу мақсадлар маҳаллий ва минтақавий  
ривожланишнинг мақсадлари учун асос сифатида чиқади. FedNor  
учун жавобгар бўлган амалдаги Вазир жаноб Т. Клемент дастурнинг  
сайтида 2006 йил 9 сентябрда қилган чиқишида шуни таъкид-  
лайдики, «...Канаданинг янги ҳукумати айнан маҳаллий ҳам-  
жамиятлар жойлардаги чақириқларни энг яхши тарзда ифодалашига  
ва энг яхши тарзда ҳал қилишига ишонади. FedNor ёрдамида  
бизнинг ҳукуватимиз Онтарионинг шимоли ва унинг қишлоқ  
районлари бўйича ўзининг мажбуриятларини бажаради».

Юқорида айтилганлар асосида тадқиқотнинг мазкур бўлими-  
нинг асосий мақсадлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

➤ Умумий тасаввур, хусусан, FedNor нинг мандати тўғрисида  
тасаввур бериш;

➤ FedNor ни бошқариш тизимининг умумий шарҳини бериш;

➤ Унинг тузилиши ва минтақавий дастурларини тасвирлаш;

Минтақа, унинг иш муҳити ва хусусий шахсларга ривожланиш  
сферасида кўрсатилаётган ёрдамнинг табиатига алоҳида эътибор  
қаратиш;

FedNor нинг молиявий тузилишини маблағларнинг оқиб келиши  
ва уларнинг сарфланиши нуқтаи-назаридан тадқиқ қилиш;


Дастур билан қамраб олинган районда лойиҳалар ва тенденцияларнинг муваффақиятли амалга оширилганлигига мисолларни таҳлил қилиш.

FedNor минтақаси, ёки махсус иқтисодий зона Онтарио провинциясининг шимолий қисмини (унинг худудининг тахминан 70% ини) қамраб олади, бу ерда минтақа аҳолисининг бор-йўғи 8% и истиқомат қилади. У Канаданинг шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий иқтисодий минтақаларини ўз ичига олади. Уларнинг ичида тегишлича саккизта (Nipissing, Party Sound, Manitoulin, Sudbury, Greater Sudbury Division, Timiskaming, Cochrane, Algoma) ва учта (Thunder Bay, Rainy River, Kenora) тағрайонлар ажратилади.

Ҳатто юзаки қараганда ҳам, FedNor минтақасининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари Онтарио провинциясининг бошқа қисмларига қараганда анчагина ёмон. Масалан, жанубий Онтарионинг тағрайонларида 1991 йилдан 2001 йилгача иқтисодий ривожланишнинг ўзгариш даражаси 4,2% ни, шимолда эса – 3,8% ни ташкил қилган; жанубда барча ходимларнинг ўртача даромад даражаси 31 449,4 доллар, шимолда эса - 28 672,3 доллар бўлган; ишчи кучининг бандлик коэффициенти жанубда 66,1% ни, шимолда эса 61,4% ни ташкил қилган; хусусий яшаш жойининг ўртача нархи жанубда 164 229,1 долларни, шимолда эса бор-йўғи 115 888,5 долларни ташкил қилган (2001 йилдаги маълумотлар бўйича).

Бошқарув FedNor дастурининг мандати 1987 йилда қабул қилинган ҳукуматни ташкил қилиш тўғрисидаги Қонундан келиб чиқади. Ҳозирги кунда FedNor – федерал саноат Вазирлигининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. «Саноат Вазири куйидаги соҳаларда давлат сиёсати масалаларини назорат қилишни амалга оширади: саноат, савдо ва тижорат, илм-фан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, корпорациялар ва корпоратив қимматбаҳо қоғозлар, рақобат ва савдо сферасидаги чеклашлар, монополияларга бирлашишларни чеклашлар, банкротлак ва тўлов қобилятига эга эмаслик, интеллектуал мулк, телекоммуникациялар, инвестициялар, кичик бизнес, шунингдек, мамлакат миқёсида минтақавий иқтисодий ривожланиш». Ушбу мандат мамлакатнинг давлат иқтисодий сферасига қиради (2.5-расм)[6].

Рақобат масалалари бўйича комиссиянер қонунчиликнинг мустақил инфорсменти бўйича маъмурий ва молиявий масалалар бўйича Вазир ўринбосари ва Парламентга (Вазир орқали) ҳисоб беради.



2.5-расм. FedNor – федерал саноат Вазирлиги бошқарув структураси

Аудит ва таҳлил бўлинмасининг бош директори аудит ва таҳлил бўйича Қўмитанинг раиси сифатидаги Вазир ўринбосарига ҳисоб беради.

FedNor нинг штаб-квартираси Садбери шаҳрида жойлашган. Бу ерда бош директорнинг офиси, маъмурий офислар, (молиявий ва одам ресурслари офисларини ҳам ўз ичига олган ҳолда), шунингдек, сиёсат ва ташкилотни режалаштириш офислари, коммуникациялар ва FedNor да амалга ошириладиган барча дастурлар бўйича даъволарни кўриб чиқиш офислари жойлашган. Иккита бошқа асосий офислар Солт Сант-Мари ва Тандер Бей шаҳарларида жойлашган. Бундан ташқари, қўшимча офислар Онтарио провинциясининг шимолий ҳудуди бўйлаб сочилиб кетган (Кенора, Норт Бей, Оттава, Перри Саунд ва Тимминс шаҳарлари).

### Минтақавий дастурлар

Онтарионинг шимолини ривожлантириш дасури (ОШРД): Мазкур бўлим бўйича маълумотларнинг катта қисми FedNor нинг 2016–2017 йилларга тузилган бизнес-режасидан олинган.

Онтарионинг шимолини ривожлантириш дасури 1987 йилда яратилган. Унинг вазифаси – иқтисодий ўсиш, диверсификацияни таъминлаш, янги иш ўринларининг яратилиши ва комьонитига асосланган ёндашувдан фойдаланиш билан Онтарио провинциясининг шимолий қисмидаги маҳаллий аҳолининг (комьонитининг) барқарор ҳамжамиятларини яратишга кўмаклашишдан иборат. ОШРД бурчакнинг қиррасига қуйидаги 6 та устуворликлардан бирини ёки бир нечтасини кўядиган лойиҳаларни инвестициялайди: маҳаллий ҳамжамиятларни иқтисодий ривожлантириш, ахборот ва коммуникация технологиялари, инновациялар, савдо ва сайёҳлик, одам капитали, бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш.

Онтариода маҳаллий ҳамжамиятларнинг (комьонити) келажаги бўйича дастур (ККД).

ККРД ҳам ўзида миллий миқёсда амал қиладиган дастурни тақдим қилади, Онтариода уни FedNor бошқаради. ККРД провинциянинг бутун қишлоқ жойлари бўйлаб сочилган – 24 та шимолдаги ва 37 та жанубдаги комьонитиларнинг келажагини ривожлантириш бўйича (ККР) 61 та корпорациядан ташкил топган корпорациялар тармоғини қўллаб-қувватлайди. ККР корпорациялар – бевосита комьонитида қарор топган нотижорат акциядорлик жамиятларидир. Уларни бошқариш органлари – бошқарув бўлиб, унинг таркибига маҳаллий аҳолидан чиққан волонтерлар киради. ККР корпорациялар Онтарионинг қишлоқ жойлардаги барча

районларига хизмат кўрсатади ва маҳаллий ҳамжамиятларни иқтисодий ривожлантириш ва кичик бизнесни ўстиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор хизматларни таклиф қилади. ККР компаниялар кичик бизнес корхоналари ва жамоатчилик корхоналарига қарзларни тақдим қиладиган маҳаллий инвестицион жамғармаларни бошқаради. Бундан ташқари, ККР корпорацияларнинг фаол янги сферасига комьюнитиларни ривожлантиришни стратегик режалаштириш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари киради, жойларда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, бизнес-ахборотни тақдим қилиш ва маслаҳат бериш хизматлари ҳам шу ҳисобга киради.

Провинциянинг шимолий қисмида ККР корпорациялар FedNor раҳбарлиги остида дастурларни амалга оширадиган ташкилотлар тармоғининг ажралмас қисмига айланган ва улар ёшлар, савдо-сотик ва телекоммуникациялар бўйича дастурлар ўз ичига оладиган устуворликларни таъминлашда муҳим роль ўйнашда давом этмоқда. Бу лойиҳалар шимолий Онтариони ривожлантириш дастури асосида алоҳида келишувлар доирасида амалга оширилади.

#### Бошқа дастурлар

Канада саноат Вазирлигининг Шимолий Онтарио ва провинциянинг кишлоқ жойларидаги вакили бўлиш билан FedNor умуммиллий кўламдаги ташаббусларни самарали амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий потенциалга эга. FedNor саноат Вазирлигининг минтақадаги минтақавий офислари билан ҳамкорликда кам сонли халқларнинг расмий ҳамжамиятларини иқтисодий ривожлантиришни молиялаштиради. FedNor Шарқий Онтариони ривожлантириш дастурини амалга оширади. Дастур Шарқий Онтариони ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кўзда тутди ва рақобатбардош ва диверсификацияланган минтақавий иқтисодиётни яратишни, бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши ва янги иш ўринларининг яратилишига, шунингдек, барқарор, молиявий жиҳатдан таъминланган маҳаллий ҳамжамиятларнинг яратилишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дастур қуйидаги 5 та асосий вазифани ҳал қилишга қаратилган: бизнес ва маҳаллий комьюнитиларни ривожлантириш, капиталга эришиш, билимлар ва кўникмаларни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва жалб қилиш, технологиялар даражасини ошириш.

Қуйида 2.13-жадвалда амалга оширилаётган ташаббусларнинг рўйхати ва улар бўйича олиб борилаётган фаолият турларини жамланма тарзда акс эттиради.

2.13-жадвал

**Асосий ташаббуслар ва FedNor доирасида улар бўйича олиб борилаётган фаолият турлари[6]**

Лойиҳанинг типи	Лойиҳа бўйича олиб борилаётган фаолият
Савдо	Экспорт бозорлари ва ички бозорларни кенгайтириш Экспортерлар клублари воситасида алоқаларни таъминлаш Экспорт ва савдо сферасида билимлар ва кўник-маларни ривожлантириш
Инновациялар	Технологик инновациялар Амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари Тадқиқот фаолиятини тижоратлаштириш
Инвестициялар	Қайтариш шarti билан қарзлар, қарзлар бўйича ка-фолатлар ёки маҳаллий хусусий бизнеснинг қим-матбаҳо қоғозларини гаровга қўйиш билан қарзлар Комьонитиларда маҳаллий инвестицион жамғар-маларни яратиш Янгидан яратилаётган корхоналарни молиялаш-тириш ёки амалдаги корхоналарни ривожлантириш Қарзлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар Бизнес-режалаштириш
Алоқани ривожлантириш	Телекоммуникацион инфратузилма Телекоммуникацион тармоқлар Ахборот ва коммуникациялар сферасида амалий технологиялар (масалан, Е-тижорат)
Комьонитилар линияси бўйича шерикчилик	Янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий бизнесни иктисодий ривожлантириш, диверсификациялаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш Жойларда стратегик иктисодий инфратузилма Шимол ёшлари учун бизнесни ривожлантириш соҳасида иш тажрибаси Комьонитилар билан ҳамкорлик асосида сайёхлик соҳасида маркетинг ташаббуслари

Ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари:

FedNor нинг Интернетдаги саҳифасида улар бўйича берилган дастур доирасида биргаликдаги ҳаракатлар амалга ошириладиган 6 асосий соҳалар келтирилган.

### **Комьюнитиларни иқтисодий ривожлантириш**

Мазкур дастурнинг мақсади – «комьюнитизмнинг ичидаги гуруҳлар ва нотижорат ташкилотлари билан шерикчилик қилиш воситасида шимолда бандликни ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш» дан иборат.

### **Инновациялар**

FedNor илм-фан билан саноат ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни ривожлантиришга қаратилган. Шимолдаги компанияларга бозорларга маҳсулотлар ва хизматларнинг янги турларини етказиб беришга кўмаклашиш учун дастурда бошланғич босқичдаёқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Ўтмишда бундай ишлар қазиб чиқариш саноати, тиббиёт ва биотехнологиялар сферасида жорий қилиш ишларини ўз ичига олган.

### **Ахборот ва телекоммуникацион технологиялар**

Провинциянинг нисбатан кам сонли аҳоли яшайдиган шимолида коммуникацияларни ривожлантиришга кўмаклашиш учун FedNor минтақада телекоммуникацион инфратузилма ва тармоқларнинг сифатини оширишга интилади, бу маҳаллий бизнеснинг имкониятларини ошириш, қишлоқ жойлар учун маълумотларни юқори тезликда узатадиган тармоқларни қуриш ва жойларда иқтисодий ривожланишни осонлаштириш имконини беради.

### **Савдо ва сайёҳлик**

Савдо борасида FedNor маҳаллий фирмаларга ходимларнинг малакасини ошириш, айниқса, кичик ва ўрта корхоналарга электрон тижорат асосида савдо ва экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш йўли билан халқаро ва маҳаллий савдони рағбатлантиришга урин-

моқда. Бундан ташқари, дастур доирасида сайёхликни ривожлантириш, инфратузилмани ривожлантириш, маркетинг ҳамда товарлар ва хизматларни илгари суриш, маҳаллий аҳолига таълим бериш ва ўқитиш бўйича саъй-ҳаракатлар ҳам амалга оширилмоқда.

### **Инсон капитали**

Мазкур сферада FedNor аёллар, ёшлар, туб жой аҳолиси, шунингдек, франкофон гуруҳларга билимларга асосланган иқтисодиёт шароитларида ишли бўлиш учун билимлар ва кўникмаларни олишга ёрдам кўрсатишни ўз ичига олган ҳолда аҳолининг конкрет гуруҳларига эътибор қаратмоқда. Хусусан, FedNor ёш мутахассисларнинг тажрибасини ошириш дастурларини молиялаштиради (агар ёш мутахассис нодавлат ташкилотларида тажрибасини оширишни хоҳласа, 1 йилгача бўлган муддат билан тажриба оширишнинг умумий харажатларидан 90% гача, агар у маҳаллий кичик корхонада тажриба оширса – 50% гача).

### **Бизнесга молиявий ёрдам кўрсатиш**

Агар кичик ёки ўрта корхона ўзига нормал молиялаштиришни таъминлай олмаса, у ҳолда FedNor ёрдамга келишга тайёр, у бунинг учун ёрдам бериши мумкин бўлган шерикларнинг кенг доирасидан фойдаланади. Хусусан, бундай турдаги ёрдам молия институтларининг иштироки билан “ёмон қарзлар бўйича заҳиралар” дан фойдаланиш, шунингдек, комьонитилар базасида яратилган инвестицион фондларнинг маблағларини тақдим қилишдан иборат бўлиши мумкин. ККР компаниялар ҳам Шимолий Онтариода жойлашганлиги сабабли, маҳаллий аҳолининг бандлигини таъминлаш ёки қўллаб-қувватлаш мақсадида улар қарзлар ва кредитлар бўйича кафолатлар воситасида ҳам капиталга ёки фондларнинг инвестицияларига эришишлари мумкин.

#### **Молиявий манбалар ва маблағларнинг тақсимланиши**

FedNor иккита молиявий инструмент – Шимолий Онтариони ривожлантириш дастури (ШОРД) ва комьонитиларнинг келажагини ривожлантириш дастурини (ККРД) ўз ичига олади. Провинциянинг шимолидаги лойиҳалар устида ишлаш учун улар кўпинча ўзларининг кучларини бирлаштиради. Биргина 2005-2006 йиллар даврида FedNor бевосита амалга ошириладиган лойиҳаларга 97 млн

канада долларини инвестициялаган ва бошқа манбалардан 110 млн канада долларини кредитлаган.

FedNor нинг дастурларни амалга ошириш учун мўлжалланган ходимлар штати 140 кишидан иборат бўлган. FedNor бюджетининг 80% и Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга сарфланади. Дастурнинг вазифаси шундан иборатки, умуммиллий ташаббуслар ва устуворликлар маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан кўпроқ оптимал тарзда амалга оширилсин, жойлардаги ривожлантириш стратегиялари эса умуммиллий дастурлар билан тақдим қилинган устуворликлардан тўлақонли фойдаланишга қодир бўлсин. “Пастдан тепага” ва “тепадан пастга” ёндашувларининг балансига асосланган бундай ёндашув комьюнитизларга FedNor нинг ходимларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконини беради, бу ходимлар маҳаллий контактлар тармоғини яратишга қодир бўлади. FedNor ни амалга ошириш доирасида маблағларнинг сарфланиши бўйича умумлаштирилган маълумотлар 2.14-жадвалда келтирилган.

2.14-жадвал

#### FedNor дастурининг асосий харажатлар моддалари[6]

Дастурлар бўйича умумлаштирилган харажатлар (млн доллар)	
Шимолий Онтариони ривожлантириш дастури	
Комьюнитиларни иқтисодий ривожлантириш	9,1
Ахборот-коммуникация технологиялари	9,4
Инновациялар	7,2
Савдо ва сайёҳлик	3,3
Одам капитали	3,3
Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш	3,6
Жами – Шимолий Онтариони ривожлантириш дастури	36,2
Комьюнитиларнинг келажаги дастури	20,3
Шарқий Онтариони ривожлантириш дастури	9,6
Жами	66,1

Амалга оширилган лойиҳаларнинг муваффақиятлилик кўрсаткичлари ва уларни амалга оширишда “оғирлик маркази” ни танлаш тенденциялари.

FedNor нинг Интернет-саҳифасидаги янгиланган материаллар провинциянинг шимолида кўпгина лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Онтарио ёки умуман Канада бўйича турмуш

даражасининг конкрет кўрсаткичларини олиб қарайдиган бўлсак, провинциянинг шимолида дастурларни амалга ошириш провинциянинг жанубига қараганда анчагина орқада қолаётганлигини кўриш қийин эмас. Агар бундай дастур – суррогат МИЗ бўлмаганда Онтарионинг бугунги кундаги аҳволи қандай бўлиши мумкинлигини ҳеч ким айтиб бера олмайди.

Кўриниб турибдики, FedNor доирасида илгари суриладиган дастурлар суррогат МИЗ ёрдамида ҳар иккала потенциал муаммони ҳал қилишга бўлган уриниш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг соҳа ташкилотлари унинг минтақаларида кечаётган воқеъликлар бу вазиятга қанчалик ўхшашлигини аниқлаш ва FedNor га ўхшаган дастурлар Ўзбекистон шарт-шароитларида ўринли бўлиш-бўлмаглигини тушуниб олиш мақсадида юқорида тасвирланган вазиятни ўрганиб чиқса яхши бўларди. Канада ҳукумати томонидан FedNor ни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётган маблағлар етарлича камгарона бўлишига қарамасдан, камбағал дея тан олинган минтақада уни амалга оширишдан келадиган психологик самара етарлича жиддий бўлиши мумкин. Сиёсий нуқтаи-назардан дастур доирасида молиялаштиришни ошириш, бироқ аҳолининг ушбу минтақадан кўчиб кетишига (бугунги кунда бу ўз ўрнига эга) кўмаклашиш лозим деган вариант айнан шу сиёсий нуқтаи-назардан ўринли бўлмайди ва FedNor дастурлари доирасида бундай вазифа қўйилмаган, чунки минтақанинг депопуляцияланиши ҳеч бир сиёсатчига маъқул келмайди.

Нью-Брансвик, Янги Шотландия провинциялари, Шахзода Эдуард ва Лабрадор ороллари ўз ичига оладиган Канада Атлантикаси бир қатор йиллар давомида минтақавий иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар учун лаборатория ва полигон вазифасини ўтаган. Бу дастурлар одатда федерал ҳукуматнинг вакил қилинган агентлиги томонидан амалга оширилган. 1960 йилларнинг бошларидан бошлаб ҳукумат мамлакатнинг ушбу қисмига ҳаёт бахш этиш учун турли марказлашган ташкилотларни, хусусан, Атлантикани ривожлантириш бўйича Кенгаш (АРК, 1962–1969), минтақавий ривожлантириш Вазирлиги (МРВ, 1969–1982), минтақавий саноатни ривожлантириш Вазирлиги (МСРВ, 1982–1987) ва ниҳоят, Канаданинг Атлантика қисмининг имкониятларини амалга ошириш бўйича Кенгашни (инглизча қасқартмаси АСОА, 1987–ҳозирги кунгача) яратган. АРК жамғармасидан (180 млн долл.) саноат корхоналарига уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини уларга имти-

ёзлар ва субсидиялар тақдим қилиш билан ушбу минтақага кўчиришга қўмаклашиш эмас, балки инфратузилма ва иш ўринларини яратишга инвестициялар қилиш йўли билан минтақавий ривожланишни рағбатлантириш учун фойдаланилган. Аввал бошда минтақалараро нотекис ривожланишни бартараф қилиш воситаси сифатида яратилган АРК 1969 йилда МРВ таркибига киритилган. 1960 йилларнинг ўрталарида минтақади провинцияларнинг маъмуриятлари ҳам минтақавий иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича вакил қилинган агентликларни яратганлар. Орқага қараш билан шунни қайд қилиш мумкинки, уларнинг фаолияти охиروқибатда ердан фойдаланишни режалаштиришга келтирилган. Бу Янги Шотландия провинциясини ихтиёрий режалаштириш бўйича Бюро (1966), Ньюфаундленд провинциясининг комьюнитизлари ва ижтимоий сферасини ривожлантириш Вазирлиги (1966), Нью-Брансвик провинциясидаги комьюнитиларнинг сифатини ошириш бўйича корпорация (1966) ва Шаҳзода Эдуард оролини минтақавий иқтисодий ривожлантириш Режасига (1967) тааллуқли[6].

Минтақанинг иқтисодий ривожланиши “қарашларда изчилликнинг йўқлиги” ва бир-бирини тинмасдан алмаштирадиган федерал тузилмаларнинг муаммоларига қарам бўлиб қолган. АСОА старт олгунча бўлган даврда ижтимоий ривожлантириш бўйича лойиҳалар бутун минтақа кўламида режалаштирилган ва маҳаллий иқтисодиётнинг бир нечта секторларини қамраб олган. Масалан, АРК, тегишли ваколатларга эга бўлишига қарамасдан, минтақа учун умумий кенг қамровли режани ишлаб чиқмаган. Кенгаш ўзининг бюджетининг сарф-харажатлар қисмида мувофиқлаштиришнинг йўқлиги ва “конкрет минтақаларда конкрет лойиҳаларни амалга оширишда аниқ мақсадларнинг йўқлиги” учун танқид остига олинган. МРВ эса аксинча, иқтисодий ривожланиш сферасида минтақалараро нотекисликни бартараф қилишга интилишда мажмуавий ёндашувдан фойдаланган: минтақаларни муниципал инфратузилма, транспорт, яшаш фонда ва таълим бериш хизматлари билан таъминлаган. Провинцияларга бериладиган грантлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш бўйича дастурлар “Канаданинг Атлантика қисмининг баъзи бир ҳудудларида хаотик тарзда ривожланишни рағбатлантирган”.

АСОА амалга оширила бошлагандан кейин минтақавий иқтисодий ривожлантириш провинцияларнинг ўзларининг ишига айланган. Иқтисодий ривожлантириш дастурлари конкретлашган ва

“Хусусий сектордаги ташаббусларга стратегик кўмаклашиш” га урғу берилган, бу минтақавий стратегиялардан дастурий стратегияларга ўтишни таъминлаган. Бошқача қилиб айтганда, урғу минтақалараро диспаритетларни минтақаларнинг ичидаги дастурларни илгари суришга қараб элиминациялашга берилган. Эндиликда ёрдам ривожланишнинг паст даражасидан азият чекаётган ёки зарар кўриб ишлаётган субминтақаларга йўналтирилган (масалан, Кейп-Бретон ороли, Янги Шотландия провинцияси каби).

1980 йилларнинг ўрталарида минтақалар асосида провинциянинг ичидаги маҳаллий ҳамжамиятларни иқтисодий ривожлантириш томонга қараб бошланган ҳаракат нисбатан яқинда, 1993 йилдан бошлаб Нью-Брансвикда иқтисодий ривожланиш бўйича комиссиялар, Янги Шотландияда минтақавий ривожлантириш бўйича офислар, Ньюфаундленд ва Лабрадорда минтақавий иқтисодий ривожлантириш бўйича Кенгашларнинг яратилишига олиб келган. Бу агентликлар “иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ташаббусларни мувофиқлаштириш ва ушбу сферада очиладиган имкониятлардан плюсларни қидириш” га урғу беради.

АСОА АРК нинг меросхўри сифатида иқтисодий ривожлантириш бўйича федерал ҳукумат қошидаги (яъни “саноат портфели” ни шакллантирадиган федерал вазирлик қошидаги) ташкилот сифатида яратилган. АСОА ни яратишдан мақсад – бизнес учун имкониятлар ва иш ўринларини яратиш орқали Канаданинг Атлантика қисмининг минтақавий иқтисодиётини ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. АСОА корхоналарни, бизнеснинг ўсишини қўллаб-қувватлайди, иқтисодиётнинг иш жойларини яратадиган ва сақлаб қоладиган, аҳолининг даромадларини оширадиган ва минтақанинг иқтисодий потенциалини ривожлантирадиган барча секторларининг унумдорлигини оширади. Канаданинг Атлантика қисмида иқтисодий ва инвестицион муҳитнинг яхшиланиши узок муддатли истиқболда иш фаоллигининг ортишига кўмаклашади. Ва бугунги кунда мамлакатнинг бу қисми тузилмавий ўзгаришлар фазасини бошдан кечрмоқда, чунки унинг иқтисодиёти минерал йўналтирилганликдан билимлар иқтисодиётига асосланган фаолиятга ўтмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, АСОА доирасида амалга оширилаётган, минтақанинг иқтисодиётини ривожлантириш муаммосига ғайрат билан ва кенг кўламли (аниқ мақсадли) ёндашувга асосланган стратегия бугунги кунда ўсишга тўсқинлик қилаётган тўсиқларни эртанги кунда имкониятларга айлантириш

имконини беради. Бунга маҳаллий иқтисодиётнинг мавжуд ижобий омиллари – одам ресурслари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик сферасидаги потенциал ва рақобат устиворликларига таяниш кўмаклашиши мумкин.

#### 2.14. Россияда ЭИЗ ларнинг яратилиш тарихи

XX асрнинг 80-йилларининг охирларида эркин иқтисодий зоналарни яратиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя илгари сурилган. Шу туфайли хорижий капитал кириб келиши мумкин бўладиган очик секторлар, очик ҳудудларни яратиш зарурлигини исботлайдиган нашрий материаллар пайдо бўлган. СССР давлат режа кўмитаси ҳузурида бу ғояларни ўрганиб чиқиш ва амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил қилинган. Дастлаб экспериментал зоналарни Беларуссия, Болтиқбўйи Республикалари ҳудудида яратиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисобланган. Бироқ бу таклифларни амалга оширишга муваффақ бўлинмаган.

Россияда эркин иқтисодий зоналарнинг оёққа туриш жараёнини бир нечта босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич 1980-йилларнинг биринчи ярмини қамраб олади, бунда жойларда ЭИЗ ларни яратиш кампанияси фаол тарзда бошланган (лойиҳалар ишлаб чиқилган, ҳужжатлар тайёрланган, турли таклифлар илгари сурилган). Айнан шу даврда ҳукумат Приморье ўлкаси ва Ленинград вилояти раҳбарларининг «Находка» ва «Выборг» ЭИЗ ларни яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш таклифини вўллаб-қувватлаган (уларни яратиш тўғрисида қонуний қарор кейинроқ қабул қилинган).

Хорижда яратилган эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатишнинг юқори самарадорлиги, хорижий инвестицияларнинг кўпайиши, юқори ишлаб чиқариш суръатлари, инфратузилманинг тезкор ривожланишини кўрсатган. Шу сабабли Россиянинг турли минтақаларидан у ерларда эркин иқтисодий зоналарни яратиш тўғрисида таклифлар илгари сурилган. Масалан, БАМ трассаси бўйлаб маҳаллий хомашё ресурслари базасида 40 тача атрофида эркин иқтисодий зоналарни яратиш ғояси илгари сурилган.

Зоналарнинг катта қисмини минерал хомашёни қазиб олиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш таклиф қилинган. Бироқ эркин иқтисодий зоналарни яратиш лойиҳаларини амалга ошириш учун

етарли маблағлар бўлмаган, аниқ ҳуқуқий асослар ҳам мавжуд бўлмаган. Бу эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш тамойилининг ўзининг оғишига олиб келган: минтақаларнинг раҳбарлари ўзларининг ресурсларига, хорижий инвестицияларни жалб қилишга таянмасдан, уларнинг ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни яратишни федерал ҳуқумат маблағлар билан таъминлаши лозим деб ўйлаганлар. Бунда кўпинча гап бошланғич капитал хусусида эмас, балки ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий сферанинг ривожланишини молиялаштириш хусусида борган. Қоидага кўра, бу сфкралар эркин иқтисодий зоналарни яратиш учун таклиф қилинган жойларда кучсиз ривожланган бўлган. Шундай қилиб, Россия ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни яратиш лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг сони 100 тадан ошиқ бўлган, ўзи шундоғам ўша пайтларда танқисликни бошдан кечираётган мамлакат бюджетининг елкасига оғир юк бўлиб тушиши лозим бўлган.

Иккинчи босқич 1990–1991 йилларни қамраб олади, бу давр меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш бошланганлиги билан тавсифланди. 1991 йил сентябрда кучга кирган «РСФСР га хорижий инвестициялар тўғрисида» ги Қонуннинг бутун бошли бир боби эркин иқтисодий зоналарга бағишланган. У эркин иқтисодий зоналарни яратиш жараёнини тартибга солади. Мазкур қонунга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар хорижий капитал, илғор хорижий техника, технологиялар ва бошқариш тажрибасини жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида яратилади. Эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестициялар ва хорижликлар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзли хўжалик юритиш фаолияти, хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарни соддалаштирилган рўйхатга олиш тартиби ўрнатилади. Масалан, хорижий инвесторларнинг қўйилмалари 75 млн рубоьгача бўлган корхоналарни рўйхатга олиш бевосита эркин иқтисодий зонанинг ўзида амалга оширилади; имтиёзли ставкалар – Россия Федерацияси ҳудудида хорижий инвесторлар учун ўрнатилган ставкалардан 50% гача чегирмали ставкалар бўйича солиққа тортиш, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишнинг пасайтирилган тўлов ставкалари ўрнатилади; субижара ҳуқуқи билан узоқ муддатли ижарага олиш (70 йилгача, эркин иқтисодий зонадан ташқарида бу муддат – 50 йилгача), товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга пасайтирилган божхона ставкалари, хорижий фукароларинг кириши, чиқиши ва

чегараларни кесиб ўтишининг соддалаштирилган режими (жумладан, визасиз), тўлиғича хорижий инвесторларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг улуши 30% дан юқори бўлган қўшма корхоналар учун лицензиясиз экспорт ва импорт қилиш ҳуқуқи тақдим қилинади. Корхоналарнинг ўзларининг маҳсулотини экспорт қилишидан келадиган валюта тушуми тўлиғича уларнинг ўзларининг ихтиёрида қолади.

Эркин иқтисодий зоналарни яратишнинг учинчи даври 1992–1994 йилларни қамраб олади. Айнан ана шу даврда эркин иқтисодий зоналарни яратиш тўғрисидаги кўп сонли қарорларни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмаслиги тушунарли бўлиб қолган. Яратилаётган эркин иқтисодий зоналардан баъзи бирларигина муваффақиятли фаолият кўрсата бошлаган. Иқтисодиётнинг хароблиги, сиёсий беқарорлик, бошланғич капитал қўйилмалар учун маблағларнинг йўқлиги ва бошқа бир қатор сабаблар ўйланган лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермаган. Россия Федерацияси ҳукуматида мамлакатнинг улкан ҳудудларини қамраб олган зоналарни йўқ қилиш кайфияти устиворлик қила бошлаган, буни тушунса бўлади, албатта. Бунинг ўрнига микрозоналарни (эркин божхона зоналари ва экспортга ишлаб чиқариш зоналарининг турлича кўринишлари) шакллантириш таклиф қилинган. Зоналарни танлашнинг асосига зонанинг фойдали географик жойлашуви ва инфратузилмани шакллантиришга кетадиган харажатларни минималлаштиришни бирлаштириш тамойили қўйилган.

Ёпиқ маъмурий-ҳудудий яралмалар (ЁМХЯ) ёки наукоградлар (илм-фан шаҳарлари) – уларда юқори технологик қурооллар (масалан, ядро қуроли) ва уларнинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқарилган ҳудудий яралмалар.

Офшор типдаги эркин иқтисодий зоналар – махсус солиқ режимига эга бўлган ҳудудлар: Калмыкия, Ингушетия, «Алтай» эркин иқтисодий зонаси, «Алтай» экологик-иқтисодий минтақаси (ЭИМ) ва Алтай ўлкасидаги Барнаул шаҳри, Бурятия, Углич ва Курск шаҳарлари. Кейинчалик «ички офшор зоналар» Москва, Ленинград областлари, Новгород ва Калуга областларининг баъзи бир районларида ташкил қилинган.

Шундай қилиб Россия Федерациясида эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш жараёни 1990-йилларнинг бошида қуйидаги чизгилар билан тавсифланган:

Эркин иқтисодий зоналарнинг реал мақсадлари ва вазифаларини аниқ тушунишни йўқлиги;

Эркин иқтисодий зоналар учун ажратиладиган зоналарнинг улканлиги: расмий равишда яратилган эркин зоналарнинг улушига Россия ҳудудининг 1/3 дан кўпроғи тўғри келган[6];

Имтиёзлар ва рағбатларнинг оммавий равишда тарқатилиши ва Россия Ҳукуматида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Маҳаллий ҳокимиятларнинг ЭИЗ ларни яратиш орқали суверенитетга интилиши.

Тўртинчи босқич эркин иқтисодий зоналарни «Калининград областида махсус иқтисодий зона тўғрисида» ва «Магадан областида махсус иқтисодий зона тўғрисида» ги Федерал Қонунлар асосида яратиш билан тавсифланади. Уларнинг яратилиши бу областларнинг ўзига хос географик жойлашуви билан боғланади[6].

Бундан ташқари, Калининград областининг нисбатан паст инвестицион жалб қилувчанлигини махсус иқтисодий зона режимининг эмас, Ҳукуматнинг Калининград областига нисбатан бўлган федерал сиёсатининг паст самарадорлиги билан изохлаш мумкин. Областда эркин божхона зонаси режимининг беқарорлиги муҳим омил бўлиб ҳисобланади, қонунчиликнинг барқарорлиги эса, жаҳон амалиётидан маълумки, ҳар қандай эркин иқтисодий зонанинг самарали фаолият кўрсатининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, 1990-йилларнинг ўрталарида солиқ имтиёзлари бекор қилинган, 1998 йилнинг бошида эса импортни квоталаш жорий қилинган (эркин божхона зоналари фаолиятининг жаҳон амалиётига зид бўлишига қарамасдан). 2001 йилнинг бошида Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг иккинчи қисми (кўшимча қиймат солиғи бўйича боби) кучга кирганлиги муносабати билан эркин божхона зонаси режимининг амал қилиши тўхтатилган, чунки Кодексда Калининград областида амал қилаётган эркин божхона зонаси режими кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, кейинги йиллар давомида федерал қонунчилик билан минтақавий ҳокимият органлари томонидан солиқ имтиёзларини тақдим қилишга янгидан-янги чеклашлар киритилмоқда. 1999 йилда Солиқ Кодексининг биринчи қисми кучга киритилиши муносабати билан минтақаларнинг бюджетларига солинадиган федерал солиқлар бўйича имтиёзлар тақдим қилиш таъқиқланган, 2002 йилда Солиқ Кодексининг фойда солиғига тегишли бўлган боби кучга кириши муносабати билан минтақавий ҳокимиятлар минтақавий

фойда солиғи ставкасини чекланмаган пасайтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, бу моҳиятига кўра, инвесторларга солиқ имтиёзларини тақдим қиладиган минтақавий қонунчиликнинг амалда тўлиқ бекор бўлганлигини билдиради[6].

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жамғармасидан ҳар йили махсус иқтисодий зона шартларида турли ижтимоий лойиҳалар молиялаштирилади. Жамғарманинг маблағлари соғлиқни, сақлаш, таълим, уй жой-коммунал хўжалик секторидаги энг ўткир муаммоларни ҳал қилиш имконини берган. Ушбу бюджетдан ташқари жамғарма федерал мақсадли дастурлар, федерал қонунлар ва ҳукумат қарорларини биргаликда молиялаштиришнинг бирдан-бир манбаи бўлиб ҳисобланади.

Амалдаги маълумотларга келадиган бўлсак, 2005 йил 1 октябрь ҳолатига Магадан областидаги махсус иқтисодий зонада 333 та резидент рўйхатдан ўтган (уларнинг ярмидан кўпроғи савдо сферасида фаолият кўрсатади). «Магадан областидаги махсус иқтисодий зона тўғрисида» ги Федерал Қонун билан ўрнатилган критерийларга мувофиқ, махсус иқтисодий зона қатнашчиси макomini фақатгина Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ махсус иқтисодий зона ҳудудида рўйхатдан ўтган, хўжалик фаолиятини амалга оширадиган ва асосий фондларининг 75% дан кам бўлмаган қисми Магадан областида бўлган корхоналар ва хусусий тадбиркорлар олиши мумкин.

Кейинги йилларда минтақада махсус иқтисодий зона резидентларининг умумий сонининг камайиши кузатилмоқда. Бу авваламбор, давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши билан боғланади ва жумладан, бир қисм корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг улар бўйича 2004 йил 1 январдан бошлаб бюджет тизимининг даражалари ўртасида тақсимлаш тизими ўзгарган (федерал улуш чиқариб ташланган) соддалаштирилган солиққа тортиш тизими ва ягона даромад солиғи тизимига ўтиши билан шартланади. Шундан келиб чиққан ҳолда махсус иқтисодий зона қатнашчилари бу солиқларни тўлаш бўйича имтиёзлардан маҳрум бўлган.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича маълумотларни таҳлил қилишнинг кўрсатишича, кейинги 4 йил давомида экспорт-импорт операцияларини амалга оширадиган корхоналарнинг сони камаймоқда. Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра 2003 йил импорт қилинадиган товарларнинг ҳажми бўйича муваффақиятсиз йил бўлган. Салбий моментларга импорт қилинадиган товарлар орасида озиқ-

овқат маҳсулотларининг улуши ортаётганлиги, машиналар ва асбоб-уқуналар улушининг эса қисқариши фактини киритиш мумкин.

Махсус иқтисодий зонанинг раҳбарияти иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатишининг асосий муаммоси ҳуқуқий майдоннинг беқарорлиги деб ҳисоблайди, бу махсус иқтисодий зонанинг фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришни қийинлаштиради. Махсус иқтисодий зонанинг амал қилиш даврида турли федерал органлар томонидан Россия Федерациясининг қонунларига мос келмайдиган идоровий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан боғланадиган кўплаб муаммолар юзага келган, улар махсус иқтисодий зонанинг ҳуқуқий режимини амалга оширишга тўсқинлик қилган, зонанинг фаолиятига беқарорлик элементларини олиб кирган, минтақага инвестицияларни жалб қилишга салбий таъсир кўрсатган.

Биргина 2004 йилда областнинг солиқ органлари томонидан махсус иқтисодий зонанинг қатнашчиларига нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ноқонунийлиги бўйича 600 дан ошиқ қарорлар чиқарилган. Уларнинг барчаси устидан арбитраж судига шикоят қилинган ва улар Россия Федерацияси Конституциясининг 76-моддаси, Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 121 моддаси ва “Магадан областидаги махсус иқтисодий зона тўғрисида” ги Федерал Қонуннинг 5-моддасига зид қарорлар сифатида ноқонуний деб топилган. Бироқ Россия Бош Прокуратураси ва Россия Арбитраж суди махсус иқтисодий зона тўғрисидаги Федерал Қонун билан тақдим қилинган имтиёзларнинг қўлланилишини ҳаққоний деб топганлигига қарамадан солиқ органлари махсус иқтисодий зона қатнашчиларига нисбатан тажовузкорона сиёсат юргизишда давом этмоқда. Ҳозирги кунгача ҳам махсус иқтисодий зонанинг резидентларига тақдим қилинган имтиёзларнинг қонунийлигини суд тартибида исботлашга тўғри келмоқда.

## **2.15. Корея Республикасидаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши**

Корея Республикаси иқтисодий ўсиш модели ўрганиб чиқиб, унинг ривожланишига қуйидаги 5 та асосий омил таъсир этганлигини кўрдик:

- Аралаш иқтисодиёт;

- Давлат-ислохотчи;
- Аралаш иқтисодиёт;
- Экспортга йўналтирилган;
- Самарали макроиқтисодий сиёсат;
- Самарали инфраструктура.

Бу мамлакатларда импорт ўрнини босувчи сиёсатдан экспортга йўналтирилган сиёсатга ўтишни жуда тез амалга оширган. Бу иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида Шарқий Осиёдаги Жанубий Кореянинг экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Корея Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар 1970 йилнинг бошидан мавжуд экан, унинг тажрибаси кўпгина ривожланаётган иқтисодиёти утиш жараёнидаги давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам фойдалидир. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши экспорт орқали таъминланган, чунки ички сектор чидамли иқтисодни ташкил этиш учун жуда кичкинадир.

Мамлакатнинг экспорт базасини ривожлантириш чет эл маблағини жалб этиш, эркин иқтисодий ҳудудни яратиш эса уни олиб кириш йўлларида бири бўлиб, миллий саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлларида биридир.

Мисол тариқасида ривожлантириш акти 1970 йил қабул қилинган Масан эркин экспорт ҳудудини кўриб чиқишни таклиф қиламиз. Ушбу ҳудудни ташкил этишнинг илк мақсади хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этиш билан қуйидаги турлича қизиқарли таклифлар киритилди:

Солиқ имтиёзлари: корпоратив солиқлар, даромадга солиқ, ер солигидан озод қилиш;

Ижара имтиёзлари: база тўғридан-тўғри Хорижий инвестициялар фирмаларини тўлиқ озод қилиши давлат фирмаларининг умумий сотув миқдоридан экспорт салмоғига қараб ижара тўлови пасайишининг дифференциаллаштирилган жадвални яратиш;

Тарифлардаги имтиёзлар: ЭИЗдан ўз маҳсулотларини ички бозорга импорт қилишда, маҳсулот учун таъриф ундирилади, маҳаллий хом-ашё ва ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот учун таърифдан озод қилиниши;

Бошқа имтиёзлар: бошланғич инвестициялар ва дивидендларнинг асосий қисмининг эркин трансферти кафолати иш билан таъминлаш ва ўқув тренинглари ўтказиш учун молиявий кўмак, маркетинг ва бошқа бошқарув масалаларидаги ёрдам; [16]

Бозор иқтисодиёти ўрнатиш жараёнида бўлган Ўзбекистон Республикаси учун ЭИЗ яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Республикамиз ҳукумати томонидан 1996 йил «Эркин иқтисодий зоналар» 220-1 сонли қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси томонидан 25.04.2003й №482-П, 14.12.2005й УРК – 11, 10.10.2006 й. УРК №59, Эркин иқтисодий ҳудуд Олий мажлис қарори билан Вазирлар маҳкамаси кўрсатмаси орқали яратилиши ҳақидаги ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу қонунчилик актида шундай дейилган: ЭИЗ–махсус ажратилган ўзининг бошқарув чегараларига ва махсус ҳуқуқий тартибга эга ҳудуд бўлиб маҳаллий ва хорижий капитални жалб қилиш ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожини жадаллаштириш учун юксак технология ва бошқарув тажрибасига эга ҳудуд. [16]

Ўша даврдан бошлаб икки йил ичида «Навои» ЭИИЗга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида зарур бўлган инфраструктуранинг меъёрий – ҳуқуқий базасини яратишда жадал иш олиб борилди.

Ўзбекистон Республииси ҳукумати томонидан «Навои» ЭИИЗ рўйхатдан ўтадиган корхоналар учун имтиёзлар ва преференциялар берилди. Жумладан: рўйхатдан ўтган хўжалик субъектлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, даромад, ободонлаштирилиш ва иқтисодий инфраструктура, умумий солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълими фондига бўлган мажбурий тўловидан озод қилинади[6].

Эксплуатацияга қўйилган корхоналар ишлаб чиқаришнинг турли йўналишлари, жумладан, электроника, автомобиль компонентларининг ишлаб чиқарилиши, полимерлар қайта ишланиши, озик-овқат саноати ва косметик буюмлар саноатини ташкил этади.

Ўзбекистонда “Навоий” ЭСИЗ, “Ангрен” ва “Жиззах” МСЗ ларда тақдим қилинадиган солиқ ва божхона имтиёзлари билан алоҳида тармоқлар бўйича тақдим қилинадиган имтиёзларни солиштирма таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Республикада етарлича катта солиқ имтиёзлари пакети амал қилади, унинг асосида алоҳида тармоқларнинг субъектларига ўзларининг ишлаб чиқаришларини айнан ЭИЗ лар ҳудудига жойлаштириш қанчалик фойдали эканлигини бирданига тушуниш қийин. Масалан, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар, шунингдек, ўзларининг фаолиятини автомобилсозлик, енгил саноат каби тармоқларда амалга оширувчи корхоналар ЭИЗ лардаги корхоналарга қараганда анчагина катта солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларга эга;

Каттагина етарлича ишлаб чиқилмаганликка шуни ҳам киритиш мумкинки, ЭИЗ ларнинг хўжалик фаолиятдан, гарчи хизматларни тақдим қилиш – дунёда энг динамик тармоқ бўлиб ҳисоблансада, хизматлар кўрсатиш тушиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ЭИЗ ларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилигида солиқ имтиёзларининг энг катта ҳажми саноат инвестициялари учун кўзда тутилган. Шу билан биргаликда яна бир қатор капитални қўйиш мумкин бўладиган сфералар борки, уларда ҳам муваффақиятли тарзда янги иш ўринларини яратиш ва иш фаоллигини рағбатлантириш мумкин. Булар қаторига, масалан, юкларни ташиш, қайта ўраш, экспедициялаш билан боғланадиган хизматлар, банк иши, суғурта бизнеси, сайёҳлик ва ҳоказоларни киритиш мумкин;

Жаҳон амалиёти ЭИЗ ларнинг резидентлари учун тўғридан-тўғри имтиёзлардан ташқари уларни билвосита қўллаб-қувватлашга ҳам кўп сонли мисолларни ўз ичига олади. Булар қаторига инвестицион консултациялар бериш, патентни ҳимоялашга кўмаклашиш, эркин иқтисодий зонанинг марказлашган PR и ва ҳоказоларни киритиш мумкин, Ўзбекистонда бу жиҳат, гарчи жуда

муҳим бўлиб ҳисоблансада, мутлақо ишлаб чиқилмаганлигича қолмоқда;

ЭИЗ лар инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги. ЭИЗ ларнинг яратилиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири тегишлича ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳам, ноишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳам бўлиши бўлиб ҳисобланади. Турли савдо, маиший хизмат корхоналари, дорихоналар ва бошқа инфратузилма объектлари – потенциал инвесторлар биринчи навбатда эътибор қаратадиган нарсалардир. Масалан, Жанубий Кореяда 2002 йил 30 декабрдаги № 6835 “Эркин иқтисодий зоналарни яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тўғрисида Қонун” нинг асосий қоидаларидан бири хорижий фуқаролар учун шинам яшаш шароитларини яратиш бўлиб ҳисобланади. Бу ЭИЗ ҳудудида халқаро даражада тиббий ва таълим хизматлари кўрсатадиган муассасалар, шинам яшаш шароитларини яратиш зарурлигини англатади. Бундан ташқари, ЭИЗ да халқаро даражада таълим хизматлари кўрсатадиган (олий таълимни ҳам ўз ичига олган ҳолда) муассасаларни яратиш маҳаллий ходимларнинг малакасини ошириш, минтақаларда таълимнинг сифатини яхшилаш имконини ҳам беради;

ЭИЗ лар яратилган минтақаларда юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги. Минтақада ЭИЗ нинг яратилиши ишчи кучинининг малака даражасини ошириш заруратини чақиради. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, яратиладиган эркин иқтисодий зоналар учун ходимларни махсус касбий тайёрлаш ва ўқитиш масаласига илгари жуда кам эътибор қаратилган ва амалда ҳеч қаерда зоналарнинг ташкилотчилари томонидан бу борада ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Таркиб топган вазият яратиладиган ЭИЗ ларни яхлит бошқариш ва уларни ходимлар билан таъминлаш минтақадаги мавжуд меҳнат ресурслари ҳисобидан амалга оширилади деган қарашлардан келиб чиққан. Шунга қарамасдан, жаҳон амалиётида маълум бир ЭИЗ учун хориждан ёш мутахассисларни танлаш ва ўқитишга мисоллар учрайди (Мелицадаги ЭИЗ, Польша). Мелицадаги ЭИЗ да шунингдек, 100 та ва ундан ошиқ ходимларни ишга қабул қилиш корхона ёки фирмани шу йили даромад солиғи тўлашдан озод қилади деган тартиб ўрнатилган.

### 3.4. ЭИЗ ларнинг яратилиши ва фаолият кўрсатишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш

Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун қонунчиликдаги “оқ доғ” ларни аниқлаш ва инвестицион муҳитни яхшилаш учун зарурий чораларни кўриш мақсадида қорхоналарнинг фаолиятини доимий мониторинглаш катта аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, инвестицияларни рағбатлантириш учун мумки қадар яхши қонунчиликни қабул қилишга интилиш зарурлигига қарамасдан, мукамал деб ҳисобланадиган миллий қонунчилик ҳам инвесторларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди. Жаҳон амалиёти тажрибасига кўра, қонунчилик амалда қандай қўлланилаётганлиги ҳам инвесторларни жуда қизиқтиради. Бу жиҳатдан, қонунларнинг амалиётда тегишлича бажарилиши, ҳокимият органларининг уларга қатъий риоя қилиши инвестицион сиёсатни олиб боришда уларнинг муҳимлигига етарлича баҳо бермаслик мумкин бўлмаган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

ЭИЗ лар тўғрисидаги қонунчиликни унификациялаш ва соддалаштириш муҳим жиҳат бўлиб ҳисобланади. Масалан, ҳозирги кунда ЭИЗ ларнинг фаолияти ҳар бир масала – божхона режими, солиқ режими, валюта режими, инвесторларни танлаш ва рўйхатга олиш, ЭИЗ нинг фаолиятини ташкил қилиш ва ҳоказолар бўйича алоҳида бир қатор қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. ЭИЗ ларда фаолият олиб боришнинг умумий шартларини тартибга соладиган барча тегишли қонун ости ҳужжатларининг қоидаларини битта Қонунга тўплаш, масалан, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонунни қўшимча ишлаб чиқиш йўли билан тўплаш ЭИЗ ларнинг яратилиши ва фаолият кўрсатиши шартларини тушунишни осонлаштиради. Бундай ҳолда конкрет ЭИЗ ни яратишга тегишли бўлган меъёрий ҳужжатларда конкрет ҳудудда фаолият кўрсатиш шартларидаги фарқларни кўрсатиш етарли бўлиши мумкин.

Бугунги кунда, масалан, махсус саноат зоналарининг мақоми аниқ эмас – Ўзбекистонда ҳудудларнинг ушбу категорияси учун умумий бўлган қонунчилик йўқ. 1996 йилдаги №220-І «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор-йўғи эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини тартибга солади. Дунё амалиётида кўпинча «махсус иқтисодий зона», «эркин

иктисодий зона» ва «махсус ажратилган иктисодий зона» тушунчалари тенглаштирилади, бироқ баъзи бир тадқиқотчилар бу тушунчалар ўртасидаги фарқларни ҳам ажратади. Бугунги кунда Ўзбекистонда бу тушунчалар қонунчилик даражасида тенглаштирилмаган, шунингдек, махсус иктисодий зоналар эркин иктисодий зоналарнинг типларидан бири сифатида ажратилмаган ҳам. Мазкур тадқиқотда, умуман Ўзбекистондаги эркин иктисодий зоналар тўғрисидаги материалларнинг аксариятида ҳам махсус саноат зоналарига эркин иктисодий зоналар сифатида қаралади, бироқ “Навоий” ЭСИЗ, “Ангрен” ва “Жиззах” МСЗ ларнинг ҳуқуқий режими бир-биридан анчагина фарқ қилади: МСЗ да божхона тўловлари бўйича имтиёзлар фақатгина Ҳукумат томонидан тасдиқланган лойиҳалар рўйхати бўйича амал қилади, “Навоий” ЭСИЗ да эса ЭСИЗ тўғрисидаги Низом ва ЭИЗ лар тўғрисидаги Қонунга мувофиқ махсус божхона режими амал қилида, у ЭСИЗ нинг барча иштирокчилари учун мўлжалланган имтиёзларни ҳам, ЭСИЗ худудига товарларни олиб кириш/олиб чиқиш божхона процедураларини тартибга солишни ҳам ўз ичига олади.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддаси ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатлаш тўғрисидаги Қонуннинг 12-моддасида шу нарса мустаҳкамлаб қўйилганки, ушбу Қонуннинг ҳолатлари билан қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларининг қоидалари қандайдир бир тарзда бир-бирига мувофиқ келмаган тақдирда хорижий инвесторлар учун кўпроқ қулай бўлган қоидалар устиворликка эга бўлади. Эркин иктисодий зоналарнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчиликда бир-бирига зид қоидаларни қўллашнинг бундай тартибга барҳам бериш лозим бўлади. Бундан ташқари, ЭИЗ худудида фаолиятни фақатгина хорижий инвесторлар эмас, балки мамлакатнинг ўзидаги инвесторлар ҳам амалга ошириши мумкинлиги сабабли, хорижий инвестицияларни ҳимоялашнинг амалдаги кафолатларини тегишли ўзгартиришларни киритиш билан мамлакатнинг ўзининг инвестицияларига нисбатан ҳам қўллаш таклиф қилинади. Масалан, қонунчиликнинг барқарорлигини кафолатлаш, мулкни ҳимоя қилишни кафолатлаш, зиддиятлар рўй берган тақдирда кўпроқ қулай қонунчиликни қўллаш ва ҳоказолар.

ЭИЗ лар тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида ЭИЗ нинг фаолиятини тўхтатиш фақатгина иккита ҳолатда мумкин бўлиши

кўзда тутилган: уни яратиш тўғрисидаги қарор билан белгиланган муддат тугаганда ёки уни яратиш тўғрисидаги қарорда кўзда тутилган вазифалар бажарилмаган ва мақсадларга эришилмаган тақдирда. Шу билан биргаликда “Навоий” ЭСИЗ, “Ангрен” ва “Жиззах” МСЗ лар тўғрисидаги Низомларда кўрсатилган зоналар миллий-хавфсизлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиш билан ҳам ёпилиши мумкинлиги кўрсатилган, ЭИЗ лар тўғрисидаги Қонунда эса бу нарса кўзда тутилмаган. Бу фарқни ЭИЗ лар тўғрисидаги Қонунга миллий хавфсизлик тўғрисидаги пунктни киритиш билан бартараф қилиш мумкин, ақс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг зонанинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги Қарори Қонун устиворлиги туфайли ҳаққоний бўлмайди.

Бунинг устига, умуман Ўзбекистон қонунчилигида унинг таъсир сферасига тушадиган масалаларга мисоллар келтириш билан (масалан, миллий мудофаа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одамнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш, маданий меросни муҳофаза қилиш ва бошқалар) миллий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги пунктларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, ЭИЗ нинг ёпилишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа бир сабаб – “уни яратиш тўғрисидаги қарорда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилмаганлиги ва мақсадларга эришилмаганлиги” деганда нимани тушуниш лозимлиги аниқ эмас. Бу ўринда ЭИЗ нинг мақсадларига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг бажарилганлигини аниқлаш критерийларини кўрсатиш зарур бўлади. Бу ЭИЗ ларнинг фаолиятини кўпроқ шаффоф режалаштириш – маълум бир давр учун ЭИЗ ларнинг фаолиятининг конкрет мақсад кўрсаткичларини (маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, киритилган инвестициялар ҳажми, савдо баланси ва ҳоказолар) аниқлаш зарурлигини аниқлатади. Бу моментларни ойдинлаштириш ЭИЗ лар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг яна бир манбасига айланиши мумкин.

ЭИЗ лар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш сферасидаги яна бир йўналиш хорижий инвесторларга ЭИЗ ларга инвестиция қилишнинг жорий шартлари ва имкониятлари, миллий қонунчиликнинг қоидалари тўғрисидаги маълумотларни етказиш чораларини кўриш бўлиб ҳисобланади. Хусусан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарнинг фаолияти, ЭИЗ да фаолият кўрсатиш шартлари ва хорижий инвесторларга алоқадор бўлган бошқа масалалар – божхона тартиби,

солиққа тортиш тартиби, молиявий тартибга солиш, келишмовчиликларни ҳал қилиш ва ҳоказоларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини инглиз тилига (ваёки асосий инвестор мамлакатларнинг тилларига) расмий равишда таржима қилиш тавсия қилинади. Бу ҳужжатлар пакетини доимий равишда янгилаш ва Интернет тармоғида эълон қилиш зарур бўлади. Шунингдек Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари ва бошқа ваколатхоналарининг потенциал хорижий инвесторларга Ўзбекистондаги иш муҳити тўғрисидаги долзарб маълумотларни етказиш борасидаги ишларини фаоллаштириш лозим бўлади.

Шунингдек хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари бўйича вакил (инвестицион омбудсмен) ёрдамида ёки мустақил орган сифатида ёки Ўзинфоинвест раҳбарлиги остида хорижий инвесторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш механизмини жорий қилиш ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади. Бу механизм фақатгина маҳаллий шароитларга мослашишда баъзи бир муаммоларни бошдан кечираётган хорижий инвесторларга ёрдам бериб қолмасдан, балки хорижий инвесторлар билан тегишли давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг самарадорлигининг ортишига ҳам кўмаклашади. Инвестицион омбудсмен хорижликлар дуч келаётган маиший қийинчиликларни аниқлашга кўпроқ эътибор қаратиши ва Ҳукуматларга тегишли таклифлар билан чиқиши мумкин, бу умуман Ўзбекистонда ва хусусан ЭИЗларда бизнес-муҳитни яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширган бўларди.

Товарларни қайта ишлаш ва кейинчалик ЭИЗ га олиб кириш учун ЭИЗ ҳудудидан олиб чиқиш ёки товарларни қайта ишлаш учун ЭИЗ ҳудудига олиб кириш ва кейинчалик ундан мамлакатнинг бошқа ҳудудига олиб чиқиш имкониятларини, ишлаб чиқариш жараёнларини аутсорсинглаш ва бунда божхона, солиқ ва бошқа турдаги имтиёзларни қўллаш шартларини кўпроқ аниқ тарзда аниқлаш ҳам ЭИЗ ларнинг фаолиятини яхшилашга кўмаклашади ва ЭИЗ ҳудудидаги корхоналар билан унинг ташқарисида жойлашган корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек, хорижий инвесторларнинг ЭИЗ ҳудудида мулки тўғрисидаги масала – хорижий инвесторлар томонидан қурилган бинолар ва бошқа асосий фондларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳоказоларга ҳам ойдинлик киритиш лозим бўлади.

ЭИЗ ларни яратишнинг жаҳон амалиёти шундан гувоҳлик берадики, ЭИЗ лар муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун ЭИЗ

учун ҳудудни аниқлаш, ЭИЗ га жойлаштириш учун ишлаб чиқариш турларини аниқлаш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари фаол иштирок этишлари лозим. Масалан, бир қатор мамлакатларнинг қонунчилигида (Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, МДҲ мамлакатлари) маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг маъмурий ҳудудлари доирасида ЭИЗ ларни яратишга ариза бериш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Бунда улар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим бўлади:

Махсус иқтисодий зонани яратиш зарурлигини иқтисодий асослаш;

Махсус иқтисодий зонанинг тегишли ҳудудининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик муҳитининг, моддий ресурслар ва меҳнат ресурслари, коммуникациялар тўғрисидаги маълумотларнинг ва бошқа инфратузилмалар билан таъминлаш имкониятларининг таҳлили;

Яратиш таклиф қилинаётган махсус иқтисодий зона тўғрисидаги Низомнинг лойиҳаси;

Махсус иқтисодий зонада амалга ошириладиган фаолият турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

Ҳужжатларнинг рўйхати Озарбайжон Республикасининг 2009 йил 14 апрелдаги № 791-IIIQ «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида» ни Қонунига мувофиқ келтирилган.

Махсус иқтисодий зонанинг ҳудудий чегаралари ва ҳудуднинг планининг аниқ тасвирланиши, яратиш таклиф қилинаётган махсус иқтисодий зонада жойлашган ерларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар, ер участкаларининг эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг рўйхати;

Эркин иқтисодий зонани яратиш бўйича тадбирлар режаси.

Ҳақиқатан ҳам, маҳаллий ҳокимият органлари, қоидага кўра, ўзининг минтақасининг потенциалини яхши билади ва бу ЭИЗ учун ҳудудни кўпроқ самарали дастлабки танлашга ёрдам беради.

Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, зонанинг автоном хўжалик ҳисобидаги бирлик сифатидаги бюджетини ва солиқ сиёсатини, унинг бутун иқтисодий фаолиятини шакллантириш унинг ўзининг бюджетига асосланиши лозим, унинг ўзининг бюджети унинг ҳудудида жойлашган корхоналар ва ташкилотлар ёки унинг ҳудудида жойлашган ёки яшайдиган хусусий шахслардан ундириладиган солиқ тушумларининг бир қисми, қисман – божхона йиғимлари, шунингдек, зона маъмуриятининг ўзининг тадбиркорлик фаолиятдан (агар амалга оширилса) шакллантирилади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва бунда мақсадлар учун зарур бўлган давлат бюджети мабналари унга, кейинчалик кўра, "ёш кетарга" эмас, узок муддатли кредит имкониятида таъмин қилинади. Эркин иқтисодий зона ҳудудида ишланган ва корхоналарнинг давлат бюджети билан барча молиявий муносабатлари маъмурий ва зонидаги ўзининг бюджети орқали амалга оширилади, бу унинг иқтисодий фаолиятининг муҳим омили ва унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини молиявий таъминлашнинг шартли ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини оқлаш тамойили қўйилган. Эркин иқтисодий зоналарнинг тўлик ўзини оқлаши 5-7 йилдан кейин содир бўлади, бу давр мобайнида инфратузилмага инвестициялар амалга оширилади, базавий саноат потенциалли ёнилади ва ўзлаштирилади. Молиялаштириш манбаи провинциянинг бюджети ва марказий бюджет билан муносабатларнинг ўзгариши бўлиб ҳисобланади. Бу деганда ушбу даврда фойда солиғи ва валюта ажратмалари берилган эркин иқтисодий зонанинг бюджетига йўналтирилиши назарда тутилади. Эркин иқтисодий зонанинг алоқиди дастурларини молиялаштиришга минтақа бюджетининг маблағлари, шунингдек, узок муддатли банк кредитлари, кейинчалик мамлакатнинг ўзининг ва хорижий акциялар ва облигацияларнинг эмиссиялари жалб қилиниши мумкин.

Эркин иқтисодий зонани солиққа тортиш тартиби ва давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва тўловлар ставкаларининг даражаси ҳар бир конкрет ҳолатда унинг ихтисослашуви ва моддий-техник таъминотнинг бошқа омиллари билан келиб чиқиш билан белгиланиши мумкин. Эркин иқтисодий зона доирасида, шубҳасиз, хорижий капитал қўйилмалар учун хўжалик фаолиятининг соҳалари бўйича дифференциалланган солиқ ставкалари орқали амалга ошириладиган тармоқ устиворликлари амал қилиши лозим.

Бунда капитални қўйиш шартлари нафақат капитални экспорт қиладиган мамлакатдагига қараганда фойдалироқ бўлиши, балки бу мамлакатнинг яқинида жойлашган – хорижий инвестицияларнинг реципиентлари сифатида рақобат қилиши мумкин бўлган мамлакатлар ва минтақаларга қараганда мумкин қадар қулай бўлиши ҳам лозим.

ЭИЗ ларнинг самарали фаолият кўрсатиши жойлаштириладиган ишлаб чиқаришларнинг ЭИЗ ни яратишда билдирилган мақсадларга

қатъий мос келишидан иборат бўлади, бу инвесторларни танлаб олишда мос келувчи конкрет талабларни қўйишни талаб қилади. Масалан, агар ЭИЗ ни яратишдан мақсад экспорт фаолиятини ривожлантириш бўлиб ҳисобланса, у ҳолда экспорт тушуми билан корхоналардаги бутун ишлаб чиқариш ҳажмига импорт хомашё ва бутловчиларни сотиб олиш харажатларини қоплаш коэффиценти 1 дан ошиқ бўлишини қатъий назорат қилиш зарур бўлади.

Шунингдек, халқаро қонунчиликнинг ЭИЗ ларнинг фаолиятига тегишли бўладиган турли талабларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Масалан, Киот Конвенциясининг № 19 стандартида миллий қонунчилик ЭИЗ нинг ҳудудидан мамлакатнинг божхона ҳудудига олиб чиқилган товарларга импорт ставкалари ва солиқларни қўллаш моментини аниқ ҳисобга олиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Хомашёни зона ҳудудига олиб кириш momenti билан ундан фойдаланиш вақтининг орасида божхона тарифлари ва солиққа тортиш бўйича миллий ставкалар ўзгариши мумкин. “Навоий” ЭСИЗ ҳудудида махсус божкони режими тўғрисидаги Қоидаларнинг 13- ва 15-пунктлари божлар ва солиқларни ундириш momenti тўғрисидаги гапларни ўз ичига олмайди. Бу ерда ставкаларни қўллаш моментини белгилашга нисбатан иккита ёндашув бўлиши мумкин: солиқлар ва божларни товарни олиб киришда ёки олиб чиқишда ундириш. Шунингдек, зонадаги корхоналарга, агар товарни олиб кириш ва олиб чиқишдаги ставкалар фарқ қилса, божхона тарифлари ва солиқларини тўлаш моментини танлаш ҳуқуқини ҳам тақдим қилиш мумкин.

### **3.5. ЭИЗ ларнинг фаолиятини бошқаришдаги институционал ислохотлар**

ЭИЗ ларни бошқариш тузилмаси қайишқоқ бўлиши ва бозор иқтисодиётининг эволюциясига мослашиши, фаолиятнинг самардорлигини ошириш учун доимо такомиллаштирилиши ва ислоҳ қилиниши, шунингдек, ЭИЗ нинг иқтисодий бошқариш тизими сифатидаги рақобатбардошлигини оширишга интилиши лозим. ЭИЗ ни бошқариш тузилмасидаги ҳар бир ташкилот қатъий белгиланган ролни ўташи лозим.

Инвесторларни самарали ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий фаолиятнинг ривожланишини таъминлаш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича функцияларни интеграциялаш

зарур бўлади. ЭИЗ ларнинг Маъмурий Кенгашлари ва Дирекциялари уларнинг фаолияти билан боғланидиган бошқа давлат органларидан мустақил бўлиши ва мос келувчи йўналишлар ва деталлаштирилган стратегияларни ишлаб чиқиш йўли билан ЭИЗ ларнинг ривожланиши ва кенгайишини ташаббуслантириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

ЭИЗ нинг маъмурий Кенгаши ЭИЗ ни ривожлантиришнинг умумий режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишга эътибор қаратиши лозим. Ошиқча маъмурий процедураларни бартараф қилиш ва фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун Маъмурий Кенгаш ўзининг саъй-ҳаракатларини мақсадли тармоқларни танлаш, узоқ муддатли лойиҳаларни режалаштириш, ҳар йиллик ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш бўйича фаолиятни бошқаришга қаратиши лозим.

ЭИЗ нинг фаолиятини ташкил қилиш ва унинг фаолият кўрсатиши тўғрисида умумий қарорлар қабул қилишни ЭИЗ нинг Маъмурий Кенгашининг функциясига айланттириш лозим. Маъмурий Кенгашнинг фаолияти Ҳукуматнинг ҳоҳиш-истаклари ва мазкур сферадаги талабларни ҳисобга олиш билан ташкил қилиниши лозим. Бунда Маъмурий Кенгашнинг таркибини фақатгина давлат амалдорлари билан чеклаб қўймаслик тавсия қилинади. Кенгаш таркибига иқтисодий ва молиявий доираларнинг мутахассисларини, жумладан, хорижий компанияларнинг раҳбарлари ва савдо-саноат палатасининг аъзоларини киритиш лозим бўлади. Масалан, Ирландиянинг саноатни ривожлантириш Агентлигида (IDA) ноҳукумат вакиллари 2/3 қисм позицияларни эгаллаган. Сингапурни иқтисодий ривожлантириш Кенгаши ҳам иштирак этишга хорижий компанияларнинг раҳбарлари ва меҳнат ташкилотларининг вакиллари жалб қилади.

ЭИЗ ларнинг фаолияти тўғрисида объектив фикрларни айта оладиган чекка мутахассислардан ташкил топадиган Консультацион Кенгашни яратиш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлади. Масалан, Сингапурни иқтисодий ривожлантириш Кенгаши мустақил ташкилот бўлиб ҳисобланадиган, Кенгаш учун ғояларни тўплаш ва минтақавий ҳамда халқаро ривожланиш стратегияларини таклиф қилишни амалга оширадиган Консультацион Қўмита билан ишлайди. Бу Қўмита самарали иқтисодий стратегияларни таклиф қилиш билан Сингапурни халқаро ишлаб чиқариш бирлашмалари

билан боғлайди. Ирландия саноатни ривожлантириш Агентлиги ҳам бир қатор Консультацион Қўмиталар билан фаол ҳамкорлик қилади. Илм-фан бўйича Кенгаш Юқори Хукумат даражасидаги Консультацион Қўмита бўлиб ҳисобланади, у илм-фан, технологиялар ва инновациялар масалаларини назорат қилади. Бу Қўмита шунингдек, илмий тадқиқотларнинг манфаатдор томонлари билан сиёсатчилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни ташкил қилади, шунингдек, илм-фан ва техника сферасига инновацион ривожланиш стратегияларини тарқатади. Профессional билимларга бўлган келгусидаги эҳтиёжларни аниқлаш бўйича экспертлик гуруҳи (EGFSN) Хукумат консультатив кенгаш ташкилоти бўлиб ҳисобланади, у Ирландия саноати учун технологияларга бўлган келгусидаги талабни қаноатлантириш учун зарурий таълим дастурлари ва ходимларни тайёрлаш дастурларини таклиф қилади.

ЭИЗ ларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ЭИЗ ни бошқарувчи компанияни яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бошқарувчи компания ўзида ижрочи органни тақдим қилиши лозим, унинг вазифаси Маъмурий Кенгашнинг режаларини амалиётда амалга ошириш бўлиб ҳисобланади. ЭИЗ нинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун бошқарувчи компания ЭИЗ ни ривожлантиришнинг узоқ муддатли режасини ишлаб чиқиши, доимий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш ва ЭИЗ ни ривожлантириш жараёнини бошқариши, заруратга қараб ЭИЗ ни бошқариш тизимини ислоҳ қилиши ва ЭИЗ ҳудудида фаолиятни тартибга солишни осонлаштириши лозим. Бундан ташқари, бошқарувчи компания лойиҳаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини бошқариши ва ЭИЗ ҳудудига хорижий инвестицияларни амалга оширишда воситачи бўлиб хизмат қилиши лозим бўлади. Доимий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш учун бошқарувчи компания ЭИЗ нинг бизнес-модели ва инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиши, молиявий хизматларни ривожлантириши лозим бўлади.

Мамлакатни келгусида иқтисодий ривожлантиришнинг асоси сифатида ЭИЗ ларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ЭИЗ нинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тўғри, ЭИЗ ни яратишнинг бошланғич босқичида барча саъй-ҳаракатлар ЭИЗ нинг барқарор фаолиятини ташкил қилиш бўйича жорий масалаларни ҳал қилиш, ЭИЗ ни самарали бошқариш муаммоларига

қаратилиши лозим, албатта. Шу боис, ЭИЗ нинг фаолиятини узок муддатли режалаштириш учун бошқарувчи компания қайишқоқ бўлиши ва ишлар ҳажми ошганда ўзининг фаолиятини кенгайтиришга қодир бўлиши лозим. Ташкил қилинишнинг қайишқоқ бўлиши фаолиятнинг бошланғич босқичида ҳам муҳим бўлади: Ўзбекистон шароитида у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалий тажрибанинг йўқлиги сабабли бошқарувчи компания ностандарт қарорларни қабул қила оладиган ва келгусида у ёки бу вазиятда ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқа оладиган бўлиши лозим.

ЭИЗ нинг инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳудудни ободонлаштириш учун маблағлар манбаларини кенгайтириш учун хусусий компанияларни бошқарувчи компаниянинг фаолиятида иштирок этишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқарувчи компанияни Акциядорлик жамияти кўринишида яратиш давлат учун ҳам, ЭИЗ даги хусусий компаниялар учун ҳам фойдали бўлади, чунки инфратузилмага ва ҳудудни ободонлаштиришга кетадиган харажатлар иштирок этувчи томонлар ўртасида пропорционал тарзда бўлинади. Бундай ҳолда хусусий корхоналар ҳам ижарага олиш ва ишлаб чиқариш объектларини куришни ташкил қилиш ва ҳоказоларда кўшимча имтиёзларни қўлга киритиши мумкин бўлади.

Бошқарувчи компаниянинг таркиби ЭИЗ нинг маъмурий-хўжалик фаолияти бўйича бўлим (бу ЭИЗ нинг Дирекцияси бўлиши ҳам мумкин), фаолиятни режалаштириш ва ривожлантириш бўлими, инвесторларни қидириш ва ЭИЗ нинг ахборот таъминоти бўлими, инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва консультатив хизматлар бўлимини ўз ичига олиши лозим.

Инвесторлар учун кўпроқ қулай муҳитни яратиш учун ЭИЗ нинг Дирекциясига “ягона дарча” тамойили бўйича ЭИЗ нинг иштирокчиларини тегишли органларда давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқа маъмурий процедураларни амалга ошириш функциясини юклаш лозим бўлади.

ЭИЗ нинг фаолиятини кўпроқ самарали баҳолаш учун ЭИЗ нинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинглашни амалга ошириш зарур бўлади. ЭИЗ нинг фаолиятининг натижавийлик индикаторлари тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ЭИЗ нинг фаолият кўрсатишининг абсолют миқдорий кўрсаткичлари;

ЭИЗ нинг резидентлари фаолиятининг самарадорлигини акс эттирувчи нисбий миқдорий кўрсаткичлар;

ЭИЗ нинг муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновацион ва бошқа инфратузилмаси объектларини яратишга Республика, минтақа ва маҳаллий бюджетлардан қўйилган маблағларнинг самарадорлигини акс эттирувчи нисбий миқдорий кўрсаткичлар;

ЭИЗ нинг фаолият кўрсатишининг у унинг худудиди яратилган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини акс эттирувчи нисбий миқдорий кўрсаткичлар;

Бошқарувчи компаниянинг ЭИЗ ни бошқариш ва инфратузилма объектларининг рўйхатига мувофиқ инфратузилма объектларини яратиш бўйича функцияларни ижро қилиш фаолиятини акс эттирувчи нисбий миқдорий кўрсаткичлар.

Бу ҳар бир ЭИЗ нинг фаолиятини мониторинглаш ва уларнинг ривожланишидаги “заиф жойлар” ни аниқлаш имконини беради.

### **3.6. ЭИЗ лар тармоғини кенгайтириш ва инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш**

Инвестицияларнинг асосий вазифаси узоқ муддатли ривожлантириш мақсадларига хизмат қилиш ва рақобатбардошликни оширишдан иборатлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати билан саноат сиёсати ўртасида аниқ боғланишни таъминлаш зарур бўлади. Шу сабабли инвестициялар борасидаги имтиёзлар Ҳукумат томонидан, Ҳукумат мамлакат келгусида қандай саноат тузилмасига эга бўлишни хоҳлашидан келиб чиқиш билан ишлаб чиқиши ва тақдим қилиниши лозим, чунки ҳар бир тармоқ учун ўзининг унинг инвесторлар учун жалб қилувчанлигини белгилайдиган специфик омиллар тўплами мавжуд бўлади.

Масалан, Ernst&Young томонидан компаниялар ўртасида инвестициялаштиришнинг жалб қилувчанлиги тўғрисида ўтказилган сўровномага кўра, юқори технологияли тармоқлар ва бизнес-хизматлар кўрсатишга йўналтирилган хорижий фирмалар яхши телекоммуникацион инфратузилманинг борлиги (сўровномада қатнашган компанияларнинг 61,5% и учун жуда муҳим) ва ишчи кучининг малака даражаси (уларнинг 53% и учун жуда муҳим) каби омилларга жуда катта эътибор қаратади. Саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган компаниялар иқтисодий самарадорлик (ишчи кучига кетадиган харажатлар сўровномада қатнашган фирмаларнинг 50% и учун жуда муҳим), солиқ юки, ҳуқуқ ва тартибга солиш соҳаси билан

боғланадиган масалаларга катта эътибор қаратади. Шу сабабли инвесторларга имтиёзлар инвестицияларнинг сабаблари ва у ёки бу секторни ривожлантириш истиқболларига боғлиқ равишда мақсадли йўналтирилган тарзда тақдим қилиниши лозим. Инфратузилмани ривожлантириш, кластерлар, инвестициялар ва одам капиталини ривожлантиришни рағбатлантириш эса юқори кўшимча қиймат улушига эга бўлган секторларга инвестицияларнинг оқиб келишига жиддий ёрдам бериши мумкин.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини куйидаги гуруҳга бўлиш мумкин (3.2-жадвал).

Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш катта аҳамиятга эга бўлади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш сиёсати тегишли тадқиқотларни ўтказиш, мақсадли тармоқларни ажратиш, мақсадли компанияларни танлаш ва жалб қилиш, алоқаларни йўлга қўйиш, инвесторларнинг инвестициялашдан кейинги фаолиятини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олиши лозим.

Амалдаги ЭИЗларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш ва янги ЭИЗларни яратишда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, мавжуд шарт-шароитлар ва инвесторларнинг қизиқишларидан келиб чиқиш билан ишлаб чиқаришнинг конкрет ҳудудда жойлаштириш маъқул бўладиган турларини аниқ белгилаш долзарб аҳамият касб этади. Айнан ЭИЗ ҳудудига қайси ишлаб чиқаришларни жойлаштириш, конкрет ҳудудда конкрет тармоқларни ривожлантириш учун зарур бўладиган инфратузилманинг бор-йўқлиги, кўрсатилган ишлаб чиқаришлар инвесторларни қизиқтириш-қизиқтирмаслиги каби масалаларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги кўпгина мамлакатларда ЭИЗ ларнинг самарасизлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Худудларнинг инвестицион жозибadorлигини аниклаш  
элементлари**

№	Худудлар	Худуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси	Худуднинг молиявий ресурслар билан таъминлиши	Инвестицион инфра-тузилма ривожланиш даражаси	Худуднинг демо-график та-сифи	Инсти-ту-цио-нал ўзга-риш-лар ва ри-вож-ла-ниш дара-жа-си	Худуднинг инвес-тицион фаолият хавфсиз-лиги даража-си	Мут-лак интег-рал ранг кўр-сат-кич
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

2010 йилда корейс экспертлари товарнинг ўзаро тўлдирилувчанлик индексининг катталиги, авиатранспорт логистикасининг потенциали ва хорижий инвесторларнинг нималарни афзал кўриши ва Ўзбекистон иқтисодиётининг экспорт-импорт таркибидан келиб чиқиш билан ишлаб чиқаришнинг “Навоий” ЭСИЗ худудига жойлаштиришни тавсия қилса бўладиган турларини тадқиқ қилганлар. Натижада “Навоий” ЭСИЗ ни автомобилларнинг қисмлари, электроника ва электротехника саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва машинасозликнинг бошқа тармоқларига ихтисослаштириш таклиф қилинган.

Инвестицион муҳитнинг рақобатбардошлигини яхшилашга “пионер” ва стратегик мақсадли компания мақоми каби махсус ишлаб чиқилган имтиёзлар пакети ёрдамида ёки йўналтирилганликни аниқ белгилаш – яъни бозорга йўналтирилганлик, мавжуд ресурслар ва воситалардан фойдаланишга йўналтирилганлик, ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига йўналтирилганлик ва ҳоказоларни аниқ белгилаш ёрдамида эришиш мумкин.

Яна бир йўналиш солиқлар ва ижара бўйича имтиёзлар тақдим қилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш, маъмуриятнинг қўллаб-қувватлаши ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўлиб ҳисобланади. Кластерларнинг яратилиши, боғланган тармоқларни яратишни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, бой ресурс базаси ва ундан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар – буларнинг барчаси ҳам ЭСИЗнинг инвестицион муҳити ва рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш учун инвесторларни мақсадли жалб қилишдан ташқари улар учун шинам яшаш ва фаолият олиб шароитларини яратиш ҳам муҳим шарт бўлиб ҳисобланади. Бундай деганда шинам яшаш жойи билан таъминлаш ва хавфсизликни кафолатлаш, ривожланган замонавий ижтимоий инфратузилманинг бўлиши (мактаблар, тиббиёт муассасалари) тушунилади.

Шинам яшаш жойи билан таъминлаш энг муҳим устиворликлардан бири бўлиб ҳисобланади – хорижий фуқаролар учун яшаш жойларини таклиф қилишни кенгайтириш ва уни тақдим қилиш шакллари диверсификациялаш зарур бўлади. 2010 йилда “Навоий” ЭСИЗ да ўтказилган хорижий инвесторларнинг фикрларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, аксарият хорижликлар алоҳида уйларни эмас (10%), квартираларни (51%), яшаш

жойини сотиб олишни эмас (14%), ижарага олишни (72%) афзал кўрадилар. Хорижлик тадбиркорларни шинам яшаш шароитлари билан таъминлаш ва хорижликлар учун яшаш жойларини ижарага бериш таклифларини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шунингдек, хорижий таълим муассасаларини жалб қилиш бўйича ҳам ҳаракатларни амалга ошириш зарур бўлади. Бунда имтиёзларни бирлаштириш, давлат органларининг ўзаро ҳаракатларининг сифати, яшаш учун қулай шарт-шароитларнинг бўлиши ва байналминаллашиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Бироқ хорижий олий ўқув юртларини жалб қилишдан олдин кўрсатилган ҳудудда олий ўқув юртларини ташкил қилишнинг рационаллигини тадқиқ қилиш зарур бўлади. Минтақада таълим тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли режасини шундай ишлаб чиқиш лозим бўладики, бунда таълим тизимининг ривожланиши иқтисодий ўсишни рағбатлантирсин, ЭИЗ даги корхоналар учун зарурий мутахассисликлар бўйича зарурий малакага эга бўлган ходимларни тайёрлаш имконини берсин. Бунда ишни маҳаллий таълим муассасалари ва ЭИЗ даги корхоналар ўртасида кооперацияни ташкил қилишдан бошлаш мумкин.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш ва технологияларни трансфер қилишда асосий муаммолардан бири хорижий тадқиқот институтларини жалб қилиш бўлиб ҳисобланади. ЭИЗ ларнинг махсус фаолият кўрсатиш шарт-шароитларини яратиш бўйича имкониятлари, хусусан, чекланган ҳудудда бир қатор боғланган ишлаб чиқаришларни концентрациялаш имконияти ушбу муаммони муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради. Хорижий корхоналар уларда мавжуд бўлган технологияларни Ўзбекистон шароитларига мослаштириш, маҳаллий иқлим шароитларига, маҳаллий хомашё ва ҳоказоларга кўпроқ мос келадиган самарали технологиялар ва техникани яратишдан манфаатдор бўлади. Бу ЭИЗ даги корхоналар учун ходимларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш билан бир қаторда ЭИЗ жойлашган минтақадаги ишлаб чиқариш корхоналари билан илмий-таълим муассасалари ўртасида кооперацияни ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Келгусида бу шунингдек, илм-фан ва ишлаб чиқариш сферасида маҳаллий мутахассисларнинг иштироки билан ҳам, хорижий мутахассисларнинг иштироки билан ҳам биргаликдаги тадқиқот институтларини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Хитойда ЭИЗ ларни ривожлантириш мақсадида яқин вақтларгача ташқи иқтисодий ўзаро боғланишларнинг ҳам, ички иқтисодий ўзаро боғланишларнинг ҳам, ишлаб чиқарувчилар билан давлат ўртасидаги боғланишларнинг ҳам кўпгина жиҳатларини ҳисобга оладиган қайишқоқ имтиёзлар тизими амал қилган.

Масалан, паст рентабелли тармоқларга қилинадиган инвестициялар депрессив бўлиб ҳисобланади: баъзи бир районлар даромад солиғи тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод бўлишни, беш йилга, сўнгра эса 10 йилга даромад солиғининг суммасига 15% дан 30% гача бўлган миқдорда чегирмаларни қўлга киритади.

10 йилдан ошиқ молиялаштириш муддатига эга бўлган саноат, транспорт ва алоқа корхоналарида биринчи икки йилда даромад солиғининг ставкаси нолга тенг, учинчи йилдан бешинчи йилгача 50% гача пасайтирилиши мумкин. Бундан ташқари, энг янги технологияларга эга бўлган корхоналарда зонани бошқариш органининг қарори билан бу ставка 6-8 йиллар давомида ҳам 50% гача камайтирилиши мумкин.

70% маҳсулотини экспорт қиладиган корхоналар имтиёзлар тугагандан кейин 10% миқдорида даромад солиғи тўлайди. Агар фойданинг реинвестицияланган қисми қишлоқ хўжалиғи, қурилиш, инфратузилма, юқори технологиялар ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга қўйилган бўлса, у ҳолда даромад солиғининг ундирилган суммаси 100% миқдорида қайтарилади. Ер учун тўлов ҳам районлар ва ишлаб чиқаришнинг турлари бўйича дифференциалланган ставкаларга эга. Хитой қонунчилиғига мувофиқ имтиёзларни реинвестициялашга йўналтирилган инвестицион маблағлар ҳам қўлга киритади.

Бизнинг назаримизда, трансмиллий корпорациялар билан ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади, улар, биринчидан, Ўзбекистон бозорларига янги технологияларни олиб кириши, бошқа томонлама эса (Республика томонидан махсус шарт-шароитлар яратилган тақдирда) Ўзбекистоннинг минтақанинг марказида қулай жойлашганлиги туфайли учинчи мамлакатларнинг бозорларига чиқиши мумкин. ЭИЗ да трансмиллий корпорацияларни жалб қилиш учун махсус шарт-шароитларни яратиш зонани тезроқ ривожлантириш имконини беради.

## IV БОБ. ЭИЗ ЛАРДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

### 4.1. Логистиканинг алоҳида фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Логистика тушунчаси ўзининг қадимий тарихига эга. Логистика сўзи келиб чиқиши бўйича юнончадир. Милоддан аввалги V асрда қадимги Афинада махсус амал-“логист” ёки ижтимоий ўз ўзини бошқариш амалдори бўлган. Логистлар ҳар йили қуръа ташлаш йўли билан аниқланган. Уларнинг вазифасига ваколати тугаган бошқа амалдорларнинг ҳисоботларни текшириш ва бу ҳисоботларни фахрли фуқаролар кенгашига тасдиқлашга топшириш кирган. Кенгашнинг қарори якуний бўлган. Қадимги Римда баъзи бир маъмурий ва диний вазифаларни бажарувчи амалдорлар “логист”лар деб аталган. Византия императори Лев VI (866-912 йиллар) даврида логистика армияни таъминлаш ва унинг кўчишини бошқариш санъати сифатида таърифланган. Немис тадқиқотчиси Г.Павеллик таъкидлашча Византия империясида логистларнинг асосий вазифалари “армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, уни эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада ғамхўрлик қилиш, яъни шахсий қуролли кукчлар ҳаракатланиши ва тақсимланишига раҳбарлик қилишдан” иборат бўлган. “Логистика” сўзи барча асосий европа тилларида мавжуд, аммо улардан ҳар хил маъноларда фойдаланилади. “Логистика” атамасидан машҳур олимлар, файласуфлар, саркардалар ўз асарларида фойдаланганлар. Буюк немис математиги Г.В.Лейбнис (1646-1716 йиллар) бу атамадан “хулосаларни ҳисоблаш” ёки “математик мантиқ” маъносида фойдаланган. XIX асрда бу атамадан келиб чиқиши швецариялик бўлган таниқли ҳарбий назариячи ва тарихчи Антуан Анри Жомнин (1779-1869 йиллар) ўз асарларида фойдаланган. 1813 йилдан бошлаб у Россияда Александр I нинг штабида ишлаган, 1826 йилда Инфонтерия генерали унвонини олган. Николай I нинг ҳарбий маслаҳатчиси бўлган ва 1828 йилда яратилган Санкт-Петербургдаги ҳарбий академиянинг асосчиларидан бири бўлган. Шахзода Александр II нинг шахсий ўқитувчиси бўлган, ҳақиқатдан ҳам унинг учун муаллифнинг логистика бўйича энг муҳим асари ёзилган ва кейинчалик у кўпгина тилларга таржима

қилинган. У логистиканинг режалаштириш, бошқариш, таъминлаш, қўшинларни жойлаштириш, жойини белгилаш, армияга транспорт хизматини кўрсатиш билан боғлиқ масалаларнинг кенг доирасини олувчи қўшинларни бошқаришнинг амалий санъати сифатида белгиланган [20].

1184 йилда Америка ҳарбий-денгиз флоти институти кемачилик заруратлари учун “логистика” тушунчаси киритилди.

1904 йилда Женевада Ителсон, Лаланд ва Кутпорларнинг таклифи бўйича фалса конгресида логистика математик мантиқ сифатида белгиланган.

Логистика тамойиллари Иккинчи Жаҳон уруши даврида Америка армиясида моддий-техника таъминоти ҳамда қурол-яроғ, ёнилғи мойлаш материаллари ва озиқ-овқат, транспортни етказиб берувчилар ва қўшинлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш соҳасида кенг ривожланган. Тактика, стратегия ва разведка билан бир қаторда “Логистика” атамаси билан фуқаролик корхоналарининг таъминот-сотиш фаолияти белгиланган.

Шунинг учун кўпгина ғарб мамлакатларида логистика аста-секин ҳарбий соҳадан хўжалик юритиш амалиётига ўта бошлаган ва логистика ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш борасидаги илғор хўжалик амалиётини таъминловчи фан соҳасига айланган. Кейинчалик моддий оқимларни режалаштириш ва бошқариш масалалари ҳарбий логистикада қўлланилган усуллар билан ҳал қилиниши мақсадга мувофиқлиги тан олинган. Астасикин “логистика” ва “логистик бошқарув” таълимоти турли мазмундаги назарий ва амалий билимлар билан тўлдирилган ҳолда ишлаб чиқариш, уни материал ва хом-ашё билан таъминлаш, маҳсулотларни сотиш (тақсимлаш) жараёнларида моддий оқимларни самарали бошқариш ва бунга эришиш учун эса тегишли молиявий ва ахборот оқимларини ҳам таъминлаш соҳаларини қамраб олган.

Даставвал у муомала, кейин эса ишлаб чиқариш соҳасида товар-моддий ресурслар ҳаракатланишини бошқаришни амалга ошириш ҳақидаги назариянинг янги тури сифатида шаклланди. Шундай қилиб бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда 1930 йилдаги иқтисодий инқироз арафасида ва даврида вужудга келган материаллар ва хомашё билан таъминлаш, маҳсулотни илаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш вазифаларини боғлай оладиган

таъминлаш-ишлаб чиқариш-тақсимлаш тизимини интеграциялаш ғойфлорини илмий тадқиқотлар ҳамда хўжалик амалиёти шаклидаги мустақил йўналишга ўзгартирилган.

1950 йилларда моддий оқимларни тартибга солиш масаласи ҳарбий логистикада қўлланиладиган усуллар ёрдамида муваффақиятли ҳал қилиниши мумкинлиги тан олинган. У 1960-70 йилларда Японияда кўпроқ ривожланган, у ерда бошқариш ва хўжалик юритишнинг мураккаб тизимларини ишлаб чиқариш ва амалга оширишда асосий ўринни эгаллаган.


1970 йилларнинг бошларида бу атамани корхона моддий ресурсларини бошқариш фани сифатида белгилашга ҳаракат қилинган. 1980 йилларга келиб, хўжалик бошқарувини мувофиқлаштириш жисмоний тақсимлаш, яъни тижорат логистикаси усулларини ўрганиш ва қўллашни талаб қилган.

Аста-секин логистика ва логистик бошқарув тушунчаси турли туман мазмунлар билан тўлдирилгин ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг ҳар хил соҳаларига кириб борди. Бунга техника ва технологиянинг кенг қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси элементлари ва хўжалик юритиш интенсив усулларининг ўзаро ҳамкорликда ривожланиши таъсир қилган.

XX аср охирида логистика фанига харид қилиш (таъминлаш), ишлаб чиқариш, сотиш(тақсимлаш), транспорт, ахборот логистикасини олувчи фанга айланган. Инсон фаолиятининг санаб ўтилган соҳаларига етарлича ўрганилган ва тегишли адабиётларда баён қилинган. Логистик ёндашишнинг янгилиги эса санаб ўтилганлар ва фаолиятнинг бошқа соҳаларини исталган натижага оқимларни мувофиқ тўғри бошқариш йўли билан вақт ва ресурсларнинг энг кам харажатлари ёрдамида эришиш мақсадида интеграциялашдан иборатдир. Шундай қилиб, логистика аввало, истеъмолчиларга, уларнинг сўровларини кўпроқ қаноатлантиришга қаратилган ҳолда ишлайди.

Логистикани эволюцион ривожланишида қуйидаги тўртта босқични ажратиш мумкин: (4.1-расм).

- таҳлилий ёндошув даври; (фрагментлаштириш даври)
- “оёққа туриш” даври;
- ривожланиш даври;
- интеграллашган комплекс ёндошув даври.



**4.1-расм. XX-асрда логистиканинг асосий ривожланиш босқичлари.**

Биринчи давр 1920-1950 йилларни ўз ичига олади ва бу даврда логистика концепциясини келажакда қўллаш учун айрим шарт-шароитлар шаклланади.

Логистика тараққиётининг иккинчи даври 1950 йил ўрталаридан 1970 чи йилларни ўз ичига олади ва бу даврни ғарб мутахассислари логистиканинг “оёққа туриш” даври деб атайдилар. 1970 йиллардан логистика ривожининг учинчи даври бошланди. Унда бизнес-логистикани фундаментал принциплари шакллантирилди ва улар Ғарб мамлакатлари амалиётида қўлланила бошланди.

Логистика эволюциясининг тўртинчи даври интеграциялаш даври бўлиб, бу давр 1980-90 йилларни қамраб олади. Интеграциялаш даври фирманинг логистик хизматлари ва унинг логистик шерикларини тўлиқ логистик тармоққа(харид қилиш-ишлаб чиқариш-дистрибуциялаш-сотиш тизимига) бирлаштиришни ҳамда моддий бирга бўлувчи оқимларни бошқариш, халқаро логистик тизимларнинг ташкил қилиниши билан таърифланади.

Ҳозирги кунда қўплаб хўжалик ташкилотлари юқоридаги учала ёндошувни йиғилмаси – комбинациясидан иборат услубни қўллайдилар. Аммо охириги йилларда янги логистик ёндошув яъни интеграллашган ёндошув шаклланди ва кенг қўлланилмоқда. Бу ёндошув аслида маркетинг усулини янада такомиллаштирилган варианты бўлиб, у ҳозирги даврда бизнесни ривожлантиришни янги шарт-шароити ва омилларидан келиб чиқади. Улар қуйидагилардан иборатдир:


Бозор шароитини янгича тушуниш ва логистикани фирманинг самарали рақобатлашишига имкон берувчи стратегик элементи сифатида қабул қилиш;

Логистик ҳамкорлар орасида муносабатларни интеграциялашув ва ташкилий янги самарали истиқболи;

Технологик имкониятларни радикал ўзгариши, хусусан мослашувчан ишлаб чиқариш ва ахборот-компьютер технологиялари, улар орасида ишлаб чиқариш ва сотиш борасида янги имкониятларни очилиши.

Интеграллашган логистикани қўлланишига мисол сифатида чет элда фойдаланилаётган JIT (just in time – аниқ ўз муддатида), TQM (Total Quality Management – сифатли комплекс бошқариш), жисмоний тақсимлашни интеграллашган усули каби тизимларни кўрсатиш мумкин. Интеграллаштириш ёндошуви асосида ISCLS

Тизими, яъни логистик тизим, унинг звенолари, макро ва микродаражаларда хизмат кўрсатувчи тизим яратилди.



4.2-расм. Логистиканинг рижожланиш босқичлари.

У материал ва ахборот оқимларини телекоммуникация тармоғини онлайн режими ёрдамида логистик тизим доирасида бошқаришга имкон беради. Логистиканинг фан сифатида ривожланиш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимларда қўлланилишини айрим мутахассислар 5 босқичга бўладилар (4.2-расм): Юқорида келтирилганидек, логистикага 1992 йил Стокгольмда Логистика Европа Ассоциацияси Халқаро симпозиумида логистика атамасининг умумқабул қилинган таърифининг ҳали йўқлиги таъкидланган. Логистикага турли даврларда турлича таъриф бериб келинган ва бу таърифлар йил сайин мураккаблашиб, кенгайган маъно касб этган.

Логистика – бу истеъмолчи талабларини кўпроқ қаноатлантириш мақсадида хомашё, ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулотлар ва тегишли ахборотларни жамлаш, сақлаш, ишлаб чиқарилган жойдан истеъмол жойига ташиш ва узатишнинг технологик ва тежамкор самарали операцияларини режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш жараёнидир.

Ишлаб чиқариш ва захираларни бошқариш бўйича Америка жамияти фикрича “логистика - саноатда ишлаб чиқаришни хомашё ва материаллар билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил қилишдир”.

Goopere&Lybrand фирмасининг талқинида “логистика – бу ишлаб чиқарувчидан хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш ва ишлаб чиқарувчи фирма орқали истеъмолчиларга ҳаракатланишни бошқаришдир”.

Россиялик профессор А.А.Смехов фикрича, “логистика – бу янги илмий йўналиш, ишлаб чиқариш ва энергетика соҳасида моддий ва ахборот оқимларининг ҳаракатини режалаштириш, бошқариш ва кузатиш ҳақидаги таълим”.

Германиялик профессор Г.Павеллек айтишича, “логистика – бу корхонага келиб тушувчи, у ерда ишловчи ва корхонадан чиқиб кетувчи моддий ва ахборот оқимларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилишдир”.

А.Н.Родников эса логистикага “моддий ва ахборот оқимларини биринчи манбадан якуний истеъмолчигача масофа ва вақтдаги ҳаракатини режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш ва тартибга солишдир” деб таъриф берган [21].

Логистикани предмети ва объектини аниқловчи кўплаб тарифлар мавжуд.

Логистика – бу иқтисодий-ташкилий тизимда материаллар оқими ва у билан боғлиқ бўлган ахборот, молиявий ва сервис оқимларини уларни пайдо бўлиш жойлардан бошлаб истеъмол этилиш жойларигача етказишни бошқариш ҳақидаги фандир.

Логистика – бу қўйилган мақсадларга эришиш борасида маълум бир системада материал ва сервис оқимлари ва улар билан боғлиқ равишда ахборот, молия ва бошқа оқимларни оптималлаштириш ва уларни бошқариш ҳақидаги фандир. Логистика фанини юқорида баён этилган таърифлари жуда кенг маънода шакллантирилгандир.

Юқоридаги таърифларда логистикага фан сифатида қаралган бўлса, айрим ҳолларда унга бошқарув-иқтисодий ёки молиявий йўналишларда қаралади. Масалан, АҚШ материал тақсимот бошқаруви бўйича Миллий кенгаш аъзолари логистикани мазмунини белгилашда бошқарув йўналишига асосий эътиборни қаратганлар:

Логистика – бу корхонага келиб тушадиган материал маҳсулотлар оқими ва у билан боғлиқ равишда молиявий оқимни режалаштириш ва назорат этишдир. Логистика бўйича 1974 йил ўтказилган Европа конгрессида унинг ноҳарбий соҳаларда қўлланилишидан келиб чиқадиган янги таърифлари берилган:

Логистика – бу материал, энергетик, ахборот ва пассажирлар оқимини тизимли режалаштириш, назорат этиш ва бошқариш ҳақидаги таълимотдир.

Логистикани фан ва хўжалик фаолияти юритиш инструменти сифатида кўплаб таърифлари бўлишига қарамасдан кўп ҳолларда унинг объекти аниқ белгиланмаган.

XX асрнинг 90-йилларига келиб логистикани қўлланиш соҳаси жиддий кенгайди. Логистикани хўжалик юритиш фаолиятини турли соҳаларига кириб бориши билан логистикани аниқланиши ҳам кенгайиб борди. Логистикага оид илмий соҳада қуйидаги йўналишлар шаклланди:

➤ ахборот логистикаси; (ахборот логистикасининг вазифаси ахборотни бошқариш моддий ва молиявий оқимлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни сақлаш, ахборот тизимларини шакллантириш, харид (таъминот), ишлаб чиқариш, тақсимот, заҳира ва транспорт логистикалари ривожланишини таъминлаш, миқоз (истеъмолчи) билан алоқада бўлиш, уларга керакли маълумотларни етказиш ва бошқалар.)

➤ харид (таъминот) логистикаси; (бу логистиканинг вазифаси таъминот, корхонани барча керакли воситалар хомашё, материаллар, яримфабрикатлар ва бошқалар билан таъминлаш, товарларни харид ва сотувига кўра сақлаш, режалаштирилган товар ҳажмига эришиш, буюртмалар билан ишлаш, етказиб берувчи ва истеъмолчини қидириш, маъқул нархлар ва юқори сифатли маҳсулот назорати бозорни ўрганиш ва бошқалар.)

➤ ишлаб чиқариш логистикаси; (логистиканинг бу тури асосан узлуксиз ишлаб чиқаришга шароит яратиш, узлуксиз ишлаш учун зарур барча хомашё, материаллар, бутловчилар, транспортировка техника ва технологиялар ва бошқа воситаларнинг тўхтовсизлигини, ишлаб чиқариш жараёнини график асосида олиб борилаётганини назорат қилиш).

➤ таксимот(маркетинг) логистикаси; (бу логистика асосан харажатларни, хомашё материалларни, яримфабрикатлар, тайёр маҳсулотлар, транспорт, омборлар, сотув, товар ҳаракатини таксимоти ва назорати билан шугулланади.)

➤ заҳира логистикаси; (заҳира логистикасининг вазифаси юкларни сақлаш, жойлаштириш, омборга жойлаш, маркировкалаш, қадоклаш, омбордаги юклар назорати, хужжатлар билан ишлаш, омбор ҳисоботлари назорати ва бошқалар ҳисобланади.)

➤ транспорт логистикаси. (логистиканинг бу тури ўз ичига жуда катта вазифаларни қамраб олади. Масалан товарлар учун транспортировкакани таъминлаш, транспорт харажатларини камайтириш, етказиб беришнинг энг оптимал маршрутини аниқлаш, логистик схемаларни тузиш, етказиб берувчилар, экспедиторларни излаш, режалаштириш, шартномвий муносабатларни тартибга солиш ва назорати, турли транспорт ва турли транспорт воситаларини аниқ йўналтириш ва бошқа шу каби масалалар.)

Корхона ва ташкилотлар логистик фаолияти кенгайиб борган сари логистиканинг таърифи ҳам аниқлашиб ва кенгайиб борди.

Логистиканинг асосий мақсади – бу корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Бундай мақсадга логистика оқимлар жараёнини қуйидаги қондаларга мувофиқ бошқариш асосида эришади: бу қоида истеъмолчи (харидор)га керакли маҳсулот (хом ашё, хизмат, ресурс)ни лозим бўлган сифатини таъминлаган ҳолда керакли миқдорда ва белгиланган муддатда энг кам харажатлар билан етказиб беришни кўзда тутди. Логистиканинг асосий мақсади бошқарув вертикали бўйича турли

даражадаги локал мақсадларга бўлинади. Мақсадлар горизонтал текисликда ҳам бўлиниб ҳар бир ижрочи ёки логистик операцияни мақсадларигача етиб боради. Логистик тизимда вертикал ва горизонтал текисликдаги интеграллашувда турли функционал соҳа ва бошқариш даражаларидаги ўзаро таъсир ва қайта боғланишларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Қўйилган мақсадларга етиш учун логистика маълум вазифаларни, умумий ва хусусий вазифаларни амалга ошириши лозим бўлади (4.3- расм).

Логистикани умумий глобал вазифаларига қуйидагилар киради:

материал, ахборот ва бошқа керакли оқимларни интеграллашган комплекс тизимларини яратиш;


ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларида логистик имкониятлардан фойдаланишни назоратга олиш, уларни режалаштириш ва стратегик мувофиқлаштириш;

логистик тизимни юқори даражадаги мослашувчанлигини таъминлаш;

бозор муҳитини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган стратегия доирасида логистик конвекцияни доимий мукамаллаштириш.

Юқорида келтирилган глобал ва хусусий вазифаларни бажариш логистиканинг умумий масалалари доирасида бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- логистик тизимдаги оқимлар жараёнини бошидан охиригача назорат этиш;
- материал оқимларни бошқариш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш;
- ходисаларни ривожланишини турли вариантларда олдиндан кўра билиш;
- логистик операциялар сифатига бўлган талабларни стандартлаштириш;
- бозор талабларига мувофиқ лозим бўлган логистик операциялар билан логистик тизим имкониятлари ўртасидаги номувофиқликни аниқлаш;
- ташкилотнинг техник ва технологик тузилмаларини оптималлаштириш.



**4.3-расм. Логистиканинг глобал ва локал вазифалари**

Логистика кенг маънода микро ва макро тизим олдиғига қўйилган мақсадларга эришиш учун моддий, ахборот ва молиявий оқимларни бошқариш ва оптималлаштириш ҳақидаги фан ҳисобланади.

Логистика тор маънода эса менежментнинг умумлашган воситаси бўлиб, моддий ва сервисиоқимлар ва уларга эргаш ахборот ва молиявий оқимларни самарали ишлашини таъминлаш, бошқариш орқали бизнеснинг стратегик, тактик ва оператив мақсадларига эришиш имконини берувчи воситадир. [29].

Логистиканинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- ✓ ўзини ўзи тартибга солиш; (ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги);
- ✓ мослашувчанлик харид ва етказиб бериш жадвалларига ўзгартиришлар киритиш мумкинлиги);
- ✓ захира ҳажмини минималлаштириш;
- ✓ товар ҳаракатини моделлаштириш;
- ✓ янги ахборот тизимларидан тўлиқ(максимал) даражада фойдаланиш (компютерлаштириш);

- ✓ ресурслар билан таъминотдаги ишончлилик;
- ✓ тежамкорлик (истеъмомлчида мавжуд маҳсулот захираси даражасини 30-40%гача камайтириш, ахборот хизматлар доирасини кенгайтириш);

Ана шу тамойиллар асосида логистиканинг вазифалари белгиланади ва логистик функциялар тартибланади. Логистиканинг асосий функциялари эса қуйидаглар ҳисобланади:

- ✓ Маҳсулот ташишни ташкил этиш;
- ✓ Захираларни омборда сақлаш;
- ✓ Захираларни оптималлаштириш;
- ✓ Моддий ресурслар захирасининг назорати;
- ✓ Тайёр маҳсулотлар захирасининг назорати;
- ✓ Ортиш тушириш ишлари;
- ✓ Ахборот оқимларини йўналтириш;
- ✓ Ҳамда бошқа логистик операциялар.

Логистикада ҳам вазифалар турлича тақсимланади. Вазифалар асосан доирасига кўра тақсимланади. Мисол тариқасида корхона ичи, ташқариси, бир бўлим доирасида ёки бир тизим доирасида ва бошқалар.

Логистик функциялар самарали ишлаши, мақсадга эришиш калити қуйидаги 7 та қонун асосида тартибга солинади. Бу қонунлар логистика тараққий этган мамлакатларда “Seven R(right)” деб номланади.

▶ қонун.Right product (керакли тўғри маҳсулот(товар)) – тўғри юкни танлаш.

▶ қонун.Right conditions (керакли, тўғри сифат) – энг юқори ва зарурий

▶ сифатли хизмат тушунчаси.

▶ қонун.Right quantity (керакли тўғри ҳажм) – керакли ҳажмда ишлаб чиқариш.

▶ қонун.Right time (керакли аниқ вақт) – айтилган вақтда етказиш.

▶ қонун.Right place (тўғри, керакли жой) – белгиланган жойга етказиш.

▶ қонун.Right costs (тўғри харажатлар) – минимал харажатлар.

▶ қонун.Right customer (тўғри харидор (истеъмомлчи)).

Демак, ана шу қонунлар асосида йўлга қўйилган тизимгина самарали ишлайди. Чунки бу тизимлар ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Агар шу қонунларнинг бири бузилса бу ўз навбатида бошқаларининг ҳам бузилишига олиб келади.

## 4.2. Транспорт-логистик оқимлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Логистикани бошқариш ва уни фан сифатида тадқиқ қилишнинг объекти моддий, ахборот, молиявий ва сервис оқимлар ва бошқа омиллар ҳисобланади. Оқим ўзида вақт бирлиги ичида ва аниқ давр учун абсолют бирлик бўлиб ўлчанувчи жараён сифатида бир бутун деб қабул қилинувчи объектлар ҳисобланади. Моддий, молиявий, ахборот ва сервис оқимларга логистик системанинг ажралмас бўлаги сифатида қаралади, келинг аввало оқим тушунчасига изоҳ берайлик. Оқим бу бир тизимнинг мукамал ишлаши учун ҳаракат қилувчи ва шу тизимни тўлдирувчи воситадир [30].

Оқимлар қуйидагича таснифланади.

Кўрилаётган тизимга алоқаси бўйича:

Ички – бу тизим ичида айланувчи шу тизимни тўлдирувчи ажралмас қисм сифатида ҳаракат қилидир.

Ташқи – бу тизим ташқарисида ҳаракатланувчи(айланувчи).

Узлуксизлик даражасига кўра:

Узлуксиз оқимлар – вақтнинг ҳар онда оқим траекторияси бўйича объектнинг маълум сони жойлашади.

Дискрет оқимлар – ҳар хил вақт оралиғида жойлашувчи объектлардан ташкил топади.

Мунтазамлик даражаси бўйича:

Детерминаллашган – вақтнинг ҳар бир дақиқасида кўрсаткич аниқ тавсифланади.

Стохастик – вақтнинг ҳар бир дақиқасида маълум эҳтимоллик даражаси билан аниқланади.

Барқарорлик даражаси бўйича:

Барқарор оқимлар – маълум вақт оралиғидаги аҳамиятли кўрсаткичларнинг доимийлиги билан характерланади.

Барқарор бўлмаган оқимлар – кўрсаткичлар ўзгариб туради.

Ўзгарувчанлик даражаси бўйича:

Стационар – ўрнатилган жараён учун характерли, жадаллиги доим ҳисобланади.

Ностационар – ўрнатилган жараён учун характерли, жадаллиги давр оралиғида ўзгаради.

Оқим элементларининг жойлашиш характери бўйича:

Тенг ўлчамли – объектларнинг жойлашиш тезлигининг доимийлиги билан характерланади, объектларнинг бошланғич ва охириги ҳаракат интерваллари тенг бўлади.

Нотекис ўлчамли – жойлашиш тезлиги ўзгаради, бунда тезланиш, секилашиш, йўлда туриб қолиш, жўнатиш ва етиб келиш оралиқлари ўзгаради.

Даврийлик даражасига кўра:

Даврий оқимлар – кўрсаткичлар доимийлиги ёки маълум вақт, даврдан кейин кўрсаткичлар ўзгариши билан характерланади.

Нодаврий оқимлар – номидан кўриниб турибдики кўрсаткичлар нодаврий ўзгариб туради.

Ташиш даражасининг частотасига кўра:

Ритмли.

Ритмсиз.

Мураккаблик даражасига кўра:

Одий оқимлар – бошқарув тизими томонидан бошқарув таъсирига адекват жавоб беради.

Бошқариб бўлмайдиган оқимлар - бошқарув таъсирига жавоб бермайдиган материал оқим.


Оқимларнинг турланишига сабаб бўлувчи, уларни турларга кўра тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади: бошланғич пункт; охириги пункт; ҳаракат траекторичси; йўл узунлиги; ҳаракат вақти; тезлик; оралиқ пунктлар; жадаллик; интерваллар ва бошқалар.

Моддий оқимлар транспортировкалаш, омборлаштириш ва бошқа хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар билан биринчи манбаадан(ишлаб чиқарувчидан) истеъмолчиларгача бўладиган операциялар орқали юзага келади. Моддий оқимлар барча жойларда бўлади ва турлича ҳаракатланади. Моддий оқимлар турлича бўлиб, улар корхонинг ичидан ёки корхоналар орасидан ўтиши мумкин.

Моддий оқим (material flow) - юк, детал, товар - моддий бойликлар ва ҳоказо, уларга илова қилиш жараёнида кўриб чиқиладиган ҳар хил логистик операциялар (ташиш, омборга жойлаштириш ва бошқалар) ёки вақтинча оралиққа ( $f_n, f_{n+1}$ ) киритилганлар. Моддий оқим «ҳажми (миқдор, масса) ва вақт» ўлчамларига эга. Унинг мавжуд бўлиш шакли транспортда ташилган юклар ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин. Оқим вақтинча оралиққа эга эмас, балки вақтнинг пайтига тегишли бўлганда, у ўзининг қарама - қаршилигига

ўтади. Масалан, вақтнинг берилган пайтида кўриб чиқиладиган юк оқими йўлдаги захира ва транспорт захираси бўлади.

Ҳар бир моддий оқимга баъзи бир ахборот оқими мос келади, аммо бу мослик умуман айтганда ўзаро бир маъноли бўлмайди. Ахборот оқимининг маълумотлари моддий оқимнинг ҳақиқий маълумотларига мос келмаслиги мумкин, аммо мос келиши ҳам мумкин (4.4-расм).



4.4-расм. Моддий оқимларнинг тизимли харакати.

Энг маъкул жадвал шакллантиришда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- ▶ ишлаб чиқаришнинг бойлик манбаларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси;
- ▶ бойлик манбаларидан фойдаланиш самарадорлиги;
- ▶ тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган воситалар;
- ▶ жадвалнинг эпчиллиги, яъни ускуналари авария туфайли тўхтаб қолганда ва моддий бойлик манбалари тўлиқ етказиб берилмаганда тегишли ишни амалга ошириш имконияти.

Фирмаларда моддий оқимни бошқариш тизими остида барқарор алоқа мослашувининг 2 та асосий йўналишини ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш турли хил иқтисодий механизмлар ривожланиши ҳисобига турли функционал бўлимлар ўртасида ўзаро таъсирни тезлаштиришдир. Иккинчи йўналиш корпорациялар таркибида ташкилий ўзгаришлар орқали коорпорация зарурий даражасининг ривожланишидир. Бу йўналишлар, қоидага кўра, параллел равишда ривожланади ва бир-бирини тўлдириб боради.


Моддий оқимларнинг бошқариш бўлими шаклланиши биланок корпорацияларда пайдо бўладиган махсус масалаларга мувофик равишда бундай бўлиниш ички таркибининг кўп сонли тури амал қилади. Товарларнинг бир партияли апарати таркиби учун иккта умумий вариант характерли.

Биринчи вариант-ишлаб чиқариш жараёнида ва таъминот босқичида хомашё ва материаллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга мўлжалланган ва саноат аҳамиятидаги маҳсулотларни чиқарадиган корпорацияларда тез-тез қўлланилади.

Иккинчи вариант-моддий оқимларни бошқариш бўлими тузилмаси кўп сонли истеъмолчиларга хизмат қиладиган ва кўпинча кенг кўламдаги маҳсулот ассортиментини ишлаб чиқарадиган компанияларда қўлланилади (4.5-расм).

Микрологистик даражада моддий оқим одатда бир неча ташкил қилувчилардан вужудга келади. Масалан, улгуржи савдо ташкилотларида у тушириш, сақлаш, бутлаш участкаларидаги оқимлардан иборат бўлиши мумкин. Бир хил катта фойдалилик моддий оқим таърифлари бўлади. Баъзи бир моддий оқимлар устидан бажариладиган логистик операциялар тасодифий характерга эга. (Масалан, вагонни улгуржи савдо корхонасининг кириш йўлига бериш, бериш пайтида бўш қайта ортиш воситаларининг мавжудлиги ва бошқалар). Моддий оқим ташқи, яъни ташқи (логистика тизимига

нисбатан) муҳитда ўқитувчи сифатида ва ушбу логистик тизимнинг ичида бўлган ички муҳит сифатида таснифланиши мумкин.




4.5-расм. Моддий оқимларни бошқариш


Кирувчи моддий оқим остида ушбу логистик тизимга ташқи муҳитдан келиб тушувчи ташқи оқим тушунилади. Чиқарувчи моддий оқим ушбу логистика тизими учун ташқи муҳитга келиб тушувчи ва даврий алоқаларни амалга оширишнинг шакли бўлган оқимдан иборат. Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир моддий оқимга баъзи бир ахборот оқими мос келади.

Ахборот оқими (information flow) - у логистик тизимда, логистик тизим ва ташқи муҳит орасида айланиб юрувчи, логистик операцияларни бошқариш ва назорат қилиш учун зарур бўлган хабарларнинг мажмуаси. Ахборот оқими моддий оқимга мос келади ва қоғоз ёки электрон ҳужжат кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. У вужудга келиш манбаи, йўналиши, даврийлиги, ҳажми, узатиш тезлиги билан таърифланади [22].

Агар бундай оқимнинг юқорида ўтилган таърифлари аввалдан маълум бўлса, унда унинг учун алоқанинг бойлик манбаларини заҳиралаш, унинг трансляциясининг мувофиқ режимини қоплаш мумкин. Ахборот оқимлари логистик операцияларни бошқариш ва назорат қилиш зарур бўлган логистик тизим билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлайди (4.8-расм).



4.6-расм. Моддий оқимларнинг корхона ичидаги ҳаракати



4.7-расм. Моддий оқимларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб бориш ҳаракати


Ахборот оқимларини бошқариш узатиш тезлигини тегишли қабул қилиш тезлиги миқдоригача чеклаш; оқимнинг ҳажми айрим узелнинг ёки йўл участкасининг ўтказиш қобилиятини миқдоригача чеклашдан иборат бўлади. Ахборот оқимларини ишлаб чиқишга харажатлар муҳим ташкил қилувчи логистик харажатлар бўлади. Ахборот оқимини моддий оқим намунаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Логистикада ахборот оқимлари қуйидагича характерланади:

1. Ахборот оқимининг логистик тизимга боғланишига кўра: горизонтал, вертикал, ташқи, ички, кирувчи, чиқувчи

2. Логистик функцияга алоқаси бўйича: элементар, асосий, мажмуавий, базисли.

3. Ахборотнинг белгиланишига кўра: директив, меъёрий-маълумотли, ҳисобга олиш таҳлили, ёрдамчи.



4.8-расм. Логистика ахборотлари тизими сифатига таъсир қилувчи омиллар

4. Аҳамият даражаси ва очқлигига кўра: оддий, мавҳум (конфиденсиал), буюртма, очик, ёпиқ.

5. Ахборотни ташувчилар тури бўйича: қоғозда ташувчи, электрон, магнит тасмаларда ташувчи ва ҳоказолар.

6. Маълумотларни етказиш тартиби бўйича: курьер, почта, телефон, телеграф, электрон почта, факс, телекоммуникация тармоғи, телетайп ва ҳоказолар.


7. Юзага келиш вақти ва фойдаланиш даврийлигига қараб: мунтазам, даврий, тезкор, "on line", "off line".

Логистик тизимда ахборот оқимлари моддий оқимдан олдин ёки биргаликда (бир вақтда) ёки кейин ҳаракатланиши лозим. Бунда ахборот оқими моддий оқим билан бир хил йўналишда ёки қарама қарши йўналишли бўлиши мумкин.

Моддий оқимдан олдин юборилган муқобил ахборот ўзида буюртма ҳақидаги маълумотларни акс эттиради.

Моддий оқим билан бир вақтнинг ўзида ҳаракатланаётган ахборот оқими унинг ҳажм ва сифат кўрсаткичлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

Моддий оқимдан кейинги ахборот оқими юкни қабул қилиш ҳажми ва сифати, натижалар, турли норозиликлар ҳамда расмийлаштиришлар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштириши мумкин.



4.9-расм.  
Заҳираларни режалаштиришда ахборот оқимлари.

Умумий ҳолда логистик тизимда ахборот оқимлари ҳаракат йўли товар ҳаракати маршрути билан мос келади. Ахборотлар оқими қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: вужудга келиш манбаи; оқимларнинг ҳаракат йўналиши; узатиш ва қабул қилиш тезлиги; оқим жадаллиги ва ҳоказолар.

Ахборот оқимларини бошқариш авваламбор логистик тизимни бошқариш имкониятини беради. Чунки бошқарилувчи ахборот тизими моддий ва молиявий оқимларни ҳам бошқариш имкониятини беради. Лекин савол туғилади. Ахборотлар оқимида маълумотлар шунчалар кўпки уларни бошқаришни қандай амалга ошириш мумкин? Бу саволга жавобни фақат логистик мутахассисгина бера олади [23].

Жаҳон тажрибаларига эга логистларнинг фикрича, ахборот оқимини қуйидагича бошқариш мумкин:

- ▶ Оқим йўналишини ўзгартириб;
- ▶ Узатиш тезлигини қабул қилиш тезлигига мос равишда чеклаб;
- ▶ Оқим ҳажмини алоҳида йўл участкалари ёки бўғинларининг ўтказиш қобилияти катталигича чеклаб.

Ахборотлар оқими вақт бирлиги ичида қайта ишланган ёки юборилган маълумотлар сони билан ўлчанади. Ахборотлар сонини ўлчаш усуллари маълумотлар назарияси деб аталувчи кибернетика бўлимида ўрганилади.

❖ Хўжалик фаолияти амалиётида маълумотлар қуйидагича ўлчанади:

- ❖ Қайта ишланган ва юборилган ҳужжатлар сони билан;
- ❖ Ҳужжатдаги қаторлар сони йиғиндиси билан.

Логистик молиявий оқим – бу маълум материаллар оқимининг самарали ҳаракатини таъминлаш учун зарур бўладиган логистик тизим ва ташқи муҳит орасида логистик тизимда айланувчи молиявий маблағларнинг йўналтирилган ҳаракатидир.

Логистик молиявий оқимлар ўзининг таркиби, ҳаракат йўналиши, белгиси ва бир қатор бошқа кўрсаткичларга кўра бир хил эмас.

- Молиявий оқимлар қуйидагича тавсифланади:
- Логистик тизимга алоқасига кўра:

Ташқи – кўрилаётган логистик тизим чегарасидан ташқари ёки ташқимуҳитга мавжуд бўлувчи молиявий воситалар.

- Ички – логистик тизим ичида мавжуд молия.
- Ҳаракат йўналишига кўра:

▪ Кирувчи – кўрилаётган логистик тизимга ташқи муҳитдан кирувчи молиявий воситалар.

Чикувчи – молиявий оқим ўз ҳаракатини кўрилаётган логистик тизимдан бошлайди ва ташқи муҳитда ўз ҳаракатини давом эттиради ёки мавжуд бўлади.

▶ Мақсадига(белгиланишига) кўра:

▶ Товарлар хариди жараёни шароитидаги молиявий оқимлар.

▶ Инвестициявий молиявий оқимлар.

▶ Ишчи кучини қайта ишлаб чиқариш бўйича молиявий оқимлар.

Корхона ишлаб чиқариш фаолияти билан ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий харажатларнинг шаклланиши билан боғлиқ молиявий оқимлар.

Товарни сотиш жараёнида пайдо бўладиган молиявий оқимлар.

Аванслашган қийматини товарга ўтказишига қараб:

Корхона асосий фондлари ҳаракатига мос ҳаракатланувчи (уларга инвестициялаш оқимлари ва қисман моддий харажатларнинг шаклланиши билан боғлиқ молиявий оқимлар).

Корхона айланма маблағи ҳаракати шароитидаги оқим (буларга белгиланишига кўра логистик молиявий оқим гуруҳларининг барчаси киради).

Кўлланиладиган ҳисоблаш шаклига кўра:

➤ Пул кўринишидаги молиявий оқимлар(сўм ёки валюта кўринишидаги(ҳисобидаги) нақд пул ҳаракати).

➤ Молия ахборот оқими нақд бўлмаган молиявий ресурслар ҳаракати(тўлов қоғози, чек ҳисоб варағи ва бошқалар).

➤ Ҳисоб молиявий оқимлар аванслашган қийматнинг ошиш босқичларидаги хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқаришда юзага келувчи молиявий ресурслар.

➤ Чет эл логистик тажрибаларида логистикада сервис оқимлар ва энергетик оқим каби тушунчалар ҳам мавжуд.

Сервис оқими - бу логистик тизимда ташқи ва ички истеъмолчиларни эҳтиёжларини қонириш мақсадида бажарилаётган хизматлар оқимидир (4.10-расм).

Ҳозирги даврнинг самарали хўжалик фаолияти шундан иборатки, жаҳон бозорининг юқори талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш фирма муваффақиятининг фақат ярмигигина хосдир, қолган иккинчи ярмини эса сотишни билиш ҳамда севис хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Фирма маҳсулотига истеъмолчи қизиқишини уйғота билиш керак.

Бунда юкори даражада сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш муҳим ўрин эгаллайди.

Агар корхона бозор талабига мос ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда даромадларининг бошқарувида ўзаро муносабатга эга бўлса, у ҳолда бу корхона ташкилий-иқтисодий мустаҳкам тизимли ҳисобланади. Бозор талаби товар бўлган талаб билан чегараланмайди.



4.10-расм. Сервис оқими

### 4.3. Транспорт-логистиканинг ўзига хос хусусиятлари ва уни тадқиқ қилиш

Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш тушунчаси материал объектларни ёки табиат маҳсулотларини шаклини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган барча меҳнат турларини ўз ичига олади. Бундай меҳнат натижасида алоҳида истеъмол қиймати яратилади ва уни миқдори меҳнатнинг ижтимоий фойдали фаолияти билан ўлчанади.

Транспорт хизмати бу корхоналар ва одамларни эҳтиёжини қондиришга қаратилган транспорт фаолиятининг тури ҳисобланади. Транспорт хизмати – бу нафақат юк ёки йўловчиларни ташиш, балки ташиш жараёнига кирмайдиган, лекин уни тайёрлаш ва амалга

ошириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операциялар комплексидан иборатдир

Охирги пайтларда транспорт хизматини амалга оширишда бажарилаётган логистик бошқарув масалаларининг аҳамияти ортиб бормоқда, кўплаб корхона ва ташкилотлар хизмат кўрсатиш соҳасига кириб келмоқдалар. Кўплаб логистик хизмат кўрсатувчи воситачи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда бундай воситачи ташкилотлар кўрсатаётган хизмат нархи маҳсулот ишлаб чиқариш нархидан ҳам юқори бўлиши мумкин [24].

Сўнгги йилларда логистика борган сари кўпроқ сервис оқимлари билан шуғулланмоқда, чунки кўпгина фирма ва корхоналар нафақат маҳсулот ишлаб чиқаради, балки керакли хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланмоқдалар. Транспорт хизмати кўрсатишда логистик ёндашув ниҳоятда муҳимдир. Транспорт хизматига бўлган эҳтиёж ва бозордаги сўров регионда транспорт тармоғини ривожланганлигига, турли транспорт воситаларини мавжудлиги ва уларни фаолият кўрсатишини ўзаро мувофиқлаштирилганлигига, кўрсатилаётган транспорт хизмати турлари ва сифатига, уларни нарх-навоси ва бошқа кўплаб факторларга боғлиқдир. Бозор иқтисодиётини ривожланиши ва кенг инфраструктура тармоғини шаклланиши умумиқтисодий тармоқлар ичида албатта транспорт хизматини улушини ошишига олиб келади.

Эндиликда транспорт турларини техник-эксплуатацион хусусиятлари транспорт хизмати бозорида унинг ишончли ҳолатини таъминлайди, айниқса кичик партияли юк ташишда юкларни автоматлаштирилган ҳолда қайта ишлаш, уларни пакетлаштириш ва контейнерлаштириш, юкларни қайта ишлаш ва ташиш жараёнларида информатикани қўллашни аҳамияти ортиб бормоқда.


Транспорт хизматини такомаллаштиришни қуйидаги самарали йўналишлари шаклланимоқда:

хизмат кўрсатиш турларини истеъмолчиларни махсус талабларига мослаштириш;

транспорт хизматига бўлган талабларни фаол ривожлантириш ва мавжуд транспорт паркидан оқилона фойдаланиш.

Логистик тизимда ишлаб чиқариш хом-ашё таъминлаш каналлари фаолиятини ишга тушириш муаммоларини ҳал этишни тақоза этади. Корхона ва ташкилотлар тайёр маҳсулотни етказиш каналларини иш фаолиятида транспорт турини танлаш, ташиш усуларини ишлаб чиқиш, транспорт воситалари типларини аниқлаш,

юкларни ташишга тайёрлаш каби қатор транспорт масалаларини ҳал қилиши лозим бўлади[25].




**4.11-расм. Транспорт хизмати жараёнлари**

Шундай қилиб, истеъмолчиларга транспорт хизмати кўрсатиш қуйидаги ишлар бажарилишини тақозо этади:

- товар (юк)ларни физик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни тегишли тарзда ўраб-чирмаш (упаковка) воситаларини танлаш;
- упаковкадаги юк пакетларига тегишли ёзувлар ва белгилар киритиш, яъни тамғалаш;

- махсус таралардан фойдаланишни кўзда тутиш, уларга тегишли белгилаш ва кодларни киритиш, юк бирликларини шакллантириш, юкларни пакетлаштириш ва контейнерлаштириш;
- самарали ташиш тури ва воситаларини танлаш;
- транспорт воситаларига юк бирликларини рационал жойлаштириш ва юк кўтарувчанликдан самарали фойдаланишга эришиш;
- транспорт воситаларига юк ортиш ва тушириш ишларини бажаришда рационал технологияларга амал қилиш;
- юк омбори ва терминалларда товарларни рационал жойлаштириш, уларни ҳисобга олиш ва заҳираларни шакллантириш;
- замонавий ахборот технология ва ахборот-компьютер тизимларидан фойдаланиш.

Транспорт хизматида бўлган талабларни ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, истеъмолчиларни транспорт хизмати сифатига бўлган асосий талаби – бу юкларни ўз вақтида жўнатиш ва етказиб беришдир. Бундай талабни асосида истеъмолчиларни юк заҳиралари ва уларни сақлаб туришга кетадиган ҳаражатларни камайтириш мақсади ётади. Чунки ҳозирги пайтда заҳираларни ушлаб туриш харажатлари маҳсулот нархидан 20-25 фоизгача бўлган харажатни талаб этмоқда. Транспорт тизимининг амалдаги камчиликлари – бу юкни ўз муддатида жўнатиш ва етказиб бериш кафолатланмаганлиги, ташишга берилган буюртмани бажаришни орқага суриш ёки рад жавобини бериш ҳолларининг мавжудлигидир. Шу сабабдан ташувчилар авваламбор, ташилаётган юк ва ташиладиган масофа ҳамда ташиш шарт шароитларини ҳисобга олган ҳолда транспорт турини тўғри танлаши мақсадга мувофиқдир (4.12-расм).



4.12-расм. Транспортнинг асосий турлари.

Юқоридаги транспорт хизматини кўрсатувчи транспорт турларининг қайси бири самарали бўлиши айнан транспорт хизмати кўрсатиладиган ҳудудга ва ташиш шароитига боғлиқдир. Транспорт хизматини сифатини белгиловчи қуйидаги параметрларга ҳам боғлиқ:

- ташишга буюртма олингандан уни бажарилгунча ўтган вақт;
- буюртмани бажариш ишончилиги ва бир марталик талаб бўйича юкни етказиб бериш мумкинлиги;
- етарли даражадаги захиралар ҳажмини таъминлаш ва етказиб беришни доимийлиги;
- буюртмани тўлақонли бажариш мумкинлиги;
- тарифларни қулайлиги ва қилинаётган ҳаражатлар ҳақида доимий равишда ахборот бериб турилиши;
- кредит бериш (олиш) мумкинлиги;
- омборхоналарда юкларни қайта ишлаш самарадорлиги;
- юкларни ўраб-чирмаш сифати ва ташишни пакет ва контейнерларда амалга ошириш мумкинлиги;

Логистик хизмат кўрсатиш жараёнини энг муҳим масаласи – бу кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчилардан ундириладиган компенсация нархини аниқлашдир. Юкларни ташиш жараёнига кетган ҳаражатларни аниқлашдан кўра логистик хизмат ҳаражатларини аниқлаш анча мураккабдир, чунки бундай хизматни баҳоси истеъмолчи томонидан бор тизимни (ташиш ва логистик хизмат кўрсатиш) самарадорлигини баҳолаши ва тан олиш билан боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш даражаси ҳаражат ва тушумлар ҳамда олинадиган фойда қийматларини солиштириш асосида аниқланади. Агар хизмат кўрсатишни режалаштириладиган даражаси ҳаражат ва тушумларни оптимал нисбатини таъминлай олса, унда бундай хизмат корхона учун самарали ҳисобланиши мумкин. Бундай процедура хизмат кўрсатиш даражасини оширилиши туфайли кўпаяётган ҳаражатларни хизмат тури ва сифатини камайиши натижасида йўқотиладиган тушум билан солиштириш асосида бажарилади. Бундай солиштириш натижасида хизмат кўрсатишнинг оптимал даражасини аниқланади [26].

Транспорт воситаларини иш фаолияти истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлиш керак. Истеъмолчиларга эса минимал муддатларда юкни етказиб бериш имконияти, юкни сифатини 100 % сақлаш, юкни қабул қилиш ва топширишдаги қулайликлар, тарифлар тўғрисида, ташиш шароити ва юкни етиб

келган жойи тўғрисидаги доимий маълумотлар бериб туриш лозим бўлади.

Транспорт хизматини сифатини белгилашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш лозим бўлади:

- транспорт хизмати турларини танлашда хизматни мумкин бўлган
- барча даражаларини кўзда тутиш лозим бўлади;
- истеъмолчиларни эҳтиёжлари бир неча хил бўлиши мумкин, бу эса кўрсатилаётган транспорт хизмати хусусиятлари ва тавсифларини бир неча, баъзан бир-бирига мос келмайдиган талабларга жавоб беришни тақозо қилади;
- транспорт хизмати борасида шартномалар тузилганда истеъмолчиларни эҳтиёж ва талаблари аниқ белгиланиши лозим;
- кўп ҳолларда истеъмолчиларни эҳтиёжлари вақт мобайнида ўзгаради, бу эса тизимли равишда маркетинг тадқиқотлари ўтказишни тақозо этади. Ҳар бир транспорт хизмати тури уни жиддий равишда ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо этади;
- истеъмолчиларни талаб ва эҳтиёжлари одатда ишни маълум бир хусусиятларини таъминлашни кўзда тутари ва бунда маълум миқдорий кўрсаткичлар бажарилиши талаб этилади: хавфсизликни таъминлаш, функционал техник тайёр ҳолатда бўлиш, эксплуатацияга тайёргарлик даражаси, ишончлилиги эҳтиёжни қондириш, иқтисодий факторлар, экология талабларига жавоб бериш ;

Транспорт хизматини доимо яхшилаб бориш учун транспорт хизмати борасида олинган ахборотлар тўпланган тажрибалар ва истеъмолчиларни фикр-мулоҳазалари асосида жиддий ўрганилиши ва таҳлил этилиши лозим. Транспорт хизматини намунали йўлга қўйиш учун стратегик ечимлардан фойдаланиш ҳам катта самара беради. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Стратегия – бу узокқа мўлжалланган аниқ мақсаддир” деганлар. Демак, ҳар қандай тизимни стратегик режалаштириш муҳим аҳамият касб этар экан. транспорт хизматларини стратегик режалаштириш миқозларнинг кўпайишига, аввалги буюртмачиларнинг буюртмаларини кенгайтишига, янги уровень (даражадаги) хизматни жорий этишга, хатоликларнинг камайишига, хизматларнинг тўғри ва самарали жорий этилишига олиб келади. Бу усул корхонага катта самарадорлик ва даромадлар олиб келади ва компания брендининг машхурлигини ҳамда мустақамлигини таъминлайди (4.13-расм).

## Транспорт хизмати стратегиялари



**4.13-расм. Транспорт хизмати стратегиялари**

Автомобил транспортидаги энг асосий хизмат кўрсатиш бу юк ва йўловчиларни ташишдир.

Маълумки, юк ташиш таннархи транспорт жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган капитал маблағларни ҳисобга олмайди. Шу туфайли иқтисодий ҳудудда юк ташишнинг истиқболдаги ривожлантириш вариантларини белгилашда, бу вариантларга хос эксплуатацион харажатлар ва капитал маблағлар даражаларини ҳисобга олиш керак бўлади. Бундай комплекс мезон сифатида келтирилган харажатлар ҳисобланади.

Келтирилган харажатлар умумий ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ▶ тарага ва юкларни пакетлашга сарфланадиган харажатлар;
- ▶ юк ортиш – тушириш ишлари ва ташиш харажатлари;
- ▶ юк ташишни ташкил этишдаги техник воситалар комплексига кетадиган капитал маблағлар;

► ташишда бўладиган юкларни ва улардан йўқотиладиган қисмининг баҳоси.

Реал юк ташиш шароитларида юқорида кўрсатилган харажатлардан айримлари ҳисобга олинмаслиги мумкин. Масалан, ташиш жараёнида бўладиган юкларнинг баҳосини бу маҳсулот етказилгандан кейин бевосита ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳоллардагина ҳисобга олиш лозим.

Шундай қилиб, умумий ҳолда маълум регион миқёсида истеъмолчиларнинг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини вақт мобайнида бир текис тақсимланган деб бўлмайди, уларни таҳлил этиш ва транспорт жараёнини бошқаришда ҳисобга олиш иқтисодий жиҳатдан катта самарадорлик берадиган муҳим омилдир.

Юк ташиш хажмларини ортиб бориш ва турли транспорт воситаларининг йўл тармоқларини кенгайтириш ва зичлаштириш, шаҳарларни катталашуви ва улардаги материал оқимларни худудни маҳсулот ва товарлар жўнатувчи манзиллари билан истеъмолчи ташкилотларни объектларини ўзаро боғлайдиган энг қисқа узунликдаги кам харажатли йўл (тармоқ) схемаларини аниқлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Чунки энг қисқа йўл тармоғи бўйича етказиб бериладиган материал оқим энг кам харажатли ҳисобланади ва уни самарадорлигини оширишда энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда транспорт корхоналари ўзларнинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятларини қайта кўриб чиқишлари ва асосий диққат – эътиборни истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларини ўрганиш, таҳлил этиш ва қондиришга қаратмоғи лозим. Транспортда юк ташиш фаолияти икки хил йўналишдаги ташкилотлар - сотувчи ва сотиб олувчи, яъни юк жўнатувчи ва қабул қилувчи ташкилотлар эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир. Ўз-ўзидан маълумки товарни сотилиш, жараёни фақат уни истеъмолчига етказиб берилгандагина тугалланган ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонани барқарор ҳолати нафақат уни ишлаб чиқариш харажатлари билан балки бозорда ўз товарини ўтказолиши, яъни харидорларга сота олиши билан белгиланади. Корхона ва ташкилотлар ўз товарларини сотганларидан кейин маҳсулотни олувчига етказиб бериш муаммоси туғилади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ва товарлар бозоридан ташқари транспорт хизмати бозори ҳам шаклланади, транспорт корхоналари орасида рақобат пайдо бўлади.

Товарлар тақсимланишини транспорт-экспедицион таъминоти куйидаги ишларни кўзда тутди:

- ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш;
- истеъмолчи ва транспорт корхоналари ўртасида товарларни ташиб бериш борасида шартномалар тузиш;
- юк ташиб бериш фаолиятига оид тўловларни ўтказиш;
- юк ортиш ва тушириш ишларини амалга ошириш;
- юкларни омборлаштириш, сақлаш, уларни партиялаштириш;
- ахборот таъминотини амалга ошириш;
- молиявий ва суғурта талабларини бажариш;
- юкларни чегаравий назоратдан ўтказиш.

Ташишни транспорт таъминоти – бу юк (йўловчи) ларни ташиш жараёнини таъминлашга қаратилган фаолият бўлиб, бунда юк йўловчиларни ортиш-тушириш, ташиш, транспорт воситаларига чиқариш, улардан тушириш, дам олдириш, сақлаш ва шу каби технологик жараёнлар амалга оширилади.

Товар ва йўловчиларни манзилга етказиб беришда иштирок этувчи транспорт турларини сони бўйича юк ташиш тизими 1) юнимодал – бир турли ва 2) мультимодал ва интермодал – кўп турли транспортда ташиш тизимлар кўринишида бўлиши мумкин.

Транспортда юк ташиш тизимларининг иерархик таркиби расмда кўрсатилган бўлиб, тузилманинг энг юқорисида интермодал, кейин мультимодал, ундан кейин юнимодал регионаларо ташишлар, кейин вилоятлар ва шаҳарлар миқёсидаги ташишлар, энг охирида эса алоҳида транспорт ташкилоти ҳисобланмайдиган корхоналар тасарруфидаги транспорт воситаларида бажариладиган юк ташишлар кўзда тутилади.

Интермодал ташишлар – бу халқаро алоқалар масштабида бир қанча транспорт турлари воситасида ва юкларни транспортнинг бир туридан бошқа турига юк эгасини иштирокисиз узатиш йўли билан юкларни етказиб бериш тизимидир. Бундай ташишда тизим шакллантирувчи элемент сифатида интермодал юк бирлиги ҳисобланади ва бу бирлик ичида юкни сақланиб туриши уни пломбалаштириш орқали таъминланади: пломбани бузмасдан юк бирлиги ичидаги юкларни олиб бўлмайди. Демак, юкни сақланиши пломбани бузилмаслигини таъминлашдан иборат бўлади.

Таъкидлаш лозимки, истеъмолчи корхоналар ва аҳолини транспорт хизматида бўлган талаблари нафақат уларни иқтисодий, техник ва технологик имкониятларини ошишига, бундан ташқари

алоқадор соҳаларни (алоқа, транспорт йўллари, машинасозлик, ахборот тизимлари) ҳам ҳолатига боғлиқдир. Транспорт хизматиға бўлган талабларни шаклланашида давлат бошқарувининг ҳам аҳамияти муҳимдир. Унинг таъсири божхона ва лицензиялаш тизимлари, экологик синовлари, ижтимоий сиёсат каби йўналишларда сезиларли даражададир. Кўпчилик истеъмолчилар учун транспорт хизматини баҳоси (нархи) ва унга кетаётган харажатлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки юкларни етказиб келиш харажатлари кўпчилик корхоналар учун маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг асосий қисмини ташкил этади ва олинаётган фойданинг даражасини бевосита белгилайди. [27].

Адабиётлар ва турли илмий-тадқиқотлар натижалари ҳақидаги нашрларни таҳлил этиш асосида юк ва йўловчиларни етказиш бериш сифатини мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кўрсатилаётган транспорт хизматини нарх-навоси;
- юк ва йўловчиларни етказиб бериш ишончилиги;
- юкларни етказиб бериш технологияси ва бошқарилишини турли ташиш шароитлари ва истеъмолчилар талабларига мослашувчанлиги;
- хизмат кўрсатишни ҳар томонлама тўлалиги ва эҳтиёжни қамраб олиши;
- ахборотлашганлиги;
- эришиш (олиш) осонлиги (мушкул эмаслиги).

#### **4.4. Ўзбекистонда мавжуд логистик марказларнинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти таҳлили**

Мамлакатимизда автомобил транспортини янада ривожлантиришда ҳамда ташкил этилаётган ЭИЗ ларнинг транспорт таъминотини таъминлашда логистиканинг аҳамияти катта. Хозирда транспорт – логистика замонавий жаҳон иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этади. Бизга маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланади. Мамлакатимизнинг иқтисодиётининг кундан кунга ривожланиб бориши ва халқаро даражадаги иқтисодий мамлакатларга айланишимиз биздан хорижий мамлакатларда ўз ишлаб чиқариш корхоналаримизни ва уларнинг филиалларини очишимизни тақазо этмоқда. Демак, дунёнинг турли бурчакларида очилган марказлар ўз навбатида жаҳон ҳамжамиятида бизнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни оширади ва биз халқаро

мижозларга эга бўламиз. Дунёнинг барча нуқталарида мамлакатимиз товар ва хизматларига бўлган талаб бизга ўз навбатида чет элга чиқишимиз учун транспорт соҳасини ва транспорт коридорлари (йўлакларини) ривожлантириш шартини қўяди. Транспорт – логистика айна шу масаларни ечимини топувчи катта тизимдир. Айна шу тизимни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Навоийда 2008 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодаль логистика марказини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1027-сонли қарори қабул қилинди. 2009 йил 12 августдаги таъсис шартномасига кўра 17 август куни “Ангрен логистика маркази” ташкил этилди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам логистик мазказлар фаолияти йўлга қўйилган. Бу марказлар мамлакатимиздаги мавжуд ЭИЗлар транспорт тизимини модернизациялашда энг муҳим жабҳалар ҳисобланади. Бу марказларнинг асосий мақсадлари, йўналишлари ва мазмуни қуйидагилардан иборат бўлади:

Хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

Истеъмол талаби ва бозордаги вазиятнинг ўзгаришига тезкор муносабат билдириш йўли билан халқ истеъмоли ва транспорт, тушуриш-ортиш, юкларни омборларда сақлаш хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

► Бу марказлар фаолияти қуйидаги функцияларни ўз ичига олади:

► Маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат бериш;

► Ўрнатилган тартибда ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, қўшма корхоналарни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорлар билан ҳам;

► Транспорт хизматлари;


► Темир йўл ва автомобил транспортлари орқали юкларни ташишни ташкил этиш;

► Транспорт воситалари, механизмлар ва омборларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда ижарага бериш;

► Маркетинг, агентлик ва бошқа хизматлар кўрсатиш.

Демак, логистика мамлакат транспорт тизимини соҳасини ривожлантирувчи асосий соҳа ҳисобланар экан.

ЭИЗ ларда транзит юк терминаллари таркибини аниқлашда ва уни ташкил этишда қуйидаги ташкилий тадбирлар зарур. “Транзит юк терминали” ер участкаси майдонини аниқлаш (масалан - 8,6 га), «Махсус юк терминали» қуриш (совутгичли ёки иситгичли майдони- 8,9 га). Контейнерларни жойлаштириш чизмасини оптималлаштириш технологиялари ишлаб чиқиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказиб бориш ва бошқа юк турларига қараб турли хил тузилма ва қурилмалар ташкил этиш кўзда тутилади. Унинг муҳимлиги ЭИЗ орасидаги масофани қисқаришига олиб келади, яъни ёқилғидан фойдаланиш ва вағони бериш-тозалаш вақтидан самарали фойдаланишни таъминлайди.



4.14-расм. Транзит-юк терминали.

Шу мақсад маълумотлари асосида терминални таркибий тузулмаси ва бизнес режаси ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Терминал иши учта йўналишга асосланган:

- ❖ Юк ва контейнерларни ортиш тушуриш
- ❖ Юк ва контейнерларни сақлаш
- ❖ Бошқа хизматлар
- ❖ Истеъмолчиларга йўналтирилган асосий параметрлар қуйидагилардир:
  - ❖ ўз вақтида ортиш тушуриш юкларини амалга ошириш;

- ❖ хужжатлаштиришни тартибга солиш ва соддалаштириш;
- ❖ келгуси харажатларни йўқлиги ва бошқалар.

#### 4.1-жадвал

### ЭИЗ ларда транзит юк терминалларининг таркибий қисми хизмат кўрсатиш меъёрлари

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	“Транзит юк терми- нали”	“қўшимча майдонда” майдон
1.	Ортиш ва тушириш fronti	Вагон бирлиги	7	20
2.	Битта вагонни бериш ва тозалаш қиймати	сўм	67486	14262
3.	Битта таркибни (40 вагон) бериш ва тозалаш қиймати	сўм	2699440	570494
4.	Битта таркибни (40 вагон) бериш ва тозалаш сони	Вагон бирлиги	6	2
5.	Битта бериш ва тозалашни ўргача вақти	минут	80	15
6.	Битта таркибни (40 вагон) бериш ва тозалашни ўргача вақти	минут	480	300
7.	Битта контейнерни ортиш ва тушуриш қиймати	сўм	60420	60420
8.	Бериш ва тозалаш ҳисобига битта контейнерни ортиш ва тушуриш қиймати	сўм	127906	74682

#### 4.5. ЭИЗ ларда транспорт фаолиятини самарали бошқариш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш

ЭИЗ ларда транспорти фаолияти ташкил этиш, ҳудуд ичи юкларини ташишни ташкил этиш ҳамда самарали бошқаришни яхшилашда ЭИЗ комплексидаги таркибий ўзгаришлар бу янги коммерция структураларининг шаклланиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши, яқин қўшни мамлакатлар ҳамда узоқ чет эл билан

хўжалик алоқаларининг инстенсивлашувига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда юклар ташувини ташкил этилишига, магистрал турдаги транспорт билан юкларни ташиб етказиб берувчи ва ташиб олиб кетувчи маҳаллий автотранспорт ўртасидаги координация ва ўзаро ҳамкорликни таъминлашга бўлган истеъмол талабларини ортишига олиб келади. Амалдаги вазият ташиш жараёнини маълум бир қисмларини яхшилаш ва мукаммалаштиришни эмас, балки бутун технологик жараёнларни кескин ўзгартиришга имконият яратувчи, юклар ҳаракатланишининг принципиал янги кўринишини вужудга келтиришни талаб қилмоқда. Бунда ЭИЗлараро терминал технологиялари бўйича комплекс транспорт – экспедиция хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш биринчи даражали аҳамият касб этади (4.15-расм).

Комплекс транспорт – экспедиция хизмати кўрсатиш тизимини яратиш қатор объектив сабаблар талаб қилмоқда, шулардан энг асосийлари қуйидагилардир:

- ❖ ЭИЗ ҳудудидаги терминаллар, юк майдонлари ва омбор хўжаликлари тизимларидаги ривожланиш даражасининг пастлиги;


- ❖ ЭИЗ транспорти – тақсимлаш тизими ва етказиб бериш алоқаларининг нораціонал ташкил этилганлиги;

- ❖ ЭИЗ ларда мавжуд ҳаракатланувчи таркибдан етарлича самарали фойдаланмаслик, юклаш – тушуриш ишлари самарадорлигининг пастлиги;

- ❖ ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан транспорт инфраструктураси (бўлаклари) қисмлари бир-бирларидан ажралиб қолганлиги, транспорт жараёни иштирокчиларининг моддий бойликларни ташишда комплекслашган, координациялашган фаолиятларининг мавжуд эмаслиги;

- ❖ ЭИЗ ҳудудларида юклар ҳаракати тизимининг таъминоти, ҳамда транспорт операциялари ва юклар силжиши назоратида суғурта тизимининг етарли даражада эмаслиги;

ЭИЗ ларда транспорт инфраструктураси ва унинг миқозлари ҳамда транспорт ички инфраструктураси билан унинг ташкил этувчи элементлари – магистрал транспорт (темир йўл, автомобиль, дарё, ҳаво транспорти), етказиб берувчи ва ташиб тарқатувчи (автомобиль транспорти), омборхоналар, юклар тушурилиб, қайта ортиладиган базалар, транспорт экспедициялари ўртасидаги алоқаларда бир бутун иқтисодий – ҳуқуқий тизимнинг йўқлиги.



**4.15-расм. ЭИЗ худудининг транспорт – экспедиция хизмати кўрсатиш тизими**

Вужудга келган вазият ташиш жараёнида алохида бир яхшиланишлар ёки мукаммаллашувларни эмас, балки юklar ҳаракатланишидаги технологик жараёнларни, транспорт инфраструктураси фаолиятини кескин ўзгартирувчи принципиал янги тизимни шакллантиришни талаб қилмоқда.

ЭИЗ ларда юklar ҳаракатланувининг терминал тизимини яратишнинг асосий масалалари (вазифалари) қуйидагилардан иборат:

ЭИЗ ларда юклар ҳаракатланувининг терминал технологияларини жорий этиш, саноат ва савдо корхоналаридаги омборхона захираларини қисқартириш, транспортда етказиб бериш алоқаларини рационаллаштириш ва логистик ёндашув асосида моддий – товар оқимларини тезлаштириш ҳисобига регионал транспорт – тақсимлов тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

ЭИЗ ҳудудининг транспорт тугунларида миждозларни кафолатланган тарзда транспорт – экспедицион хизматлар комплекси билан таъминловчи, уларнинг омборхона майдонларини ва ўзларига қарашли автомобиль паркларини қисқартиришга, ишлаб чиқаришдаги транспорт харажатларини ташиш жараёнининг рационаллашуви асосида камайтиришга имкон яратувчи юкларни қайта ишловчи терминаллар ва мультимодал комплексларни яратиш;

ЭИЗ лардаги мавжуд юк терминалларида йўналишлар бўйича майда партияли юкларни йириклаштириш, кўп сменали – керак бўладиган бўлса сутка давомида бетўхтов тарзда терминаллар ишини ташкил этиш асосида (миждозларнинг омборхона очилишини кутиб туриш ва вақтни йўқотиш) магистралларда ишловчи автопоездларнинг айланиши (оборот қилиш) вақтини қисқартириш ҳисобига майда ва ўртача партияли юкларни ташишда камтоннажли транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (классик “терминал” самара);

қайта юк кўтарувчи ва бошқа шаҳарлардан келган автомобилларнинг ЭИЗ ҳудуди чегарасига киришини иложи борича қисқартириш; уларнинг кўпчилигидаги юк терминалларида тушурилиб, ҳудуддан ташқарига жўнатиладиган юкларни худди ўша ернинг ўзида олиб келиш, терминаллар ва миждозлар ўртасидаги етказиб олиб келиниши ва олиб кетилиши керак бўлган юклар камтоннали ҳаракатланувчи қисм билан рационал режага кўра ташилаверади; бу эҳтимол шаҳардаги ҳаракат интенсивлигини камайтириб, ҳавфсизликни оширади;

ЭИЗлардаги мавжуд юкларни қабул қилиб олиб жойлаш ва уларни сақлаш функцияларини бажарувчи омборхона корхоналарида фарқли тарзда, терминалларда юкларни тўплаш билан бир вақтда юк партияларини майдалаштириш ва йириклаштириш, ташишни йўналишлар бўйича шакллантириш, тарали донабай юкларни қайта ишлаш (майда ва йирик партиялар, кам, ўртача ва катта тоннажли контейнерлар), упаковка қилиш ва пакетлаш, юкларни маркировка қилиш, сервис хизматлари комплексларини


бажариш унинг асосий функциялари саналади. Бозор муносабатларининг ривожланиши, товарлар алмашинувининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг кенгайиши шароитида, Ўзбекистонда терминал гўёки юкларни қайта ишлаш ва тўплаш билан боғлиқ бўлган минимал функцияларни бажарувчи омборхонадан иборатдир, - деган анъанавий эскича фикр юритиш ўзгариб бормоқда. Унинг ўрнини замонавий технологик ускуналанган инженер – техник иншоотлардан иборат бўлган, энг хилма – хил турдаги юкларни сақлаш ва қайта ишлашга имкон берувчи махсуслаштирилган омборхоналарга эга бўлган, кўрсатиладиган хизматларнинг кенг спектрига эга бўлган, йирик транспорт тақсимлаш логистик маркази; Давлат божхона кўмитаси томонидан божхона функцияларини бажариш учун; банклар учун; транспорт – экспедицион фирмалар ва суғурта компаниялари учун; кўриқлаш ва хавфсизлик хизматлари учун; маъмурият ва миждозларнинг офислари учун; шу жумладан, чет эл фирмалари учун; музокара хоналари ва бизнес марказлари учун; почта, телеграф, ҳисоблаш марказлари учун керакли биноларга эга бўлган; транспорт ҳаракатланувчи қисмига техник хизмат кўрсатиш марказларига, мотелларга, ҳайдовчиларнинг дам олиш хоналари ва меҳмонхоналарга, ресторанларва барларга, кўтара ва чакана савдо дўконларига, тахлилий – тадқиқот марказлари ва реабилитация – соғломлаштириш комплексларига, ҳаракатланувчи қисм учун туриш майдонларига эга бўлган кўп функцияли терминал кмплекси тушунчаси эгаллаб бормоқда. У 60-100 гектар ва ундан ортиқ майдонни эгаллаши мумкин, бунда у бинолар ўртасида одамлар ва транспорт ўтадиган жойларга, кўкаламзорлаштирилган зоналарга, чиройли ва қулай планировкага ва архитектурага эгадир. Омборхона корпуслари енгил монтаж қилинадиган йиғма конструкциялар ва тез қуриладиган металлконструкциялардан 9,65-12 метр баландликда қурилади, бу эса юкларни кўп ярусли стеллажлар ва европоддонларда сақлаш имконини беради (4.16-расм).

Терминал хизмати кўрсатиш тизимининг функционал элементлари қуйидаги лардан иборат:

- шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда магистраль юк ташувини амалга оширувчи магистраль транспортлар (темир йўл, автомобиль, дарё ва ҳаво транспортлари);

- миждозларга ва терминалларга камтоннажли автомобиллар билан ташиб етказиш бериш билан шуғулланувчи маҳаллий авто-транспорт;

- транспорт – экспедиция агентликлари ва фирмалар, юк жўнатувчилар ва юк қабул қилувчилар.



4.16-расм. ЭИЗлардаги мавжуд юкларни қабул қилиб олиб жойлаш

ЭИЗ ҳудудининг транспорт – экспедиция хизмати кўрсатиш тизимининг шаклланишини унинг у ёки бу шахобчасини (подсистема) вужудга келтириш нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш зарур.

ЭИЗ ҳудудининг транспорт – экспедиция хизмати кўрсатиш тизимини шаклланишда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- ҳозирги кунда у ёки бу фаолиятда амалда вужудга келган конъюктурани;

- у ёки бу фаолиятнинг объектив хусусиятлари (ўзига хос томонлари), биринчи навбатда дастлабки капиал маблағларга бўладиган эҳтиёж рентабеллик, инвестицияларнинг қопланиш тезлиги;

- у ёки бу фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд бўлган ташқи шарт-шароитлар, энг аввало ҳуқуий чекловлар;

• тузилаётган терминал тизимида у ёки бу фаолият турини бажариш учун корхоналар ёки тадбиркорларни жалб этилиш шароитлари.

ЭИЗ ларда терминал технологияси бўйича комплекс хизмат кўрсатиш тизимининг яратилиши, юкларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ сақланган ҳолда юк жўнатувчилардан юкни қабул қилиб олувчигача барча транспорт– экспедиция операциялари комплекси бажарилган ҳолда етиб бориши учун экспедиторнинг тўлиқ жавобгарлигини кўзда тутати. Бундай тизим ўзига қуйидаги асосий функцияларни олиши керак:

▪ шаҳарлараро ЭИЗ ва халқаро йўналишларда юклар ташилишини ташкил этиш; майда партияли магистрал автомобиль ташувларида, терминалларда юкларни олдин саралаб гуруҳларга ажратиб олиб ундан кейингина катта юк қўтарувчи автомобиллардан фойдаланиш; шаҳар ичида майда ва ўртача партияли юкларни ташишда терминалга ва миқозларга юкларни ташиб етказиб берувчи автомобилларни қўллаш;

▪ комплекс транспорт экспедиция хизмати кўрсатишга буюртма олинаётганда режа, ташиш, коммерция ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштириш;

▪ ЭИЗ лар юк терминалларида юкларни миқозлардан қабул қилиб олиш ва топширишда юклаш тушуриш ишларини бажариш; терминалларда юкларни қайта ишлаш ва юк партияларини расмийлаштириш, юкларни идишларга жойлаштириш (упаковка қилиш), юкларни маркировка қилиш, пакетларни тайёрлаб шакллантириш;

▪ контейнерларда юклар ташишни ташкиллаштириш;

▪ миқознинг маҳсулотларни (хомашёларни) терминалда сақланишини таъминловчи омборхона хизматларини кўрсатиш;

▪ юкларнинг ҳар хил транспорт турлари қатнашувида ташилишини ташкил этиш; темир йўл станцияларига, терминалларга, дарё портлари ва аэропортларга юкларнинг (контейнерларнинг) ташиб киритилишини (ташиб олиб чиқилишини) ташкил этиш, юк жўнатувчидан юкни қабул қилиб олувчига бутун ташув жараёнига тўлиқ жавобгарлик билан юкларнинг ўз вақтида ва сифатли магистрал ташувини таъминлаш;

▪ барча операциялар ва товар ҳаракатлари учун марказлашган ҳисоб-китобни жорий этиш;

▪ юкнинг, транспорт воситасининг қаерда эканлигини назорат қилиш бўйича, турли хилдаги транспорт воситаларида юклар ташишнинг таннархлари ва тарифлари ҳақида, умуман товарларнинг ҳаракатланиши ҳақида қоғозсиз ҳужжатлар айланишини жорий этиш орқали миждозларни ахборот билан таъминлаш;

▪ юкларни суғурта қилиш ва бутун йўл давомида уларни кузатиб бориш, юкларни омборхоналарга жойлаштириш, қайта юклаш ва ташиш вақтида қўриқлаш хизматларини кўрсатиш;

▪ ҳам ташувчиларга, ҳам хизмат кўрсатиладиган миждозларга қандай транспорт тури ва қанақа ҳаракатланувчи қисми, юкларни етказиб берилиш маршрутларини, “just-intime” туридаги хизмат кўрсатишни ташкил этиш, махсуслаштирилган ҳаракатланувчи қисм турларини қўллаш бўйича консультатив ва воситачилик хизматларини кўрсатиш; ташувчи билан миждоз ўртасида ташиш ва комплекс транспорт – экспедиция хизмати кўрсатилишига шартномалар (контрактлар) тузилишида воситачилик функцияларини бажариш. Коммерция воситачилиги кейинчалик юкларни сотиш ҳуқуқи билан сотиб олишни ҳам кўзда тутиши мумкин.

Комплекс транспорт – экспедиция хизмати кўрсатилишини ташкил этиш, айниқса, бир неча хил транспорт турлари ҳамкорликда ишлаганда муҳим аҳамият касб этади.

#### **4.6. ЭИЗларда автомобиль транспорт корхоналари фаолият самарадорлигини таъминлашнинг логистик аҳамияти ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари**

Автотранспорт корхонаси – бу истеъмолчиларни ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида самарали қондиришга хизмат қиладиган мустақил хўжалик ҳисобида иш юритувчи ва ўз фаолиятини амалга ошириш борасида иқтисодий режалаштириш, ишлаб чиқариш техник-технологик жараёнларини амалга оширувчи ташкилотдир.

Автокорхонанинг асосий функцияси – истеъмолчиларни ташишга бўлган эҳтиёжини ўз муддатида ва сифатли қондириш ташқи муҳитда амалга оширилади. Бу функция моддий жиҳатдан “ҳайдовчи-харакатланувчи таркиб” (Х-ҲТ) томонидан амалга оширилади. Автокорхонадаги “Х-ҲТ” элементлари тўплами унинг ҳайдовчилар коллективи ва ҳаракатланувчи таркиблар паркини ташкил этади. Корхонадаги барча автомобиллар, автобуслар, енгил

автомашиналар, тиркама ва ярим тиркамалар руйхатга олинади. Янги сотиб олинган АВ руйхатга киритилади, эски ишга яроқсизлари руйхатдан чиқарилади. Руйхатдаги барча АВ ҳар куни ишга чиқавермайди, улардан бир қисми техник қаров, таъмирлаш ишларини бажариш учун бошқа бир қисми эса, хайдовчилари ишга чиқмагани учун корхонада қолади. Шунини таъкидлаш жоизки, автокорхонада бажарилаётган барча ишлар ёки “Х-ХТ” элементларига хизмат кўрсатиш ёки бу элементларга хизмат кўрсатувчи унинг бошқа қисм ва элементларга хизмат кўрсатишга қаратилган бўлади. Бунда хизмат кўрсатиш деганда кенг маънода автокорхонани турли қисм ва элементлари ҳолатини талаб доирасида ушлаб туришга қаратилган техник-технологик, режалаштириш, иқтисодий, ташкилий ишлар назарда тутилади.

Автокорхонанинг I-чи локал тизими фаолияти натижасида корхонанинг ташиш ва ҳаракатланувчи таркиблар техник ҳолатини талаб доирасида таъминлаш борасидаги режалаштириш, уларни молиявий ва бухгалтерия хизматини кўрсатишга оид барча ишларни бажариш кўзда тутилади. Бу қисмни асосий мақсади автокорхонани барча локал тизимларини ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини молия-иқтисодий таъминлаш, ҳисобини олиб бориш ва натижаларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Автокорхона тизимининг II-чи қисми ҳаракатланувчи состав паркини техник ҳолатини доимий режали техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёжга мувофиқ таъмирлаш ва янгилаштириш асосида талаб доирасида ушлаш тадбирларини амалга оширишга қаратилгандир.

Корхонанинг III-чи локал тизими фаолияти ташиш жараёнларини бошқариш ва автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланиш масалаларини ечишга қаратилгандир, IV-қисм фаолияти эса корхонани меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва сифатли қондиришга бағишлангандир.

Автокорхонанинг юқорида баён этилган локал тизимлари фаолиятларини натижалари III-қисм чиқиши билан қўшилган ҳолда маълум бир ажратилган ҳудуд доирасидаги истеъмолчиларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш жараёнларини ташкил этиш учун лозим бўлган техник-технологик, режалаштириш ва иқтисодий шароитларни шакллантиради. Автокорхона чиқишининг асосий компонентлари сифатида ташиш жараёнини амалга ошириш учун истеъмолчилар объектларига юборилувчи

“Х-ХТ” элементлари ва “ХТ”нинг талаб доирасидаги техник ҳолати ва ёнилғи материаллари билан таъминланганлиги ҳамда ҳайдовчиларга берилган кунлик иш топшириқлари, рағбатлантириш ўлчовлари ва механизмларини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари маршрутдаги ташиш жараёнида “Х-ХТ” элементи фаолиятини ҳисоб-китобини олиб бориш, назорат этиш ва диспечерлик бошқарувини амалга ошириш ишлари ҳам корхонанинг чиқиш компонентлари ҳисобланади.


Автокорхонанинг чиқиш компонентлари истеъмолчилар чиқиши элементлари-юк ва йўловчи ташишни рағбатлантирувчи меъёрлар ва талаблар билан биргаликда “истеъмолчиларга ташиш хизматини кўрсатиш тизими киришининг тегишли компонентларини ташкил этади. Мазкур қисм эса динамик тизим бўлиб, қуйидаги элемент ва локал тизимлар ўзаро таъсири натижасида ўз фаолиятини рўёбга чиқаради:

- ҳайдовчи ва ҳаракатланувчи таркиб;
- йўл ва йўлда ҳаракатланиш шароити;
- юк, йўловчи жўнатиш ва қабул қилиш воситалари, механизмлари ва ҳужжатларни расмийлаштириш таркиби.


Шундай қилиб, автокорхонани локал тизимлари ва қисмлари томонидан ўзларига бириктирилган функцияларини ўзаро алоқадорликда бажариши унинг асосий вазифаси – истеъмолчиларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш талабини самарали бажаришга имкон беради. Корхонанинг асосий вазифасини бошқарувчи локал тизим юқорида айтилганидек, бу ҳайдовчилар ва ҳаракатланувчи таркиблар тўплами бўлиб, қолган барча қисмлар унинг техник ҳолати ва ишлаш қобилиятини таъминлаш ва рағбатлантиришга қаратилгандир.

Агар ҳаракатланувчи таркиблар паркини тизим сифатида қарасак, уни элементлари бўлиб табиий равишда адлҳида ХТ бирликлари ҳисобланади. Улар бир-бирларидан ХТ турлари бўйича (автомобил, автопоезд, рефрежиратор ва ҳоказо) ва қўлланилаётган автомобил, тиркама ва ярим тиркамалар моделлари билан фарқ қилади. Мазкур тизимда албатта элементлари бир хил бўлган бир жинсли тизимчаларни (қисмларни) ажратиш мумкин: масалан, бир хил моделдаги ўзи ағдаргич автомобиллар ёки бортли, яъни универсал кузовли автомобиллар ёки бир хил моделдаги автомобил ва тиркамалардан иборат автопоездлар. Таҳлил этишда кўзда тутилган

мақсадларга мувофиқ автомобиллар паркидан бир жинсли қисмларни ажратишда элементларни эксплуатацион хусусиятлари, масалан техник-эксплуатацион ва тортув динамик имкониятлари-двигателни қуввати, ҳаракатланиш тезлиги, юк кўтарувчанлиги, кузовни сиғими, ташишдаги унумдорлиги ва ҳоказо.



4.17-расм. Автомобиль транспорти корхонаси.



4.18-расм. Корхонада логистик тизимни яратиш концепцияси.

Ҳозирги босқичда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши куйидагиларни янгича ёндошиш билан боғлиқ:

- хужалик юритувчи объектлар фаолият юртишининг ўзгариши;
- даврнинг давомийлиги ва уни ташкил қилиш жараёнини қисқартиришни;
- таъминловчи етказиб беришнинг юқори даражадаги тайёрлиги;

▪ барча даражалар ва босқичлардаги ишлаб чиқариш ва таъминот ҳамда

▪ сотишнинг мослашувлиги;

▪ омборхона захираларининг энг кам бўлган ҳолда етказиб беришни аниқлиги.

Корхоналарда логистиканинг асосий вазифаси корxonанинг энг кам харажатлар билан бозор шароитига энг кўп мослашувидан иборат.

Логистика бу ҳаммадан аввал, лойиҳалаш, ривожланиш, амалга ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва назорат қилиш, моддий техник таъминот, маҳсулотларини сотиш ва корxonани фаолият кўрсатишининг техник ва тижорат соҳаларидаги қизиқтирувчи барча масалаларни ўзаро боғланган ҳолда ўрганувчи фан.

Корхонадаги логистик тизим моддий, ахборот оқимлари ва молиявий соҳани қамраб олиши керак, чунки якуний натижада логистиканинг самарадорлиги рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш билан белгиланади.

Моддий оқимларни мувофиқлаштириш транспорт, ортиш, тушириш, қайта ортиш, манипуляция (мураккаб ҳаракатлар) қилиш ва омборга жойлаштириш масалаларини вақт бўйича комплекс ҳал қилишни назарда тутаяди, бунда моддий ва ахборот оқимларининг кўшилиши таъминланиши зарур.

Логистик моделларнинг қурилиш маркетинг ахборотининг таҳлилидан бошланади. Логистик бўйича мутахассислар маркетинг маълумотлари ва корхона имкониятлари асосида логистик тизимни тузадилар.



4.19-расм. Корхоналар рию қиладиган қонда.

Маркетинг талабларини ҳисобга олган ҳолда логистик тизимни босқичма босқич ривожланиш жараёни 39 расмда қисқа таразда келтирилган. Куришиб турибдики, логистиканинг ривожланиши маркетинг тадқиқотлари билан ҳамбарчас боғланган, бу якуний натижада бозорга йуналтирилган логистиканинг маркетинг билан интеграция қилишга имкон беради.

Корхоналардаги захира миқдорларини пасайтириш кўп жиҳатдан транспорт хизматининг сифатига боғлиқдир. Агар захира-лар миқдори маълум бир критик даражага пасайганда ташиб келтириладиган юклар ҳисобига тўлдириб турилса ва бу фаолият тасодифлар таъсиридан кам ўзгарса, бунда корхона запасларини ва ва улар билан боғлиқ харажатларни бирмунча камайтириш мумкин.

Бундан ташқари истеъмолчининг эҳтиёжини ўз вақтида қондирмаслик, бу корхонанининг бўш туриб қолишига ва бунинг оқибатида иқтисодий зарар кўришга олиб келади. Захиралар назариясида бу зарарнинг қийматини – жарима тўлаш деб ҳам аталади, яъни корхона ишининг бетўхтовлиги таъминламаса маълум миқдорда жарима тўлашга тўғри келади. Захираларнинг бошқаришнинг мазмуни уларни тўлдиришнинг оптимал моментлари ва ҳажмларини аниқлашдан иборат бўлади. Бу масалаларни ҳал қилишда маълум қоидалар мажмуидан – захираларни бошқариш стратегиясидан фойдаланилади. Оптимал стратегия – захираларни тўлдириш, сақлаш ва етмай қолганда тўланадиган штрафларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни минимумини таъминлайдиган стратегиядир. Шундай қилиб, ташиш ҳажмларини бошқариш – бу захираларни оптимал стратегиялари воситасида бошқариш демакдир.

Ҳар қандай харид қилиш корхонанинг материал ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлашдан бошланади. Бу босқичда нимани, қачон ва қанча харид қилишни аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда эҳтиёжни турларини, уни аниқлаш услубияти ва усулларини билиш зарур. Корхона эҳтиёжининг таркибий тузилмаси 4.19- расмда келтирилган.


Корхонани материал ресурсларга бўлган эҳтиёжи – бу уни ишлаб чиқариш дастури ёки мавжуд буюртмаларни бажариш учун маълум бир муддатга етказиб келиш лозим бўлган материал ресурслар ҳажмидир.

Корхонани МР ларга бўлган эҳтиёжи – бу унинг ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун лозим бўлган брутто эҳтиёж ва захира

кўринишида сақланаётган хом ашё, материал ва бутловчи кўринишидаги минимал ҳажмини ўз ичига олади.

Корхонанинг МР га бўлган брутто эҳтиёжи – бу фақат ишлаб чиқариш дастурини бажаришга мўлжалланган ҳажми бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар захираси ҳисобга олинмайди.

Нетто (тоза) эҳтиёж – бу ишлаб чиқариш дастурини иш жойларида ва тайёр маҳсулотлар захираси кўринишида сақланаётган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда бажариш учун лозим бўлган хом ашё ва маҳсулотлар ҳажмидир.



#### 4.20-расм. Корхонани материал ресурсларга бўлган эҳтиёжини таркиби

Ресурсларга бўлган эҳтиёжларни асосли равишда аниқлаш учун турлича усул ва услубиятлари ишлаб чиқилган. Мумкин эҳтиёжни аниқлашни детерминаллашган, эҳтимолий ва эксперт таҳлил усуллари кўрсатиш мумкин. Корхонанинг МР га бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун қуйидаги босқичлар кетма-кетлиги бажарилади:

❖ МР га бўлган брутто эҳтиёжни ишлаб чиқаришни асосий жадвалга мувофиқ аниқлаш;

❖ Мавжуд захираларни ва келиб турувчи буюртмаларни ҳисобга олган ҳолда нетто эҳтиёжни аниқлаш ва мазкур эҳтиёжга мувофиқ ишлаб чиқариш жадвалини тузиш;

❖ Тузилган жадвалга мувофиқ бажарилиши лозим бўлган буюртмаларни ҳажмини ва вақтини белгилаш.

❖ Таъминотнинг энг муҳим масалаларидан бири бу эҳтиёжни таъминловчи ташкилотни танлашдан иборат.

Маркетинг ва сотишда назорат қилинмайдиган ташқи омиллар: истеъмолчи ёки фойдаланувчининг одатлари ва хизматлари; рақобат; савдо анъаналарини, давлат томонидан назорат; технологик, ижтимоий-маданий; иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омилларни таъсирини ҳисобга олиш зарур.

Бу доиранинг ҳаракатчанлиги, мосланувчанлиги мувофақиятнинг гаровидир.

Шу муносабат билан “Ангрен логистика маркази” ЁАЖ автотранспорт воситалари GPS – мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия қилинади.

Автотранспорт мониторинги ва назорати тизими транспорт воситаларининг 310 дан 500 тасигача хизмат қилиш кўламини кенгайтириш имкониятига эга.

Тизим асосида Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида турли мақсадларда фойдаланиладиган транспорт воситаларини автоматик назорат қилиш ва бошқариш учун мўлжалланган техник воситалар комплекси ва дастурий таъминотини таъминлаш тушунилади.

Оператив диспетчер бошқаришининг автоматлашган тизими глобал позицион GPS тизимини қўллаши ва у асосида логистик марказнинг диспетчерлик пунктига GPRS тармоқлари орқали маълумот узатиши зарур.

#### **4.7. ЭИЗларда транспорт фаолиятини ривожлантириш чора тадбирлари**

Транспорт-логистик хизматлар қўрсатувчи қувватлар транспорт хизмати қўрсатиш бозорнда моддий оқимларнинг ҳаракатини таъминловчи инфратузилма таркибига кирувчи восита, қурилиш ва иншоотлар назарда тутилади. Транспорт-логистик инфратузилманинг таркибий тузилиши ўта мураккаб бўлиб, ўз ичига ҳаракатдаги воситалар, ортқиш-тушуриш механизмлари, терминаллар, омборхоналар, техник, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, иншоотлар ва ҳоказалардан иборат бўлади. Транспорт-логистик хизматлар қўрсатувчи қувватларни ривожлантириш энг аввало, транспорт хизматлари бозорининг сифими ва конъюнктурасига боғлиқ бўлиб, мамлакат ва ҳудудий иқтисодий

муносабатлар кўлами доирасида амалга оширилувчи жараён саналади. Бунда транспорт-логистик хизматлар бозорида доимий равишда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш талаб этилади. Ушбу тадқиқотлар натижасида аниқланган транспорт-логистик хизматлар бозори сифими ва унда транспорт турларининг эгаллаши мумкин бўлган улушига кўра транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг қувватларини режалаштириш ва зарурий ҳолларда уларни модернизациялаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин. Транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи қувватлар транспорт бозорида вужудга келувчи хизматлар ҳажмини қондириш имкониятини яратиши нуқтаи-назаридан ривожлантириб борилиши мақсадга мувофиқдир. Мутахассислар транспорт-логистик хизмат кўрсатувчиларнинг ишлаб чиқариш қуввати, деган иборани ҳам ишлатишади. Транспорт-логистик хизмат кўрсатувчиларнинг ишлаб чиқариш қуввати оқилона ишлаб чиқариш шароитларида, белгиланган муддатлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда йил давомида миқдорларга кўрсатиш мумкин бўлган хизматлар йиғиндиси тушунилади. Ишлаб чиқариш қуввати транспорт-логистик хизмат кўрсатувчи корхонанинг моддий техник имкониятлари ва хизмат кўрсатишнинг технологик хусусиятлари билан аниқланади. Ишлаб чиқариш қуввати даражасига таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторига корхона ходимларини киритиш мумкин. Айнан ходимлар, корхона ишлаб чиқариш қувватлари ниҳаракатга келтиради, ўз малакаси, интизоми, ишга масъулияти, ресурсларни тежамкорона ишлатиши орқали унинг самарадорлигини белгилайди. Одатда, ходимлар ишлаб чиқаришда қўлланилувчи техника ва технологияларни ўзлаштириб борган сари, унинг лойиҳадаги қуввати ошиб боради. Демак, лойиҳадаги ишлаб чиқариш қувватининг вақт ўтиши билан ортиб бориши, яъни ривожланишида ходимларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати натурал ва қийматли бирликларда ўлчанади. Масалан, натурал кўрсаткичлар: меъёрий соатларда, киши соатларда ва кунларда ўлчанувчи ишчи кучи харажатлари ва ҳ.к., қийматли кўрсаткичлар: асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналарида бўлгани каби, транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик ҳолатлари бўлади. Шунинг учун, транспорт-

логистик хизмат кўрсатувчиларнинг уч турдаги қувватларини фарқлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ❖ тўлиқ (салоҳиятли) ишлаб чиқариш қуввати;
- ❖ фойдаланувчи ишлаб чиқариш қуввати;
- ❖ захирадиги ишлаб чиқариш қуввати.

Ишлаб чиқариш қуввати салоҳияти фойдаланилувчи ва захирадаги ишлаб чиқариш қувватларининг йиғиндисига тенг бўлади

$$\text{ТИҚ} = \text{ФИҚ} + \text{ЗИҚ} \quad (4.1)$$

Бунда ТИҚ – тўлиқ (салоҳиятли) ишлаб чиқариш қуввати;

ФИҚ – фойдаланувчи ишлаб чиқариш қуввати;

ЗИҚ – захирадиги ишлаб чиқариш қуввати.

Тўлиқ ишлаб чиқариш қуввати транспорт-логистик хизматлари кўрсатувчи корхоналар ишлаб чиқариш қуввати салоҳиятини билдирса, фойдаланиладиган қувват корхона томонидан ҳақиқатда ишлатилаётган ишлаб чиқариш қувватини кўрсатади, захирадаги қувват эса корхонада фойдаланишда бўлмаган ишлаб чиқариш қувватлари миқдорини билдиради.

Транспорт-логистика хизмати кўрсатувчиларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш учун фойдаланиш коэффицентини ишлатишади:

$$\mu_n = \frac{\text{ФИҚ}}{\text{ТИҚ}} \quad (4.2)$$

Корхоналарнинг захира имкониятларини баҳолашда захира қуввати коэффиценти ишлатилади ва қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$\mu_n = \frac{\text{ЗИҚ}}{\text{ТИҚ}} \quad (4.3)$$

Шуни кайд этиш жоизки, бу икки коэффицент ўртасида тескари боғлиқлик мавжуддир. Транспорт-логистика хизматлари таснифида транспорт хизматлари алоҳида ўринга эга бўлиб, автомобиль транспорти хизматлари ушбу хизматлар ичида кўлами ва нуфузи буйича транспорт-логистика хизматлари бозорида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мазкур тадқиқот доирасида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатувчиларнинг ишлаб чиқариш қувватини шархлашга ва унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилди. Автомобиль транспортида “ишлаб чиқариш

қуввати” атамаси, одатда “тишиш қобилияти” атамаси билан алмаштирилиши мумкин. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “тишиш қобилияти” атамаси умуман автомобиль транспорти корхонаси учун хос бўлиб, корхонанинг алоҳида тузилмаларига нисбатан эса, “ишлаб чиқариш қуввати” атамаси ишлатилади.

Демак, автомобиль транспорти корхонасига хос бўлган ташиш қобилияти атамаси транспорт-логистика хизмат кўрсатувчилар учун фақат моддий неъматларни бир жойдан иккинчи ташиб бериш функциясига тегишли бўлиб, ТЛХнинг ташиш билан боғлиқ булмаган (ортиш-тушириш, омборхона, кузатиб бориш, қадоқлаш ва х.к хизматлар) функцияларига нисбатан “ишлаб чиқариш қуввати” иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Транспорт-логистика хизматлари кўрсатувчиларининг ташишдан бошқа функциялари ТЛХ тизимининг асосий ташкил этувчиси бўлган моддий оқимларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базани ташкил этади. Айнан моддий-техник база (ҳаракатдаги воситалар, таъмирлаш жиҳозлари, бино иншоатлари, омборхоналар, ортиш-тушириш қувватлари ва х.к) транспорт-логистика хизматларининг мумкин бўлган ҳажмини амалга ошириш имкониятини яратади.

Транспорт-логистика хизмати кўрсатувчиларни маълум бир ҳудудда жойлаштиришда қуйидаги ахборотга эга бўлиш талаб этилади:

- ❖ моддий оқимларнинг мумкин бўлган ҳажми;
- ❖ моддий оқимларни амалга ошириш шарт-шароитлари;

Бу икки кўрсаткич транспорт-логистика хизмати кўрсатувчиларининг ишлаб чиқариш қуввати: ташиш қобилияти ва моддий-техник таъминот қувватини лойиҳалаштиришда қўлланади.

Транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг ташиш қобилияти қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$W = q_c \gamma \beta \sum L \quad (4.4)$$

Бунда

$q_c$  – ҳаракатдаги восита бирлигининг ўртача юк кўтариш қобилияти, Т

$\gamma$  – юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти

$\beta$  – юрилган йўлдан фойдаланиш коэффициенти

$\sum L$  - ҳаракатдаги воситаларнинг йиллик умумий босиб ўтган йўли, км.

Ушбу субъектларнинг моддий-техник таъминот қуввати мазкур моддий-техник база томонидан таъминланган умумий босиб ўтилган масофага тенг деб олинади.

$$M_T = \sum L \quad (4.5)$$

Транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ташиш қобилиятининг моддий-техник ишлаб чиқариш қувватига нисбати ТЛХ кўрсатувчи субъектнинг моддий оқимларни таъминлаш коэффициенти сифатида белгиланиши мумкин ва бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

$$\varepsilon = \frac{W}{M} = \frac{q_c \gamma \beta \sum L}{\sum L} \quad (4.6)$$

Бундан қуйидаги келиб чиқади:

$$\varepsilon = q_c \gamma \beta \quad (4.7)$$

Демак, 4.7-ифодага кўра

$$\sum L = const \quad (4.8)$$

Бўлганда, яъни транспорт-логистик хизматлар кўрсатувчи субъектнинг ўзгармас моддий-техник базаси қувватида унинг ташиш қобилияти нинг миқдорига боғлиқ равишда турлича бўлар экан ва аксинча  $W$  нинг ўзгармас даражасига эришиш учун эса, турлича моддий-техник база талаб этилади.

$$\varepsilon = q_c \gamma \beta \quad (4.9)$$

Транспортлогистик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш қуввати тушунчасига аниқлик киритиш бу қувватни ривожлантириш ва унга асосан транспорт-логистика бозорида фаолият юритиши мумкин бўлган субъектлар сони ва уларни оқилона жойлаштириш масаласига ойдинлик киритишга ёрдам беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ТЛХ кўрсатувчи ҳар

қандай субъект маълум бир ҳудудда фаолият юритади, ҳамда шу ҳудуд иқтисодиётига бевосита боғлиқ бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида, ТЛХ кўрсатувчи субъектлар ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши улар фаолият юритувчи ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига тўғри пропорционал равишда амалга ошади, деб таъкидлашга асос бўла олади.

Худунинг иқтисодий ривожланиши оқибатида вужудга келувчи қўшимча моддий оқимларни амалга ошириш учун мавжуд ТЛХ кўрсатиш субъектидан ташқари ТЛХ бозорида бошқа субъектлар ҳам рақобатда фаолият юритиши мумкин. Шу сабабли ТЛХ кўрсатувчи субъект ўз ишлаб чиқариш қувватини доимий модернизациялаш билан бирга уни ривожлантириш масаласига жиддий ёндашув талаб қилади.

Замонавий транспорт-логистик марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш доирасида инфратузилмавий муаммоларни эчимини топиш, шу билан бирга замонавий транспорт-логистик инфратузилма мажмуасини барпо этиш халқаро талаблардан бири ҳисобланади (4.21-расм).

Транспорт-логистик инфратузилмаси, яъни логистик хизматларни ташкил этиш учун ахборот тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш, омборхона, транспорт ва уларнинг таъминоти логистик фаолиятни ривожлантириш ҳамда халқаро логистик рақобатга дош берадиган асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Мавжуд ЭИЗ ларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва янгиларини яратишнинг долзарблиги бўйича бир қатор хулосаларни қилиш мумкин:

Биринчидан, ЭИЗ ларда қулай муҳитни яратиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун уларни ишлаб чиқаришнинг алоҳида турларига ихтисослаштиришга катта эътибор қаратилади. Муваффақиятли ва муваффақиятсиз ЭИЗ лар ўртасидаги фарк фаолиятнинг либераллаштирилганлик даражаси, солиққа тортишнинг самарадорлигидан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ЭИЗ лар ўзида Ўзбекистоннинг стандарт қонунчилигининг таъсир доирасидан ташқарида жойлашган, кўпроқ жалб қилувчан шарт-шароитларга эга бўлган махсус ажратилган ҳудудни тақдим қилиши лозим. ЭИЗ да бизнес харажатларини камайтириш учун бошқариш тизими, молия тизими ва корпоратив тузилиш халқаро стандартларга мувофиқ ташкил қилинган бўлиши лозим. Яшаш

шароитларини яхшилаш хорижий инвесторларнинг кўчиб келиши ва уларнинг ЭИЗ худудида фаолиятни ташкил қилишига кўмаклашади.

Иккинчидан, фақатгина ЭИЗ ни бошқаришнинг кенг ваколатларга ва маҳаллий, минтақавий ва миллий даражадаги давлат органларида ўз сўзига эга бўлган, ва ЭИЗ нинг ривожланиши учун жавобгар бўлган мустақил тизимигина унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қодир бўлади. ЭИЗ раҳбариятининг инвесторлар ва резидент корхоналарнинг муаммоларини ҳал қилиш, инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш, худудларни ривожлантириш бўйича имкониятларининг чекланганлиги анъанавий тарзда ЭИЗ ни яратишда қўйилган мақсадларнинг бажарилмаслигига олиб келади.



4.21-расм. Замонавий транспорт-логистика инфратузилмасининг умумий кўриниши.

Учинчидан, Ҳукумат мамлакатнинг умумий саноат ва иқтисодий стратегиясини ва уни амалга оширишда ЭИЗ ларнинг ўрнини белгилаш билан ЭИЗ ларни иқтисодий ривожлантиришнинг драйвери бўлиб хизмат қилиши лозим.

Тўртинчидан, аксарият мамлакатларда ЭИЗ лардан иқтисодий сиёсатнинг механизмлари ва инструментларини синовдан ўтказадиган полигонлар сифатида фойдаланилади, бу механизмлар ва инструментлар кейинчалик мамлакатнинг қолган ҳудудига тарқатилади. Бундан ташқари, ЭИЗ лардан хорижий компанияларнинг Ўзбекистон бозорларига ва у орқали қўшни мамлакатларнинг бозорларига киришни осонлаштириш учун фойдаланилади. Натижада мамлакат иқтисодиётининг экспортга йўналтирилиши рағбатлантирилади, халқаро бозорда технологиялар ва компанияларнинг фаолият юритиш тажрибасини фаол трансфер қилиш содир бўлади, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳолининг турмуш даражаси ортади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг муваффақиятлилигининг шу ва бошқа омилларини ҳисобга олиш, ЭИЗ ларнинг фаолият кўрсатишининг ижобий тажрибасини мунтазам равишда мониторинглаш, ва шундан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликни, ЭИЗ ни бошқариш тизими ва ЭИЗ нинг фаолиятини ташкил қилишни, инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини доимо такомиллаштириб бориш ва инвесторларга ўзларининг ишлаб чиқаришларини ЭИЗ ҳудудига жойлаштиришга кўмаклашиш ЭИЗ ларнинг фаолият кўрсатишининг самарадорлигини ошириш, корхоналарнинг фаолият юритиши учун махсус шарт-шароитларга эга бўлган янги ҳудудларни яратишга кўпроқ рационал тарзда ёндашиш учун зарур бўладиган керакли тажрибани тўплаш имконини беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрда қабул қилинган ПФ-4853-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони.
3. Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш Халқаро конвенцияси Япония. Киото ш., 1973 йил 18 май.
4. United Nations Industrial Development Organization, 1980, 6
5. International Labour Office, 2006.  
[http://www.ilo.org/public/english  
/dialogue/sector/themes/epz/typology.htm](http://www.ilo.org/public/english/dialogue/sector/themes/epz/typology.htm)
6. С.В.Приходько, Н.П.Воловик «Особые экономические зоны» Масква ИЭПП.
7. National Association of Free Trade Zones, 2015
8. Foreign Trade Resource Center, 2016 b
9. U.S. Customs and Border Protection, 2016
10. McGilvray, 2004, 10–11
11. Canada Revenue Agency, 2001
12. Бюллетень иностранной коммерческой информации, №27, 2011 13.03.
13. Анализ перспектив китайской экономики-весенний доклад 2015 г. Под.ред. Чэнь Цзягуй.-Пекин, 2019.с.157-158., <http://russian.china.org>.
14. Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки маълумотлари.

15. Китайская Народная Республика в 2017 г. Политика, экономика, культура, М., “Русская панорама”, 2008, с.137.”

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Республикамиз ҳукумати томонидан 1996 йил «Эркин иқтисодий ҳудудлар» 220-1 сонли қонуни қабул қилинди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 июлдаги №190 “2013-2015 йилларда “Жиззах” махсус саноат зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникацион инфратузилмасини жадал ривожлантириш чоралари тўғрисида” Қарори.

20. Транспортная логистика /Под ред. Л. Б. Миротина. М.: Транспорт, 1996

21. А. Уваров. Логистика.-СПб.: «Инвест-НП», 1996

22. Неруш Ю.М. «Логистика», ЮНИТИ, 2000 г

23. Молокович А.Д. Транспортная логистика. Минск. “Издательство Гревцова” 2014.

24. Галахов В.И., Б.А. Левин, В.Н. Морозов, В.В. Шашкин. Мультимодальные транспортные коридоры (системный подход). - М.: Транспорт, 2001. - 71 с.

20. Даржимовий А.М. Логистика: Учебник. 11-е изд – М.: Издательско-книжная корпорация «Дашков и К», 2005. – 432 с.

21. Дроздов Н.Н., Персианов В.А. Управление на транспорте: Учебник для вузов. – М.: Транспорт, 1990. – 336 с.

22. Дроздов А.П., Галабурда В.Г., Иванова Е.А. Маркетинг на транспорте / Под ред. В.Г. Галабурды. - М.: ИПК Желдориздат, 2001 - 307 с.

Экспорт манбалар

1 <http://ia.ita.doc.gov/ftzpage/annual&report.html>

2 <http://russian.china.org>

3 [www.china.org.cn/e-news/news/060912-3](http://www.china.org.cn/e-news/news/060912-3)

4 The Export-Import Bank of Korea

5 [www.ifez.go.kr](http://www.ifez.go.kr)

6 [www.ang.ifez.go.kr](http://www.ang.ifez.go.kr)

7 [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

8 [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

9 [www.UzA.Uz](http://www.UzA.Uz)

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>I БОБ. ЭИЗ ЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1.1. Савдо зоналари.....	11
1.2. Саноат-ишлаб чиқариш зоналари.....	12
1.3. Техник-жорий қилиш зоналари.....	18
1.4. Сервис зоналари.....	18
1.5. Мажмуавий ЭИЗ лар.....	20
1.6. ЭИЗ ларнинг типологияси.....	20
<b>II БОБ. ЭИЗ ЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНING ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ</b>	
2.1. Ғарбий Европа.....	27
2.2. АҚШ.....	31
2.3. Лотин Америкаси ва Кариб ороллари.....	36
2.4. Япония.....	58
2.5. Хитой Халқ Республикаси (ХХР).....	65
2.6. Венгрия.....	104
2.7. Португалия.....	108
2.8. Туркия.....	111
2.9. Филиппин.....	115
2.10. Миср.....	118
2.11. Ҳиндистон.....	121
2.12. Эрон.....	125
2.13. Канада минтақавий ривожланиш тажрибаси.....	127

2.14.	Россияда ЭИЗ ларнинг яратилиш тарихи.....	144
2.15.	Корея Республикасидаги эркин иқтисодий худудларнинг ривожланиши.....	149
<b>III БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	
3.1.	Ўзбекистонда ЭИЗ ларнинг яратилиши ва фао- лият кўрсатишининг меъёрий-ҳуқуқий базаси.....	158
3.2.	“Навоий” ЭСИЗ, “Ангрен” ва “Жиззах” МСЗ ларнинг фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятлари.....	163
3.3.	Ўзбекистондаги мавжуд ЭИЗ ларнинг потенциали.....	169
3.4.	ЭИЗ ларнинг яратилиши ва фаолият кўрсатишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш.....	181
3.5.	ЭИЗ ларнинг фаолиятини бошқаришдаги институционал ислохотлар.....	187
3.6.	ЭИЗ лар тармоғини кенгайтириш ва инвесторларни жалб қилишни фаоллаштириш....	191
<b>IV БОБ.</b>	<b>ЭИЗ ЛАРДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
4.1.	Логистиканинг алоҳида фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....	197

4.2. Транспорт-логистик оқимлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	209
4.3. Транспорт-логистиканинг ўзига хос хусусиятлари ва уни тадқиқ қилиш.....	219
4.4. Ўзбекистонда мавжуд логистик марказларнинг ишлаб чиқариш –хўжалик фаолияти таҳлили.....	228
4.5. ЭИЗ ларда транспорти фаолиятини самарали бошқариш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	231
4.6. ЭИЗларда автомобиль транспорт корхоналари фаолият самарадорлигини таъминлашнинг логистик аҳамияти ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	238
4.7. ЭИЗларда транспорт фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари.....	246
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>254</b>

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА ЛОГИСТИК МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2019

Мухаррир: Ш.Купербаева  
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: А.Шушунов  
Мусахҳиҳа: Ш.Мирқосимова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

Е-mail: [tipografiyasnt@mail.ru](mailto:tipografiyasnt@mail.ru) Тел: 71-245-57-63, 71-245-61-61.  
Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 21.10.2019.  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 16,0. Нашр босма табоғи 16,25.  
Тиражи 100. Буюртма № 190.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

**FAN VA**  
**TEKNOLOGIYALAR**



ISBN 978-9943-5960-0-9



9 789943 596009

